

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

**Қудратов Т. К.
Ибрагимов М. И.**

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ
(Касб-хунар қоллежлари бухгалтерия ҳисоби
йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ- 2005

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида замон талабига жавоб берадиган сифатли кадрлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз олдида турган асосий муаммолардан биридир. Ушбу муаммони самарали ҳал қилиш кўп жиҳатдан талаба ва ўқувчиларни сифатли дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашга боғлиқ. Аммо ҳалигача уларнинг махсус адабиётга бўлган эҳтиёжи етарли даражада қондирилган эмас. Шундай махсус адабиётлар таркибига «Иқтисодий таҳлил» фанини ҳам киритиш мумкин. Ушбу фан бўйича мавжуд бўлган бўшлиқни тўлдириш мақсадида «Иқтисодий таҳлил» фанидан «Бухгалтерия ҳисоби йўналиши» бўйича коллеж ўқувчилари учун ўқув қўлланма яратишга ҳаракат қилдик.

Мамлакатимиз хўжаликларида мавжуд бўлган ер-сув, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва уларни бошқариш ҳамда молиявий фаолиятга жалб этишнинг асосий воситаси бўлиб, иқтисодий таҳлил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодий таҳлилни амалга ошириш ва унинг натижаларидан иқтисодиётни мустаҳкамлашда фойдаланиш учун бўлажак мутахассислар ўқув жараёни даврида унинг асосларини чуқур ўзлаштириб олган бўлиши керак. Шу қонуният давлат таълим стандартларини тузишда ҳисобга олинган бўлиб, унда ўзлаштириши зарур бўлган фанлар акс эттирилган, шу жумладан иқтисодий таҳлил фанига ҳам унда муҳим ўрин ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 2001 йилда «Касб – ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш учун мўлжалланган ўқув режа ва дастурлар» тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ «Бухгалтерия ҳисоби» йўналиши (код 100005) бўйича тасдиқланган ўқув режа ва дастурда «Иқтисодий таҳлил» фанига 84 соат миқдорида (50 соат маъруза ва 34 соат амалий дарс учун) вақт ажратилган. Биз ушбу ҳужжатлар талабларига мос ҳолда ушбу фан бўйича унинг назарий ва услубий асосларини қамраб олган ўқув қўлланмани яратишга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, ушбу ўқув қўлланма «Бухгалтерия ҳисоб» йўналишининг барча ихтисосликларини ўқувчилари учун фойдали ўқув қурол бўлиб қолади.

Ўқув қўлланма «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби», «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби», «Ўрта ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби» ихтисосликлари бўйича ўқиётган ўқувчиларга дарс бераётган ўқитувчилар, ҳамда корхоналарнинг бухгалтерлари, иқтисодчилари учун ҳам мўлжалланган.

Ўқув қўлланма меъёрий ҳужжатлар ва аниқ корхоналарнинг ҳақиқий маълумотлари асосида ёзилди, шунинг учун айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Шу боис муаллифлар ўқувчилар томонидан мазкур ўқув қўлланмада учраган камчиликлар бўйича билдирилган ҳолисона фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилишади.

Бизнинг манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77.

1-Мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни ва аҳамияти.

Режа:

- 1.1. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодий фанлар тизимида тутган ўрни.
- 1.2. Иқтисодий таҳлил тўғрисида тушунча ва унинг аҳамияти.
- 1.3. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва унинг усуллари.
- 1.4. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.
- 1.5. Таянч иборалар.
- 1.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1.1. Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодий фанлар тизимида тутган ўрни.

Иқтисодий таҳлил иқтисодий фанлар таркибига кирувчи мустақил фандир. Иқтисодий фанлар бўлиб, иқтисодий назария, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, статистика, молия, кредит, аудит, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа иқтисодий фанлар ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил фани барча иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқликда бўлади. Иқтисодий таҳлил фани энг аввало иқтисодий назария фани билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий назария иқтисодий категорияларни, яъни қиймат, товар, иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги, фойда каби категориялар ҳақидаги тушунчаларни ҳамда иқтисодий қонунларнинг моҳиятини баён қилади. Унинг қонуниятлари ва методологияси барча иқтисодий фанлар учун, шу жумладан иқтисодий таҳлил фани учун ҳам методологик асос бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий таҳлил ўз навбатида иқтисодиётда содир бўлган ва бўлаётган жараёнларни чуқур ўрганиш билан иқтисодий назария фанининг ривожланиши учун асос яратиб беради.

Иқтисодий таҳлил фани бевосита статистика фани билан ҳам узвий боғлиқликда бўлади. Статистика фани жамиятнинг барча томонларида ва шу жумладан корхоналар фаолиятида содир бўлган ва бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллариини ўргатади. Иқтисодий таҳлил эса улардан таҳлил жараёнида кенг фойдаланади. Статистик ҳисобот маълумотлари иқтисодий таҳлилда ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Хуллас, статистик усуллар ва статистик маълумотлар иқтисодий таҳлилда кенг қўланилади. Иқтисодий таҳлил маълумотлари статистик кўрсаткичларни такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий таҳлил фани бухгалтерия ҳисоби фани билан ҳам узвий боғлиқдир. Иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобининг мантиқий давоми бўлиб ҳисобланади. Умуман олганда таҳлил бухгалтерия ҳисоби негизида юзага келган фандир. Бухгалтерия ҳисоби ҳўжалик фаолиятининг барча томонларида содир бўлган операцияларни сётларда ҳисобга олиш ва уларни умумлаштирган ҳолда ҳисоботларда акс эттириш билан шуғулланувчи фандир. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидаги маълумотлар асосида

иқтисодий таҳлил содир бўлган жараёнларни ва натижаларини ўзаро боғлаган ҳолда ўрганади. Натижада у бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот кўрсаткичларини такомиллаштириш тўғрисида фикрлар беради. Иқтисодий таҳлил маълумотларига асосан бошқарув қарорлари қабул қилинади, унда жараён натижаларига баҳо берилади. Демак, иқтисодий таҳлил ва бошқарув орасида ҳам бевосита боғлиқлик мавжуд. Иқтисодий таҳлил фани молия ва кредит фани билан ҳам, аудит фани билан ҳам, бошқа иқтисодий фанлар билан ҳам узвий боғлиқликда бўлади. Бу эса фанларни ўзаро боғлиқлигини кенгайтиради, мазмун-моҳиятини бойитади.

1.2. Иқтисодий таҳлил тўғрисида тушунча ва унинг аҳамияти.

Таҳлил – грекча «analysis» сўзидан олинган бўлиб, содир бўлган ва бўлаётган жараёнларни бўлақларга бўлиб, қисмларга ажратиб, парчалаб ўрганишни билдиради. Тўлиқроқ қилиб баён қилганда, таҳлил макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиётда содир бўлган ва бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар тўпламини бўлақларга, қисмларга бўлиб ва ажратиб, уларнинг ўзгаришини ва ўзаро боғлиқлигини, ҳамда ўзгаришга омиллар таъсирини ўрганишни билдиради. Ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни қисм ва бўлақларга ажратишда уларнинг умумийлик, бирлик ва боғлиқлик хусусиятлари сақланиб қолиши лозим.

Иқтисодий таҳлилни ўз вақтида уюштириш ва унинг натижаларидан ҳаётда самарали фойдаланиш иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Таҳлил корхоналар фаолиятининг барча томонларида (таъминот, ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятларида) содир бўлган ва бўлаётган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгаришини, ўзгаришнинг сабабларини ўрганади, натижада мавжуд бўлган имкониятларни аниқлайди, уларни хўжалик фаолиятига жалб этиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатади. Бу эса таҳлилнинг асосий мақсадидир. Корхоналарнинг бошқарув ва молиявий фаолиятларини мақсадли ўрганиш, тезкор, жорий ва истиқболли таҳлилларни амалга ошириш асосида, уларнинг ҳолатига ҳар тарафлама баҳо бериш иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмунини ташқил қилади.

1.3. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва унинг усуллари.

Иқтисодий таҳлил фани ҳам бошқа фанлар каби ўзининг махсус предмети ва усуллариغا эгадир. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети бўлиб нима ҳисобланади?

Иқтисодий таҳлил фанининг предмети бўлиб, барча корхоналар фаолиятида объектив ва субъектив омиллар таъсирида рўй берган ва содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижалари ҳисобланади. Бошқача айтганда таҳлил объектив ва субъектив омиллар таъсири остида содир бўлган ва бўлаётган жараёнларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳамда уларнинг натижаларини ўзаро боғлиқликда ўрганади. Таҳлил ўз предметини

ўрганишда иқтисодий ахборотлардан фойдаланади, яъни иқтисодий ахборотлар асосида жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги кенг қамровда ўрганилади.

Иқтисодий таҳлилнинг предметида омиллар асосий ўринни эгаллайди, чунки корхоналарнинг хўжалик фаолиятида юзага келган ва келаётган ҳодиса ва жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлмайди, улар қандайдир объектив ва субъектив омиллар таъсири остида юзага келади. Объектив ва субъектив омилларнинг таъсирини бошқа фанлар ўрганмайди, фақат буларнинг таъсири иқтисодий таҳлилда ўрганилади, шунинг учун ҳам иқтисодий таҳлил фани предметининг негизида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар ва уларнинг таъсирини ўрганиш бежиз қайд қилинган эмас.

Хўжалик фаолиятида содир бўлган иқтисодий жараёнларга қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, маҳсулот таннарни, меҳнат унумдорлиги, моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ва ҳоказо. Шу кўрсаткичларнинг ҳар бирининг шаклланиши ва ўзгаришига маълум миқдордаги омиллар таъсир қилади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўзгаришига биринчи навбатда ходимлар сони билан меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариш таъсир қилади. Демак, ишлаб чиқариш фаолиятида банд бўлган ходимлар сони билан меҳнат унумдорлиги таъсири остида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва унинг ўзгаришини ўрганиш иқтисодий таҳлил предметида мисол бўла олади. Бошқа иқтисодий жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам шунга ўхшаш намоён бўлади ва омиллар таъсири остида ўрганилади.

Иқтисодий таҳлилнинг предметини ўрганиш усуллари унинг методини тавсифлайди. Бошқача айтганда предметни ўрганишда қўланиладиган усуллар йиғиндиси таҳлилнинг методи бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда қўланиладиган усуллар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

1. Статистик усуллар;
2. Иқтисодий математик усуллар.

Кенг тарқалгани статистик усуллардир. Шулар жумласига солиштириш, кўрсаткичлар фарқи, занжирли боғланиш, балансли боғланиш, индекс усуллари киради. Шулар орасида иқтисодий таҳлилда кенг қўланиладиганлари кўрсаткичлар фарқи ва занжирли боғланиш усуллари дир. Шунинг учун бу икки усул мазмун моҳиятига тўхталдик.

Кўрсаткичлар фарқи (фарқлаш) усули.

Кўрсаткичлар фарқи усули – бу ҳодисалар орасидаги боғланиш функционал кўринишда бўлган тақдирда ишлатилади. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, натижа кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун таъсири аниқланаётган омиллар орасидаги фарқни қолган омилларнинг миқдorigа кўпайтирилади.

Иқтисодий ҳодисанинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ўз навбатида икки гуруҳга бўлиниб ўрганилади, яъни миқдорий ва сифатий омилларга бўлинади.

Агар ҳодисанинг (натижанинг) ўзгаришига икки омил таъсир қилса, уларнинг таъсири қуйидаги тартиб бўйича аниқланади.

Натижанинг ўзгаришига миқдор омилининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги миқдор омил билан базис давридаги (ёки режалаштирилган) миқдор омил орасидаги фарқни базис давридаги сифатий омилга кўпайтирилади.

Масалан, иш ҳақи фондиниң ўзгаришига ходимлар сонининг таъсирини аниқлашни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

$$(T_1 - T_0) \cdot P_0 = \pm \Delta_T$$

Бунда, T_1 – ҳисобот йилидаги ходимлар сони;

T_0 – базис йилидаги (ёки режадаги) ходимлар сони;

P_0 – базис давридаги ўртача бир ходимнинг иш ҳақиси.

Натижанинг ўзгаришига сифатий омилининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги сифат омил билан базис давридаги сифат омил орасидаги фарқни ҳисобот давридаги миқдорий омилга кўпайтирилади.

Масалан, иш ҳақи фондиниң ўзгаришига ўртача иш ҳақи даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлашни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

$$(P_1 - P_0) \cdot T_1 = \Delta_P$$

Бунда, P_1 – ҳисобот йилидаги ўртача бир ходимнинг иш ҳақиси.

У ёки бу ҳодисанинг ўзгаришига бир неча миқдорий ва бир неча сифатий омиллар таъсир қилган тақдирда ҳам юқоридаги қоидаларга амал қилиб, уларнинг кетма – кет жойлашиши бўйича таъсири аниқланади.

Масалан, иш ҳақи фондиниң ўзгаришига қуйидаги 3 та омил таъсир қилса:

1. Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони (T);
2. Бир ишловчига тўғри келадиган киши – соатлар сони ($Ч$);
3. Бир киши – соат ҳисобига тўғри келадиган меҳнат ҳақи даражаси ($З$).

Ушбу омилларнинг кўпайтмаси иш ҳақи фонди ҳажмига тенг бўлади:

$$\Sigma T \cdot Ч \cdot З$$

Шулардан биринчи кўрсаткич миқдорий омил (T); иккинчи ва учинчи кўрсаткичлар сифатий омиллар бўлиб ҳисобланади. Демак, биринчи навбатда миқдорий омил таъсири, кейин сифатий омиллар таъсири навбати билан (кетма – кет жойлашиши сақланган ҳолда) аниқланади, яъни қуйидаги тартибда аниқланади:

1. Меҳнат ҳақи фондиниң ўзгаришига ходимлар сони ўзгаришининг таъсири

$$(T_1 - T_0) \cdot Ч_0 \cdot З_0 = \pm \Delta_T$$

2. Меҳнат ҳақи фондиниң ўзгаришига бир ишловчига тўғри келадиган киши – соатлар сонининг ўзгаришини таъсири

$$(Ч_1 - Ч_0) \cdot T_1 \cdot З_0$$

2. Бир киши – соат ҳисобига тўғри келадиган меҳнат ҳақи даражасининг ўзгаришини таъсири

$$(З_1 - З_0) \cdot T_1 \cdot Ч_1$$

Занжирли боғланиш усули.

Ушбу усул ҳам фарқлаш ва қайта ҳисоблаш усуллари каби қачонки, ўрганилаётган жараёни ифодаловчи кўрсаткичлар орасидаги боғланиш, яъни натижа билан омиллар орасидаги боғланиш функционал характерга эга бўлган тақдирда ишлатилади. Бу усулда ҳар бир таъсир этувчи омилнинг натижага таъсирини аниқлаш йўли услубий кетма-кетликка эга. Натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлашдаги услубий кетма-кетлик тамойили шундан иборатки, режадаги ёки ўтган йилдаги кўрсаткичларни ҳисобот кўрсаткичлари билан навбатли алмаштиришни тўғри белгилашдан иборат бўлиб ҳисобланади. Режадаги ёки ўтган йилдаги омилли кўрсаткичларни алмаштиришда миқдор ва сифат кўрсаткичларга алоҳида эътибор берилади.

Кўрсаткичларни қаторлашда, аналитик жадвал тузишда дастлаб миқдор кўрсаткичлар, сўнгра сифат кўрсаткичлар (жойлаштирилади). Бошқача айтганда дастлабки қатордаги кўрсаткичлар ҳақиқий қатордаги кўрсаткичлар билан жой алмашиб, охириги қатордаги ҳақиқий кўрсаткичлар ҳолатига келтирилади. Бунда биринчи қатор кўрсаткичлар ҳар доим режадаги (базис йилидаги) кўрсаткичларни (дастлабки кўрсаткичларни), охириги қатор эса ҳақиқий (ҳисобот йилидаги) кўрсаткичларни ифодалайди. Биринчи қатор билан охириги қатор орасидаги қаторлар «шартли кўрсаткичлар» бўлиб ҳисобланади. Ёнма – ён турган қаторлар орасидаги ўзгариш натижанинг ўзгаришига таъсир этувчи бир омилнинг таъсир даражасини кўрсатади. Омиллар таъсирининг йиғиндиси ҳар доим умумий ўзгаришга (натижанинг ўзгаришига) тенг келиши керак.

Буни иш ҳақи фондини таҳлил этиш услуби мисолида кўриб чиқамиз. Иш ҳақи фондини ўзгаришига 3 омил таъсир қилади:

1. Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони (Т)нинг ўзгариши;
2. 1 ишловчининг ўртача йиллик ишлаган киши – соатлар (Ч)нинг ўзгариши;
3. 1 киши – соат ҳисобига ҳисобланган иш ҳақи даражасининг (З)нинг ўзгариши.

Ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро кўпайтмаларининг йиғиндиси иш ҳақи фондини ҳажмига тенг бўлади:

$$T \cdot Ч \cdot З = \Sigma TЧЗ$$

Иш ҳақининг умумий ўзгариши:

$$\Sigma T_1 Ч_1 З_1 - \Sigma T_0 Ч_0 З_0 = \pm \Delta TЧЗ$$

Демак, иш ҳақи фондини ўзгаришига учта омил таъсир қилади. Буларнинг таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги боғланиш кўрсаткичлари (яъни иш ҳақи фонди кўрсаткичлари) аниқланиб олинади.

- I. $\Sigma T_0 Ч_0 З_0$ -базис давридаги иш ҳақи фонди
- II. $\Sigma T_1 Ч_0 З_0$ -шартли иш ҳақи фонди (1 – шартли)
- III. $\Sigma T_1 Ч_1 З_0$ - шартли иш ҳақи фонди (2 – шартли)
- IV. $\Sigma T_1 Ч_1 З_1$ - ҳисобот давридаги иш ҳақи фонди

Шундан сўнг омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. Ходимлар сони ўзгаришининг таъсири:

$$\Sigma T_1 \text{ Ч}_0 Z_0 - \Sigma T_0 \text{ Ч}_0 Z_0 = \pm \Delta_T$$

2. 1 кишининг ишлаган соатлари ўзгаришининг таъсири:

$$\Sigma T_1 \text{ Ч}_1 Z_0 - \Sigma T_1 \text{ Ч}_0 Z_0 = \pm \Delta_{\text{Ч}}$$

3. 1 киши-соат ҳисобига ҳисобланган иш ҳақи даражаси ўзгаришининг таъсири:

$$\Sigma T_1 \text{ Ч}_1 Z_1 - \Sigma T_1 \text{ Ч}_1 Z_0 = \pm \Delta_Z$$

Шундан сўнг омиллар таъсири умумлаштирилиб, натижа ўзгаришига баҳо берилади, имкониятлар кўрсатилади.

Иқтисодий таҳлилда статистик усуллар билан бир қаторда математик усуллар ҳам қўланилади. Шулар жумласига корреляция, дисперсия, интеграл усуллари кўрсатиш мумкин.

Математик усулни қўллаш асосида:

- иқтисодий таҳлилни бажариш муддати тезлашади;
- ўзгаришлар ва уларнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлади;
- оддий, анъанавий усуллар билан ҳисоблаб бўлмайдиган мураккаб омиллар ва кўп омилли кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш имконияти туғилади;
- ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш осонлашади ва ҳ.к.

1.4. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг роли кескин ошади, чунки эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланади.

Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора – тадбирлари ишлаб чиқилади.

Таҳлилнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги асосий вазифалари:

- 1) Корхонанинг бизнес режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
- 2) Бизнес режанинг бажарилиши, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларини ўрганиш;
- 3) Ҳар бир йўналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва сафарбар қилиш;
- 4) Меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиш;
- 5) Хўжаликнинг иқтисодий ва молиявий потенциалига, унинг тўловга қодирлигига баҳо бериш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш.

1.5. Таянч иборалар

- Таҳлил
- Микроиқтисодиёт

- Макроиқтисодиёт
- Корхона фаолияти
- Бошқарув фаолияти
- Молиявий фаолият
- Иқтисодий жараёнлар
- Субъектив омиллар
- Объектив омиллар
- Иқтисодий ахборотлар
- Статистик усуллар
- Иқтисодий-математик усуллар
- Таққослаш усули
- Кўрсаткичлар фарқи усули
- Занжирли боғланиш усули

1.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

- 1) Таҳлил сўзи қандай маънони англатади?
- 2) Иқтисодий таҳлил предмети деганда нимани тушунасиш?
- 3) Иқтисодий таҳлил фанининг объекти деганда нимани тушунасиш?
- 4) Табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш усули қандай номланади, унинг мазмунини тушунтириш.
- 5) Иқтисодий таҳлилнинг қандай усуллари биласиз?
- 6) Иқтисодий таҳлилнинг статистик усуллари биласизми?
- 7) Иқтисодий таҳлилда қандай иқтисодий математик усуллар қўланилади?
- 8) Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат?
- 9) Иқтисодий таҳлилда қандай манбалардан фойдаланилади?
- 10) Иқтисодий таҳлил фани қайси иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқликда бўлади?
- 11) Иқтисодий таҳлилнинг мақсади нималардан иборат?
- 12) «Кўрсаткичлар фарқи» усулининг мазмун моҳиятини баён қилинг.
- 13) «Занжирли боғланиш» усули қай вақтда таҳлилда қўланилади?
- 14) «Занжирли боғланиш» усулининг мазмунини тушунтириш.

2-мавзу: Корхоналарнинг йиллик ҳисоботларини тўғри тузилганлигини қайта текшириш

Режа:

- 2.1. Ҳисоботларнинг таркиби, мазмуни ва аҳамияти
- 2.2. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзаро мослигини ва тўғри тузилганлигини текшириш
- 2.3. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш
- 2.4. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш
- 2.5. Маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш
- 2.6. Таянч иборалар
- 2.7. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

2.1. Ҳисоботларнинг таркиби, мазмуни ва аҳамияти

Иқтисодиётнинг тараққиёти кўп жихатдан бошқарув тизимини зарурий ахборот манбалари билан таъминлаш даражасига ҳам боғлиқдир. Бошқарувни ахборот манбалари билан таъминлашда муҳим ўринни бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари эгаллайди.

Ҳисоботлар ўз навбатида молиявий ва махсус ҳисоботларга бўлинади. Шулар орасида молиявий ҳисоботлар мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар томонидан тузилади ва тегишли органларга тақдим қилинади.

Йиллик молиявий ҳисобот таркиби қуйидаги ҳисоботларни ўз ичига олади:

- 1) Бухгалтерия баланси – 1-шакл;
- 2) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2-шакл;
- 3) Асосий воситалар тўғрисидаги ҳисобот – 3-шакл;
- 4) Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – 4-шакл;
- 5) Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот – 5-шакл;
- 6) Дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақида маълумотнома – 2а-шакл.

Бухгалтерия баланси - хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум санага мавжуд бўлган асосий ва айланма маблағларини, ҳамда ўз маблағларининг манбалари ва мажбуриятларини акс эттирувчи жадвалдир.

Баланс актив ва пассив қисмларга бўлинади. Баланснинг актив қисмида хўжалик мулки узок муддатли активлар ва жорий активлар тарикасида акс эттирилган. Баланснинг пассивида мулкнинг ташкил бўлиш манбалари корхонанинг ўз маблағларининг манбалари ва мажбуриятлар тарикаси икки бўлимда акс эттирилган. Бухгалтерия баланси маълумотлари хўжаликнинг молиявий аҳволини таҳлил қилишнинг асосий манбаидир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда корхона фаолиятида содир бўлган фойда (ёки зарар) нинг қуйидаги 5 тури акс эттирилган:

- 1) маҳсулот сотишдан олинган фойда (зарар);
- 2) асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси (зарар);
- 3) умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари);
- 4) солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда (зарар);
- 5) соф фойда (зарар).

Бу ҳисобот хўжалик бўйича молиявий фаолиятнинг натижасини таҳлил қилишнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг фойдаси ошган сайин хўжалик молиявий жихатдан мустаҳкам бўлади. Фойданинг ошиши нафақат хўжалик учун, ҳатто мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда фойданинг ошиши мамлакат бюджетини мустаҳкамланишига сабабчи бўлади.

Асосий воситалар тўғрисидаги ҳисоботда (3-шакл) асосий воситаларнинг барча турлари ва гуруҳлари бўйича ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи мутлақ кўрсаткичлар акс эттирилади. Ушбу ҳисоботда асосий воситаларнинг ҳажми бошланғич ва қолдиқ қийматлари ҳамда йиғилган амортизация ҳажми кўрсаткичлари билан ифодаланган. Шунинг учун ҳам ушбу ҳисобот асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи нисбий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга баҳо беришда катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини (фонд қайтими, фонд сиғимини) аниқлашда ҳам асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл) да хўжалик фаолиятидаги пул маблағларининг ҳаракати, инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги пул маблағлари ҳаракати, инвестицион фаолиятдаги пул маблағларининг ҳаракати, молиявий фаолиятдаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Ушбу ҳисобот маълумотлари баланс маълумотлари билан бирга пул оқимларининг ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилиш учун асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳисобот маълумотлари асосида таҳлилни уюштириш ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағларни жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, истиқболли имкониятларни белгилаш, молиявий аҳволни яхшилаш бўйича маълум йўналишларни белгилаш имконини беради. Шунинг учун ҳам ушбу ҳисоботдаги маълумотларнинг объектив акс эттирилганлиги катта аҳамиятга эгадир.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл) да хусусий капиталнинг (устав, қўшилган, резерв капиталлари ва тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳолати ва ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар акс эттирилади, яъни унинг йил боши ва охиридаги қолдиғи, йил давридаги унинг кўпайиши ва камайиши, ҳамда унга қўшилган бадаллар каби кўрсаткичлар ушбу ҳисоботда қайта қилинади. Ушбу ҳисобот кўрсаткичлари хусусий капитални таҳлил қилиш учун асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл)да дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан боғлиқ бўлган барча

кўрсаткичлар акс эттирилади: Ушбу кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Умумий қарзлар, умумий қарзлардан, муддати ўтгани, корхонага тегишли бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган қарзлар.

Ушбу маълумотнома кўрсаткичлари дебитор ва кредитор қарзларни ўрганиш ва хулосалар чиқариш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Махсус ҳисоботлар ҳам корхонанинг бошқарув ва молиявий фаолиятларини ўрганишда асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Масалан қишлоқ хўжалик корхоналарида юқорида қайд қилинган молиявий ҳисоботлар билан бир қаторда қуйидаги махсус ҳисоботлар тузилади ва улар ширкат ва фермер хўжаликлари фаолиятининг натижаларини ўрганишда ва уларга баҳо беришда манба бўлиб хизмат қилади. Шулар жумласига қуйидаги ҳисоботларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

- Ходимларнинг сони ва истеъмолга йўналтирилган меҳнат ҳақи фонди (5-АСК шакли);
- Ташкилот, корхоналарнинг асосий фаолияти кўрсаткичлари (6-АСК шакли);
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш (7-АСК шакли);
- Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархи (9-АСК шакли);
- Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархи (13-АСК шакли);

2.2. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзаро мослигини ва тўғри тузилганлигини текшириш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум санага мавжуд бўлган мол-мулкни ва уларнинг ташкил бўлиш манбаларини пул шаклида акс эттирувчи махсус жадвал бухгалтерия баланси деб аталади.

Ҳисоботлар ва шу жумладан бухгалтерия баланси амалдаги тартиб қоидалар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бош дафтар, тегишли ҳисоб-китоб регистрлари ҳамда йиллик инвентаризация маълумотлари асосида тузилади. Баланс тузишга қадар йил охирида аналитик счётларнинг оборотлари ва қолдиқлари бош давтар счётларининг оборотлари ва қолдиқлари билан солиштирилиб, ўзаро мос келишлиги аниқланади.

Аналитик счётлар билан бош дафтар счётлари кўрсаткичлари ўзаро мос келгандан кейин бухгалтерия балансини тузишга киришилади.

Бухгалтерия баланси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг актив томонида хўжалик мол-мулкнинг жойлашиши, пассив томонида мол-мулкнинг ташкил бўлиш манбалари кўрсатилади.

Баланснинг активи ва пассивида барча баланс моддалари икки бўлимда гуруҳларга бўлиниб акс эттирилган.

Баланснинг активида хўжаликнинг маблағлари (мулки) қуйидаги икки бўлимда акс эттирилган:

- 1) Узоқ муддатли активлар;

2) Жорий (айланма) активлар.

Хўжалик маблағларининг манбалари ҳам баланс пассивида қуйидаги икки бўлимда акс эттирилган:

1. Ўз маблағларининг манбалари;

2. Мажбуриятлар.

Узоқ муддатли активлар қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади:

- 1) Асосий воситалар;
- 2) Номоддий активлар;
- 3) Капитал қўйилмалар;
- 4) Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар.

Жорий (айланма) активлар қуйидаги уч гуруҳни ўз ичига олади:

- 1) Заҳира ва сарфлар;
- 2) Пул маблағлари;
- 3) Дебиторлик қарзлар.

Ўз маблағларининг манбалари қуйидаги моддаларни ўз ичига олади:

- 1) Устав капитали;
- 2) Қўшилган капитал;
- 3) Резерв капитали;
- 4) Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар);
- 5) Мақсадли тушумлар ва жамғармалар;
- 6) Кегуси давр харажатлари ва тўловлари учун резервлар;
- 7) Келгуси давр даромадлари

Мажбуриятлар ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади:

- 1) Узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар;
- 2) Қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар;
- 3) Кредиторлик қарзлари

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазиирлигининг 2002йил 27 февралдаги 40-сонли буйруғи билан «Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоида» лари тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга кўра бухгалтерия балансини тузишда ва унинг тўғри тузилганлигини текширишда қуйидаги боғланиш қоидаларига амал қилиш керак:

Баланс актив қисмининг I бўлими (110-сатр) нинг суммаси 012,022,030,040,050,060,070,080,090,100 сатрлардаги суммалар йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Баланс активининг II бўлими (310-сатр) нинг суммаси 120,130,140,150,160,170,180,190,200,210,220,230,240,250,260,270,280,290 сатрлардаги суммаларининг йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Баланс актив қисмининг жами I ва II бўлимларининг йиғиндисига, яъни 110 ва 310 сатрлардаги суммаларнинг йиғиндисига тенг бўлиши керак. Баланс пассивининг I бўлими (400 сатр) нинг суммаси 320,330,340,350,360,370,380 сатрлардаги суммаларнинг йиғиндисига тенг бўлиши керак. Баланс пассиви II бўлими (550 сатр) нинг суммаси 410,420,430,440,450,460 сатрлардаги суммаларнинг йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Баланс пассивининг жами (560-сатр) I ва II бўлимлардаги суммаларнинг йиғиндисига (400 ва 550 сатрлар йиғиндисига) тенг бўлиши керак.

Баланс активи (320 сатр) ва пассиви (560 сатр) суммалари ҳам йил бошида, ҳам йил охирида тенг бўлиши керак. Баланс моддалари орасидаги ички боғлиқликдан ташқари ташқи боғлиқлик ҳам мавжуд. Бу боғлиқлик балансининг айрим кўрсаткичларининг бошқа молиявий ҳисобот кўрсаткичларига мос келишлигида намоён бўлади. Бошқача айтганда балансининг айрим сатрларида акс эттирилган кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида қайд қилинган маълумотларга тенг келишлиги керак. Баланс кўрсаткичлари 2,3,4,5 шаклдаги ҳисоботларнинг маълумотлари билан узвий боғланган. Масалан, баланс (1-шакл) нинг 170-сатри 3-устунида «Йил бошига» кўрсатилган пул маблағлари суммаси «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» (4-шакл) нинг 070 сатрини 3-устунида «Йил бошига» кўрсатилган суммасига тенг бўлиши керак. Балансининг 170 сатри 4-устунида «Йил охирига» кўрсатилган пул маблағлари суммаси 4-шаклнинг 080-сатри 3-устунида «Йил охирига» кўрсатилган суммасига тенг бўлиши керак. Агар шу кўрсаткичлар ўзаро тенг бўлмаса, ҳисоботлардаги маълумотларни нотўғри деб ҳисоблаш мумкин.

Баланс (1-шакл) билан «Асосий воситалар ҳаракати» тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл) ўртасида ҳам ўзаро боғлиқ мавжуд, яъни уларнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари ўзаро тенг бўлиши керак. Бу тенгликни (боғлиқликни) қуйидагича ифодалаш мумкин:

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати бўйича:

1 шакл 010 сатр 3 устун = 3 шакл 130 сатр 3 устун

1 шакл 010 сатр 4 устун = 3 шакл 130 сатр 6 устун

Асосий воситаларнинг эскириш суммаси бўйича:

1 шакл 011 сатр 3 устун = 3 шакл 130 сатр 7 устун

1 шакл 011 сатр 4 устун = 3 шакл 130 сатр 10 устун

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бўйича:

1 шакл 012 сатр 3 устун = 3 шакл 130 сатр 11 устун

1 шакл 012 сатр 4 устун = 3 шакл 130 сатр 12 устун

Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-шакл) кўрсаткичлари орасида ҳам узвий боғлиқлик мавжуд. Бухгалтерия балансининг пассив қисмида жойлашган хўжалик маблағларининг манбалари» деб номланган 1-бўлимда акс эттирилган устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда суммалари 5-шаклдаги ҳисобот маълумотларига тўлиқ мос келиши керак. Ушбу икки ҳисоботда акс эттирилган хусусий капитал турлари бўйича келтирилган маълумотларнинг ўзаро тенг келишлиги ҳақидаги фикрлар «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг тўғрилигини текшириш» бўлимида баён қилинган. Шунинг учун уларга бу ерда тўхталмадик.

Бухгалтерия баланси билан «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» орасида ҳам узвий боғлиқлик мавжуд. Ушбу боғлиқлик «Молиявий

натижалар тўғрисидаги» ҳисоботнинг тўғрилигини текшириш» бўлимида келтирилган, шунинг учун улар ҳам бу ерда ёритилмади.

Бухгалтерия баланси билан «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома» (2а-шакл)нинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари орасида ҳам боғлиқлик мавжуд, яъни уларнинг кўрсаткичлари ҳам ўзаро тенг бўлиши керак. 1-шакл маълумотлари билан 2а-шакл маълумотларининг ўзаро тенглигини қуйидаги боғланишдан кўриш мумкин.

Дебиторлик қарзлари бўйича:

1 шакл 220 сатр 4 устун=2а шакл 1 сатр 3 устун

1 шакл 220 сатр 4 устун=2а шакл балансга илова жами 3 устун

Кредиторлик қарзлари бўйича:

1 шакл 460 сатр 4 устун=2а-шакл 4 сатр 3 устун

1 шакл 460 сатр 4 устун=2а-шакл балансга илова жами 4 устун

Юқорида баён қилинган тартибда ҳисоботлардаги маълумотларнинг тўғрилиги текширилади, тўғрилиги аниқлангандан кейин таҳлилчи хўжаликнинг молиявий аҳволини таҳлил қилишга киришади.

2.3. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш

Молиявий натижалар деганда хўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки кўрилган зарарни ифодаловчи кўрсаткичларни тушунмоқ керак.

«Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ молиявий натижалар 5 та турга бўлиниб ҳисобланади ва таҳлил қилинади. Биз ушбу бўлимда «фойда» кўрсаткичини баён қилишга ҳаракат қилдик.

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда:

$$ЯФ = ССТ - ИТ$$

Бунда, ЯФ-маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

ССТ-сотишдан олинган соф тушум;

ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси (АФФ):

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

Бунда, ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан кўрилган зарарлар.

3. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (УФФ):

$$УФФ = АФФ + МД - МХ$$

Бунда, МД-молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
МХ-молиявий фаолият харажатлари.

4. Фойда солиғи тўлангунгача бўлган фойда (СТФ):
 $СТФ = УФФ + ФП - ФЗ$

Бунда, ФП-фавқулотдаги фойда;
ФЗ-фавқулотда кўрилган зарар.

5. Соф фойда (СФ):
 $СФ = СТФ - ДС - БС$

Бунда, ДС-даромаддан (фойдадан) тўланадиган солиқ;
БС-бошқа солиқ ва тўловлар.

Хўжалик фаолиятида содир бўлган фойда (зарар) молиявий натижалар тариқасида «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да акс эттирилади. Ушбу ҳисобот (2-шакл) мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилади. Ушбу ҳисобот (2 шакл) 9000,9100,9300,9410,9420,9430,9440,9510,9520,9530,9540,9550,9560,9591, 9610,9620,9630,9710,9720,9810,9910 счётлар (ҳисобварақлар) маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий натижалар режасининг бажарилишини ёки динамикасини таҳлил этишнинг асосий ахборот манбаи бўлиб, ушбу ҳисобот (2-шакл) нинг маълумотлари ҳисобланади. Таҳлил қилишдан олдин ушбу ҳисобот кўрсаткичларининг тўғри тузилганлиги қайта текшириш орқали назоратдан ўтказилади.

Шунинг учун ҳам ушбу ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини ҳамда ундаги маълумотларнинг молиявий ҳисоботнинг бошқа турдаги ҳисобот маълумотларига мос келишлигини текшириб кўриш зарур. Бунини қуйидаги тартибда амалга ошириш керак:

Биринчи навбатда ушбу ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги текширилади.

Ҳисоботни 050 сатрда акс эттирилган «сотишдан олинган соф тушум» суммасини тўғрилигини текшириш керак. Бунинг учун 010 сатр суммасидан 020,030,040 сатрлар суммаларини айириб ташлаш керак. Бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сатр 050 устун 3 = сатр 010 устун 3 – сатр 020,030,040, устун 4.

Сатр 050 устун 5 = сатр 010 устун 5 – сатр 020,030,040, устун 6.

Ҳисоботни 070 сатридаги «Сотишдан олинган фойда (зарар)» суммаси 050 сатр суммасидан 060 сатр суммасини айириш орқали мос келишлиги текширилади, яъни 050 сатрдаги сумма билан 060 сатрдаги сумма орасидаги фарққа тенг бўлиши керак. Бошқача айтганда сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи орасидаги фарққа ялпи фойда суммаси тенг бўлишлиги текширилади.

Ҳисоботни 110 сатридаги «Асосий ишлаб чиқариш фаолияти фойдаси (зарар)» 070 сатр суммаси билан 080, 090, 100 сатрлар суммалари орасидаги фарққа тенг бўлади. Бунини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сатр 110 устун 3 = Сатр 070 устун 3 – сатр 080,090,100,105 устун 4 + сатр 100 устун 3.

Сатр 110 устун 5 = Сатр 070 устун 5 – сатр 080, 090, 100, 105 устун 6 + сатр 100 устун 5.

Ҳисоботни 150 сатридаги «Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)» асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдасига молиявий фаолият фойдасини қўшиб ва молиявий фаолият харажатини айириб ташлагандан кейин қолган фарқига тенг бўлади. Бу боғлиқни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сатр 150 устун 3 = Сатр 110 устун 3 + сатр 120, 125, 130, 135, 140, 145 устун 3 – сатр 130, 135, 140, 145 устун 4.

Сатр 150 устун 5 = Сатр 110 устун 5 + сатр 120, 125, 130, 135, 140, 145 устун 5 – сатр 130, 135, 140, 145 устун 6.

Фойда солиғи тўлангунга қадар бўлган фойда тенг бўлиши керак:

Сатр 170 устун 3 = сатр 150 устун 3 ± сатр 160 устун 3, 4.

Сатр 170 устун 5 = сатр 150 устун 5 ± сатр 160 устун 5, 6.

Соф фойда тенг бўлади:

Сатр 200 устун 3 = сатр 170 устун 3 – сатр 180, 190, 195 устун 4.

Сатр 200 устун 5 = сатр 170 устун 5 – сатр 180, 190, 195 устун 6.

Ҳисобот ичидаги ўзаро боғланиш билан бир қаторда ушбу ҳисоботнинг айрим маълумотлари бошқа молиявий ҳисобот кўрсаткичлари билан боғлиқликка эга.

Масалан, ушбу ҳисоботда кўрсатилган соф фойда (тақсимланмаган тариқасида) бухгалтерия баланси (1-шакл) ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл)да акс эттирилган фойда суммалари билан боғлиқликда бўлиши керак. Ҳисобот (2-шакл)нинг 200 сатр 5 устунида кўрсатилган соф фойда суммаси 5 шаклдаги ҳисоботнинг 080 сатр 6 устундаги «жорий йилнинг тақсимланмаган фойда суммаси» га тенг келишлиги, 1 шаклдаги ҳисоботнинг 360 сатридаги 4-устун суммаси билан 3-устун суммаси орасидаги фарққа тенг келишлиги керак. Бундан ташқари «Маҳсулотларни сотиш» ҳисоботларида акс эттирилган жами пул тушуми, жами ишлаб чиқариш таннарни, жами фойдаси 2-шаклдаги ҳисоботнинг тегишли кўрсаткичларига тенг келиши керак.

Масалан, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш» ҳисоботи (7-АСК шакли) 400 сатр 3, 4, 5, 6 устунларининг суммалари 2-шаклдаги ҳисоботнинг 010 сатри 5 устуни, 060 сатр 6 устуни, 070 сатр 5 устуни суммаларига тенг келиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда икки ҳисобот кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

2 шакл 010 сатр 5 устун = 7 АСК шакли 400 сатр 3 устун.

2 шакл 060 сатр 6 устун = 7 АСК шакли 400 сатр 2 устун.

2 шакл 070 сатр 5 устун = 7 АСК шакли 400 сатр 4 устун-5 устун.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл) кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги (тенглиги) ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли кўрсаткичлари билан мослиги, тенглиги текширилиб, тўғрилиги аниқлангандан кейин молиявий натижаларни таҳлил қилишга киришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.4. Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш

Хусусий капитал – бу корхона эгаларига тегишли бўлган активларнинг бир қисмини ташкил қилувчи манбадир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида» ги қонунга мувофиқ хусусий капитал куйидаги капиталларни ўз ичига олади:

- 1) Устав капитали;
- 2) Қўшилган капитал;
- 3) Заҳира капитали;
- 4) Тақсимланмаган фойда.

Устав капитали бўлиб таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг пул ифодасидаги умумий йиғиндиси ҳисобланади.

Қўшилган капитал бўлиб акцияларни номинал қийматидан юқори нархларда сотишдан олинган эмиссия дароматлари ҳисобланади. Ушбу капитални таркибий қисмлари бўлиб, устав капитал ҳисобига ҳиссаларни тўлашда содир бўладиган валюта курсидаги фарқлари ҳамда қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулки ҳисобланади.

Заҳира капитали асосий воситалар, айланма маблағларни (пул маблағларидан ташқари) ўтган йиллардаги қайта баҳолаш, тақсимланмаган фойда, ишлатилмай қолган жамғармалар ҳисобидан ташкил қилинади.

Заҳира капитали зарарларни, кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш, бошқа қоплаш манбалари бўлмаганда айрим қарзларга, ҳамда бошқа мақсадларга фойдаланилади.

Тақсимланмаган фойда хусусий капиталнинг таркибий қисмидир. У ўз навбатида иккига бўлинади:

- 1) Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси
- 2) Жамғарилган фойда

Жамғарилган фойда бўлиб субъект ташкил топгандан буён олган соф фойдаси ҳисобланади, ундан мулк эгасининг қарорига кўра зарарлар, дивидентлар ва хусусий капиталга инвестицияланган фойда чиқарилади. Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси корхонанинг ҳисобот йилидаги натижаси ҳисобланади. Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдасидан дивидентлар чиқарилгач, уни қолгани жамғарилган фойдага қўшилади.

Хусусий капитал таҳлилига ўтишдан олдин хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослигини ва бошқа ҳисоботлардаги маълумотлар билан узвий боғланган ҳолда тузилганлигини текшириб кўриш зарур.

«Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари тўғрисидаги низом» га биноан хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг ўзаро боғлиқлигини устав капитали мисолида текшириш тартибига тўхталдик. Ҳисобот (5-шакл)нинг йил бошидаги (010 сатр 3 устундаги) қолдигига хусусий капиталнинг ўсишини (кўпайишини) қўшиб, хусусий

капиталнинг камайишини чегириб ташлаб, хусусий капиталнинг йил охиридаги қолдиғини (100 сатр 3 устунни) аниқлаш керак. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сатр 010 устун3±сатрлар020,030,040,050,051,052 устун3=Сатр100 устун3.

Устав капитал маблағларининг ўзаро мослигини текшириш тартиби каби қўшилган капитал, резерв капитали ва тақсимланмаган фойдани ҳам текшириб чиқилади. Шундан кейин ушбу ҳисобот маълумотларини бухгалтерия балансининг маълумотларига мос келишлиги, яъни тенг келишлиги текширилади. Масалан, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот таркибидаги устав капиталининг йил бошидаги қолдиғи (010 сатр 3 устун суммаси) Бухгалтерия баланси (1 шакл) нинг пассив қисмидаги 1-бўлимида акс эттирилган «Устав капитали» нинг йил бошидаги қолдиғига (330 сатр 3 устунга) тенг келишлиги, унинг йил охиридаги қолдиғи (100 сатр 3 устун суммаси) унинг балансда кўрсатилган йил охиридаги қолдиғига (330 сатр 4 устун суммасига) низомга кўра тенг келиши керак. Бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

5 шакл 010 сатр 3 устун = 1 шакл 330 сатр 3 устун

5 шакл 100 сатр 3 устун = 1 шакл 330 сатр 4 устун

5-шаклда акс эттирилган қўшилган капитал, резерв капитали ва тақсимланмаган фойда тўғрисидаги маълумотлар ҳам бухгалтерия балансида акс эттирилган маълумотларга мос келмоғи керак. Булар орасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Қўшилган капитал бўйича.

5 шакл 010 сатр 4 устун=1шакл 340 сатр 3 устун.

5 шакл 100 сатр 4 устун = 1 шакл 340 сатр 4 устун.

Резерв капитали бўйича.

5 шакл 010 сатр 5 устун = 1 шакл 350 сатр 3 устун

5 шакл 100 сатр 5 устун = 1шакл 350 сатр 4 устун

Тақсимланмаган фойда бўйича

5 шакл 010 сатр 6 устун = 1 шакл 360 сатр 3 устун

5 шакл 100 сатр 6 устун = 1 шакл 360 шакл 4 устун

«Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» нинг маълумотлари қайта текшириш натижасида тўғрилиги аниқлангандан кейин хусусий капитал ҳолатини, таҳлил қилиш мумкин.

2.5. Маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш

Молиявий ҳисоботлар билан бир қаторда махсус ҳисоботлар ҳам корхонанинг хўжалик фаолятини ўрганишда асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Махсус ҳисоботлар ҳар хил тармоқлар фаолятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади, шунинг учун ҳам улар бир биридан фарқ қилади. Масалан, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа тармоқларнинг корхоналари молиявий ҳисоботларни бир хил шаклда

тузадилар ва тегишли органларга топширадилар, аммо уларнинг махсус ҳисоботларилари эса бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналари қуйидаги махсус ҳисоботларни тузадилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот (7-АСК шакли);
- Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг таннархи (9-АСК шакли) тўғрисидаги ҳисобот;
- Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархи (13-АСК шакли) тўғрисидаги ҳисобот ва бошқалар.

Ушбу ҳисоботларни саноат корхонаси ҳам савдо корхонаси ҳам ва бошқа тармоқ корхоналари ҳам тузмайдилар, бўлар фақат қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли бўлган ҳисоботлардир, аммо уларда ҳам шуларга ўхшаш ўзларининг махсус ҳисоботлари мавжуд.

Махсус ҳисоботлар кўрсаткичлари ҳам ўзаро бир-бири билан ҳамда молиявий ҳисобот кўрсаткичлари билан боғланган булади. Махсус ҳисобот кўрсаткичлари биринчи навбатда молиявий ҳисоботлар таркибига кирувчи 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» кўрсаткичлари билан узвий боғланган бўлиши керак.

Бу бўлимда қишлоқ хўжалик корхоналарининг махсус ҳисоботларидан бири бўлган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш» тўғрисидаги ҳисобот (7-АСК шакли) маълумотларининг тўғрилигини текшириш усуллари баён қилинди.

Ҳисобот (7-АСК шакли) нинг 010 сатри 1-9-устунлар суммаси мос ҳолда унинг 011,012,013,014,015,016,017,018,019,020 сатрлар 1-9 устунлар суммасига тенг бўлиши керак. Масалан, сотилган бошокли ва дуккакли донлар жами миқдори (010 сатр 1 устун суммаси) унинг 011 - 020 сатрлар биринчи устунда акс эттирилган миқдорлар суммасига тенг бўлиши керак, худди шунга ўхшаш «Таннарх», «Пул даромади», «Фойда», «Зарар», суммаларининг жами (010 сатр 2-9-устунлар жами суммалари) мос ҳолда 011-020 сатрлар бўйича 2-9 устунлар суммалари йиғиндисига тенг бўлиши керак.

Ҳисоботнинг 210 сатр 2,3,4,5,8,9 устунларнинг ҳар бирини жами суммалари мос ҳолда 010,030-160,161,170,180,200 сатрларнинг 2,3,4,5,8,9 устунлардаги суммалари йиғиндисига тенг бўлади.

Сотилган қишлоқ маҳсулотлари суммасини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар (490 сатрда қайд қилинган) ҳажми 210,460,480 сатрлар суммалари йиғиндисига тенг бўлиши керак. Масалан, 490 сатр 3 устунда акс эттирилган «Маҳсулотларни сотишдан олинган пул даромади (пул тушуми)» суммаси 210 сатр 3 устун «Ўсимликчилик маҳсулотларини сотишдан олинган пул даромади», 460 сатр 3 устун «Чорвачилик маҳсулотларини сотишдан олинган пул даромади», 470 сатр 3 устун «Саноат маҳсулотларини сотишдан олинган пул даромади», 480 сатр 3 устун «Бошқа маҳсулотларни сотишдан олинган пул даромади» суммаларининг йиғиндисига тенг бўлиши керак. Бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$490 \text{ сатр } 3 \text{ устун} = 210 \text{ сатр } 3 \text{ устун} + \\ + 460 \text{ сатр } 3 \text{ устун} + 470 \text{ сатр } 3 \text{ устун} + 480 \text{ сатр } 3 \text{ устун}.$$

Жами сотилган маҳсулот таннархи билан ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа маҳсулотлар таннархи орасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$490 \text{ сатр } 2 \text{ устун} = 210 \text{ сатр } 2 \text{ устун} + \\ + 460 \text{ сатр } 2 \text{ устун} + 470 \text{ сатр } 2 \text{ устун} + 480 \text{ сатр } 2 \text{ устун}.$$

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган жами фойдаси ҳажми унинг таркибий қисмларидан олинган фойдалар йиғиндисига тенг бўлиши керак, ушбу тенгликни қуйидаги боғлиқлик бўйича текшириш керак. Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$490 \text{ сатр } 4 \text{ устун} = 210 \text{ сатр } 4 \text{ устун} + \\ + 460 \text{ сатр } 4 \text{ устун} + 470 \text{ сатр } 4 \text{ устун} + 480 \text{ сатр } 4 \text{ устун}.$$

Ушбу ҳисобот (7-АСК шакли) кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги, умумий кўрсаткичларга хусусий кўрсаткичларнинг мослигини ички текширувдан ўтказиб, тўғрилиги аниқлангандан кейин, ушбу шакл кўрсаткичларини молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари кўрсаткичларига солиштирилиб, мос келишлиги текширилиши керак. Бу ҳисобот (7-АСК шакл) кўрсаткичлари молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот» (2-шакл) кўрсаткичлари билан бевосита боғланган. Ушбу ҳисоботлардаги маҳсулотларни сотишдан олинган жами пул даромади (пул тушуми ҳажми), сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархининг жами суммаси, сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) суммаси кўрсаткичлари бир-бирига ўзаро мос келиши керак, агар мос келмаса, кўрсаткичлар нотўғри ҳисобланган деб хулоса чиқариш мумкин. Ушбу икки ҳисоботда акс эттирилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган умумлашган кўрсаткичлар боғлиқлигини, бир-бирига мос келишлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$7 \text{ АСК шакли } 490 \text{ сатр } 2 \text{ устун} = 2 \text{ шакл } 060 \text{ сатр } 6 \text{ устун}.$$

$$7 \text{ АСК шакли } 490 \text{ сатр } 3 \text{ устун} = 2 \text{ шакл } 050 \text{ сатр } 5 \text{ устун}.$$

$$7 \text{ АСК шакли } 490 \text{ сатр } 3-4 \text{ устун} = 2 \text{ шакл } 070 \text{ сатр } 5 \text{ устун}.$$

Ушбу тенгликлар мавжуд бўлса 7 АСК шаклидаги ҳисобот тўғри тузилган деб ҳисоблаб, маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда ва сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг таҳлилини амалга ошириш мумкин.

2.6.Таянч иборалар:

- ✓ Ахборот манбалари
- ✓ Молиявий ҳисобот
- ✓ Маҳсул ҳисобот
- ✓ Бухгалтерия баланси
- ✓ Молиявий натижа
- ✓ Хусусий капитал
- ✓ Пул оқими
- ✓ Дебиторлик қарзи

- ✓ Кредиторлик қарзи
- ✓ Баланс активи
- ✓ Баланс пассиви
- ✓ Фойда
- ✓ Зарар
- ✓ Соф пул тушуми.

2.7.Ўз-ўзини текшириш учун чаволлар:

1. Бухгалтери баланси деганда нимани тушунаси?
2. Бухгалтерия балансининг актив қисмида нима акс эттирилади?
3. Балансининг пассив қисмида нима акс эттирилади?
4. Бухгалтерия баланси маълумотларини тўғрилигини қандай текшириш мумкин?
5. Молиявий натижалар деганда қандай кўрсаткичларни тушунаси?
6. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда нечта молиявий натижа турлари акс эттирилган?
7. Молиявий натижа тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилигини қайси ҳисобот кўрсаткичлари билан солиштириб, аниқлаш мумкин?
8. Хусусий капитал таркибига қайси капиталлар киритилади ва улар молиявий ҳисобот таркибидаги нечанчи шаклда акс эттирилган?
9. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини қайси ҳисобот кўрсаткичлари билан солиштирилиб, тўғри тузилганлигини текшириш мумкин?
10. Маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги ҳисоботда қайси молиявий кўрсаткичлар акс эттирилган?
11. Маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган молиявий натижалар суммаси қайси ҳисобот кўрсаткичларига мос келиши керак?
12. 7-АСК шакли асосида тузилган ҳисобот бўйича молиявий натижалар (фойда ёки зарар) қандай аниқланади?

3-Мавзу: Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш режаси ва динамикасининг таҳлили.

Режа:

- 3.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 3.2. Маҳсулотларнинг турлари ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш аҳволининг таққослама таҳлили.
- 3.3. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасининг омилли таҳлили.
- 3.4. Саноат ялпи маҳсулоти ҳажмининг омилли таҳлили.
- 3.5. Саноат товар маҳсулотларини сотиш режасини бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.
- 3.6. Маҳсулот сифатининг таҳлили.
- 3.7. Таянч иборалар.
- 3.8. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

3.1 Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида “талаб ва таклиф қонуни”нинг талабларига амал қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини самарали ташкил қилиш ҳамда ушбу жараён ва унинг натижаларини узлуксиз равишда таҳлил этиш иқтисодиётни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун асос бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг натижаларини узлуксиз ўрганиш, уларни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш ва фойдани ошириш учун мавжуд бўлган имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш бўйича шарт-шароитлар яратади.

Таҳлилнинг мақсади бўлиб нима ҳисобланади?

Таҳлилнинг мақсади бўлиб, бозор иқтисодиёти талаблари асосида маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёни кўламини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш учун мавжуд бўлган, аммо фойдаланилмай ётган имкониятларни аниқлаш ҳисобланади.

Таҳлилнинг мақсадини рўёбга чиқариш учун маҳсулот етиштириш ва сотиш жараёнини узвий боғланган кетма-кетликда ўрганиш зарур. Демак, таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб, куйидагилар ҳисобланади.

- 1) Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш динамикаси ва режасининг бажарилишини баҳолаш;
- 2) Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар сифатини ўрганиш;

- 3) Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини ўрганиш;
- 4) Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтириш ва кўпайтириш учун хўжаликда мавжуд бўлган ички имкониятларини аниқлаш;
- 5) Маҳсулот етиштириш ва сотишни кўпайтириш, маҳсулот турлари ва сифатини яхшилаш учун аниқланган ички имкониятларни хўжалик фаолиятига жалб этиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқариш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни таҳлил қилишда уларнинг ўсишига халақит бераётган сабабларни аниқлаб, уларни тугатиш йўллари кўрсатиш зарур. Бу эса таҳлилнинг асосий вазифасидир.

Ишлаб чиқаришнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи сабабларга қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш даврида йўл қўйилган камчиликлар;
- 2) Моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳамда пул маблағларидан самарали фойдаланиш;
- 3) Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг яроқсизлиги.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган фаолият натижаларини таҳлил қилиш учун ахборот манбалари бўлиб, асосан қуйидаги ҳисобот ва режа маълумотлари ҳисобланади:

- 1) Ихтисосланган статистик ҳисобот “Етиштирилган маҳсулот турлари бўйича саноат корхонасининг ҳисоботи”;
- 2) Саноат маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги статистик ҳисобот (25-шакл);
- 3) Корхона молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик ҳисобот (1ф шакли);
- 4) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл);
- 5) Товар маҳсулотлари баланси;
- 6) Бизнес режа.

Саноат корхонаси фаолияти билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар таҳлили Самарқанд вилояти Челақ пахта заводининг ҳақиқий маълумотлари асосида амалга оширилди.

3.2. Маҳсулотларнинг тури ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш аҳволининг таққослама таҳлили.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турлари бўйича режа бажарилишини таҳлил қилиш учун ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича ҳақиқий миқдорини режа бўйича кўзда тутилган миқдorigа солиштирилади ва ўзгариши мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда аниқланиб, баҳо берилади. Маҳсулотларнинг турлари бўйича динамикасини таҳлил қилиш учун ҳисобот йилида етиштирилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорини базис йилида етиштирилган

маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорига солиштириб, ўзгариши аниқланади ва баҳо берилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режа бажарилишининг таҳлилини Челақ пахта тозалаш заводининг 2003 йил мисолида кўриб чиқамиз.

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида завод 6 хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш режаси бажарилишининг ва динамикасининг қиёслама таҳлилини 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

1-жадвал

Маҳсулотларнинг турлари бўйича ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.

№	Маҳсулот турлари	2002 йил	2003 йил		Режага нисбатан		2002 йилга нисбатан	
			Режа бўйича	Амалда бажарилиши	Фарқи (+;-)	Бажарилиши, %	Фарқи (+;-)	Динамикаси, %
1	Тола	5403	8362	8775	+413	104,9	+3372	162,4
2	Чигит	8510	14618	15038	+420	102,9	+6528	176,7
3	Момиқ	412	935	344	-591	36,8	-68	83,5
4	Катта момиқ	286	761	1175	+414	154,4	+889	410,8
5	Улюк	48	450	64	-386	14,2	+16	133,3
6	Куюнди	-	2039	2027	-12	99,4	-	-

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2003 йилда саноат маҳсулотининг асосий турлари-тола ва чигит бўйича ишлаб чиқариш режаси ошиғи билан бажарилган. Масалан, пахта толаси бўйича ҳақиқий ишлаб чиқарилган миқдори режага нисбатан 413 тоннага ёки 4,9%га, чигит бўйича эса 420 тоннага ёки 2,9% га кўп ишлаб чиқарилган. Ушбу маҳсулотларнинг миқдори 2002 йилга нисбатан кескин ошган. Пахта толаси бўйича 3372 тонна ёки 62,4 фоизга, чигит бўйича 6528 тоннага ёки 76,7 фоизга маҳсулот кўп ишлаб чиқарилган.

Пахта толаси чиқимининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2003 йил режа ошиғи билан бажарилган, аммо 2002йилга нисбатан у кескин камайган.

Заводда пахтани қайта ишлашга 2002 йилда 14659 тонна, 2003 йилда 27423 тонна пахта хом ашёси сарф бўлган.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, қайта ишланган пахта хом ашёсидан олинган пахта толаси 2002 йилда 36,9 фоизни $(5403 \cdot 100 / 14659)$, 2003 йилда режа бўйича 30,5 фоизни $(8362 \cdot 100 / 27423)$, ҳақиқатда эса у 32 фоизни $(8775 \cdot 100 / 27423)$ ташкил қилди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, пахта толаси бўйича чиқим даражаси режага нисбатан 1,5 % га ошган, аммо 2002 йилга нисбатан 13,3 % га камайган

$$(100 - \frac{32,0 \cdot 100}{36,9}) = 100 - 86,7 = -13,3 \% .$$

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, завод пахта толаси бўйича чиқимини ошириш имкониятини тўлиқ фойланган эмас.

Маҳсулотларнинг турлари бўйича режа бажарилишининг таҳлили билан бир қаторда ассортиментни таҳлилини ҳам амалга ошириш зарур. Маҳсулот ассортиментни деганда нима тушунилади?

Маҳсулотнинг таркиби бўйича турланиши маҳсулот ассортиментни бўлиб ҳисобланади. Масалан, пахта толасининг навлар бўйича туркумланиш ассортиментга мисол бўла олади.

Маҳсулотлар ассортиментининг таҳлилида ишлаб чиқариш учун режалаштирилган маҳсулотларнинг миқдори ва ҳажми бўйича бўладиган ўзгаришлари аниқланиб, уларга баҳо берилади. Ассортимент бўйича режанинг бажарилиш даражасига баҳо бериш учун якуний кўрсаткич аниқлаб олинади. Маҳсулот ассортиментни бўйича режа бажарилишини ифодаловчи якуний кўрсаткични аниқлаш учун ишлаб чиқарилиб, ассортимент таркибига қабул қилинган маҳсулот жами миқдори (ҳажми) ни режа бўйича ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган жами маҳсулот ҳажмига бўлиш керак:

$$\text{Кар} = \frac{\text{Ассортиментга қабул қилинган маҳсулот ҳажми}}{\text{Режалаштирилган маҳсулот ҳажми}}$$

Режалаштирилган маҳсулот ҳажми

Ишлаб чиқарилиб, ассортимент таркибига қабул қилинган жами маҳсулот миқдори (ҳажми) қандай аниқланади?

Бу кўрсаткични аниқлашда ҳар бир маҳсулот тури бўйича режага нисбатан содир бўлган икки ҳолат кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Биринчидан, агар ҳақиқий етиштирилган маҳсулот ҳажми режага нисбатан ошган бўлса, ассортиментга режалаштирилган маҳсулот ҳажми қабул қилинади. Иккинчидан, агар ҳақиқий етиштирилган маҳсулот режага нисбатан кам ишлаб чиқарилган бўлса, ассортиментга фақат ҳақиқий етиштирилган маҳсулот ҳажми қабул қилинади. Шу икки ҳолат натижасида ҳисобга олинган маҳсулотлар ҳажмларининг йиғиндиси ассортиментга қабул қилинган жами маҳсулот ҳажмини ташкил қилади. Маҳсулотлар ассортиментни бўйича режа бажарилишининг таҳлилини Челак пахта заводида ишлаб чиқарилган пахта толаси мисолида кўриб чиқамиз. Буни 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

2-жадвал

Пахта толаси навлари бўйича ассортимент режаси бажарилишининг таҳлили (2003 йил мисолида)

Тола нав-лари	Режа бўйича	Амалда бажарилиши	Ассортимент таркибига қабул қилинган маҳсулот	Режанинг умумий бажарилиши, %	Ассортимент бўйича режанинг бажарилиши, %
1	5340	5610	5340	X	X
2	1160	1219	1160	X	X
3	480	501	480	X	X
4	480	441	441	X	X
5	902	1004	902	X	X
Жами	8362	8775	8323	104,9	99,5

2-жадвалдан кўриниб турибдики, завод бўйича 2003 йилда пахта толасини ишлаб чиқариш режаси 104,9 фоизга бажарилган. Бошқача айтганда, режалаштирилган 8362 тонна ўрнига амалда 8775 тонна тола ишлаб чиқарган бўлиб, у 413 тоннага ($8775-8362=+413$ тонна) ёки 4,9 фоизга ошган. Тола бўйича ассортимент режаси 99,5 фоизга бажарилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таркиби деярли режага мос келади.

3.3. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасининг омилли таҳлили.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ва ҳажми бўйича динамикаси ёки режаси бажарилишининг таҳлили қиёслашдан бошланади. Ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдорини режадаги ёки ўтган йилдаги маҳсулот миқдорига солиштириб, ўзгариши аниқланади. Ушбу ўзгариш экстенсив ва интенсив омиллар таъсири остида юзага келади. Ушбу омилларнинг маҳсулот миқдорининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «Занжирли боғланиш», «Кўрсаткичлар фарқи», «Индекс» усулларидан фойдаланиш мумкин. Биз ушбу бўлимда «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб натижанинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқладик. Биз пахта толаси мисолида унинг ўзгаришини таққослама таҳлилини 3.2 параграфда кўриб чиқдик. 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2003 йилда ишлаб чиқарилган пахта толаси 2002 йилга нисбатан 3372 тоннага ошган. Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил таъсири остида юзага келган.

1) Қайта ишланган пахта хом ашёси миқдорининг ўзгариши (экстенсив омил);

2) Тола чиқими коэффицентининг ўзгариши (интенсив омил).

Ушбу омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланди.

Омилларининг таъсирини аниқлаганга қадар қуйидаги боғланиш кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур.

I. $\Sigma Q_0 C_0$ -базис йилидаги (ёки режадаги) тола миқдори

II. $\Sigma Q_1 C_0$ - шартли тола миқдори

III. $\Sigma Q_1 C_1$ -ҳисобот йилидаги тола миқдори.

Бунда, Q_0 , Q_1 -мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларида қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори; C_0 , C_1 - мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларида пахта толаси чиқими коэффиценти.

Ушбу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдорининг ўзгариши аниқланади ва ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири аниқланиб, таҳлил қилинади.

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришини (кўпайиши ёки камайишини) аниқлаш учун ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдоридан

(III-боғланишдан) базис йилида ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдорини (I-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$\Sigma Q_1 C_1 - \Sigma Q_0 C_0 = \pm \Delta_{Q,ч}$ –бу ўзгариш икки омил таъсири остида юзага келган.

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришига қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун “шартли пахта толаси миқдори”дан (II-боғланишдан) базис йилидаги пахта толаси миқдорини (I-боғланишни) айириб ташлаш керак:

$$\Sigma Q C_0 - \Sigma Q_0 C_0 = \pm \Delta q$$

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришига пахта толаси чиқими коэффиценти ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги пахта толаси миқдоридан (III-боғланишдан) шартли пахта толаси миқдорини (II-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$\Sigma Q_1 C_1 - \Sigma Q_1 C_0 = \pm \Delta_z$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси пахта толаси миқдорининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак: $\Delta_q \pm \Delta_z = \Delta_{qч}$

Энди, юқорида баён қилинган “Занжирли боғланиш” усулининг қоидалари асосида пахта толаси динамикасининг омилли таҳлилини 3-жадвалдаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

3-жадвал

Завод бўйича пахта толаси динамикасининг омилли таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	2002 йил	2003йил-да қайта ишланган хом ашё миқдори ва 2002 йилдаги толаси чиқими бўйича	2003 йил	Ўзгариши (+;-)	Ш.ж. жами ўзгариши (+;-)	
						Пахта хом ашёси миқдори ҳисобига	Тола коэффиценти ҳисоби-га
1	Қайта ишлан-ган пахта хом ашёси миқдо-ри , тонна	14659	27423	27423	+12764	X	X
2	Пахта толаси чиқими коэф-фициенти	0,369	0,369	0,320	-0,049	X	X
3	Пахта толаси миқдори, тон-на	5403	10119	8775	+3372	+4716	-1344

3-жадвалнинг маълумотларидан кўриниб турибдики, завод бўйича ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдори 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 3372 тонна кўпайган. Бу ўзгариш миқдорий омилнинг ижобий, сифатий омилнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Миқдорий омилнинг, яъни қайта ишланган пахта хом ашёси миқдорининг ошиши ижобий таъсир қилиб, пахта толаси миқдорини 4716 тонна ошишига олиб келган:

$$\Sigma Q_1 C_0 - \Sigma Q_0 C_0 = (27423 * 0,369) - (14659 * 0,369) = 10119 - 5403 = +4716 \text{ т}$$

Демак, қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори 2003йилда 2002 йилга нисбатан 12764 тоннага ошган, натижа ушбу омил ҳисобига пахта толаси миқдори 4716 тонна кўпайган.

Пахта толаси миқдорининг ўзгаришига интенсив (сифатий) омилнинг ўзгариши салбий таъсир қилган. Пахта толаси чиқими коэффиценти 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 0,049 миқдорга камайган (4,9% га пасайган), натижада шу омил ҳисобига пахта толаси миқдори 1344 тоннага камайган.

$$\Sigma Q_1 C_1 - \Sigma Q_1 C_0 = (27423 * 0,320) - (27423 * 0,369) = 8775 - 10119 = -1347 \text{ тонна}$$

Агар 2003 йилда пахта толаси чиқими коэффиценти камаймасдан 2002йил даражасида сақланиб қолганда, 2003 йилда қайта ишланган пахта хом ашёсидан олинган пахта толаси 8775 тонна ўрнига 10119 тоннани ташкил қилган бўлар эди. Демак, пахта толаси миқдорини кўпайтиришнинг асосий резерви бўлиб, пахта чиқими коэффицентини ошириш ҳисобланади, аммо завод 2003 йилда ушбу имкониятдан фойдаланган эмас.

3.4. Саноат ялпи маҳсулоти ҳажмининг омилли таҳлили.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ўзаро боғланган иқтисодий кўрсаткичлардир.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ҳажми саноат корхонаси нинг фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Саноат маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши қўллаган иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига сабабчи бўлади, жумладан маҳсулотни сотиш ҳажми, маҳсулот таннархи даражаси, фойда суммаси, рентабеллик даражаси, корхонанинг тўлов қобилияти молиявий барқарорлиги ва бошқа саноат маҳсулоти тини ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ялпи ва соф маҳсулотлар орқали таърифланади, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми товар ва тайёр маҳсулот билан, сотилган маҳсулотлар ҳажми эса жўнатиш товар маҳсулотлари ҳажми билан тавсифланади. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари натура, шартли натура ва қиймат кўрсаткичлари орқали ифодаланади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ялпи маҳсулот орқали ифодаланади. Ялпи маҳсулот ҳажми ресурслар ва улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади, ушбу боғлиқликни омилларнинг таъсирини таҳлил қилган пайтда кўриб чиқамиз.

Маҳсулотнинг умумий ҳажми соф улгуржи нархларда баҳоланади, яъни қўшилган қиймат солиғи, акциз ва махсус солиқлар чегирилиб ташлангандан кейинги улгуржи нархлар бўйича баҳоланади ва махсус ҳисоботда акс эттирилади.

Ялпи маҳсулотнинг таҳлили ҳам таққослашдан бошланади. Ҳисобот йилидаги ялпи маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми унинг режадаги ҳажмига ёки

базис йилидаги ҳажмига солиштириш орқали унинг ўзгариши (кўпайган ёки камайганлиги) аниқланади:

$$ЯМ_1 - ЯМ_0 = \pm \Delta$$

Бунда, $ЯМ_1$, $ЯМ_0$ - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги ялпи маҳсулот ҳажми.

Ушбу формуладан омилли таҳлилда фойдаланиш мумкин эмас, чунки ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи биринчи тартибли омиллар ўз аксини топган эмас (улар кўринмайди). Шунинг учун ялпи маҳсулот ҳажмини омиллар кўпайтмаларининг йиғиндиси тариқасида аниқлаб, ифодалаш зарур. Ишлаб чиқарилган саноат ялпи маҳсулоти ҳажми меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш, асосий воситалар ва улардан фойдаланиш, моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш даражаларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу ресурслар ва улардан фойдаланиш даражаси ўзгаришининг ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирининг таҳлилини навбати билан ушбу пораграфада кўриб чиқамиз.

Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш таъсирининг таҳлили.

Меҳнат ресурслари ходимларнинг ўртача йиллик сони кўрсаткичи билан улардан фойдаланиш эса 1 ходим ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (яъни меҳнат унумдорлиги) билан ифодаланади. Булар ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи бевосита омиллар бўлиб ҳисобланади. Демак, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига қуйидаги икки омил таъсир қилади:

- 1) Ходимларнинг ўртача йиллик сонининг ўзгариши .
- 2) Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши.

Ушбу омиллар билан ялпи маҳсулот орасида бевосита функционал боғлиқ мавжуд. Шу икки омил кўпайтмаларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмига тенг бўлади, шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгариши тенг бўлади.

Ушбу омилларнинг ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини “Занжирли боғланиш”, “Кўрсаткичлар фарқи”, “Индекс” усуллари ёрдамида аниқлаш мумкин. Биз бу ерда “Кўрсаткичлар фарқи” усули бўйича аниқлаш тартибини келтирдик. Ялпи маҳсулот ҳажмининг таҳлили унинг умумий ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Ҳисобот йилида етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмидан режалаштирилган (ёки базис йилида етиштирилган) ялпи маҳсулот ҳажмини чегирилиб ташлаш орқали унинг унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$\Sigma T_1 V_1 - \Sigma T_0 V_0 = \pm \Delta_{T,V}$$

Бунда, T_1, T_0 -мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги ходимларнинг ўртача сони, V_1, V_0 - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги меҳнат унумдорлиги даражаси (ҳажми). Шундан кейин ушбу ўзгаришга юқорида кўрсатилган омиллар таъсири аниқланади.

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ишловчи ходимларнинг ўртача йиллик сони бўйича ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот

йилидаги ходимлар сони билан базис йилидаги (ёки режалаштирилган) ходимлар сони орасидаги фарқи $(T_1 - T_0)$ базис йилидаги (ёки режалаштирилган) меҳнат унумдорлиги даражасига (V_0) кўпайтирилади.

$$\Sigma(T_1 - T_0) * V_0 = \pm \Delta_T$$

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига меҳнат унумдорлиги даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги меҳнат унумдорлиги даражаси (V_1) билан базис йилидаги (ёки режалаштирилган) меҳнат унумдорлиги даражаси (V_0) орасидаги фарқни $(V_1 - V_0)$ ҳисобот йилидаги ишловчиларнинг ўртача йиллик сонига кўпайтирилади:

$$\Sigma(V_1 - V_0) * T_1 = \pm \Delta_V$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг бўлиши керак:

$$\Delta_T \pm \Delta_V = \Delta_{T,V}$$

Шундан сўнг ҳар бир омилнинг таъсирига баҳо берилиб, хулоса чиқарилиши керак.

Энди, юқорида келтирилган усул қондаси асосида Челак пахта заводи мисолида пахта толаси бўйича ялпи маҳсулот динамикасининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунини 4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

4-жадвал

Челак пахта заводи бўйича ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг омилли таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	2002 йил	2003 йил	2003 йил % ҳисобида	Мутлоқ ўзгари-ши, (+;-)
1	Ишловчи ходимлар-нинг ўртача йиллик сони , киши	387	400	103,4	+13
2	1 киши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, (меҳнат унумдорлиги), минг сўм	6323,5	9925,2	157,0	+3601,7
3	Ялпи маҳсулот (2002 йил баҳоси бўйича), минг сўм	2447195	3970073	162,2	+1522876
Шу жумладан ўзгаришига омиллар таъсири:					
	а) Ходимлар сони ўзгариши ҳисобига, $(T_1 - T_0) * V_0$	X	X	X	+82206
	б) Меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисобига, $(V_1 - V_0) * T_1$	X	X	X	+1440670

4-жадвалдан кўришиб турибдики, 2003 йилда етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 2002 йилга нисбатан 1522876 минг сўмга ёки 62,2 фоизга ошган. Жумладан ходимларнинг ўртача йиллик сони 13 кишига кўпайган, натижада шу омил ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми 82206 минг сўмга ошган.

$$\Sigma(T_1 - T_0) * V_0 = (400 - 387) * 6323,5 = +82206 \text{ минг сўм.}$$

Бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (яъни маҳсулот унумдорлиги) 3601,7 минг сўмга ёки 57 фоизга ошган, натижада ялпи маҳсулот ҳажми базис йилига нисбатан шу омил ҳисобига 1440670 минг сўмга кўпайган:

$$\Sigma(V_1 - V_0) * T_1 = (9925,2 - 6323,5) * 400 = +1440670 \text{ минг сўм}$$

Икки омил таъсирининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига тенг келиши керак:

1) Ходимлар сони ўзгаришининг таъсири +82206 минг сўм

2) Меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсири +1440670 минг сўм.

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши (жами) +1522876 минг сўм.

Асосий воситалар ва улардан фойдаланишнинг ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирининг таҳлили.

Асосий воситалар деганда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик қиймати кўрсаткичи тушунилади. Асосий воситалардан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи бўлиб фонд қайтими кўрсаткичи ҳисобланади.

Фонд қайтимини (фқ) аниқлаш учун ялпи маҳсулот ҳажмини (ям) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига (АИФ) бўлиш керак:

$$ФҚ = \frac{ЯМ}{АИФ}$$

Ялпи маҳсулот ҳажми шу икки омил кўпайтмаларининг йиғиндисига тенг бўлади.

$$ЯМ = АИФ * ФҚ$$

Демак, ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади.

1) Асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳажмининг ўзгариши;

2) Фонд қайтимининг ўзгариши.

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, аниқлаш тартибига тўхталамиз. Омиллар таъсирини аниқлаганга қадар қуйидаги учта боғланиш кўрсаткичлари аниқлаб олинishi керак:

I. $АИФ_0 * ФҚ_0$ -базис йилидаги (ёки режалаштирилган) ялпи маҳсулот ҳажми;

II. $АИФ_1 * ФҚ_0$ -шартли ялпи маҳсулот ҳажми;

III. $АИФ_1 * ФҚ_1$ -ҳисобот йилидаги ялпи маҳсулот ҳажми.

Шундан кейин ялпи маҳсулот ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади.

I-омилнинг таъсирини, яъни асосий воситалар ўртача йиллик ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли ялпи маҳсулот суммасидан

(II-боғланишдан) базис йилидаги (ёки режалаштирилган) ялпи маҳсулот суммасини (I-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$(АИФ_1 * ФК_0) - (АИФ_0 * ФК_0) = \pm \Delta_{АИФ}$$

II-омилнинг таъсирини, яъни фонд қайтими ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан (III-боғланишдан) шартли ялпи маҳсулот ҳажмини (II-боғланишини) чегириб ташлаш керак:

$$(АИФ_1 * ФК_1) - (АИФ_1 * ФК_0) = \pm \Delta_{ФК}$$

Энди, Челак пахта заводининг ҳисобот маълумотлари асосида ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришга асосий фондлар ва улардан фойдаланиш даражаси ўзгаришининг таъсирининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Буни 5-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

5-жадвал

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига асосий фондлар ҳажми ва фонд қайтими таъсирининг таҳлили (жорий баҳолар бўйича)

Кўрсаткичлар	2002 йил	2003йил асосий фонд қиймати ва 2002-йил фонд қайтими бўйича	2003 йил	Умумий ўзгариши (+;-)	Шу жумладан омиллар таъсири	
					Фондлар ҳажмининг ўзгариши ҳисобига	Фонд қайтими-нинг ўзгариши ҳисобига
1	2	3	4	5	6	7
	$АИФ_0 * ФК_0$	$АИФ_1 * ФК_0$	$АИФ_1 * ФК_1$	$5=4-2$	$6=3-2$	$7=4-3$
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўр-тача йил-лик қий-мати, минг сўм (Аиф)	31165	83052	83052	+51887	X	X
Асосий ишлаб чиқариш фондлари қайтими, сўм (фк)	78,5	78,5	62,8	-9,7	X	X
Ялпи маҳсулот, минг сўм (Аиф*фк)	2447195	6519582	5214886	+2767691	+4072387	-304696

Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича ялпи маҳсулот ҳажми 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 2767691 минг сўмга ошган. Бу ўзгариш экстенсив омилнинг ижобий ва интенсив омилнинг салбий таъсири остида содир бўлган. Экстенсив омил бўлиб, фондларнинг ўртача қийматининг (ҳажмининг) ўзгариши ҳисобланади. Интенсив омил – бу фонд қайтимидир.

Асосий фондларнинг ўртача йиллик ҳажми 2003 йилда 83052 минг сўмни ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 51887 минг сўмга ёки 2,7 мартага ошган, натижада ялпи маҳсулот ҳажми шу омил ҳисобига 4072387 минг сўмга ошган:

$$(АИФ_1 * ФК_0) - (АИФ_0 * ФК_0) = (83052 * 78,5) - (31165 * 78,5) = 6519582 - 2447195 = +4072387 \text{ м.с.}$$

Фонд қайтими 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 9,7 сўмга камайган, натижада шу омилнинг салбий таъсири остида ялпи маҳсулот ҳажми 1304696 минг сўмга камайган:

$$(АИФ_1 * ФК_1) - (АИФ_1 * ФК_0) = (83052 * 62,8) - (83052 * 78,5) = 5214886 - 6519582 = -1304696 \text{ м.с.}$$

Ялпи маҳсулотнинг кўпайтиришнинг асосий резерви бўлиб, фонд қайтимини ошириш ҳисобланади, яъни 1 сўмлик фонд ҳисобига олинadиган ялпи маҳсулот ҳажмини ошириш зарур.

3.5. Саноат товар маҳсулотларини сотиш режасини бажарилиши ва динамикасининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ уларни сотиш муаммоси биринчи ўринга чиқади. Маҳсулотларни сотиш ҳажми ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асос бўлади. Маҳсулот бозоргир бўлса, шунга яраша ишлаб чиқариш ўсади, агар товарнинг талабгори бўлмаса, ишлаб чиқариш қисқаради. Демак, ишлаб чиқариш кўлами ривожига товарнинг бозоргирлиги ижобий таъсир қилади.

Сотилган товарларнинг ҳажми икки хил усул билан ҳисобланади: кассали усул ва ҳисобга олиш усули. «Кассали усул»да сотиб олувчиларга ортиб жўнатилган товарлар пули корхонанинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан кейин у сотилган деб ҳисобланиб, унинг ҳажми (суммаси) аниқланади.

«Ҳисобга олиш усули»да сотиб олувчиларга товар ортиб жўнатилган ва уларнинг ҳужжатлари тегишли банкларга тақдим этилган бўлса, товар сотилган деб ҳисобланиб, унинг ҳажми ҳужжатлардаги суммалар бўйича аниқланади. «Ҳисобга олиш усули» дан аксарият барча саноат корхоналари фойдаланади. Челақ пахта заводида ҳам сотилган маҳсулотлар бўйича ушбу усул қўлланилиб келинмоқда.

Таҳлилда маҳсулотларни сотиш режасининг бажарилиши ва динамикаси, ҳамда уларнинг ўзгаришига омилларнинг таъсири ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Сотилган товар ҳажмининг ўзгаришини таҳлил қилишда «Товар баланси» ва «Саноат маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги (25-шакл) ҳисобот» маълумотларидан фойдаланилади.

Сотилган товар маҳсулотлари ҳажми «Ҳисобга олиш усули» бўйича ҳисобланганда, товар баланси қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$TM_1 + IT = CM + TM_2$$

Бу ерда, TM_1 -йил бошидаги тайёр товар маҳсулоти қолдиғи;

TM_2 -йил охиридаги тайёр товар маҳсулоти қолдиғи;

ИТ-йил даврида ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қиймати;

СМ-йил даврида сотилган товар маҳсулоти қиймати

Товар баланси бўйича сотилган товар маҳсулоти ҳажми тенг бўлади:

$$CM = TM_1 + IT - TM_2$$

Демак, сотилган товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига уч омил таъсир қилади:

1) Йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғи бўйича ҳажмининг (қийматининг) ўзгариши ($TM_1 - TM_0$)

2) Ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қийматининг ўзгариши ($IT_1 - IT_0$).

3) Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи бўйича қийматининг ўзгариши ($TM_2 - TM_1$).

Ушбу омилларнинг сотилган товарлар ҳажмининг ўзгаришига таъсирини солиштириш, кўрсаткичлар фарқи ва занжирли боғланиш усуллари орқали аниқлаш мумкин.

Агар сотилган маҳсулотлар ҳажми «Касса усули» бўйича аниқланганда яъни тўланган пул тушуми ҳажми бўйича аниқланганда товар баланси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$TM_1 + IT + ЖМ_1 = CM + ЖМ_2 + TM_2$$

Бунда, $ЖМ_1$ -жўнатишган товар маҳсулотларининг йил бошидаги қодиғи

$ЖМ_2$ -жўнатишган товар маҳсулотларининг йил охиридаги қолдиғи

Сотилган товар маҳсулот ҳажми (яъни пул тушуми ҳажми) тенг бўлади:

$$CM = TM_1 + IT + ЖМ_1 - ЖМ_2 - TM_2$$

Демак, ушбу формуладан кўриниб турибдики, товарларни сотишдан олинган пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига 5та омил таъсир қилади. Ушбу омилларнинг пул тушумининг ўзгаришга таъсирини ҳам юқорида кўрсатилган усуллар орқали аниқлаш мумкин.

Биз «Ҳисобга олиш усули» дан фойдаланиб, пахта толасини сотиш мисолида кўриб чиқамиз.

Сотилган пахта толаси динамикасининг таҳлилини амалга ошириш учун товар баланси асосида тузилган қуйидаги формуладан фойдаланиш зарур:

$$CM = TM_1 + IT - TM_2$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, сотилган пахта толаси ҳажмининг ўзгаришига уч омил таъсир қилади. Ушбу омилларнинг таъсирини солиштириш усули орқали аниқлаш тартибига тўхталдик.

Сотилган пахта толаси суммасининг (пул тушумининг) ўзгаришига йил бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилининг бошидаги тайёр маҳсулоти қолдиғидан базис йилининг бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғини чегириб ташлаш керак:

$$TM1_1 - TM1_0 = \pm \Delta_{TM1}$$

Ҳисобот йилининг бошидаги пахта толаси қолдиғи ҳажми базис йилининг бошидаги қолдиғи ҳажмига нисбатан кўп бўлса, сотилган пахта толаси ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилиб, унинг кўпайишига олиб келади. Аксинча, бўлса уни камайтиради.

Сотилган пахта толаси ҳажмининг (суммасининг) ўзгаришига йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилининг охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғидан базис йилининг охиридаги қолдиғини чегириб ташлаш керак:

$$TM2_1 - TM2_0 = \pm \Delta_{TM2}$$

Ҳисобот йилининг охиридаги пахта толаси қолдиғининг ҳажми базис йилининг охиридаги унинг қолдиғи ҳажмига нисбатан кам бўлса, сотиш ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилади, натижада унинг ҳажмини оширади. Аксинча бўлса-уни камайтиради.

Сотилган пахта толаси ҳажмининг ўзгаришига ишлаб чиқарилиш тайёр маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида етиштирилган товар маҳсулоти ҳажмидан базис йилида етиштирилган товар маҳсулоти ҳажмини чегириб ташлаш керак:

$$IT_1 - IT_0 = \pm \Delta_{IT}$$

Ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажми базис йилида ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажмига нисбатан кўп бўлса, у сотиш ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилади, натижада пул тушуми суммаси ошади. Аксинча бўлса, пул тушуми камаяди.

Энди, пахта толасини сотиш динамикасининг таҳлилини «Сотилан пахта толаси баланси» асосида юқорида баён қилинган усул қондасига амал қилган ҳолда кўриб чиқамиз. Буни 6-жадвалдан кўриш кўриш мумкин.

Сотилган пахта толаси товар маҳсулотининг омилли таҳлили
(минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Пахта толасининг йил бошидаги қийматининг қолдиғи	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот-пахта толаси	Пахта толасининг йил охиридаги қийматининг қолдиғи	Сотилган пахта толаси ҳажми
2002 йил	127796	2217807	254333	2091270
2003 йил	254338	4902227	139466	5017099
Пахта толасини сотиш ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсири	+126542	+2684420	+114867	+2925829

6- жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида сотилган пахта толаси базис йилига нисбатан 2925829 минг сўмга ошган. Ушбу кўпайиш уч омилнинг ҳам ижобий таъсири остида юзага келган.

Шу жумладан:

1) пахта толасининг йил бошидаги қолдиғининг ошиш ҳисобига 126542 минг сўмга сотиш ҳажми ошган ($254338-127796=\pm 126542$ минг сўм).

2) ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажмининг кўпайиш ҳисобига сотиш ҳажми 2684420 минг сўмга ошган ($4902227-2217807=+2684420$ минг сўм).

3) пахта толасининг йил охиридаги қолдиғининг камайиши ҳисобига сотиш ҳажми 114867 минг сўмга ошган ($139466-254333=+114867$). Бу ерда натижа минус ўрнига плус билан чиқарилган, сабаби қолдиқ камайиши сотиш ҳажмига ижобий таъсир қилиб, кўпайтиради шунинг учун натижа плус билан қайд қилинган.

Сотилган товар маҳсулотининг умумий ҳажмининг таҳлилини кўриб чиқди. Энди, товар маҳсулотини тури бўйича сотилган маҳсулот ҳажмининг таҳлиliga тўхталамиз.

Ҳар бир сотилган маҳсулот тури бўйича ҳажмини ўзгариши қуйидагича аниқланади.

$$\Sigma Q_1 P_1 - \Sigma Q_0 P_0 = \pm \Delta_{QP},$$

Бунда, Q_1 , Q_0 -мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган маҳсулот миқдори;

P_1 , P_0 -мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган бир бирлик маҳсулотнинг улгуржи баҳоси.

Сотилган маҳсулот тури бўйича ҳажмининг ўзгариши қуйидаги икки омил ҳисобига содир бўлади:

Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳисобига;

Улгуржи сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига.

Ушбу омилларнинг сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун “Занжирли боғланиш”, “Кўрсаткичлар фарқи”, “Индекс” усул ларидан фойдаланиш мумкин. Биз “Занжирли боғланиш” усулидан фойдаландик. Бунинг учун омиллар таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги боғланиш кўрсаткичлари аниқлаб олинади:

I. $\Sigma Q_0 P_0$ -базис йилида (ёки режа бўйича) сотилган маҳсулот қиймати.

II. $\Sigma Q_1 P_0$ -сотилган маҳсулотнинг шартли қиймати.

III. $\Sigma Q_1 P_1$ -ҳисобот йилида сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати.

Шундан кейин сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

Сотилган маҳсулот миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун со-
тилган маҳсулотнинг шартли ҳажмидан (II- боғланишдан) базис
йилида (ёки режа бўйича) сотилган маҳсулот ҳажмини (I-боғланишни)
чегириб ташлаш керак:

$$\Sigma Q_1 P_0 - \Sigma Q_0 P_0 = \pm \Delta_Q$$

Сотилган маҳсулот бир бирлиги бўйича улгуржи сотиш баҳоси
ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида сотилган
маҳсулот ҳажмидан (III-боғланишдан) сотилган маҳсулотнинг шартли
ҳажмини (II-боғла-нишни) чегириб ташлаш керак:

$$\Sigma Q_1 P_1 - \Sigma Q_1 P_0 = \pm \Delta_P$$

Шу икки омил таъсирларнинг йиғиндиси сотилган маҳсулот ҳажми-
нинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_Q \pm \Delta_P = \pm \Delta_{QP}$$

Энди, юқорида келтирилган “Занжирли боғланиш” усули қонидаси асо-
сида Челақ пахта заводи мисолида маҳсулот турлари бўйича ҳажми динами-
касининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз.

7-жадвал

Сотилган маҳсулотлар бўйича сотиш ҳажмининг омилли таҳлили.

Маҳ- сулот турлари	2002 йил			Шарт ли сотиш ҳажми, Минг сўм	2003 йил			Сотиш Ҳажми нинг ўзгари- ши (+;-)	Шу жумладан Ўзгариши	
	Миқ- дори, тон- на	1 т баҳо- си, сўм	Сўм маси, минг сўм		Миқ- дори, тонна	1т баҳо- си, сўм	Сўм маси, Минг сўм		Миқдо- ри ҳисоби- га	Баҳо ҳисоби- га
	Q_0	P_0	$Q_0 P_0$	$Q_1 P_0$	Q_1	P_1	$Q_1 P_1$	$Q_1 P_1 - Q_0 P_0$	$Q_1 P_0 - Q_0 P_0$	$Q_1 P_1 - Q_1 P_0$
Пахта толеси	4962	421457	2091270	3998362	9487	528839	5017090	+29258 29	+190709 2	+101873 7
Тех ник чигит	7543	23699	178762	294578	12430	19718	245101	+66339	+115816	-49477
Уруғ лик чигит	3586	50316	180435	108280	2152	219077	471455	+29102 0	-72155	+363175

7-жадвалдан кўришиб турибдики, барча маҳсулот турлари бўйича
сотиш ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ошган. Бу ўзгариш
омилларнинг ижобий ва салбий таъсирлари остида юзага келган. Шу

жумладан пахта толасини сотиш ҳажмининг ўзгаришига икки омил ҳам ижобий таъсир қилган, яъни пахта толаси миқдорининг 4525 тоннага (9487-4962) ошиши натижасида сотиш ҳажми 1907092 минг сўмга, улгуржи сотиш баҳосининг 107382 сўмга (528839-421457) ошиши натижасида толани сотиш ҳажми 1018737 минг сўмга ошган. Натижада шу икки омил ҳисобига толани сотиш ҳажми базис йилига нисбатан 2925829 минг сўмга кўпайган. Техник чигитни сотиш ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдорининг ошиши ижобий, улгуржи сотиш баҳосининг пасайиши салбий таъсир қилган, уруғлик чигитни сотиш ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдорининг камайиши салбий, улгуржи баҳосининг ошиши ижиобий таъсир қилган.

3.6. Маҳсулот сифатининг таҳлили.

Саноат корхонаси фаолиятининг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ҳисобланади. Маҳсулот сифатининг ошиши ўз навбатида сотилган маҳсулот ҳажмининг ошишига ва фойданинг кўпайишига, оқибатда рентабеллик даражасининг юқори бўлишига сабабчи бўлади. Маҳсулот сифатининг ошиши унга бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Маҳсулот сифатининг ошиши бозорда рақобат курашида ютиб чиқиш ёки ўз мавқеини ушлаб туриш имкониятини яратади. Сифатли маҳсулот бозорда юқори баҳоларда сотилиб, қўшимча даромад олиб келиш манбаига айланади. Маҳсулот сифатини таҳлил қилишнинг асосий мақсади бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатига баҳо бериш ҳамда маҳсулот ҳажмининг ва фойданинг ўзгаришига тегишли таъсирини аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулот сифати асосан қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади ва ўрганилади

Ўртача навлик коэффиценти;

Ўртача сотиш баҳоси коэффиценти.

Ўртача навлик коэффиценти қандай аниқланади?

Ушбу коэффицентни аниқлаш учун I навга айлантирилган маҳсулотлар қийматининг жами суммасини навлар бўйича жорий баҳоларда ҳисобланган маҳсулотлар қийматининг жами суммасига бўлиш керак.

I навга айлантирилган маҳсулотлар қийматининг жамини аниқлаш учун ҳар бир нав бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини биринчи навга айлантириш коэффицентига кўпайтириб, уларнинг ҳажми жамлаш керак.

I навга айлантириш коэффиценти қандай аниқланди?

I-навнинг баҳоси I-коэффицентга тенг деб олинади, қолган навларнинг баҳосини I нав баҳосига бўлиш орқали I-навга айлантириш коэффиценти аниқланади. Масалан, 2003 йилда 1 тонна пахта толасининг баҳоси I нав учун 636,6 минг сўмни, II нав баҳоси эса 526,5 минг сўмни ташкил қилган. I навнинг баҳоси 636,6 минг сўмни 1 коэффицент деб,

иккинчи навнинг коэффиценти 0,83 га тенг ($526,5/636,6=0,83$) деб олинади, бошқалари ҳам шунга ўхшаш усулда аниқланади.

Маҳсулот сифатининг таҳлили ҳисобот йилидаги ўртача навлик коэффиценти базис йилидаги ёки режалаштирилган ўртача навлик коэффицентиға солиштиришдан бошланади. Солиштириш орқали ўртача навлик коэффицентиининг ўзгариши (ошган ёки пасайганлиги) аниқланади. Коэффицент ошган бўлса, маҳсулоти сифати ошганлигидан далолат беради, агар пасайган бўлса, аксинча, сифатнинг пасайганлигини билдиради.

Энди, Челак пахта заводи мисолида ишлаб чиқилган пахта толаси сифатининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

8-жадвал

Пахта толаси сифатининг таҳлили (2003 йил)

Навлар	1 тонна пахта толасининг ҳақиқий улгуржи баҳоси, минг сум	Биринчи Навга айлантириш коэффиценти	Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати, минг сўм		Биринчи навга Айлантирилган Маҳсулотлар қиймати, минг сўм		Ўртача навлик коэффиценти	
			Режа бўйича	Амалда	Режа бўйича	Амалда	Режа бўйича	Амалда
1	636,6	1,0	3259565	3571260	3259565	3571260	X	X
2	526,5	0,83	587812	641775	487884	532673	X	X
3	502,4	0,79	230366	251724	181989	198862	X	X
4	418,7	0,66	169166	184660	111650	187875	X	X
5	189,3	0,30	173551	190055	52053	57016	X	X
Жами	551,5	X	4420420	4839474	4093141	4547686	0,926	0,940

2003 йилда завод бўйича пахта толасининг ўртача навлик коэффиценти 92,6 фоизни ташкил қилган ($4093141/4420420=0,926$ ёки 92,6 фоиз), ҳақиқатда эса унинг даражаси 94% га тенг бўлган ($4547686/4839474=0,94$ ёки 94%), натижада ўртача навлик коэффиценти режаға нисбатан 1,4% га ошган. Маҳсулот сифатининг ошиши натижасида пахта толаси сотиш бўйича 332057 минг сўмлик қўшимча даромад олинган:

$$4420420 \cdot 0,94 / 0,926 - 4420420 = 4487725 - 4420420 = +332057 \text{ минг сўм}$$

Ўртача навлик коэффицентиини ўрганиш билан бир қаторда ўртача сотиш баҳосининг ўзгаришини ҳам таҳлил қилиш маҳсулот сифатини ўрганиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятға эға бўлади. Ўртача сотиш баҳосини ўртача арифметик миқдорлар формуласидан фойдаланиб аниқлаш зарур. 9-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида амалға оширилди.

Пахта толаси бўйича ўртача баҳони ҳисоблаш учун зарур бўлган
маълумотлар

Тола навлари	Пахта толаси миқдори, тонна		1 тонна пахта толасининг баҳоси, минг сўм		Маҳсулотнинг навлари бўйича қиймати, минг сўм		Шартли маҳсулот қиймати, минг сўм
	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Режа бўйича	Ҳақиқийси	
	Q_0	Q_1	P_0	P_1	Q_0P_0	Q_1P_1	Q_1P_0
1	5340	5610	610.4	636.6	3259565	3571260	3424344
2	1160	1219	506.7	526.5	587812	641775	617667
3	480	501	479.9	502.4	230366	251724	240430
4	480	441	352.4	418.7	169166	184660	155408
5	902	1004	192,4	189,3	173511	190055	193170
Жами	8362	8775	-	-	4420420	4839474	4631019

Ўртача сотиш баҳосининг ошганлиги маҳсулоти сифатининг ошганлигидан далолат беради. Юқорида 9-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида ўртача сотиш баҳоси коэффицентини доимий таркибдаги баҳо индекси билан ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:

$$J_p = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} = \frac{4839474}{4631019} = 551,5:528,0 = 1,045 \text{ ёки } 104,5\%$$

Ҳисобот йилида ўртача 1т пахта толасининг баҳоси режада кўзда тутилган баҳосига нисбатан 23,5 минг сўмга ёки 4,5 фоизга ошган. Бу эса маҳсулот сифатининг ошиши натижасида юзага келган. Ўртача сотиш баҳосининг ошиши хўжалик молиявий фаолиятига ижобий таъсир қилади, бошқача айтганда фойда ҳажмининг ошишига олиб келади. Ўртача сотиш баҳосининг ошиши натижасида 2003 йилдаги пахта толасини сотишдан олинган фойда суммаси 207967 минг сўмга ошади, яъни ушбу фойда суммаси ҳисобот йилидаги ўртача сотиш баҳоси билан режадаги ўртача баҳоси орасидаги фарқни ҳисобот йилидаги пахта толасининг ҳақиқий миқдorigа кўпайтириш йўли билан аниқланади:

$$(P_1 - P_0) \cdot q_1 = (551,5 - 527,8) \cdot 8775 = +23,7 \cdot 8775 = +207967 \text{ минг сўм.}$$

Демак, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳисобига ўртача баҳо ошган, натижада 2003 йилда режага нисбатан 207967 минг сўмлик қўшимча фойда олинган.

3.7. Таянч иборалар

- ишлаб чиқариш
- ишлаб чиқариш ресурслари
- режа бажарилиши
- ишлаб чиқариш динамикаси
- ассортимент коэффицентини

- тола чиқими коэффициенти
- ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омиллар
- сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омиллар
- меҳнат ресурслари
- моддий ресурслар
- меҳнат унумдорлиги
- фонд қайтими
- касса усули
- ҳисобга олиш усули
- ўртача навлик коэффициенти
- I навга айлантириш коэффициенти

3.8. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини таҳлил қилишнинг мақсади нимадан иборат?

Таҳлил манбалари бўлиб, қайси ахборот маълумотлари ҳисобланади?

Маҳсулот турлари бўйича динамикасининг таҳлили қандай амалга оширилади?

Маҳсулотларнинг ассортименти бўйича режанинг бажарилиши қандай аниқланади?

Ассортимент таркибига қабул қилинадиган жами маҳсулот миқдори қандай аниқланади?

Саноат маҳсулоти миқдорининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?

Омилларнинг таъсирини қайси усуллардан фойдаланиб, аниқлаш мумкин?

Саноат ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига ходимлар сони ўзгаришининг таъсирини қандай аниқлаш мумкин?

Меҳнат унумдорлиги даражаси ўзгаришининг ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсири қандай ҳисобланади?

Фонд қайтими даражаси ўзгаришининг ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқлаш йўлини тушунтиринг?

«Ҳисобга олиш усули» бўйича сотилган саноат маҳсулот ҳажми қандай аниқланади?

Маҳсулот сифати билан маҳсулот ҳажми орасидаги боғланишни баён қилинг.

Ўртача навлик коэффициенти қандай аниқланади?

I-навга айлантириш коэффицентининг мазмунини тушунтиринг.

Маҳсулот сифатининг ўртача сотиш баҳоси даражасининг ўзгаришга таъсири қандай аниқланади?

Ўртача сотиш баҳосини қайси усул билан аниқлаш тўғрироқ бўлади, сабабини тушунтиринг.

4-Мавзу: Саноат маҳсулоти таннархининг таҳлили.

Режа

- 4.1 Таҳлилининг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 4.2 Маҳсулот таннархи умумий ҳажмининг таҳлили.
- 4.3 Бир сўмлик товар маҳсулоти харажатининг омилли таҳлили.
- 4.4 Маҳсулот таннархи таркиби ва таркибий тузилишининг таҳлили.
- 4.5 Таянч иборалар.
- 4.6 Ўз – ўзини текшириш учун саволлар.

4.1 Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига баҳо беришда кўп сонли сифат кўрсаткичлари қўлланилади, шулар жумласига маҳсулот таннархи ҳам киради.

Таннарх деб нимага айтилади?

Таннарх деб маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни пул шаклида ифодаланишига айтилади.

Хўжалик фаолиятининг натижалари кўп жиҳатдан таннарх даражасига боғлиқ бўлади, яъни таннархнинг камайиши фойданинг кўпайишига, оқибатда ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва молиявий ҳолатни мустаҳкамланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам таннархни ўрганиш бўйича таҳлилни самарали ташкил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?

Таҳлилнинг мақсади- бу маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатилаётган барча ресурслардан самарали фойдаланиш асосида маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини кўрсатиш бўлиб ҳисобланади.

Мавжуд имкониятларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун таннархнинг таҳлили олдида қуйидаги вазифалар туради:

Маҳсулот таннархи динамикаси ва режаси бажарилишини ўрганиш ва баҳо бериш;

Маҳсулот таннархи даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

Маҳсулот таннархи даражасининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирига баҳо бериш;

Таннарх таркибидаги ҳар бир модда бўйича харажатларни таҳлил қилиш ва уларни камайитириш имкониятларини кўрсатиш.

Маҳсулот таннархини таҳлили қуйидаги ахборот манбалари асосида амалга оширилади:

Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича харажатлар тўғрисидаги статистик ҳисобот (5-с шакли);

Товар маҳсулотининг таннархи тўғрисидаги ҳисобот;

Муҳим маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари буйича тузилган ҳақиқий ва режали калькуляция маълумотлари;
Саноат маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот (25-шакл);
Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари .

4.2 Маҳсулот таннархи умумий ҳажмининг таҳлили.

Маҳсулот таннархининг умумий ҳажми ишлаб чиқариш харажатлари тариқасида намоён бўлади. Таҳлилда уларни камайтириш йўллари аниқлаш биринчи ўринга қўйилади. Таҳлилда ишлаб чиқариш харажатларини режага ва базис йилига нисбатан ўсиб кетишининг сабаблари ўрганилади.

Таҳлил ҳисобот йилида у ёки бу маҳсулот учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари суммасига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Буни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\sum Q_1 Z_1 - \sum Q_0 Z_0 = \pm \Delta_{Q,Z}$$

Бу ерда, Q_1, Q_0 - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида етиштирилган саноат маҳсулотлари миъдори.

Z_1, Z_0 - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида бир бирлик маҳсулот учун сарфланган харажат даражаси.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми бевосита икки омил ҳисобига содир бўлади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳисобига;

Бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажатлар даражасининг ўзгариши ҳисобига.

Ушбу омилларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини “кўрсаткичлар фарқи”, “индекс” ва “занжирли боғланиш” усулларида фойдаланиб аниқлаш мумкин. Биз бу ерда “кўрсаткичлар фарқи” усули бўйича омиллар таъсирини аниқлаш тартибини келтирдик.

омил ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ўзгаришининг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан унинг базис йилидаги (ёки режалаштирилган) миқдори орасидаги фарқни базис йилида (ёки режалаштирилган) бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажат даражасига кўпайтирмоқ керак:

$$(Q_1 - Q_0) * Z_0 = \pm \Delta_Q$$

омил “Бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажатлар даражаси” ўзгаришининг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажат суммаси билан унинг базис йилидаги суммаси орасидаги фарқни ҳисобот йилида етиштирилган маҳсулот миқдorigа кўпайтирмоқ керак:

$$(Z_1 - Z_0) * Q_1 = \pm \Delta_Z$$

Ушбу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_Q \pm \Delta_Z = \Delta_{Q,Z}$$

Шундан кейин ҳар бир омилнинг таъсирига баҳо берилиб, хулоса қилинади.

Юқорида келтирилган “кўрсаткичлар фарқи” усули қоидаларига амал қилиб, челақ пахта заводи мисолида пахта толасини ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришини омилли таҳлилини 10-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

10-жадвал

Пахта толасини ишлаб чиқариш харажатлари режаси
бажарилишининг қиёслама таҳлили (2003 йил).

Навлар	Пахта толаси, тонна			1 тонна харажати, сўм			Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм		
	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Фарқи (+;-)	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Фарқи (+;-)	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Фарқи (+;-)
	Q ₀	Q ₁	Q ₁ -Q ₀	Z ₀	Z ₁	Z ₁ -Z ₀	Q ₀ Z ₀	Q ₁ Z ₁	Q ₁ Z ₁ -Q ₀ Z ₀
1	5340	5610	+270	600220	575706	-24514	3205178	3229709	+24531
2	1160	1219	+59	498627	476462	-22165	578407	580807	+2400
3	480	501	+21	472729	455214	-17515	226910	228062	+1152
4	480	441	-39	347319	379578	+32259	166713	167394	+681
5	902	1004	+102	190000	171674	-18326	171377	172361	+984
Жами	8362	8775	+413	520041	498955	-21086	4348585	4378333	+29748

10-жадвалдан кўришиб турибдики, 2003 йилда ишлаб чиқарилган пахта толасининг жами ишлаб чиқариш харажати суммаси режага нисбатан 29748 минг сўмга ёки 0,7% га ошган:

$$\Sigma Q_1 Z_1 - \Sigma Q_0 Z_0 = 4378333 - 4348585 = +29748 \text{ минг сўм ёки } 0,7\%$$

Ушбу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган, шундан экстенсив омил харажат ҳажмининг ошишига, интенсив омил унинг камайиши сабабчи бўлган.

Ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдори режага нисбатан 413 тоннага кўпайган, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш харажати ҳажмини 214766 минг сўмга ошишига олиб келган:

$$\Sigma (Q_1 - Q_0) * Z_0 = (8775 - 8362) * 520041 = +413 * 520041 = +214766 \text{ минг сўм.}$$

1 тонна пахта толаси харажати режага нисбатан 21086 сўмга камайган, натижада шу омил ҳисобига пахта толасини ишлаб чиқариш харажатининг умумий ҳажми 185018 минг сўмга камайган.

$$\Sigma (Z_1 - Z_0) * Q_1 = (498955 - 520041) * 8775 = -21086 * 8775 = -185018 \text{ минг сўм.}$$

Омилли таҳлил натижалари 11-жадвалда акс эттирилди.

Пахта толаси таннархининг режага нисбатан ўзгаришининг омилли таҳлили
(2003 йил).

№	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқий бажарилиши	Ўзгариши (+;-)
1	Ишлаб чиқарилган пахта толаси, тонна	8362	8775	+413
2	1 тонна пахта толасининг таннархи, сўм	520041	498955	-21086
3	Жами ишлаб чиқариш харажати, минг сўм	4348585	4378333	+29748
Шу жумладан умумий харажат ўзгаришига омилларнинг таъсири:				
	1)Пахта толаси миқдорининг ўзгариши ҳисобига, $(Q_1-Q_0)*Z_0$	X	X	+214766
	2)1 тонна тола таннархининг ўзгариши ҳисобига, $(Z_1-Z_0)*Q_1$	X	X	-185018

11-жадвалдан кўриниб турибдики, жами харажат ҳажми 29748 минг сўмга ошган. Бу асосан ишлаб чиқарилган пахта толасининг ошиши ҳисобига содир бўлган. Буни ортиқча харажат бўлган деб ҳисоблаш мумкин эмас, аксинча харажат ҳажми кескин камайган. Таннарх арзонлашган, натижада харажат ҳажми 185018 минг сўмга камайган.

4.3. 1 сўмлик товар маҳсулоти харажатининг омилли таҳлили.

1 сўмлик товар маҳсулотига бўлган харажат таннарх билан фойда орасидаги боғлиқликни аниқ кўрсатади. Маҳсулотларни етиштириш учун кетган харажатларнинг жами суммасини шу маҳсулотларнинг улгуржи баҳо бўйича ҳисобланган ҳажмига бўлиш орқали 1 сўмлик товар маҳсулотига сарф бўлган харажат суммаси аниқланади:

$$1\text{ ТМХ} = \frac{\sum QZ}{\sum QP}$$

Бу ерда, 1ТМХ-1сўмлик товар маҳсулоти харажати;

Q- ишлаб чиқарилган натурал маҳсулоти миқдори;

Z- 1 бирлик маҳсулотнинг таннархи;

P- 1 бирлик маҳсулотнинг улгуржи баҳоси.

1 сўмлик товар маҳсулотининг харажати кўрсаткичи маҳсулот таннархи динамикасини ўрганишда кенг қўлланилади. Ушбу кўрсаткич нафақат хўжалик ичидаги таҳлилда, ҳатто хўжаликлараро таққослама таҳлилда ҳам қўлланилади.

Таҳлил ҳисобот йилидаги 1сўмлик товар маҳсулотига сарф бўлган харажатдан базис йилида 1 сўмлик товар маҳсулотига сарф бўлган харажатни чегириб, фарқини (ўзгаришини) аниқлашдан бошланади:

$$\frac{\Sigma Q_1 Z_1}{\Sigma Q_1 P_1} - \frac{\Sigma Q_0 Z_0}{\Sigma Q_0 P_0} = \pm \Delta_{QPZ}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати даражасининг ўзгариши куйидаги 3-та омил ҳисобига юзага келади:

Товар маҳсулотининг ҳажми ва таркибий тузилишининг ўзгариши ҳисобига;

Маҳсулот таннархининг ўзгариши ҳисобига;

Маҳсулот улгуржи баҳосининг ўзгариши ҳисобига.

Харажат даражасининг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун “занжирли боғланиш” усули қўлланилади.

Омилларнинг таъсирини аниқлаганга қадар куйидаги 4-та боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинади:

$$1TMX_0 = \Sigma Q_0 Z_0 : \Sigma Q_0 P_0$$

$$1TMX_{III1} = \Sigma Q_1 Z_0 : \Sigma Q_1 P_0$$

$$1TMX_{III2} = \Sigma Q_1 Z_1 : \Sigma Q_1 P_0$$

$$1TMX_1 = \Sigma Q_1 Z_1 : \Sigma Q_1 P_1$$

Ушбу боғланиш кўрсаткичлари асосида 1сўмлик товар маҳсулоти харажатининг ўзгариши ва унга омилларнинг таъсири аниқланади.

Ҳисобот йилидаги 1сўмлик товар маҳсулоти харажати даражасидан (IV-боғланишдан) базис йилидаги 1сўмлик товар маҳсулоти харажатини (I-боғланишни) чегириш орқали умумий ўзгариши аниқланади:

$$(\Sigma Q_1 Z_1 : \Sigma Q_1 P_1) - (\Sigma Q_0 Z_0 : \Sigma Q_0 P_0) = \pm \Delta_{QZP}$$

1сўмлик товар маҳсулотининг биринчи шартли харажатидан (II-боғланишдан) базис йилидаги 1 сўмлик товар маҳсулоти харажатини (I-боғланишни) айириш орқали харажат ўзгаришига товар маҳсулоти ҳажми ва структураси ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(\Sigma Q_1 Z_0 : \Sigma Q_1 P_0) - (\Sigma Q_0 Z_0 : \Sigma Q_0 P_0) = \pm \Delta_Q$$

Жами маҳсулот ичида 1сўмлик товар маҳсулоти даражаси паст бўлган маҳсулот турларининг (навларнинг) салмоғи юқори бўлса, 1сўмлик товар маҳсулоти харажати режага ёки базис йилига нисбатан камаяди, агар акси бўлса – ошади.

Маҳсулот таннархи ўзгаришининг 1сўмлик товар маҳсулоти харажатининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун иккинчи шартли харажат суммасидан (III-боғланишидан) биринчи шартли харажат суммасини (II-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$(\Sigma Q_1 Z_1 : \Sigma Q_1 P_0) : (\Sigma Q_1 Z_0 : \Sigma Q_1 P_0) = \pm \Delta_Z$$

Таннарх ўзгариши 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати ўзгаришига бевосита таъсир қилади. Таннарх даражаси пасайса, 1сўмлик товар маҳсулоти харажати ҳам камаяди ва аксинча.

Баҳо ўзгаришининг 1сўмлик товар маҳсулоти харажати ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги 1сўмлик товар маҳсулоти харажатидан (IV- боғланишдан) иккинчи шартли харажат суммасини (III-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$(\Sigma Q_1 Z_1 : \Sigma Q_1 P_1) - (\Sigma Q_1 Z_1 : \Sigma Q_1 P_0) = \pm \Delta_p$$

Баҳо ўзгариши харажат суммасининг ўзгариши билвосита таъсир қилади. Агар улгуржи баҳо даражаси пасайса, 1сўмлик товар маҳсулоти харажати ошади, ва аксинча, баҳо ошса-пасаяди.

Энди, юқорида баён қилинган “Занжирли боғланиш” усули қоидасига амал қилиб, чалак пахта заводи мисолида етиштирилган пахта толаси бўйича 1сўмлик товар маҳсулоти харажати динамикасининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунинг учун 12-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

12-жадвал

1сўмлик пахта толаси товар маҳсулоти харажати учун зарур бўлган маълумотлар.

Пахта толаси навлари	Пахта толаси миқдори, т		1 тонна таннархи, минг сўм		1 тонна баҳоси, минг сўм		Жами таннарх, минг сўм			Жами қиймати, минг сўм		
	2002 йил Q_0	2003 йил Q_1	2002 йил Z_0	2003 йил Z_1	2002 йил P_0	2003 йил P_1	$Q_0 Z_0$	$Q_1 Z_0$	$Q_1 Z_1$	$Q_0 P_0$	$Q_1 P_0$	$Q_1 P_1$
1	3219	5610	386,3	575,7	447,5	636,6	1243545	2167143	3229709	1440557	2510475	3571260
2	1016	1219	364,2	476,5	417,5	526,5	370040	443960	580807	424467	508932	641775
3	450	501	427,8	455,2	388,6	502,4	192496	214327	228062	174870	194688	251724
4	195	441	319,5	379,6	362,8	418,7	62295	140900	167394	70738	159995	184660
5	529	1004	104,3	171,7	117,9	189,3	55183	104717	172361	62351	118372	190055
Жами	5409	8775	355,6	499,0	410,0	551,5	1923559	3071047	4378333	2217807	3492468	4839474

12-жадвалдаги маълумотлар асосида, 1сўмлик товар маҳсулоти харажатлари ҳисоблаб олинади:

Базис давридаги 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати:

$$1TMX_0 = \frac{\Sigma q_0 z_0}{\Sigma q_0 p_0} = \frac{1923559}{2217807} = 0,867 \text{ ёки } 86,7 \text{ тийин}$$

Ҳисобот йилидаги 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати:

$$1TMX_1 = \frac{\Sigma q_1 z_1}{\Sigma q_1 p_1} = \frac{4378333}{4839474} = 0,905 \text{ ёки } 90,5 \text{ тийин}$$

Ҳисобот йилидаги 1сўмлик товар маҳсулоти харажати базис йилига нисбатан 3,8 тийинга ошган ($90,5 - 86,7 = \pm 3,8$ тийин).

Ушбу ўзгаришга 3та омил таъсир қилган:

1-омил «Товар маҳсулоти ҳажми ва структураси ўзгариши»нинг таъсири:

$$(\Sigma q_1 z_0 : \Sigma q_1 p_0) - (\Sigma q_0 z_0 : \Sigma q_0 p_0) = \frac{3071047}{3492468} - \frac{1923559}{2217807} = 0,879 - 0,867 = +0,012$$

ёки 1,2 тийин

Демак, ҳисобот йилида етиштирилган пахта толаси таркибий тузулишида 5-навнинг салмоғининг ошиши натижасида 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати 1,2 тийинга ёки 1,4% га ошган.

2-омил «Маҳсуот таннархи ўзгариши»нинг таъсири:

$$\frac{\Sigma q_1 p_1}{\Sigma q_1 p_0} - \frac{\Sigma q_0 p_0}{\Sigma q_0 p_0} = \frac{4378333}{3492468} - \frac{3071047}{3492468} = 1,254 - 0,879 = +0,375$$

ёки 37,5 тийин

Демак, 1 тонна пахта толасининг таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 143,6 минг сўмга (499,0-355,6=+143,6 м.с.) ошиши оқибатида 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати 37,5 тийинга ошган.

3-омил улгуржи баҳонинг ўзгаришининг таъсири

$$\frac{\Sigma q_1 p_1}{\Sigma q_1 p_0} - \frac{\Sigma q_1 p_1}{\Sigma q_1 p_0} = \frac{4378333}{4839474} - \frac{4378333}{3492468} = 0,905 - 1,254 = -0,349$$

ёки -34,9 тийин

Демак, 1 тонна пахта толасининг улгуржи баҳоси 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 141,5 минг (551,5 - 410,0=+141,5 минг) сўмга ошган, натижада шу омил ҳисобига 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати 34,9 тийинга камайган.

Ушбу омиллар таъсирларининг йиғиндиси 1 сўмлик товар маҳсулоти харажатининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

Маҳсулот ҳажми ва структураси ўзгаришининг таъсири +1,2 тийин

Маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсири +37,5 тийин

Улгуржи баҳо ўзгаришининг таъсири -34,9 тийин

1 сўмлик товар маҳсулоти харажати ўзгариши (жами) +3,8 тийин

Демак, 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати икки омилнинг салбий таъсири остида 38,7 тийинга ошган, аммо баҳонинг ижобий таъсири остида (яъни унинг ошиши туфайли) 34,9 тийинга камайган, натижада 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати 3,8 тийинга ошган, оқибатда жами ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти учун қанча ортиқча харажат бўлган? Буни аниқлаш учун, 1 сўмлик товар маҳсулоти учун бўлган ортиқча харажат суммасини жами ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажмига кўпайтириш керак: 3,8 тийин * 4839474/100=183900 минг сўм.

Демак. 183900 минг сўмлик ортиқча харажат содир бўлган.

4.4. Ҳисобот йилида пахта толаси таркибий тузулиши ва таннархи ўзгариши таъсири

Ҳар бир маҳсулот таннархи бир неча харажат моддаларини ўз ичига олади. Таннархнинг таҳлили харажат моддалари бўйича ўрганишни, уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларга баҳо беришни ва ўзгариш сабабларини аниқлаш ҳамда ўшалар асосида таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатишни тақазо этади. Бу эса таҳлилнинг асосий мақсадидир. Таҳлил харажат моддалари бўйича мутлоқ ўзгаришни аниқлашдан бошланади. Бунинг учун ҳар бир моддадаги харажатлар суммаси бир-бирига солиштирилиб ўзгариш аниқланади. Бошқача айтганда ҳар бир моддада акс эттирилган ҳисобот йилидаги ҳақиқий харажат суммасини режада кўзда тутилган харажат суммасига ёки ўтган йилдаги харажат суммасига солиштириб, мутлақ ўзгариши аниқланади.

Шундан кейин ҳар бир модда бўйича нисбий ўзгариши аниқланади. Буни аниқлаш учун мутлоқ ўзгариш суммасини 100 фоизга кўпайтириб, режалаштирилган суммасига бўлинади.

Ҳар бир модда бўйича аниқланган мутлоқ ва нисбий ўзгаришлар билан бир каторда таннархнинг таркибий тузилиши ўрганилади. Бунинг учун ҳар бир моддадаги харажатнинг таннархга нисбатан салмоғи аниқланади. Буни аниқлаш учун ҳар бир моддадаги харажат суммасини 100 фоизга кўпайтириб, натижаси таннархнинг жамига бўлинади. Шундан сўнг ҳар бир модда салмоғи бўйича ўзгариши аниқланади.

Бунинг учун ҳисобот йилидаги салмоғидан базис йилидаги ёки режадаги салмоғини чегириб ташланади. Ҳисобланган мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар асосида таннарх даражасига баҳо берилади ва уни пасайтириш имкониятлари кўрсатилади.

Энди, Челак пахта заводида ишлаб чиқарилган пахта толаси бўйича таннархнинг таҳлиliga тухталамиз.

13-жадвал

I нав бўйича 1 т. пахта толаси таннархнинг таҳлили (2003 йил)

№	Харажат моддалари	Режа бўйича		Ҳақиқийси		Ўзгариши(+,-)	
		Сум-маси, сум	Салмоғи, %	Суммаси, сум	Салмоғи, %	Суммаси бўйича	Салмоғи бўйича
1	Пахта ҳомашёси	527494	93,0	535870	93,1	+8376	+0,1
2	Ураш харажатлари	17013	3,0	17031	3,0	-18	-
3	Асосий ва қўшимча меҳнат хаки	6585	1,2	6592	1,1	+7	-0,1
4	Ижтимоий ва тиббий суғурта	2456	0,4	2459	0,4	+3	-
5	Умумишлаб чиқариш харажатлари	13740	2,4	13754	2,4	+14	-
6	Ишлаб чиқариш таннархи	567288	100	575706	100	+8418	-

13-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 тонна пахта толасининг ҳақиқий таннархи 2003 йилда режага нисбатан 8418 сўмга ошган. Ушбу ўзгариш барча моддалардаги харажатлар ҳажмининг ошиши ҳисобига юзага келган, шулардан 99,5 фоизи фақат пахта хом ашёсининг харид нархининг ошиши ҳисобига содир бўлган

$$(8376 * 100 : 8418 = 99,5\%).$$

Таннархнинг таркибий тузилишида деярли ўзгариш содир бўлмаган.

Хулоса қилиб шуни қайд қилиш керакки, 1 тонна пахта толаси таннархни пасайтириш учун пахта хом-ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ харажатни камайтириш чораларини кўриш керак.

4.5.Таянч иборалар

Таннарх

Ишлаб чиқариш таннархи

Жами таннарх

Маҳсулот бирлиги таннархи

1 сўмлик товар маҳсулоти харажати

Таннарх ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар

Таннарх режаси

Таннарх динамикаси

Таннарх таркиби

Таннарх таркибий тузилиши.

4.6. Ўз – ўзини текшириш учун саволлар.

Таннархни таҳлил қилишнинг мақсади нимадан иборат?

Таннархни таҳлил қилишда қайси ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин?

Таннарх деб нимага айтилади?

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг умумий ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг умумий ўзгаришига маҳсулот миқдори ўзгаришининг таъсирини қандай аниқлаш мумкин?

1 сўмлик товар маҳсулоти харажати қандай аниқланади ва унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?

1 бирлик маҳсулот таннархи бўйича режа бажарилиши қандай таҳлил қилинади?

5-Мавзу: Саноат корхонасида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили

Режа

- 5.1. Таҳлил мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 5.2. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.
- 5.3. Саноат маҳсулотини сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмини омилли таҳлили.
- 5.4. Сотилган саноат маҳсулоти рентабеллигининг омилли таҳлили.
- 5.5. Таянч иборалар.
- 5.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

5.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Фойда ва рентабеллик иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Фойданинг ошганлиги хўжаликнинг харажатлар ва ресурслардан самарали фойдаланганлигидан далолат беради. Фойданинг ошиши нафақат саноат корхонасининг иқтисодиётини мустаҳкамлашга сабабчи бўлади, ҳатто у мамлакат иқтисодиётининг негизини ташкил қилувчи бюджет даромадини ошишига ҳам олиб келади. Шу нуқтаи назардан фойдани янада кўпайтириш имкониятларини топиш ва уларни фаолиятга жалб жалб қилиб, ишга солиш учун иқтисодий таҳлилни самарали ташкил қилиш катта аҳамиятга эга.

Таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?

Таҳлилнинг мақсади бўлиб, саноат корхонасининг молиявий фаолияти бўйича молиявий натижаларини чуқур ва ўзаро боғлиқликда ўрганиш асосида фойдани барча турларини кўпайтириш учун зарур бўлган барча имкониятларни топиш, аниқлаш ҳисобланади.

Таҳлилнинг мақсадини амалга ошириш учун таҳлил олдида маълум вазифалар туради. Таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

Маҳсулотларни сотишдан олинган фойдани (зарарни) аниқлаш ва унинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини ўрганиш;

Асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича молиявий натижаларни аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини ўрганиш;

Умумхўжалик фаолиятдан олинган натижаларни ҳисоблаш ва ўзгаришига баҳо бериш;

Солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда(зарар)ни аниқлаш ва ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

Соф фойда ва унинг ўзгаришини омилли таҳлил қилиш;

Барча фойда турлари ҳажмини кўпайтириш учун ички имкониятларни аниқлаш ва уларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг асосий манбалари бўлиб, қуйидаги ахборот маълумотлари ҳисобланади:

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(2-шакл маълумотлари);

Саноат маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги статистик ҳисобот (25-шакл);

Корхона молиявий фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисобот (1-Ф шакли маълумотлари);

Корхона сарф-харажатлари тўғрисидаги ҳисобот (5-С шакли маълумотлари);

5.2. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.

Фойда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичидир. Фойда ошган сайин хўжалик молиявий жиҳатдан мустаҳкамланади. Фойданинг ошиши хўжаликнинг иқтисодиётига ҳам, мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир қилиб, мустаҳкамланишига сабабчи бўлади. Фойда (зарар) ҳозирги вақтда 5 та турга бўлиниб, ҳисобга олинади ва таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да фойданинг(зарарнинг) 5 та тури батафсил баён қилинган:

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда. Бу фойдани аниқлаш учун маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушумдан (СТ) сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини чегириб ташлаш керак:

$$ЯФ = СТ - ИТ$$

Бунда, ЯФ- ялпи фойда;

СТ- сотишдан олинган соф тушум;

ИТ- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

2. **Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси.** Бу фойдани аниқлаш учун маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойдага асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромадларни қўшиб, давр харажатлари билан асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарларни чегириб ташлаш керак:

$$АФФ = ЯФ + БД - (ДХ + БЗ)$$

Бунда, АФФ-асосий фаолият фойдаси;

ДХ- давр харажатлари;

БД- асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар;

БЗ- асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган зарарлар(харажатлар);

3. **Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда(ёки зарар).** Буни аниқлаш учун асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий

фаолиятдан олинган даромадларни қўшиб, молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларини чегириб ташлаш керак.

$$\text{УХФ} = \text{АФФ} + \text{МД} - \text{МЗ}$$

Бунда, УХФ- умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД- молиявий фаолиятдан олинган фойда (даромад);

МЗ- молиявий фаолиятдан кўрилган зарар.

4. **Солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда.** Бу фойда умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага фавқулодда олинган фойдани қўшиб, фавқулоддаги кўрилган зарарни чегириш орқали аниқланади.

$$\text{СТФ} = \text{УХФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ}$$

Бунда, СТФ-солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда;

ФФ- фавқулодда фойда;

ФЗ- фавқулоддаги зарар.

5. **Ҳисобот даврининг соф фойдаси.** Бу фойда солиққа тортиладиган даромадлар(фойда) суммасидан даромад солиғи ва қонунда кўрсатилган бошқа солиқлар ва тўловлар суммасини чегириб ташлаш орқали аниқланади.

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - (\text{ДС} + \text{БСТ})$$

Бунда, СФ-соф фойда;

ДС-даромад солиғи;

БСТ-бошқа солиқлар ва тўловлар.

Рентабеллик корхонанинг фойдалилик даражасини характерлайди. Рентабеллик даражаси қанча юқори бўлса, харажатлар, ресурслар, капиталлардан фойдаланиш самдорлиги шунча юқори бўлади. Демак, рентабеллик даражаси харажатларга нисбатан, капиталларга ва фондларга нисбатан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Рентабеллик асосий кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги

Хусусий капитал рентабеллиги

Перманент капитал рентабеллиги

Активлар рентабеллиги

Асосий воситалар рентабеллиги

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги 1 сўмлик ёки 100 сўмлик пул тушуми ҳисобига олинган фойда даражасини ифодалайди.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги коэффицентини (K_p) аниқлаш учун сотишдан олинган ялпи фойда суммасини ($ЯФ$) сотишдан олинган соф тушумга ($СТ$) бўлиш керак:

$$K_p = \frac{ЯФ * 100}{СТ}$$

Хусусий капитал рентабеллиги соф фойда суммасини ($СФ$) хусусий капиталнинг ўртача қийматига ($ХК$) бўлиш орқали аниқланади:

$$K_{хкр} = \frac{СФ * 100}{ХК}$$

Ушбу рентабеллик хусусий капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Хусусий капитал ўз навбатида 4 та турга бўлинади:

Устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда.

Перманент капитал рентабеллиги соф фойдани (СФ) перманент капиталнинг ўртача қийматига (ПК) бўлиш орқали аниқланади:

$$СФ*100$$

$$K_{пкр} = \frac{\text{СФ}}{\text{ПК}}$$

Ушбу рентабеллик хусусий ва қарз капиталларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Перманент капитал хусусий капитал билан узоқ муддатли қарз капиталини ўз ичига олади.

Активлар рентабеллиги. Солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдани (СТФ) активларнинг ўрта қийматига (АҚ) бўлиш орқали активлар рентабеллиги коэффиценти аниқланади:

$$СТФ * 100$$

$$K_{ар} = \frac{\text{СТФ}}{\text{АҚ}}$$

Бу коэффицент активлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Асосий воситалар рентабеллиги. Соф фойда суммасини (СФ) асосий воситаларнинг ўртача қийматига бўлиш орқали асосий ишлаб чиқариш воситалар бўйича рентабеллик коэффиценти аниқланади.

$$СФ*100$$

$$K_{авр} = \frac{\text{СФ}}{\text{АИФ}}$$

Бу коэффицент асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ифодалайди.

5.3. Саноат маҳсулотини сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмининг омилли таҳлили.

Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда соф тушум суммасидан, сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Ялпи фойданинг таҳлили кўрсаткичларни қиёслаб, фарқини аниқлашдан бошланади.

Хисобот йилида маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойдани режадаги фойда суммасига ёки ўтган йилдаги фойда суммасига солиштириб, ўзгариши (кўпайганлиги ёки камайганлиги) аниқланади:

$$(\sum q_1 p_1 - \sum q_1 z_1) - (\sum q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta q p z$$

$$\text{ёки } q_1(p_1 - z_1) - q_0(p_0 - z_0) = \pm \Delta q p z$$

Бунда, q_1, q_0 – ҳисобот ва базис йилларида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (q_0 -ёки режадаги маҳсулот миқдори);

p_1, p_0 - ҳисобот ва базис йилларида бир бирлик маҳсулотнинг ўртача сотиш улгуржи баҳоси (ёки p_0 -режадаги баҳоси);

$q_1 p_1$ - ҳисобот йилида сотишдан олинган соф тушум;

$q_0 p_0$ - базис йилидаги (ёки режадаги) соф тушум;

$q_1 z_1$ - ҳисобот йилидаги сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси;

$q_0 z_0$ - базис йилидаги (режа бўйича) сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи суммаси.

Ушбу формулалардан кўриниб турибдики, ҳар бир маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммасини ўзгаришига уч омил таъсир қилади:

сотилган маҳсулот физик миқдорини ўзгариши ;

сотилган бир бирлик маҳсулотнинг ўртача улгуржи сотиш баҳосини ўзгариши;

сотилган бир бирлик маҳсулотнинг ўртача таннархининг ўзгариши.

Ялпи фойданинг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш ва уларга баҳо бериш учун кўрсаткичлар фарқи усулидан фойдаланилади. Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш қуйидаги тартиб(қоида) бўйича амалга оширилади.

1- омилнинг – «сотилган маҳсулот физик миқдори ўзгаришининг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун , ҳисобот йилида сотилган миқдори (q_1) билан базис йилида сотилган маҳсулот миқдори (q_0) орасидаги фарқни ($q_1 - q_0$) базис йилида бир бирлик маҳсулотни сотишдан олинган фойда ($p_0 \cdot z_0$) суммаси кўпайтирмоқ керак:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 \cdot z_0) = \pm \Delta q$$

2-омил-«ўртача улгуржи сотиш баҳоси ўзгаришининг ялпи фойда суммасиг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун, ҳисобот йилидаги ўртача сотиш баҳоси билан базис йилидаги (ёки режадаги) ўртача сотиш баҳоси орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган маҳсулот миқдорига кўпайтирилади:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = \pm \Delta p$$

3-омил- «ўртача таннарх ўзгариши»нинг ялпи фойда суммасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги бир бирлик маҳсулот таннархи билан базис йилидаги (ёки режадаги) бир бирлик маҳсулот таннархи орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган маҳсулот миқдорига кўпайтирилади:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = \pm \Delta z$$

Шу уч омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи фойда суммасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta q \pm \Delta p \pm \Delta z = \Delta q p z.$$

Шундан кейин омиллар таъсирига баҳо берилиб, умумий хулоса қилинади.

Энди, юқоридаги «кўрсаткичлар фарқи» усули қоидаларига амал қилиб, Челақ пахта заводида пахта толасини сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмининг ўзгаришини таҳлилини кўриб чиқамиз).

14-жадвал

Пахта толасини сотишдан олинган ялпи фойда режаси бажарилишининг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2003 йил		Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан омиллар таъсири		
	Режа бўйича	Амалда бажарилиши		Тола миқдори ўзгариши ҳисобига	Баҳо ўзгариши ҳисобига	Таннарх ўзгариши ҳисобига
1.Сотилган пахта толаси миқдори, т	8362	8775	+413	х	х	х
2.1 тонна толасининг сотиш баҳоси, минг сўм	528,6	551,5	+22,9	х	х	х
3. 1 тонна толанинг таннархи, минг сўм	520,0	499,0	-21,0	х	х	х
4.1 тонна толани сотишдан олинган фойда, минг сўм	+8,6	+52,5	+43,9	х	х	х
5. Ялпи фойда, минг сўм	71913	460637	+388774	+3552	+200948	+184274

14- жадвалдан кўриниб турибдики, пахта толасини сотишдан олинган ялпи фойда 2003 йилда режага нисбатан 388774 минг сўмга кўпайган:

$$(p_1 - z_1) \cdot q_1 - (p_0 - z_0) \cdot q_0 = (551,5 - 499,0) \cdot 8775 - (528,6 - 520,0) \cdot 8362 = 52,5 \cdot 8775 - 8,6 \cdot 8362 = 460687 - 71713 = +388774 \text{ минг сўм.}$$

Ялпи фойданинг ўзгаришига уч омил ҳам ижобий таъсир қилган.

1-омил «Сотилган пахта толаси миқдори»нинг 413 тоннага ошиши натижасида ялпи фойда суммаси 3552 минг сўмга кўпайган:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = (8775 - 8362) \cdot (528,6 - 520,0) = +413 \cdot 8,6 = +3552 \text{ минг сўм.}$$

2-омил «Ўртача улгуржи сотиш баҳосининг 22,9 минг сўмга ошиши туфайли ялпи фойда суммаси 200948 минг сўмга ошган

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = (551,5 - 528,6) \cdot 8775 = +22,9 \cdot 8775 = +200948 \text{ минг сўм.}$$

3-омил «Пахта толасининг ўртача таннархи» 21 минг сўмга арзонлашган, натижада шу омил ҳисобига ялпи фойда суммаси 184274 минг сўмга ошган:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = (499,0 - 520,0) \cdot 8775 = -21 \cdot 8775 = +184274 \text{ минг сўм.}$$

5.4. Сотилган саноат маҳсулоти рентабеллигининг омилли таҳлили.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги нисбий кўрсаткич бўлиб, у хўжаликнинг молиявий фаолиятига баҳо беришда энг асосий мезон бўлиб ҳисобланади. У 1 сўмлик соф пул тушуми ҳисобига ёки 1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда даражасини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич қанча юқори бўлса, харажатлар ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги шунча

юқори бўлади. Шу нуктаи назардан рентабеллик даражасини ўрганиш ва уни ошириш имкониятларини кўрсатиш таҳлилнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланди.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг таҳлили ҳисобот давридаги унинг ҳақиқий кўрсаткичини режадаги ёки ўтган йиллардаги даражасига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Сўнгра ушбу ўзгариш қайси омиллар ҳисобига содир бўлганлиги аниқланади ва ҳар бирининг таъсир доираси таҳлил қилиниб, баҳо берилади.

Сотилган саноат маҳсулоти рентабеллиги ўзгаришига икки омил бевосита таъсир қилади. Булар қуйидаги омиллардир:

Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши;

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгаришидир.

Рентабеллик даражасининг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш ва баҳо бериш учун «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланилади. Омиллар таъсирини аниқлаганга қадар қуйидаги уч боғланиш кўринишидаги рентабеллик кўрсаткичлари ҳисоблаб олинади:

I. Базис йилидаги (ёки режадаги) рентабеллик кўрсаткичи:

$$K_{mp_0} = \frac{ЯФ_0}{СТ_0}$$

II. Шартли рентабеллик кўрсаткичи. Бу базис йилидаги (ёки режадаги) ялпи фойда суммасини ҳисобот йилидаги маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум (СТ) га бўлиш орқали аниқланади:

$$K_{mp_{ш}} = \frac{ЯФ_0}{СТ_1}$$

III. Ҳисобот йилидаги ҳақиқий рентабеллик кўрсаткичи :

$$K_{mp_1} = \frac{ЯФ_1}{СТ_1}$$

Шу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин рентабелликни умумий ўзгаришига омиллар таъсирини аниқланади.

Рентабелликнинг умумий ўзгариши:

$$III-I \frac{ЯФ_1}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0}{СТ_0} = \pm \Delta_{ст, яф}$$

Рентабеллик умумий ўзгаришига биринчи омил « Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум суммаси ўзгариши»нинг таъсири:

$$II-I \frac{ЯФ_0}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0}{СТ_0} = \pm \Delta_{ст}$$

Рентабелликнинг умумий ўзгаришига иккинчи омил « Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда суммаси ўзгариши» нинг таъсири:

$$\text{III-II} \frac{ЯФ_1}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0}{СТ_1} = \pm \Delta_{яф}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси рентабеллик даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{ст} \pm \Delta_{яф} = \pm \Delta_{ст, яф}.$$

Энди, Челак пахта заводи мисолида пахта толасини сотиш рентабеллиги бўйича режа бажарилишининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

15-жадвал

Пахта толасини сотиш рентабеллиги режасининг бажарилишини таҳлили

Кўрсаткичлар	2003 йил		Ўзгариши(+,-)
	Режа бўйича	Ҳақиқийси	
Пахта толасини сотишдан олинган пул тушуми, минг сўм	4420420	4839474	+419054
Сотилган пахта толасининг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	4348507	4378787	+30280
Пахта толасини сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	71913	460687	+388774
Рентабеллик, %	1,6	9,7	+8,1
Шартли рентабеллик, %	x	1,5	x
Сотилган пахта толаси рентабеллигининг ўзгаришига омиллар таъсири:			
1) Соф пул тушуми ўзгариши ҳисобига $\frac{ЯФ_1}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0}{СТ_0}$	x	x	-0,1
2) Ялпи фойда ўзгариши ҳисобига $\frac{ЯФ_1}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0}{СТ_1}$	x	x	+8,2

15-жадвалдан кўриниб турибдики, пахта толаси рентабеллиги 2003 йилда режага нисбатан 8,1 фоизга ошган:

$$\frac{ЯФ_1 \cdot 100}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0 \cdot 100}{СТ_0} = \frac{460687 \cdot 100}{4839474} - \frac{71913 \cdot 100}{4420420} = 9,7 - 1,6 = +8,1\%.$$

Демак, 1 сўмлик пул тушуми ҳисобига режа бўйича 1,6 тийинлик фойда олиш кўзда тутилган, амалда 9,7 тийинлик фойда олинган, натижада режага нисбатан 8,1 тийинга фойда ошган.

Рентабеллик даражасини ўзгаришига пул тушумининг ўзгариши салбий, фойданинг ўзгариши ижобий таъсир қилган.

Соф пул тушуми ҳисобига рентабеллик даражаси 0,1% га пасайган:

$$\frac{ЯФ_0 \cdot 100}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0 \cdot 100}{СТ_0} = \frac{71913 \cdot 100}{4839474} - \frac{71913 \cdot 100}{4420420} = 1,5 - 1,6 = -0,1\%.$$

Демак, 1 сўмлик пул тушуми ҳисобига 0,1 тийинлик фойда кам олинган.

Фойданинг ўзгариши ҳисобига рентабеллик 8,2 фоизга ошган:

$$\frac{ЯФ_1 \cdot 100}{СТ_1} - \frac{ЯФ_0 \cdot 100}{СТ_1} = \frac{460687 \cdot 100}{4839474} - \frac{71913 \cdot 100}{4839474} = 9,7 - 1,5 = +8,2\%.$$

Демак, 1 сўмлик пул тушуми ҳисобига 8,2 тийинлик фойда ошиғи билан олинган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, рентабелликни оширишнинг асосий резерви бўлиб фойда суммасини кескин кўпайтириш ҳисобланади. Фойдани кескин кўпайтириш учун сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннаrxини пасайтириш йўллари излаб топиш зарур.

5.5. Таянч иборалар

ялпи фойда, асосий фаолият фойдаси, соф фойда.

Соф тушум

Жами ишлаб чиқариш таннаrxи

Рентабеллик

Ялпи фойдага таъсир қилувчи омиллар

Сотилган маҳсулот рентабеллиги

Хусусий капитал рентабеллиги

Активлар рентабеллиги

Перманент капитал рентабеллиги

5.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилишнинг асосий мақсади нимадан иборат?

Фойда ва рентабеллик таҳлилининг манбалари бўлиб, қайси ахборот маълумотлари ҳисобланади?

Фойда неча турга бўлинади?

Ялпи фойда қандай аниқланади ва унинг ўзгаришига неча омил қилади?

Ялпи фойдани ўзгаришига сотилган маҳсулот миқдори ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади?

Ялпи фойданинг ўзгаришига ўртача сотиш баҳосининг таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқлаш йўли баён қилинг.

Рентабеллик деб нимага айтилади?

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги қандай аниқланади ва унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг ўзгаришига ўртача сотиш баҳоси ўзгаришини таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, аниқлаш йўлини тушунтиринг.

Бир бирлик маҳсулот таннархи ўзгаришининг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш усулини тушунтиринг.

6-Мавзу : Саноат корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили

Режа

Таҳлилининг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Бухгалтерия баланси асосида корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари бўйича умумий молиявий аҳволини таҳлил қилиш.

Молиявий мустақиллик коэффицентининг таҳлили.

Корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичининг таҳлили.

Корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражасининг таҳлили.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили.

Таянч иборалар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

6.1. Таҳлилининг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ахборотларнинг маълумотлари асосида ўрганиб, мавжуд молиявий имкониятларни аниқлаш ва молиявий ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш усули молиявий таҳлил деб аталади.

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади бўлиб, корхона активлари, капитали ва мажбуриятларини, молиявий барқарорлик даражасини, тўловга қодирлик аҳволини, ўз ва қарз маблағлари билан таъминланиш даражасини, молиявий мустақиллик аҳволини, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг муайян даврга бўлган ҳолатини ўрганиш асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш ва уни яхшилаш имкониятларини кўрсатиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан молиявий ҳолат таҳлилининг асосий вазифалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

Корхонанинг активлари, капитали, мажбуриятлари ҳолатини аниқлаш ва ўзгаришига баҳо бериш;

Молиявий аҳволнинг барқарорлигини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш;

Баланс ликвидлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш;

Корхонанинг тўлов лаёқати коэффицентини аниқлаш ва унинг ўзгаришига баҳо бериш;

Молиявий коэффицентларни аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига баҳо бериш.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш.

Молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг асосий манбалари бўлиб, қуйидаги ахборотлар ҳисобланади:

1. Бухгалтерия баланси (1-шакл);
2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл);
3. Асосий воситалар тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл);
4. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл);
5. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл);
6. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл).

6.2. Бухгалтерия баланси асосида корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари бўйича умумий молиявий ахволини таҳлил қилиш.

Бухгалтерия баланси корхонани мулки, капитали ва мажбуриятлари ҳажмини маълум санага акс эттирувчи махсус жадвалдир. У икки қисмдан иборат бўлиб, унинг актив қисмида корхонани асосий ва айланма маблағлари (мулки), пассив қисмида капитали ва мажбуриятлари акс эттирилади. Баланс актив ва пассив томонлари ўзаро тенг бўлади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бухгалтерия баланси – нетто моддалари асосида аниқланади ва таҳлил қилинади. Бухгалтерия баланси активидаги моддалар «Маблағларни пул шаклига айланиш тезлиги (ликвитлик даражаси)» белгиси бўйича, пассивидаги моддалар эса «Мажбуриятларнинг тўлов муддати даражаси» белгиси бўйича махсус гуруҳларга бўлиб ўрганилади. Буни қуйдаги баланс шаклидан куриш мумкин.

Бухгалтерия баланси

Актив Мулкнинг гуруҳ-лари	Йил бошига	Йил охирига	Пассив Мулк манбалари-нинг гуруҳлари	Йил бошига	Йил охирига
1.Узоқ муддатли активлар (У)			1. Ўз маблағларининг манбалари(Х)		
2.Айланма активлар			2.Мажбуриятлар:		
2.1.Захира ва сарфлар (З)			2.1 Узоқ муддатли мажбуриятлар(М)		
2.2.Дебиторлик қарзлар (Д)			2.2.Қисқа муддатли қарзлар ва кредит-лар (Б)		
2.3.Пул маблағлари (П)			2.3. Кредиторлик қарзлари (К)		
Баланс:			Баланс:		

Бухгалтерия баланси асосида биринчи навбатда корхонанинг умумий молиявий ҳолатига баҳо берилади. Бунинг учун корхонанинг мулки(активлари), капитали ва мажбуриятлари (пассивлари)ни таркиби ва таркибий тузилиш ҳамда уларнинг ўзгариши таҳлил қилинади. Таҳлилда горизантал ва вертикал усулларидадан фойдаланилади. Таҳлилда корхона активлари ва пассивлари, улардаги умумий ва таркибий ўзгаришлар балансининг ҳар қайси томон бўйича алоҳида ўрганилади. Горизантал усули ёрдамида активнинг ҳар бир бўлими ва ҳар бир моддаси бўйича йил охиридаги суммасини йил бошидаги суммасига ,пассивнинг ҳам ҳар бир бўлими ва ҳар бир моддаси бўйича йил охиридаги суммасини йил бошидаги суммасига солиштириб ,мутлоқ ва нисбий ўзгариши (кўпайганлиги ёки камайганлиги) аниқланади. Баланс активи ва пассиви бўйича молиявий ҳолатнинг таркибини таҳлил қилиш билан биргаликда уларнинг таркибий тузилиши ҳам ўрганилади. Бунинг учун аввало ҳар бир бўлим ва моддаларнинг баланс жамига нисбатан салмоғи аниқланади. Сўнгра йил охиридаги салмоғини йил бошидаги салмоғига қиёслаб ,таркибий тузилишининг ўзгариши аниқланади ва таҳлил қилинади.

Энди, Челак пахта заводи мисолида хўжаликнинг умумий молиявий ҳолатининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

16-жадвал

Корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикасининг таҳлили.

Корхона активлари (мулки)	Йил боши	Йил охири	Фарқи (+ ; -)	Корхона пассивлари (капитал, мажбуриятлари)	Йил боши	Йил охири	Фарқи (+ ; -)
1.Узоқ муддатли активлар	100623	173481	+72858	1.Ўз маблағлари манбалари	116663	331713	+215050
2.Айланма активлар жами	3099436	4096278	+996842	2.Мажбуриятлар жами	3083396	3938046	+854650
2.1. Захира ва сарфлар	2674742	3652912	+978170	2.1.Узоқ муддатли мажбуриятлар	181546	190978	+9432
2.2.Дебиторлик қарзлари	409017	427651	+18634	2.2.Қисқа муддатли қарзлар ва кредитлар	-	-	-
2.3. Пул маблағлари	15677	15715	+38	2.3.Кредиторлик қарзлари	2901850	3747068	+845218
Баланс	3200059	4269759	+1069700	Баланс	3200059	4269759	+1069700

16-жадвалда келтирилган маълумотлардан маълумки, корхона мулки 2003-йилнинг охирида шу йилнинг бошига нисбатан 1069700 минг сўмга ёки 33.4%га($1069700 \cdot 10033.4\% = 3200059$;) кўпайган. Шу жумладан узоқ муддатли активлар 72858 минг сумга (72,4% га), айланма активлар 996842 минг сўмга (32,2% га) ошган. Жами айланма активлар таркибида захираларнинг ҳажми 978170 минг сўмга (36,6% га), дебитор қарзлари 18634 минг сўмга(4,5% га) , пул маблағлари 38000 сумга (0,2% га) ортган. Мулкнинг ташкил топиш манбаида ҳам ўсиш содир бўлган. Ўз маблағлари манбаи 215050 минг сўмга (2,8мартага) , мажбуриятлар ҳажми 854650 минг сўмга (27,7% га) ўсган. Кредитор қарзлари 845213 минг сўмга ёки 29,1% га ошган.

Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришда баланс маълумотлари асосида нисбий кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга бўлади, чунки улар асосида молиявий ҳолатни яхшилаш имкониятлари аниқланди.

Корхонанг молиявий ҳолатига баҳо беришда мутлоқ кўрсаткичларга караганда нисбий кўрсаткичлар кенг қўлланилади. Нисбий кўрсаткичлар амалиётда молиявий коэффицентлар деб аталади. Молиявий коэффицентларни ҳисоблашда мутлоқ кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Корхона молиявий аҳволига баҳо беришда қуйидаги молиявий коэффицентлар кўпроқ ишлатилади.

1. Молиявий мустақиллик коэффиценти .
2. Тўловга қодирлик коэффиценти .
3. Ўз ва қарз маблағларининг ўзаро нисбати коэффиценти .
4. Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффиценти .
5. Моддий айланма маблағлар ҳиссаси коэффиценти .
6. Жами айланма маблағларнинг жами мулк қийматидаги ҳиссаси коэффиценти .

Ушбу коэффицентларнинг таҳлили қуйидаги параграфларда акс эттирилган.

Молиявий мустақиллик коэффицентининг таҳлили .

Молиявий мустақиллик коэффиценти саноат корхонасининг молиявий аҳволига баҳо беришдаги асосий нисбий кўрсаткичлардан биридир.

Бу коэффицент корхонанинг ўз маблағлари манбаларининг баланснинг жамига нисбати тариқасида аниқланувчи нисбий кўрсаткичдир. Бошқача атганда молиявий мустақиллик коэффицентини аниқлаш учун корхонанинг ўз маблағлари манбаларининг жами суммасини баланснинг жами суммасига бўлиш керак:

$$K_{mm} = \frac{П1}{БЖ}$$

Бунда, Кмм- молиявий мустақиллик коэффиценти (кўрсаткичи);

П1- Баланс пассивидаги 1-бўлимнинг жами (яъни ўз маблағлари манбаларининг жами);

Бж- Балансининг жами.

Молиявий мустақиллик коэффицентининг минимал мўътадил қиймати 0,5 ва ундан юқори бўлса, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беради, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлай олади.

Таҳлил ушбу коэффицентнинг йил охиридаги қийматини йил бошидаги қийматига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади:

$$\frac{П1_1}{БЖ_1} - \frac{П1_0}{БЖ_0} = \pm \Delta_{П1, БЖ}.$$

Бунда, П1₁, П1₀-мос ҳолда йил охири ва йил бошидаги ўз маблағлари манбалари суммаси;

БЖ₁, БЖ₀- мос ҳолда йил охири ва йил бошидаги баланснинг жами суммалари.

Ушбу ўзгариш икки омил таъсири остида юзага келади:

Баланс жами суммасининг ўзгариши ҳисобига

Ўз маблағлари манбаларининг ўзгариши ҳисобига

Ушбу омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади. Аммо омиллар таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб олинади:

I $\frac{П1_0}{БЖ_0}$ - базис йилидаги молиявий мустақиллик коэффиценти

II $\frac{П1_0}{БЖ_1}$ - шартли молиявий мустақиллик коэффиценти

III $\frac{П1_1}{БЖ_1}$ - ҳисобот йилидаги молиявий мустақиллик коэффиценти

Шундай кейин коффицентнинг ўзгаришига омиллар таъсири аниқланади:

1) Молиявий мустақиллик коффицентининг ўзгаришига биринчи омил «баланс жами суммаси» ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун «шартли молиявий мустақиллик коффиценти»дан базис йилидаги молиявий мустақиллик коффицентини чегириб ташлаш керак.

$$\frac{П1_0}{БЖ_1} - \frac{П1_0}{БЖ_0} = \pm \Delta_{БЖ}.$$

Молиявий мустақиллик коффицентининг ўзгаришига иккинчи омил «ўз маблағлари манбалари» ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги молиявий мустақиллик коффицентидан шартли молиявий мустақиллик коффицентини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\Pi_1}{БЖ_1} - \frac{\Pi_0}{БЖ_1} = \pm \Delta_{\Pi}.$$

Кўрсатилган омил таъсирларининг йиғиндиси молиявий мустақиллик коэффицентининг ўзгаришига тенг келиши керак.

Энди, молиявий мустақиллик коэффицентининг таҳлилини Челак пахта заводи мисолида кўриб чиқамиз.

17-жадвал

Молиявий мустақиллик коэффицентининг таҳлили

Кўрсаткичлар	2003 йил боши	2003 йил охири	Ўзгариши (+,-)
1. Заводнинг ўз малағлари манбалари (баланс пассивидаги I-чи бўлимни жами-Π1), минг сўм.	116663	331713	+215050
2. Баланснинг жами (БЖ), минг сўм	3200059	4269759	+1069700
3. Молиявий мустақиллик коэффиценти, %.	3,6	7,8	+4,2
4. Шартли молиявий мустақиллик коэффиценти $\Pi_0:БЖ_1$.	x	2,7	x
5. Молиявий мустақиллик коэффицентининг ўзгаришига омилларнинг таъсири:			
баланс жами суммасининг ўзгариш ҳисобига	x	x	-0,9
ўз маблағлари манбаларининг ўзгариши ҳисобига	x	x	+5,1

17-жадвалдан кўришиб турибдики, 2003 йилнинг охирида заводда молиявий мустақиллик коэффиценти 4,2 пунктга ошган. Аммо бу кўрсаткич хўжаликнинг молиявий жиҳатдан мустақил эканлигига далил бўла олмайди, чунки унинг қиймати жуда ҳам паст, меъёрдан 6 марта камдир ($50:7,8=6$ марта) Йил бошида ҳам, йил охирида ҳам ушбу коэффицент 50 фоиздан юқори бўлганда молиявий жиҳатдан мустақил хўжалик деб ҳисоблаш мумкин эди.

Бу завод кредиторларга қарам бўлган хўжалик ҳисобланади. Йил бошида мажбуриятларни ҳиссаси 96,4 % ни, йил охирида 92,2 % ни ташкил қилган. Демак, завод қарз маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатиб келмоқда деган ҳулосага келиш мумкин.

Корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволига баҳо бериш учун бошқа молиявий коэффицентлар билан бир каторда тўловга қодирлик кўрсаткичи ҳам мунтазам ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичи тўлов маблағларининг тўлов мажбуриятларига нисбати тариқасида ҳисобланади. Тўлов маблағлари суммасини қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига бўлиш орқали тўловга қодирлик коэффиценти аниқланади:

$$K_{TK} = \frac{A_2}{П2-УҚК-Мум}$$

Бунда, A_2 - тўлов маблағлари жами (айланма маблағлар жами суммаси);

П2- мажбуриятларнинг жами;

УҚК- узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар;

Мумғ ҳукумат қарори билан муддати узайтирилган мажбуриятлар (қарзлар).

Тўлов маблағлари таркибига моддий айланма активлар, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар ва дебиторлик қарзлари киритилади; қисқа муддатли мажбуриятларга қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар ва кредиторлик қарзлари киритилади. Қисқа муддатли мажбуриятлар суммасини ҳисоблашда ҳукумат қарори билан муддати узайтирилган қарзлар чегириб ташланади.

Корхона тўловга қодир бўлиши учун ушбу коэффицент 2 ва ундан юқори бўлиши керак.

Тўловга қодирлик даражасини таҳлили таққослаб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Унинг ўзгариши 4 та омил ҳисобига содир бўлади. Омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқланади. Омиллар таъсирини аниқлашдан олдин 5 та боғланиш кўрсаткичи ҳисоблаб олиниши керак. Сўнгра кетма-кетликни сақлаган ҳолда бир-бирига солиштириб, ҳар бир омилнинг таъсири аниқланади. Тўловга қодирлик коэффицентининг таҳлилини Челақ пахта заводи мисолида кўриб чиқамиз.

Таҳлил 16-жадвалдаги маълумотлар асосида амалга оширилди.

I	$\frac{A_{2_0}}{П2_0-УҚК_0-Мум_0}$	$= \frac{3099439}{3083396-0-0} = 1,005 \text{ ёки } 100,5\%$
II	$\frac{A_{2_0}}{П2_1-УҚК_0-Мум_0}$	$= \frac{3099439}{3938046-0-0} = 0,787 \text{ ёки } 78,7\%$
III	$\frac{A_{2_0}}{П2_1-УҚК_1-Мум_0}$	$= \frac{3099439}{3938046-0-0} = 0,787 \text{ ёки } 78,7\%$

$$IV \quad \frac{\Pi_{21}-УҚК_1-М_{ум1}}{A_{21}} = \frac{3938046-0-0}{4096278} = 0,787 \text{ ёки } 78,7\%$$

$$V \quad \frac{\Pi_{21}-УҚК_{01}-М_{ум1}}{3938046-0-0} = 1,040 \text{ ёки } 104\%$$

Таҳлил коэффицентларни ўзаро қиёслаб, фарқини аниқлашдан бошланади. Йил охиридаги тўловга қодирлик коэффицентини (V-боғланиш) йил бошидаги коэффицентига (I-боғланишга) солиштириб, унинг умумий ўзгариши аниқланади. Шундан сўнг омиллар таъсири ушбу ўзгаришга қуйида тартибда аниқланади.

$$1,040-1,005 = +0,035 \text{ ёки } 3,5 \%$$

Демак, тўловга қодирлик даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 3,5 % га ошган, холос.

II-боғланиш кўрсаткичидан I-боғланиш кўрсаткичини айириш орқали коэффицентнинг ўзгаришига мажбуриятлар жами ҳажми ўзгаришининг таъсири аниқланади.

$$0,787-1,005 = -0,218 \text{ ёки } 21,8 \%$$

Демак, мажбуриятларнинг жами 2003 йилнинг охирида 3938046 минг сўмни ташкил қилиб, йил бошидаги ҳажмига нисбатан 854650 минг сўмга ёки 27,7 % га ошган, натижада шу омил ҳисобига тўловга қодирлик коэффицентини 21,8 % га пасайган.

III-боғланиш кўрсаткичидан II-боғланиш кўрсаткичини чегириш орқали ушбу коэффицентнинг ўзгаришига узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси ўзгаришининг таъсири аниқланади. Аммо заводда узоқ муддатли қарз ва кредитлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли уларнинг таъсири бўлмаган:

$$III-II \quad 0,787-0,787=0$$

IV боғланиш кўрсаткичи билан III боғланиш кўрсаткичи орасидаги фарқ ҳукумат қарори билан тўлаш муддати чўзилган мажбуриятлар суммаси ўзгаришининг таъсири кўрсатади, аммо бундай мажбурият заводда содир бўлган эмас, шунинг учун унинг коэффицентини ўзгаришига таъсири бўлмаган:

$$IV-III \quad 0,878-0,878=0$$

V боғланиш кўрсаткичидан IV боғланиш кўрсаткичини чегириш орқали тўловга қодирлик коэффицентининг ўзгаришига тўлов маблағлари жами суммаси ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$1,040-0,787 = +0,253 \text{ ёки } 25,3 \%$$

Демак, тўлов маблағлари суммаси 2003 йилнинг охирида бошидаги суммасига нисбатан 996839 минг сўмга ёки 32,2 % га ошган, натижада шу омил ҳисобига тўловга қодирлик коэффицентини 25,3 % га ошган.

Шундай қилиб, тўловга қодирлик даражаси бир омилнинг салбий, иккинчи омилнинг ижобий таъсири остида ўзгарган, қолган икки омил таъсир этмаган.

Шуни қайд қилиш керакки, тўловга қодирлик даражасида ўсиш содир бўлган бўлса ҳам, у мутлақо талаб даражасига жавоб бермайди, чунки корхона тўловга қодир бўлиши учун тўловга қодирлик коэффицентини 2 дан

юқори бўлиши керак, заводда у йил бошида ҳам, йил охирида ҳам 1 коэффициент атрофидаги миқдорни ташкил қилган, холос.

Корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражасининг таҳлили.

Хўжаликнинг молиявий ҳолатига баҳо беришда қўлланиладиган кўрсаткичлардан бири бўлиб, корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти ҳисобланади.

Ўз айланма маблағларининг жамини айланма маблағларнинг жамига бўлиш орқали ушбу коэффициент аниқланади, аммо ўз айланма маблағлар ҳажми балансда тайёр ҳолда берилаган эмас, шунинг учун ушбу кўрсаткични ҳисоблаш орқали аниқлаб олинади.

Буни аниқлаш учун корхонанинг ўз маблағлари манбаларининг жами суммасига (П1) узоқ муддатли мажбуриятларни (УҚК) қўшиб, узоқ муддатли активлар жамини (А1) чегириб ташлаш керак: $P1+УҚК-A1$.

Шундан кейин хўжаликнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти аниқлаш мумкин. Буни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$K_{\text{ўт}} = \frac{P1+УҚК-A1}{A2}$$

Ушбу кўрсаткич 0,1 коэффициентдан кам бўлмаслиги керак. Ўз айланма маблағлар билан таъминланиш коэффициенти ҳам йил боши, ҳам йил охирига аниқлаб олингандан кейин солиштириш орқали таҳлил қилинади.

Таҳлил таҳлил қилинаётган даврнинг охиридаги коэффициентидан бошидаги коэффициентини айириш орқали ўзгариши аниқланади. Сўнгра ушбу ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланиб, таҳлил қилинади.

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, ушбу коэффициентнинг ўзгаришига 4 та омил таъсир қилади:

Ўз маблағлари манбалари ҳажмининг ўзгариши ($P1_1-P1_0$);

Узоқ муддатли мажбуриятлар (узоқ муддатли қарзлар (К) ва узоқ муддатли кредитлар (К) ҳажмининг ўзгариши ($КК_1-КК_0$);

Узоқ муддатли активлар ҳажмининг ўзгариши ($A1_1-A1_0$);

Жами айланма активлар ҳажмининг ўзгариши ($A2_1-A2_0$).

Ушбу омилларнинг коэффициентнинг ўзгаришига таъсири «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, аниқланади.

Ушбу коэффициент таҳлили 16-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Омиллар таъсирини ҳисоблашдан олдин қуйидаги боғланиш кўрсаткичлари аниқлаб олиниши керак:

$$I = \frac{P1_0+УҚК_0-A1_0}{A2_0} = \frac{116663+181546-100624}{3099436} = \frac{197585}{3099436} = 0,064 \text{ ёки } 6,4 \%$$

$$\text{II} \frac{\Pi_1 + \text{УҚК}_0 - A1_0}{A2_0} = \frac{331713 + 181546 - 100624}{3099436} = \frac{412635}{3099436} = 0,133 \text{ ёки } 13,3\%$$

$$\text{III} \frac{\Pi_1 + \text{УҚК}_1 - A1_0}{A2_0} = \frac{31713 + 190978 - 100624}{3099436} = \frac{422067}{3099436} = 0,136 \text{ ёки } 13,6\%$$

$$\text{IV} \frac{\Pi_1 + \text{УҚК}_1 - A1_1}{A2_0} = \frac{331713 + 190978 - 173481}{3099436} = \frac{349210}{3099436} = 0,013 \text{ ёки } 11,3\%$$

$$\text{V} \frac{\Pi_1 + \text{УҚК}_1 - A1_1}{A2_0} = \frac{331713 + 190978 - 173431}{4096278} = \frac{349210}{4096278} = 0,085 \text{ ёки } 8,5 \%$$

Ушбу ҳисоб-китоб маълумотларидан кўриниб турибдики, Челак пахта заводида ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражаси 2003 йилнинг охирида 8,5 фоизни ташкил қилиб, у йил бошидаги таъминланиш даражасига нисбатан 2,1 % га ошган (8,5-6,4=2,1 %).

$$\frac{\Pi_1 + \text{УҚК}_1 - A1_1}{A2_1} - \frac{\Pi_0 + \text{УҚК}_0 - A1_0}{A2_0} = 8,5 - 6,4 = +2,1 \%$$

Ушбу ўзгариш икки омилнинг ижобий ва икки омилнинг салбий таъсири остида юзага келган.

Биринчи омил « заводнинг ўз маблағлари манбалари»нинг йил бошига нисбатан 215050 минг сўмга ошиши натижасида ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 6,6 фоизга ошган.

$$\text{II} - \text{I} = 13,3 - 6,4 = +6,9 \%$$

Иккинчи омил «Узоқ муддатли мажбуриятлар ҳажми»нинг йил охирида йил бошига нисбатан 9432 минг сўмга (190978-181546= +9432) ошишида натижаси ўз айланма маблағлар билан заводнинг таъминланиш даражаси 0,3 фоизга ошган.

$$\text{III} - \text{II} = 13,6 - 13,3 = +0,3 \%$$

Учинчи омил «Узоқ муддатли активлар ҳажми»нинг 72857 минг сўмга (173481-100624=+72857) ошишида ўз айланма маблағлар билан таъминланиш даражасига салбий таъсир қилиб, унинг коэффицентини 2,3 фоизга камайишига олиб келган.

$$\text{IV} - \text{III} = 11,3 - 13,6 = -2,3 \%$$

Тўртинчи омил – «Жами айланма маблағлар ҳажми»нинг 996842 минг сўмга (4096278-3099436=996842) ошиши натижасида ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффицентини 2,8 фоизга камайган:

$$\text{V} - \text{IV} = 8,5 - 11,3 = -2,8\%$$

Шуни қайд қилиш керакки, ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 2,1 % га ошган бўлса ҳам,

белгиланган нормативдан паст. Норматив бўйича камида ушбу коэффицент 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Демак, завод ўз айланма маблағлари билан етарли даражада таъминланган эмас. Ўз айланма маблағлари ҳажмини ошириш имкониятларини топиш чораларини кўриш керак.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг шарт-шароитларидан бири бўлиб, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш ва молиявий интизомга қатъий риоя қилиш ҳисобланади.

Моддий неъматлар ва хизматлар билан боғлиқ бўлган барча ҳисоблашувлар умуман олганда «Дебитор ва кредиторлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар» тариқасида юзага келади.

Кўпгина корхоналарда молиявий аҳволнинг ёмонлашуви кўп жиҳатдан катта ҳажмдаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тўпланиб қолишига боғлиқ бўлади. Дебиторлик қарзларнинг катта ҳажмда пайдо бўлиши корхона маблағларини муомаладан чиқаради, ўз айланма маблағларининг етишмовчилигига сабабчи бўлади, натижада кредиторлик қарзининг ошишига олиб келади, булар ҳаммаси молиявий ҳолатга салбий таъсир қилади. Шунинг учун ушбу қарзлар билан боғлиқ бўлган жараённи узлуксиз равишда таҳлил этиб туриш зарур.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар деб қандай қарзлар тушунилади?

Корхона томонидан бошқа корхона ва ташкилотларга тўланиши зарур бўлган мажбуриятлар кредитор қарзлар деб, корхонага бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан тўланиши зарур бўлган мажбуриятлар эса дебиторлик қарзлари деб тушунилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларлари ҳисоб – китобларнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Тўлов муддатининг чўзилиб кетиши корхоналарнинг молиявий аҳволига катта салбий таъсир қилади.

Таҳлилнинг асосий мақсади нимадан иборат?

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш асосида улар бўйича айланиш даврини тезлаштириш имкониятлари аниқлаш негизида молиявий ҳолатни яхшилаш таҳлилнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил этишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг ҳолатига, таркибига, таркибий тузилишига, ташкил топиш муддатларига, даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили таққослаш усули ёрдамида қуйидаги тартибда амалга оширилади. Биринчи навбатда Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг таркиби ва таркибий тузилиши ўрганилади. Бунинг учун аввало ҳар бир қарз тури ҳажми ва унинг ҳиссаси аниқланади.

Бухгалтерия балансида кўрсатилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг жамига нисбатан ҳар бир қарз турининг ҳиссасини шу қарз суммасини 100 га кўпайтириб жамига бўлиш орқали аниқланади. Шундан кейин таҳлил амалга оширилади. Ҳисобот даврининг охиридаги қарзларнинг ҳажмини давр бошидаги қарзларнинг ҳажмига, давр охиридаги ҳиссасини давр бошидаги ҳиссасига солиштирилиб, ўзгариши (кўпайган ёки камайганлиги) аниқланади. Ушбу ўзгариш мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Қарзлар бўйича мутлақ ўзгаришини аниқлаш учун давр охиридаги суммасидан давр бошидаги суммаси чегирилиб ташланади, нисбий ўзгаришини аниқлаш учун мутлақ ўзгариш суммасини 100 % га кўпайтирилиб, натижасини давр бошидаги суммасига бўлиш керак. Шундан кейин дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг умумий ҳолатига баҳо берилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг таркиби ва таркибий тузилишининг таҳлилин Челақ пахта заводи мисолида кўриб чиқамиз.

18- жадвал

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларни таҳлили.

(2003 йил)

Кўрсаткичлар	Йил боши		Йил охири		Ўзгариши (+,-)	
	Сумма си, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма си, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма си, минг сўм	Салмоғи, %
I Дебиторлик қарзлар:						
1.Харидорлар билан ҳисоб-лашишлар	7714	1,9	-	-	-7714	-1,9
2.Бюджет билан ҳисоблашишлар	80862	19,8	109057	25,5	+28195	+5,7
3.Ходимлар билан ҳисобла-шишлар	10997	2,7	-	-	-10997	-2,7
4.Шуъба корхоналари билан ҳисоблашишлар	125531	30,7	125531	29,4	-	-1,3
5. Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар	181546	44,4	190978	44,7	+9432	+0,3
6. Бошқа дебиторлар	2367	0,5	2085	0,4	-282	-0,1
Жами:	409017	100	427651	100	+18634	-
II Кредиторлик қарзлар:						
1.Мол етказиб берувчилар	830506	28,6	1019620	27,2	+189114	- 1,4
2.Бюджет бўйича қарзлар	-	-	191631	5,1	+191631	+5,1
3. Меҳнат ҳақи бўйича қарзлар	28463	1,0	30231	0,8	+1768	-0,2
4. Мулкӣ ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар	38197	1,3	36077	1,0	-2120	-0,3
5. Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	52588	1,8	42086	1,1	-10502	-0,7
6. Шуъба корхоналарига қарзлар	1948316	67,2	2421497	64,7	+473181	-2,5
7. Бошқа кредиторлар	3780	0,1	5926	0,1	+2146	-
Жами:	2901850	100	3747068	100	+845218	-

18-жадвалдан маълумки, дебиторлик қарзлари 2003 йилнинг охирида 427654 минг сўмни ташкил қилиб, у йил бошига нисбатан 18634 минг сўмга ёки 4,5 фоизга ошган ($18634 \times 100 : 409017$). Шу жумладан бюджет ташкилотларининг қарзи 28195 минг сўмга ёки 34,9 % га, уюшма корхоналарининг қарзлари 9432 минг сўмга ёки 5,2 % га ошган. Бошқа дебиторлик қарзлари бўйича камайиш содир бўлган, айрим қарзлар ундириб олинган. Масалан, харидорларнинг (7714 минг сўм) қарзи, ходимларнинг (10997 минг сўм) қарзи тўлиқ ундириб олинган, бошқа дебиторлик қарзи 282 минг сўмга ёки 11,9 % га камайган. Шуъба корхоналаридан қарзларни ундириб олиш чоралари кўрилмаган, ушбу корхоналар қарзи ҳажми ўзгармасдан қолган.

Челак заводининг бошқа корхона ва ташкилотларга бўлган кредиторлик қарзлари 845218 минг сўмга ёки 29,1 фоизга ошган. ($845218 \times 100 : 2901850$). Шу жумладан мол етказиб берувчиларга бўлган қарзи 189114 минг сўмга (22,8 %га), бюджетга бўлган қарзи 191621 минг сўмга (100 фоизга), шуъба корхоналарига бўлган қарзи 473181 минг сўмга (24,3 % га), меҳнат ҳақи бўйича қарзи 1768 минг сўмга (6,2% га), бошқа кредиторларга бўлган қарзи 2146 минг сўмга (55,8 % га) ошган. Фақат икки тур кредиторлик мажбурияти бўйича қарзини камайтирган. Суғурта ташкилотларига бўлган қарзи 2120 минг сўмга (5,5% га), бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзи 10502 мингсўмга (20,0 % га) камайган.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг умумий таҳлилидан кейин тўлов муддати ўтиб кетган қарзларни махсус таҳлил этиб, сабабларини аниқлаш зарур. Бу таҳлилни амалга ошириш учун молиявий ҳисобот таркибидаги 2а-шаклидаги «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома» кўрсаткичларидан фойдаланиш керак.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ундириш муддати 90 кун қилиб белгиланган. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари давлат томонидан назоратга олинади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш муддати қонун билан 3 йил ҳилиб белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган кредиторлик қарзлари ёки ундириб олинмаган дебиторлик қарзлари корхонанинг фойда ва зарарлар счётига олиб борилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили пайтида айланувчанлигига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур, чунки мажбуриятларнинг айланувчанлик даражаси корхонанинг молиявий аҳволига баҳо беришда ишлатиладиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Дебиторлик қарзларнинг айланувчанлиги деганда нима тушунилади? Дебиторлик қарзларни ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш кўрсаткичи тушунилади.

Бу кўрсаткич эса мажбуриятларнинг неча кундан кейин нақд пулга, ликвид маблағга айланишини характерлайди.

Дебитрлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти қандай аниқланади? Бу коэффицентни аниқлаш учун маҳсулотларни сотишдан

олинган соф тушумни (СТ) дебиторлик қарзларнинг ўртача ҳажмига (ДҚ) бўлиш керак:

$$K_{\text{деб}} = \frac{СТ}{ДҚ} .$$

Дебиторлик қарзларининг айланиш даври кун ҳисобида қандай аниқланади? Бу кўрсаткични аниқлаш учун дебиторлик қарзларининг жамини даврнинг календар кунлари сонига кўпайтириб, натижасини сотишдан олинган соф тушумга бўлиш керак:

$$A_{\text{деб}} = \frac{ДҚ \cdot 360}{СТ}$$

Шундан кейин дебиторлик қарзлари айланиш коэффицентининг ўзгариши, мажбуриятларини айланиш даврининг ўзгариши ҳамда уларнинг ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади.

Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффицентининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

Соф тушум ҳажмининг ўзгариши

Дебиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши

Ушбу омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади.

Бунинг учун қуйидаги 3 та боғланиш кўрсаткичи ҳисоблаб олинади:

$$I \quad \frac{СТ_0}{ДҚ_0} - \text{базис йилидаги дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти}$$

$$II \quad \frac{СТ_1}{ДҚ_0} - \text{дебиторлик қарзларининг шартли айланиш коэффицент}$$

$$III \quad \frac{СТ_1}{ДҚ_1} - \text{ҳисобот йилидаги дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти}$$

Ушбу боғланиш кўрсаткичлари аниқлангандан кейин қарзларнинг айланиш коэффиценти ўзгариши ва унга омиллар таъсири қийидагича аниқланади:

Дебиторлик қарзлари айланиш коэффицентининг умумий ўзгариши:

$$III-I \quad \frac{СТ_1}{ДҚ_1} - \frac{СТ_0}{ДҚ_0} = \pm \Delta_{СТ, ДҚ}.$$

Дебиторлик қарзлари айланиш коэффицентининг ўзгаришига соф тушум ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$II-I \quad \frac{СТ_1}{ДҚ_0} - \frac{СТ_0}{ДҚ_0} = \pm \Delta_{СТ, .}$$

Дебиторлик қарзлари айланиш коэффициентининг ўзгаришига дебиторлик қарзлари суммаси ўзгаришининг таъсири:

$$\text{III-II} \quad \frac{\text{СТ}_1}{\text{ДҚ}_1} - \frac{\text{СТ}_0}{\text{ДҚ}_0} = \pm \Delta_{\text{ДҚ}}.$$

Ушбу омиллар таъсирларининг йиғиндиси дебиторлик қарзлари айланиш коэффициентининг ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{\text{СТ}} \pm \Delta_{\text{ДҚ}} = \Delta_{\text{СТ, ДҚ}}.$$

Шундан сўнг кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициентининг ўзгариши таҳлил қилинади. Таҳлили қилиш тартиби дебиторлик қарзлари айланувчанлик коэффициентининг таҳлиliga ўхшайди. Бу ерда ҳам солиштириш ва занжирли боғланиш усуллари ёрдамида таҳлилни амалга ошириш зарур.

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициентининг таҳлилин куйидагича амалга ошириш мумкин.

Айланувчанлик коэффициентининг умумий ўзгариши:

$$\frac{\text{ИТ}_1}{\text{КҚ}_1} - \frac{\text{ИТ}_0}{\text{КҚ}_0} = \pm \Delta_{\text{ИТ, КҚ}}.$$

Кредиторлик қарзлари айланувчанлик коэффициентининг ўзгаришига сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннарни ўзгаришининг таъсири:

$$\frac{\text{ИТ}_1}{\text{КҚ}_0} - \frac{\text{ИТ}_0}{\text{КҚ}_0} = \pm \Delta_{\text{ИТ}}.$$

Кредиторлик қарзлари айланувчанлик коэффициентининг

ўзгаришига кредиторлик қарзлари ўзгаришининг таъсири:

$$\frac{\text{ИТ}_1}{\text{КҚ}_1} - \frac{\text{ИТ}_1}{\text{КҚ}_0} = \pm \Delta_{\text{КҚ}}.$$

Бунда, ИТ₁, ИТ₀ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннарни.

КҚ₁, КҚ₀ - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларидаги кредиторлик қарзларининг ўрта ҳажми (суммаси).

Омилларнинг таъсирларининг йиғиндиси айланувчанлик коэффициентининг ўзгаришига тенг келиши керак.

Таянч иборалар:

Бухгалтерия баланси

Баланс – брутто

Баланс – нетто

Баланс активи

Баланс пассиви
Мулк
Капитал
Мажбуриятлар
Горизонтал усул
Вертикал усул
Молиявий мустақиллик
Молиявий барқарорлик
Тўловга қодирлик
Ўз маблағлари
Қарз маблағлари
Ўз айланма маблағлари
Дебиторлик мажбуриятлар
Кредиторлик мажбуриятлар
Дебитор қарзлар айланувчанлиги
Кредитор қарзлар айланувчанлиги

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

Саноат корхонаси молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий мақсади нимадан иборат?
Таҳлилнинг асосий манбалари бўлиб, қайси ҳисобот маълумотлари ҳисобланади?
Таҳлилнинг асосий вазифаларини баён қилинг.
Бухгалтерия балансига таъриф беринг ва унинг таҳлилдаги аҳамиятини кўрсатинг.
Бухгалтерия балансининг актив қисмида хўжаликнинг нималари ҳисобга олинади, ҳар бирини таърифланг.
Бухгалтерия балансининг пассив қисмида нималар ҳисобга олинади?
Корхона қай вақтда молиявий барқарор хўжалик бўла олади?
Молиявий мустақиллик коэффицентининг таҳлилин тушунтиринг.
Корхонанинг тўловга қодирлик коэффиценти қандай аниқланади?
Тўловга қодирлик коэффицентининг таҳлилин тушунтиринг.
Корхонанинг ўз айланма маблағлари баланс бўйича қандай аниқланади?
Корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминлаш коэффицентининг ўзгаришига нечта омил таъсир қилади?
Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мазмунини тушунтиринг.
Дебиторлик қарзларининг таҳлилин тушунтиринг.
Кредиторлик қарзларининг таҳлилин баён қилинг.

7-Мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш режасининг бажарилиши ва динамикасининг омилли таҳлили.

Режа:

- 7.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 7.2. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.
- 7.3. Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.
- 7.4. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши таҳлили.
- 7.5. Ялпи маҳсулотнинг ўзгаришига асосий воситалар ва улардан фойдаланиш даражаси ўзгаришининг таъсирини таҳлили.
- 7.6. Таянч иборалар.
- 7.7. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

7.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқлари орасида энг муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам ушбу тармоқнинг тараққиётига халқ хўжалигининг ривожланиш, мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан республика ҳукумати ўсимликчилик ва чорвачилик соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини купайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хом-ашёга бўлган талабини қондиришда, ҳамда давлат заҳираларини ташкил қилишда муҳим шарт-шароит бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун маҳсулот етиштиришни купайтириш имкониятларини излаб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш асосий вазифадир. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун ўсимликчилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш соҳаларини узлуксиз равишда таҳлил этиб туриш зарур.

Бу асосий вазифа таҳлилнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Таҳлил барча ресурслардан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш имкониятларини аниқлайди ва уларни жалб қилиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқади. Ушбу мақсадга эришиш учун таҳлилнинг олдида қўйидаги вазифалар туради:

- Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳажми ва таркибий тузилишини ўзгаришини ўрганиш;
- Қишлоқ хўжалик ерлари ва чорва молларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;
- Ресурслар билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш даражасини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлашни ўрганиш;

Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни купайтиришнинг имкониятларини кўрсатиш.

Таҳлилнинг асосий манбаларидан бўлиб, қўйидаги ахборот маълумотлари ҳисобланади:

Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархи тўғрисидаги ҳисобот (9-АСК шакли) маълумотлари;

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни таннархи тўғрисидаги ҳисобот (13-АСК шакли) маълумотлари;

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот (7-АСК шакли) маълумотлари;

Маҳсулот баланси (14-АСК шакли) маълумотлари;

Бизнес режа маълумотлари;

Узоқ муддатли ва айланма активлар, ўз маблағлари манбаи ва мажбуриятлари тўғрисидаги статистик ҳисобот (2-Ф шакли) маълумотлари;

Корхона сарф харажатлари тўғрисидаги статистик ҳисобот (5-С шакли) маълумотлари.

7.2. Кишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили.

Ер умумий бойликдир, у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ердан халқ ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида оқилona фойдланиш зарур.

Кишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўйидаги икки гуруҳга бўлинади:

Ер маҳсулдорлиги кўрсаткичлари;

Харажатлар кайтими кўрсаткичлари.

Ер маҳсулдорлиги 1 ёки 100 гектар ҳисобига тўғри келадиган маҳсулот чиқими билан ўлчанади. Ер маҳсулдорлиги қўйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади:

1 ёки 100 гектар майдон ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қиймати (ҳажми);

1 ёки 100 гектар майдон ҳисобига ишлаб чиқарилган соф маҳсулот қиймати (ҳажми);

1 ёки 100 гектар майдон ҳисобига олинган соф даромад суммаси.

Ер маҳсулдорлиги кўрсаткичларини даврлар бўйича ўрганишда маҳсулотлар ҳажмини таққослама баҳо бўйича ҳисоблаш зарур.

Ер маҳсулдорлиги кўрсаткичи таққослама баҳо (ёки таннарх) бўйича ҳисобланган маҳсулот ҳажмини кадастр ёки экин майдонига бўлиш орқали аниқланади. Таққослама баҳо тариқасида 1996 йил таннархини ёки таҳлил қилинаётган даврларнинг бошланғич таннархини қабул қилиш мумкин. Биз 2001 йил таннархи олдиқ ва у асосида базис ва ҳисобот йиллари учун ялпи маҳсулот ҳажмини ҳисоблаб, натижасини тегишли давр экин майдонига

бўлиб, ер самарадорлигини аниқладик. Буни қўйидаги формулалар билан ифодалаш мумкин:

$$\text{Базис йили учун } E_{pM_0} = \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0}$$

$$\text{Ҳисобот йили учун } E_{pM_0} = \frac{\sum q_1 z_0}{\sum M_1}$$

Бунда, q_0 – ҳисобот даврида етиштирилган ҳар бир маҳсулотнинг миқдори;

q_1 – базис даврида етиштирилган ҳар бир маҳсулотнинг миқдори

z_0 – базис даврида етиштирилган ҳар бир маҳсулот бир бирлигининг таннари (таққослама таннари);

M_1, M_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис даврдаги жами экин майдони;

$\sum q_0 z_0, \sum q_1 z_0$ – мос ҳолда базис ва ҳисобот йилларида етиштирилган маҳсулотларнинг таққослама ҳажми.

Ҳисобот йилидаги ер маҳсулдорлиги кўрсаткичини базис йилидаги кўрсаткичига солиштирилиб, унинг умумий ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади:

$$\frac{\sum q_1 z_1}{\sum M_1} - \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0} = \pm \Delta_{m,q}$$

Ер маҳсулдорлигининг ўзгариши, ушбу формуладан кўриниб турибдики, икки омил ҳисобига содир бўлади. Омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқланади.

Ушбу омилларнинг ер маҳсулдорлигининг ўзгаришига таъсирини аниқлашдан олдин «Шартли ер маҳсулдорлиги» кўрсаткичи аниқлаб олиниши керак.

Шартли ер маҳсулдорлиги кўрсаткичини аниқлаш учун базис йилидаги ялпи маҳсулот қийматини ҳисобот йилидаги экин майдонига бўлмоқ керак:

$$E_{pM_{ш}} = \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0}$$

Шундан сўнг ер маҳсулдорлигининг ўзгаришига омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқланади:

Ер маҳсулдорлигини ўзгаришига экстенсив омилнинг яъни экин майдони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли ер маҳсулдорлиги кўрсаткичидан базис йилидаги ер маҳсулдорлиги кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_1} - \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0} = \pm \Delta_m$$

Ер маҳсулдорлигининг ўзгаришига интенсив омилнинг яъни маҳсулот физик миқдори ўзгаришининг таъсири ҳисобот йилидаги ер маҳсулдорлиги

кўрсаткичидан шартли ер маҳсулдорлиги кўрсаткичини айириб ташлаш орқали аниқланади:

$$\frac{\sum q_1 z_0}{\sum M_1} - \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_1} = \pm \Delta_q$$

Юқоридаги омил таъсирларининг йиғиндиси ер маҳсулдорлигининг умумий узгаришига тенг келиши шарт. Шундан сунг омиллар таъсирига баҳо берилиб, имкониятлар курсатилиши керак.

Энди, Пахтачи туманидаги Қурбон Ражабов номли ширкат хўжалиги мисолида ердан фойдаланиш самарадорлигини таҳлилини куриб чиқамиз. Буни ўисмликичиликнинг асосий маҳсулотларини етиштириш учун беркитилган экин майдонидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари асосида амалга оширамиз. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 19-жадвалда келтирилди.

19-жадвал

Ердан фойдаланишни таҳлили учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	1ц маҳсулотнинг 2001 йилдаги таннарни, сўм	Экин майдони, га		Етиштирилган маҳсулот, ц		Ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм	
		2001 йил	2003 йил	2001 йил	2003 йил	2001 йил	2003 йил
	z_0	M_0	M_1	q_0	q_1	$q_0 z_0$	$q_1 z_0$
Бошоқли экинлар	3932	380	404	14402	18783	56626	73855
Пахта	8362	1074	1010	35997	31137	300997	260368
Картошка	1373	3	-	300	-	412	-
Сабзавот	3334	17	14	2605	3813	8686	12713
Полиз	1275	3	2	229	100	292	127,5
Жами:	X	1477	1430	x	x	367013	347064

Ушбу маълумотлар асосида ердан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинади. Бунинг учун биринчи навбатда 1 гектар ҳисобига етиштирилган маҳсулот ҳажми аниқланади:

$$\text{Базис йили учун } Ер_{m_0} = \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0} = \frac{367013}{1477} = 248,5 \text{ минг сўм}$$

$$\text{Ҳисобот йили учун } Ер_{m_1} = \frac{\sum q_1 z_0}{\sum M_1} = \frac{347064}{1430} = 242,7 \text{ минг сўм}$$

Демак, ҳисобот йилида 1 гектар ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми базис йилида 1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажмига нисбатан 5,8 минг сўмга камайган:

$$\frac{\sum q_1 z_0}{\sum M_1} - \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0} = 242,7 - 248,5 = -5,8 \text{ минг сўм}$$

Демак, ердан фойдаланиш самарадорлиги даражаси 2003 йилда 2001 йилга нисбатан 5,8 минг сўмга ёки 2,3 фоизга пасайган. Бу юқорида қайд қилганимиздек, икки омил ҳисобига содир бўлган:

экин майдонининг ўзгариши ҳисобига
етиштирилган маҳсулот физик миқдорининг ўзгариши
ҳисобига.

Ушбу омилларнинг таъсири аниқланганга қадар шартли ердан
фойдаланиш даражаси аниқланиб олинади:

$$\frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_1} = \frac{367031}{1430} = 256,7 \text{ минг сўм}$$

Шундан сўнг ердан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига
омилларнинг таъсири аниқлаш мумкин.

Ҳисобот йилида экилган асосий экинларнинг майдони 1430 гектар
бўлиб, у базис йилидаги майдонга нисбатан 47 гектарга (1430-1477)=-47
га)ёки 3,2 фоизга камайган, натижада шу омил ҳисобига ердан фойдаланиш
самарадорлиги ошган, яъни 1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми
8,2 минг сўмга ёки 3,2 % га ошган.

$$\frac{\sum q_1 z_0}{\sum M_0} - \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_0} = \frac{367013}{1430} - \frac{367013}{1477} = 256,7 - 248,5 = +8,2 \text{ минг сўм}$$

Ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори базис йилида
етиштирилган маҳсулотларнинг миқдорига нисбатан 5,5 фоизга камайган:

$$\frac{\sum q_1 z_0}{\sum q_0 z_0} = \frac{347064}{367013} = 0,945 \text{ ёки } 94,5 \%$$

Етиштирилган маҳсулотлар миқдорининг камайиши туфайли ердар
фойдаланиш самарадорлиги 14 минг сўмга ёки 5,5 % га камайган.

$$\frac{\sum q_1 z_0}{\sum M_1} - \frac{\sum q_0 z_0}{\sum M_1} = \frac{347064}{1430} - \frac{367013}{1430} = 242,7 - 256,7 = -14 \text{ минг сўм ёки } 5,5\%$$

Ушбу ҳисоб-китоблардан маълумки, ердан фойдаланиш
самарадорлигининг пасайиши асосан ишлаб чиқарилган маҳсулот
миқдорининг камайиши ҳисобига содир бўлган.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқарилган
маҳсулот миқдорининг ўсишига эришиш зарур. Бунинг учун экин
майдонининг камайишига йўл қўймаслик, айниқса экинлар
ҳосилдорлигининг ошишига эришиш зарур.

7.3. Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.

Ўсимликчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғидир. Унинг
ривожланишига нафақат қишлоқ хўжалигининг тараққиёти, хатто, мамлакат
иқтисодининг ривожланиши ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шунинг учун
ушбу соҳа бўйича ишлаб чиқариш жараёнини чуқур ўрганиш ва таҳлил
қилиш асосида мавжуд имкониятларини кўрсатиш катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу бўлимда ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлил этиш йўллари ёритилади.

Ўсимликчилик тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ялпи ҳосил деб юритилади. Ҳар бир экин тури бўйича ҳисобот йилида етиштирилган ялпи ҳосил миқдорини режалаштирилган миқдори билан ёки базис йилидаги миқдори билан солиштириб, ўзгариши (кўпайган ёки камайганлиги) аниқланади.

Ишлаб чиқарилган ўсимликчилик маҳсулотлари миқдорининг ўзгариши бевосита экстенсив ва интенсив омиллар ҳисобига содир бўлади. Экстенсив омил бўлиб экин майдонларининг ўзгариши, интенсив омил бўлаб ҳосилдорлик даражасининг ўзгариши ҳисобланади. Демак, ялпи ҳосил миқдорининг ўзгаришига қўйидаги икки омил таъсир қилади:

экин майдонининг ўзгариши,

1 гектар ҳисобига етиштирилган ҳосил (яъни ҳосилдорлик)нинг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг ялпи ҳосилнинг ўзгаришига таъсири «занжирли боғланиш», «кўрсаткичлар фарқи», «индекс» усуллари ёрдамида аниқланиб ва омилли таҳлил қилинади. Биз бу ерда «занжирли боғланиш» усули орқали таҳлил қилиш тартибини келтирдик.

Таҳлилни бевосита амалга оширишдан олдин қўйидаги 3 та боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинади:

M_0X_0 – режалаштирилган (ёки базис йилидаги) ялпи ҳосили,

M_1X_0 - шартли ялпи ҳосил. Бу кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобот йилидаги майдонни (M_1) режадаги (ёки ўтган йилдаги) ҳосилдорликка (X_0) кўпайтириш керак.

M_1X_1 – ҳисобот йилидаги ялпи ҳосил.

Ушбу кўрсаткичлар аниқлангандан кейин ялпи ҳосил режасининг бажарилиши ёки динамикасини таҳлил қилиш мумкин. Бу ерда ялпи ҳосил динамикасининг таҳлили ёритилди.

Ҳисобот йилидаги ялпи ҳосилдан базис йилидаги ялпи ҳосилни чегириш орқали унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$M_1X_1 - M_0X_0 = \pm \Delta_{\text{мх}}$$

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига экстенсив (миқдорий) омилнинг, яъни экин майдони миқдори ўзгаришнинг таъсирини аниқлаш учун шартли ялпи ҳосилдан базис йилдаги ялпи ҳосилни чегириб ташлаш керак:

$$M_1X_0 - M_0X_0 = \pm \Delta_{\text{м}}$$

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига интенсив (сифатий) омилнинг, яъни ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ялпи ҳосил миқдоридан шартли ялпи ҳосил миқдорини айириб ташлаш керак:

$$M_1X_1 - M_1X_0 = \pm \Delta_{\text{к}}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи ҳосилнинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

Юқорида келтирилган «занжирли боғланиш» усули қоида-сига амал қилиб, етиштирилган пахта ялпи ҳосили динамикасининг таҳлилин кўриб чиқамиз.

Қ. Ражабов номли ширкат хўжалиги бўйича пахта ялпи ҳосили
динамикасининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	2002 йил	Ҳисобот йилидиги экин майдони ва базис йилидаги ҳосилдорлик бўйича	2003 йил	Ўзга- риши, (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
					Экин майдони ҳисобига	Ҳосил- дорлик ҳисобига
1. Экин майдони, га	1074	1010	1010	-64	X	X
2. Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	33,5	33,5	30,8	-2,7	x	X
3. Пахта ялпи ҳосили, ц.	35997	33835	31137	-4860	-2162	-2698

20-жадвалдан кўриниб турибдики, пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 4860 ц/га ёки 13,5 фоизга камайган.

$$M_1X_1 - M_0X_0 = (1010 \cdot 30,8) - (1074 \cdot 33,5) = 31137 - 35997 = -4860 \text{ ц.}$$

Пахта экин майдони ҳисобот йилида 1010 га ни ташкил қилиб, базис йилига нисбатан 64 гектарга камайган, натижада шу омил ҳисобига ялпи ҳосил 2162 ц.га камайган.

$$M_1X_0 - M_0X_0 = (1010 \cdot 33,5) - 1074 \cdot 33,5 = 33835 - 35997 = -2162 \text{ ц.}$$

Пахта ҳосилдорлиги ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2,7 ц.га камайган. Пахта ҳосилдорлигининг камайиши ялпи ҳосилнинг ўзгаришига салбий таъсир қилиб, уни базис йилига нисбатан 2698 ц.га камайтирилган:

$$M_1X_1 - M_1X_0 = (1010 \cdot 30,8) - (1010 \cdot 33,5) = 31137 - 33835 = -2698 \text{ ц.}$$

Энди, пахта ялпи ҳосили динамикасининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш йўллари «кўрсаткичлар фарқи» усули ёрдамида баён қиламиз:

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига экин майдони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги экин майдони (M_1) билан базис йилидаги экин майдони (M_0) орасидаги фарқи ($M_1 - M_0$) базис йилидаги ҳосилдорлик даражасига (X_0) кўпайтирмоқ керак:

$$(M_1 - M_0) \cdot X_0 = (1010 - 1074) \cdot 33,5 = -64 \cdot 33,5 = -2162 \text{ ц.}$$

демак, экин майдонининг, базис даврига нисбатан 64 гектарга камайиши натижасида пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2162 ц.га камайган.

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ҳосилдорлик (X_1) билан базис йилидаги ҳосилдорлик (X_0) орасидаги ($X_1 - X_0$) фарқни ҳисобот йилидаги экин майдони (M_1) га кўпайтирмоқ керак:

$$(X_1 - X_0) \cdot M_1 = (30,8 - 33,5) \cdot 1010 = -2,7 \cdot 1010 = -2698 \text{ ц.}$$

Демак, пахта ҳосилдорлигининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2,7 ц.га камайиши натижасида пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида 2698 ц.га камайган.

Хуллас, икки омил ҳам салбий таъсир қилган, натижада пахта ялпи ҳосили ҳисобот йилида 4860 ц. камайган. Демак, хўжалик мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаган.

7.4. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини таҳлили.

Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. Аҳолининг турмуш даражасининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб боради. Шунинг учун ҳам уни кўпайтириш имкониятлари аниқлаш зарур. Ушбу вазифани амалга ошириш учун чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилишни самарали уюштириш зарур.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасининг таҳлили солиштириш орқали унинг ўзгаришини аниқлаб олишдан бошланади, яъни ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдоридан режалаштирилган ёки ўтган йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини чегириш орқали ўзгариши яъни кўпайган ёки камайган миқдори аниқланади.

Сўнгра ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири аниқланади.

Режадаги маҳсулот миқдорининг ўзгаришига нисбатан омиллар таъсирини аниқлаш тартиби (усули) ўтган йилда етиштирилган маҳсулот миқдорининг ўзгаришига нисбатан омилларни таъсирини аниқлаш тартиби (усули)дан фарқ қилмайди. Шунинг учун ушбу бўлимда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажарилишининг таҳлилига тўхталдик.

Бевосита амалий таҳлилга ўтишдан олдин «занжирли боғланиш» усули орқали омиллар таъсирини аниқлаш тартиби баён қилинди.

Ҳисобот йилида ҳақиқий ишлаб чиқилган маҳсулот миқдорини режа бўйича кўзда тутилган маҳсулот миқдорига солиштириб, умумий ўзгариши (кўпайган ёки камайганлиги) аниқланади:

$$S_1P_1 - S_0P_0 = \pm \Delta_{sp},$$

Бунда, S_1 – ҳисобот йилида мавжуд бўлган чорва молларининг ҳақиқий ўртача сони;

S_0 – ҳисобот йилида режалаштирилган чорва молларининг ўртача сони;

P_1 – чорва молларининг ҳақиқий маҳсулдорлиги даражаси;

P_0 – режа бўйича кўзда тутилган чорва моллари маҳсулдорлиги даражаси.

Чорва молларини сонини уларнинг маҳсулдорлигига (яъни 1 бош ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдорига) кўпайтириш орқали ишлаб чиқарилган жами натура маҳсулоти миқдори аниқланади:

S_1P_1 = ҳақиқий етиштирилган жами маҳсулот миқдори,

S_0P_0 = режа бўйича етиштириш кўзда тутилган маҳсулот миқдори.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таҳлилини ялпи етиштирилган сут мисолида амалга оширдик.

Ҳисобот йилида етиштирилган ҳақиқий ялпи сут миқдоридан режалаштирилган ялпи сут миқдорини айириш орқали унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$S_1P_1 - S_0P_0 = \pm \Delta_{sp}$$

Ушбу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлади:

сигирларнинг ўртача сонининг ўзгариши ҳисобига;

сут маҳсулдорлигининг ўзгариши ҳисобига.

Ушбу омилларнинг ялпи сут миқдорининг ўзгаришига таъсири «занжирли боғланиш» усули орқали аниқланади ва таҳлил қилинади.

Омиллар таъсири аниқланганга қадар «шартли сут миқдори» аниқланиб олинади. Бу кўрсаткич ҳисобот йилидаги ҳақиқий сигирларнинг ўртача йиллик сонини (S_1) режалаштирилган сут маҳсулдорлиги (P_0) га кўпайтириш орқали аниқланади: S_1P_0 .

Ялпи сут миқдорининг ўзгаришига сигирларнинг ўртача сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли сут миқдоридан режа бўйича кўзда тутилган сут миқдорини чегириб ташлаш керак:

$$S_1P_0 - S_0P_0 = \pm \Delta_s,$$

Ялпи сут миқдорининг ўзгаришига сут маҳсулдорлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ҳақиқий ялпи сут миқдоридан шартли сут миқдорини чегириб ташлаш керак:

$$S_1P_1 - S_1P_0 = \pm \Delta_p,$$

Юқоридаги икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи сутнинг умумий ўзгаришига тўғри келиши шарт:

$$\Delta_s \pm \Delta_p = \Delta_{sp}$$

Энди, юқорида келтирилган усул ёрдамида етиштирилган ялпи сут режаси бажарилишининг таҳлилини 21-жадвалдаги маълумотлар асосида куриб чиқамиз.

21-жадвал

2003 йилда ишлаб чиқарилган ялпи сут режаси бажарилишининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқий сигирлар сони ва режадаги маҳсулдорлиги бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
					Сигирлар сони ҳисобига	Сут маҳсулдорлиги ҳисобига
1. Сигирларнинг ўртача сони, бош	120	110	110	-10	X	X
2. Сут маҳсулдорлиги, ц/бош	19,0	19,0	25,0	+6	X	X
3. Ялпи сут, ц	2280,0	2090,0	2750,0	+470	-190,0	+660

21-жадвалдан кўриниб турибдики, яъни соғиб олинган сутнинг ҳақиқий миқдори 2750 ц.ни ташкил қилиб, у режага нисбатан 470 ц. га ошган.

$$S_1P_1 - S_0P_0 = (110 \cdot 25,0) - (120 \cdot 19) = 2750 - 2280 = +470 \text{ ц.}$$

Ушбу узгариш миқдорий омилнинг салбий, сифатий омилнинг ижобий таъсири остида юзага келган.

Сигирларнинг ҳақиқий ўртача йиллик сони режадагига нисбатан 10 бошга камайган, натижада шу омил ҳисобига ялпи сут миқдори 190 ц. камайган.

$$S_1P_0 - S_0P_0 = (110 \cdot 19) - (110 \cdot 19) = 2090 - 2280 = -190 \text{ ц.}$$

Сут маҳсулдорлигининг ошиши ялпи сут миқдорининг ўзгаришига ижобий таъсир қилиб, унинг ошишига сабабчи бўлган. Сут маҳсулдорлиги даражаси ҳисобот йилида 25 ц. ни ташкил қилиб, режага нисбатан 6 ц. га ошган, натижада шу омил ҳисобига ялпи сут миқдори 660 ц. Га кўпайган.

$$S_1P_1 - S_0P_0 = (110 \cdot 25) - (110 \cdot 19) = 2750 - 2090 = +660 \text{ ц.}$$

Демак, ялпи сут миқдорининг ўзгариши бир омилнинг салбий, иккинчи омилнинг ижобий таъсири остида юзага келган. Агар сигирлар сони ўзгармасдан режада кўзда тутилган сони даражасида қолганда эди, ёки кўпайганда ялпи сут миқдори янада ошган булур эди.

Юқорида ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида етиштирилган натура маҳсулоти миқдорининг узгаришини омилли таҳлилини кўриб чиқдик. Энди, ўсимликчилик ва чорвачилик бўйича ялпи маҳсулотнинг омилли таҳлиliga тўхталамиз.

5. Ялпи маҳсулотни ўзгаришига асосий воситалар ва улардан фойдаланиш даражаси ўзгаришини таъсирини таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши кўп жиҳатдан асосий воситалар билан таъминланиш ва айниқса улардан фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади, ушбу боғлиқликни кўйидагича ифодалаш мумкин:

$$MX = AIF \cdot FK$$

Бу ерда, MX – маҳсулот ҳажми (ялпи маҳсулот, соф маҳсулот ҳажмлари),

Ушбу формуладан кўриниб турибдики маҳсулот ҳажми асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача йиллик ҳажми билан фонд қайтими кўрсаткичлари кўпайтмаларининг йиғиндисига тенг.

Демак, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (соф маҳсулот) ҳажмининг ўзгаришига шу икки бирламчи омил таъсир қилади:

асосий фондлар ҳажмининг ўзгариши,

фонд қайтими даражасининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаймиз, бунинг учун биринчи навбатда 3 та боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинади:

$AIF_0 \cdot FK_0$ - базис давридаги маҳсулот ҳажми,

$AIF_1 \cdot FK_0$ - шартли маҳсулот ҳажми,

$AIF_1 \cdot FK_1$ - ҳисобот давридаги маҳсулот ҳажми.

III –боғланишдан I –боғланиш кўрсаткичини айириш орқали маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгариши аниқланади:

$$(AIF_1 \cdot FK_1) - (AIF_0 \cdot FK_0) = \pm \Delta_{aif, fk}$$

Шундан кейин маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади:

1-омил. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ўзгаришининг таъсири.

$$(\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_0) - (\text{АИФ}_0 \cdot \text{ФК}_0) = \pm \Delta_{\text{аиф}},$$

2-омил. Фонд қайтими ўзгаришининг таъсири.

$$(\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_1) - (\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_0) = \pm \Delta_{\text{фк}},$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Тенглик маълум бўлгандан кейин омиллар таъсирига баҳо берилиб хулоса қилиниши керак.

Ялпи маҳсулот суммаси билан омиллар орасидаги боғлиқликнинг таҳлилини Пахтачи тумани Қ.Ражабов номли ширкат хўжалигининг 22-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб куриб чиқамиз:

22-жадвал

Ялпи маҳсулотнинг омилли таҳлили учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши
1. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, минг сўм	138444	142000	+3556
2. Асосий фондлар фаол қисмининг қиймати, минг сўм	83066	88040	+4974
3. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, минг сўм	56409	60731	+4322

Жадвалдаги маълумотлар асосида ялпи маҳсулотнинг ўзгариши ва унга таъсир қилувчи асосий фондлар ҳажмининг ўзгариши билан асосий фондлар қайтими даражасининг ўзгаришининг таъсири таҳлилини юқорида баён қилинган «занжирли боғланиш» усули қоидаларига суянган ҳолда бажарилди:

Биринчи навбатда ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариши аниқланади.

Ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий ўзгариши:

$$(\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_1) - (\text{АИФ}_0 \cdot \text{ФК}_0) = (14200 \cdot 0,428) - (138444 \cdot 0,407) = 60731 - 56409 = + 4322 \text{ минг сўм.}$$

Демак, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 4322 минг сўмга кўпайган. Бу қўйидаги икки омил ҳисобига содир бўлган:

1-омил. Асосий фондлар ҳажми ўзгаришининг таъсири

$$(\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_0) - (\text{АИФ}_0 \cdot \text{ФК}_0) = (142000 \cdot 0,407) - (138444 \cdot 0,407) = 57794 - 56409 = +1385 \text{ минг сўм.}$$

Демак, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажмининг ошиши ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 1385 минг сўмга кўпайган.

2-омил. Фонд қайтимининг ўзгаришининг таъсири

$$(\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_1) - (\text{АИФ}_1 \cdot \text{ФК}_0) = (142000 \cdot 0,428) - (142000 \cdot 0,407) = 60731 - 57794 = + 2937 \text{ минг сўм.}$$

Демак, фонд қайтими даражасининг 2,1 тийинга ошиши ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми ўтган йилган нисбатан 2937 минг сўмга ошган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига икки омил ҳам ижобий таъсир қилган, натижада унинг ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 4322 минг сўмга ёки 7,7 % га ошган.

7.6. Таянч иборалар.

экин майдони,
ер маҳсулдорлиги,
шартли ер маҳсулдорлиги,
ердан фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар,
ялпи ҳосил,
ҳосилдорлик,
маҳсулдорлик,
ялпи ҳосилга таъсир қилувчи омиллар,
ялпи маҳсулот,
асосий ишлаб чиқариш фондлари,
фонд қайтими,
ялпи маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.

7.7. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлиги қайси кўрсаткичлар орқали ифодаланади?

Ер маҳсулдорлиги кўрсаткичининг мазмунини тушунтиринг ва уни қандай ҳисоблаш мумкин?

Шартли ер маҳсулдорлигини кўрсаткичи нима учун керак ва у қандай ҳисобланади?

Ер маҳсулдорлигининг таҳлили қайси усуллар орқали амалга оширилади?

Ялпи ҳосил қандай таҳлил қилинади?

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига нечта омил таъсир қилади, улар қайсилар?

Ялпи ҳосилнинг ўзгаришига ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини қандай ҳисоблаш мумкин?

Чорва ялпи натура маҳсулотининг таҳлили қандай амалга оширилади?

Етиштирилган ялпи сут миқдорининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади ва уларнинг таъсирини қайси усуллардан фойдаланиб аниқлаш мумкин?

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўзгаришига фонд қайтими ўзгаришининг таъсирини қандай аниқлаш мумкин?

Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига асосий воситалар ҳажми ўзгаришининг таъсири қандай ҳисобланади?

8-Мавзу: Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили.

Режа:

Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари.

Ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмининг таҳлили.

Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили.

Таннарх таркибидаги харажат моддалари ўзгаришининг омилли таҳлили.

Таянч иборалар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳажми динамикасини ҳамда ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархи даражасини, таркиби ва структурасини узлуксиз равишда таҳлил этиб туриш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки таҳлил этиш жараёнида харажатларни камайтириш имкониятлари аниқланади, қандай омиллар ва шароитлар ҳисобига камайтириш имкониятлари топилади, натижада улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу эса таҳлилнинг асосий мақсадидир.

Таннархни таҳлил этишнинг асосий вазифалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

Ишлаб чиқариш таннархи ҳажми ва даражасини объектив баҳолаш;

Таннарх динамикаси ва унинг ўзгаришини ўрганиш;

Таннарх таркиби ва структураси ўзгариши динамикасини ўрганиш;

Таннарх даражасининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш;

Таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатиш.

Таҳлилнинг асосий манбалари бўлиб, 9-АСК шаклдаги «Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг таннархи», 13-АСК шаклидаги «Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг таннархи» ҳисоботларининг маълумотлари ҳисобланади. Ушбу хужжатлардаги маълумотлари асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг жами таннархи (жами ишлаб чиқариш харажати) ва маҳсулот бирлигининг (1ц. пахта, 1 ц ғалла, 1 дона қорақўл тери ва бошқа маҳсулотларнинг) таннархи таҳлил қилинади, уларни камайтириш, пасайтириш имкониятлари кўрсатилади. Зарурат туғилганда, бухгалтерия ҳисобининг 2- «Асосий ишлаб чиқариш» бош счёти ва шу счётга тегишли бўлган аналитик счётлар маълумотлари ҳам таҳлил учун жалб қилинади.

Ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмининг таҳлили.

Тайёр маҳсулотларнинг жами ишлаб чиқариш таннархи (харажати)ни таҳлил этиш учун таҳлилнинг солиштириш, кўрсаткичлар фарқи, занжирли алмаштириш каби усулларидадан фойдаланиш мумкин.

Таҳлил ҳисобот йилидаги харажатлари суммасини базис йилидаги ёки режалаштирилган харажатлари суммасига солиштириб, умумий ўзгаришни аниқлашдан бошланади. Демак, ҳисобот йилидаги ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннаrxини базис йилидаги ёки режадаги таннаrxига солиштириб, унинг кўпайганлиги ёки камайганлиги аниқланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами харажатлари ҳажмини таъсир этувчи омиллар ҳисобга олган ҳолда аниқлаш зарур, яъни уларни миқдорий ва сифатий омилларнинг кўпайтмаларининг йиғиндиси тариқасида аниқлаш мақсадли бўлади, чунки уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар кўриниб туради.

Буни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\sum q_1 z_1 - \sum q_0 z_0 = \pm \Delta_{qz}$$

Бунда, q_0 , q_1 - м ос ҳолда базис ва ҳисобот йилларида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар миқдори (ц. ҳисобига);

z_0 , z_1 - 1 ц. Маҳсулотнинг базис ва ҳисобот йилларидаги ишлаб чиқариш таннаrxи (сўм ҳисобида).

Демак, q_0 , z_0 - базис йилида етиштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш харажатининг жами ҳажмини курсатади, яъни базис йилида етиштирилган маҳсулот миқдорини (q_0) 1 ц. Маҳсулот таннаrxига кўпайтириб, уларнинг умумий ҳажми аниқланади.

q_1, z_1 - ҳисобот йилидаги етиштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш харажатининг жами ҳажмини курсатади. Демак, ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдорини (q_1) бир бирлик маҳсулот таннаrxига (z_1) кўпайтириб, ишлаб чиқариш харажатининг суммаси аниқланган.

Ушбу йўл билан базис ва ҳисобот йиллари учун ҳисобланган ишлаб чиқариш харажатларининг жами суммаси 9-АСК ва 13-АСК шакли бўйича тузилган ҳисоботлардаги харажатларнинг жами суммасига тенг келиши керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулот жами харажат ҳажмининг ўзгаришига юқоридаги формуладан куришиб турибдики, икки омил ҳисобига юзага келади:

ишлаб чиқарилган маҳсулот физик миқдорининг ўзгариши ($q_1 - q_0$) ҳисобига;

маҳсулот бирлиги таннаrxи (1 ц. нинг таннаrxи) нинг ўзгариши ($z_1 - z_0$) ҳисобига.

Ушбу омилларнинг харажатлар ҳажмининг умумий ўзгаришига таъсирини «кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб, аниқлаш йўллари кўрсатамиз.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни маҳсулот физик миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдори (q_1) билан базис йилидаги маҳсулот миқдори (q_0) орасидаги фарқни базис йилидаги 1 ц. маҳсулотнинг таннарни (z_0) суммасига кўпайтирилади:

$$(q_1 - q_0) \cdot z_0 = \pm \Delta_q$$

Харажатлар умумий ҳажмининг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни 1ц маҳсулот таннарни ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, ҳисобот йилидаги 1 ц маҳсулот таннарни (z_1) билан базис йилидаги 1 ц маҳсулот таннарни (z_0) орасидаги фарқни ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига (q_1) кўпайтирилади:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_z$$

Юқоридаги икки омил таъсирларининг йиғиндиси ишлаб чиқариш харажатларининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

Энди, Қ. Ражабов номли ширкат хўжалигида етиштирилган пахта мисолида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилини куриб чиқамиз:

23-жадвал

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши, (+,-)
1. Экин майдони, га	1074	1010	-64
2. Ялпи ҳосил, ц	3599	31137	-4860
3. Ҳосилдорлик, ц/га	33,5	30,8	-2,7
4.1 ц доннинг ишлаб чиқариш таннарни, сўм	8362	16647	+8285
5. Жами харажат, м/с	300997	518328	+217331
6. 1 га харажати, м/с	280,3	513,2	+232,9

Келтирилган ҳисобот материалларидан кўриниб турибдики, пахтага сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 217331 минг сўмга ошган.

$(q_1 z_1 - q_0 z_0) = (31137 \cdot 16647) - (35997 \cdot 8362) = 518328 - 300997 = +217331$ минг сўм.

Ушбу ўзгариш икки омил таъсири туфайли пайдо бўлган. Биринчи омил бўлиб, маҳсулот физик миқдорининг ўзгариши ҳисобланади. Ялпи ҳосил ҳисобот йилида 31137 ц .ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 4860 ц.га камайган, натижада шу омил ҳисобига ишлаб чиқариш харажатининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 40639 минг сўмга камайган.

$$(q_1 - q_0) \cdot z_0 = (31137 - 35997) \cdot 8362 = -4860 \cdot 8362 = -40639 \text{ минг сўм}$$

Иккинчи омил бўлиб, 1ц пахта таннарни даражасининг ўзгариши ҳисобланади. 1ц пахта таннарни ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 8285 сўмга ошган (қимматлашган), натижада жами харажат ҳажми шу омил ҳисобига йилида 257970 минг сўмга ошган:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = (16647 - 8362) \cdot 31137 = +8285 \cdot 31137 = +257970 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, харажатлар ҳажмининг ўзгариши бир омилнинг ижобий, иккинчи омилнинг салбий

таъсири остида юзага келади. Асосий сабаб, маҳсулот бирлиги таннархининг кескин қимматлашиб кетганлигидир. Шунинг учун маҳсулот бирлиги таннархининг таркибини ва унга таъсир қилувчи омиллар таъсирининг урганиш зарур.

Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили.

Энди, маҳсулот таннархининг таҳлилини кўриб чиқамиз:

Таннарх деб нимага айтилади?

Маҳсулот етиштириш учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг пул шаклида ифодаланиши таннарх деб аталади. Таннарх ўз навбатида жами маҳсулот таннархи, маҳсулот бирлиги таннархи ва 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган харажатлар кўрсаткичларига бўлинади. ушуб кўрсаткичлардан биринчисини таҳлил этиш тартиби юқорида баён қилинди. Бу бўлимда бир бирлик маҳсулот таннархини таҳлил қилиш тартиби ёритилади.

Маҳсулот бирлигининг таннархи таҳлилини амалга ошириш солиштириш ва занжирли боғланиш усулларида кенг қулланилади. Биз «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб амалга оширилади.

Ҳисобот давридаги бир бирлик маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини базис давридаги (ёки режалаштирилган) маҳсулотнинг таннархига солиштириб, мутлоқ ва нисбий ўзгаришлар аниқланади. Сўнгра «занжирли боғланиш» усули орқали омилли таҳлил этилиб, омилларнинг ижобий ва салбий таъсирларининг миқдорлари аниқланиб, уни пасайтириш имкониятлари кўрсатилади.

1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши бевосита экстенсив ва интенсив омиллар таъсири остида содир булади. Бу омиллар қўйидагилардир:

1 гектар экин майдони (ёки 1 бош чорва моли) ҳисобига сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгариши.

1 гектар экин майдонидан олинган ҳосил (ёки 1 бош молдан олинган маҳсулот) миқдорининг ўзгариши (ҳосилдорлик ёки маҳсулдорлик ўзгариши).

Таннарх таҳлилини ўсимликчилик маҳсулотлари мисолида кўриб чиқамиз. Таннархнинг ўзгаришига омиларнинг таъсирини аниқланганга қадар 1 ц маҳсулотнинг шартли таннархини аниқлаб олиш зарур. Шартли таннархни ($Z_{ш}$) аниқлаш учун ҳисобот давридаги (йилидаги) 1 гектар экин майдони ҳисобига сарф бўлган харажатлар ҳажмини ($ИХ_1$) базис давридаги (йилидаги) ҳосилдорлик даражасига (X_0) бўлиш керак:

$$Z_{ш} = \frac{ИХ_1}{X_0}$$

1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган харажатларни сўммасини аниқлаш учун у ёки бу экин тури учун қилинган жами харажатлар ҳажмини ($\sum qz$) шу экин майдонига (M) бўлиш керак:

$$\frac{\sum qz}{\sum M}$$

Шартли таннарх аниқлангандан кейин маҳсулот бирлиги таннарhini таҳлил қилиш мумкин. Биринчи навбатда 1 ц маҳсулот таннарhini ўзгариши аниқланади. Бунинг учун ҳисобот йилидаги 1 ц маҳсулот таннархидан базис йилидаги (ёки режадаги) 1 ц маҳсулот таннархи чегириб ташаланади.

$$\frac{ИХ_1}{X_0} - \frac{ИХ_1}{X_0} = \frac{280300}{33,5} - \frac{513200}{30,8} = 8362 - 16647 = +8285 \text{ сўм.}$$

Демак, 1 ц пахта таннархи ҳисобот йилида ўтган йилдаги таннархга нисбатан 8285 сўмга ошган.

Энди, ушбу ўзгаришларга омилларнинг таъсири аниқланади.

1 ц маҳсулот таннархининг ўзгаришига экстенсив омилнинг, яъни 1 га экин майдони ҳисобига сарф бўлган харажат суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 ц маҳсулотнинг шартли таннархидан унинг базис давридаги таннарhini чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ИХ_1}{X_0} - \frac{ИХ_0}{X_0} = \frac{543200}{33,5} - \frac{280300}{33,5} = 15319 - 8362 = +6957 \text{ сўм}$$

Демак, 1 гектар ҳисобига сарф бўлган харажат ҳажмининг базис йилига нисбатан 2329 минг сўмга ошиши 1 ц пахта таннархининг 6957 сўмга ошишига олиб келади.

1 ц маҳсулот таннархининг ўзгаришига интенсив омилнинг, яъни ҳосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 ц маҳсулотнинг ҳисобот йилидаги таннархидан шартли таннархни чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ИХ_1}{X_1} - \frac{ИХ_1}{X_0} = \frac{513200}{30,8} - \frac{513200}{33,5} = 16647 - 15319 = +1328 \text{ сўм}$$

Демак, 1ц экин майдонидан олинган ҳосил миқдорининг (яъни ҳосилдорлик даражасининг) ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2,7 ц га (30,8-33,5 = -2,7 ц.га) камайиши 1 ц пахта таннарhini 1328 сўм га ошишига (қимматлашига) олиб келган.

Ушбу ҳисоб-китоб маълумотларидан кўриниб турибдики, 1 ц пахта таннархининг ўзгаришига икки омил ҳам салбий таъсир қилган, натижада харажатнинг кескин ошиб кетишига сабабчи бўлган.

Юқорида келтирилган ҳисоб-китоблар маълумотларига асосланиб, маҳсулот таннархининг омилли таҳлили натижаларини қўйидаги жадвалда акс эттирилди.

Таҳлил усуллари яхши ўзлаштириб олган иқтисодчи (талаба ва мутахассис) юқорида келтирилган ҳисоб-китобларни тузмасдан туриб ҳам, (уларга кўп вақтинча сарфламасдан туриб ҳам) таҳлилий жадвал асосида таннархни омилли таҳлил қилиб, хулосалар чиқариши мумкин.

1 ц пахта таннархининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилидаги 1 га харажати ва базис йилидаги ҳосилдорлик бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
					1 гектар харажати ҳисобига	Ҳосилдорлик ҳисоби га
1. 1 гектар экин майдони ҳисобига қилинган харажат, минг сўм	280,3	513,2	513,2	+232,9	X	X
2. 1 га экин майдонидан олинган ҳосил(ҳосилдорлик), ц/га	33,5	33,5	30,8	-2,7	X	X
3. 1 ц пахта таннархи, сўм	8362	15319	16647	+8285	+6957	+1328

24-жадвалдаги расчёт маълумотларидан кўриниб турибдики, 1 ц пахта таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 8285 сўмга қимматлашган. Бу ўзгариш икки омилнинг ҳам салбий таъсири остида юзага келган. Шу жумладан, 1 гектарга қилинган харажатнинг ошиши натижасида 6957 сўмга, ҳосилдорликнинг пасайиши натижасида 1328 сўмга таннарх қимматлашган. Таннархни пасайтиришнинг асосий имкониятлари бўлиб, 1 гектар қилинадиган харажатлар ҳажмини кескин камайтириш ва ҳосилдорлик ошириш ҳисобланади.

Таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатиш учун унинг таркибини харажат моддалари бўйича ҳам ўрганиш керак.

Чорвачилик маҳсулоти таннархининг таҳлили тартиби ўсимликчилик маҳсулоти таннархининг таҳлилидан фарқ қилмайди, фақат экин майдони ўрнига чорва моллари сонини (S), ҳосилдорлик ўрнига маҳсулдорлик кўрсаткичи ни олиб, уларга тегишли кўрсаткичларни ҳисоблаб, таҳлил қилинса, мақсадга эришилади. Шунинг учун бу ерда унга алоҳида тухталмадик.

Таннарх таркибидаги харажат моддалари ўзгаришининг омилли таҳлили.

1 ц маҳсулот таннархини таҳлили билан бир қаторда унинг таркибини харажат моддалари бўйича ҳам таҳлил этиш зарур, яъни таннарх таркибидаги ҳар бир модда бўйича ўзгаришини таҳлил қилиш орқали ҳам уни арзонлаштириш имкониятларини кўрсатиш мумкин. Таннарх

таркибидаги ҳар бир моддада ўз аксини топган харажатлар ҳажмининг ўзгариши ҳам экстенсив ва интенсив омиллар ҳисобига содир бўлади. Бу омилларни миқдорий ва сифатий (қиймат) омиллар деб ҳам аташ мумкин. Шу икки омил кўпайтмасининг йиғиндиси ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажми (сўммаси) га тенг бўлади, демак, омиллар таъсирининг йиғиндиси ҳам ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг бўлиши шарт. Масалан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган сарфлар моддасини олайлик. Шу модда бўйича кўрсатилган ҳисобот йилидаги харажатлар суммасини базис йилидаги харажатлар суммасига солиштириб, унинг ўзгариши аниқланади. Ушбу ўзгариш қўйидаги икки омил ҳисобига юзага келади:

сарфланган киши-соатлар миқдорининг ўзгариши ҳисобига ($КС_1 - КС_0$);

1 киши-соатга ҳисобланган меҳнат ҳақи даражасининг ўзгариши ҳисобига ($1КХ_1 - 1КХ_0$);

Шу омилларнинг «меҳнат ҳақи» моддасидаги харажатлар ҳажмини ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «Занжирли боғаниш» усулидан фойдаланмоқ керак. Ёки «ем-хашак сарфи» моддасидаги харажатлар ҳажми ўзгаришига омиллар таъсирининг таҳлилини аниқлаш учун олийлик, ушбу ўзгаришга ҳам юқорида курсатганимиздек, икки омил таъсир қилади:

сарф бўлган ем-хашак миқдорининг ўзгариши (озуқа бирлиги ҳисобига),

1 ц ем—хашак қийматининг (таннархининг) ўзгариши.

Ушбу омилларнинг шу моддалардаги харажатлар суммасининг ўзгаришига таъсирини кўрсаткичлар фарқи ёки занжирли боғланиш усуллари орқали аниқлаш мумкин.

Бошқа моддалардаги харажатлар ҳажми ўзгаришини шу хил тартибда амалга ошириш тавсия этилади.

Энди, харажат моддалари бўйича таннархнинг таҳлили 25-жадвалдан куриш мумкин:

25-жадвал

1 ц пахта таннархининг харажат моддалари бўйича таҳлили.

Харажат моддалари	2001 йил		2003 йил		Ўзгариши (+,-)	
	Суммаси, сўм	Салмоғи, %	Суммаси, сўм	Салмоғи, %	Суммаси бўйича	Салмоғи бўйича
1. Меҳнат ҳақи ажратмалари билан.	3344	40,0	5711	34,3	+2367	-5,7
2. Ўғитлар	830	9,9	1460	8,8	+630	-1,1
3. Уруғлик	223	2,7	851	5,1	+628	+2,4
4. Амортизация	-	-	-	-	-	-
5. Иш-хизматлар	1929	23,1	4552	27,3	+2623	+4,2
6. Ёқилғи-мойлаш	541	6,5	1310	7,9	+769	+1,4

материаллари						
7.Суғурта	36	0,4	61	0,4	+25	-
8.Умумишлаб чиқариш харажатлари	110	1,3	149	0,9	+39	0,4
9.Бошқа тўғри харажатлар	1349	16,1	2553	15,3	+1209	0,8
1ц пахта таннархи (жами)	8362	100,0	16647	100,0	+8285	-

25-жадвалдан кўриниб турибдики, 1 ц пахта таннархи 8285 сўмга қимматлашган. Бу барча харажат моддалари Хажмининг ошиши Хисобига содир бўлган. Таннарх таркибида асосий улушни меҳнат ҳақи, ёқилғи-мойлаш материаллари, уруғ, ўғит ва бошқа тўғри харажатлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ушбу харажатларни ошиб кетиш сабабларини омилли таҳлил қилиш, мавжуд имкониятларни аниқ кўрсатади.

Ушбу харажат моддалари бўйича содир бўлган ўзгаришни сабабини «занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқламадик. Масалан, «Меҳнат ҳақи» харажат (МХ)моддаси бўйича ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган. Ушбу омиллар таъсири меҳнат ҳақи харажатининг ўзгаришига қўйидагича ҳисобланиб, аниқланади:

Базис йилида меҳнат ҳақи харажати:

$$MX_0 = KC_0 \cdot 1KX_0$$

Шартли меҳнат ҳақи харажати:

$$MX_{ш} = KC_1 \cdot 1KX_0$$

Ҳисобот йилидаги меҳнат ҳақи харажати:

$$MX_1 = KC_1 \cdot 1KX_1$$

Ҳисобот йилидаги меҳнат ҳақи харажатидан базис йилидаги меҳнат ҳақи харажати чегириш орқали, унинг умумий ўзгариши аниқланади:

$$(KC_1 \cdot 1KX_1) \cdot (KC_0 \cdot 1KX_0) = \pm \Delta_{KC, 1KX}$$

Шартли меҳнат ҳақи харажатидан базис йилидаги меҳнат ҳақи харажатини чегриш ташлаш орқали унинг ўзгариши сарфланган киши-соат (КС) миқдори ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(KC_1 \cdot 1KX_0) \cdot (KC_0 \cdot 1KX_0) = \pm \Delta_{KC}$$

Ҳисобот йилидаги меҳнат ҳақи харажатидан шартли меҳнат ҳақи харажатини чегириб ташлаш орқали, унинг ўзгариши 1 киши –соатга ҳисобланган меҳнат ҳақи даражаси (1КХ) ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(KC_1 \cdot 1KX_1) \cdot (KC_1 \cdot 1KX_0) = \pm \Delta_{1KX}$$

Икки омил таъсирларининг йиғиндиси «Меҳнат ҳақи харажати» нинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

Энди, меҳнат ҳақи харажати ўзгаришининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз.

Меҳнат ҳақи харажати динамикасининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	2001 йил	2003 йилдаги киши-соат ва 2001 йилдаги 1 киши-соат ҳақи бўйича	2003 йил	Ўзгари ши, (+,-)	Ш.ж.ўзгариши	
					1 ц га бўлган киши- соат ҳисобига	1 киши- соатга ҳисоблан ган ҳақ ҳисобига
1.1 ц пахтага сарф бўлган киши-соат(КС)	28,9	52,7	52,7	+23,8	X	X
2.1 киши-соатга ҳисобланган меҳнат ҳақи, сўм (1КХ)	115,74	115,74	108,36	-7,38	X	X
3.1 ц. пахта таннархи таркибидаги меҳнат ҳақи харажати, сўм (МХ)	3344	6099	5711	+2367	+2755	-388

26-жадвалдан кўриниб турибдики, меҳнат ҳақи учун булган харажатнинг ошиб кетишининг асосий сабаби бўлиб, пахта етиштиришга сарф бўлган вақтнинг таҳлилини 2 бараварга ошиб кетганлиги ҳисобланади. 2001 йилда 1ц. пахта учун 28,9 киши-соат сарфланган бўлса 2003 йилга келиб у 52,7 киши-соатни ташкил қилган, яъни 23,8 киши-соат ошиқча сарф булган. Натижада шу омил ҳисобига харажат ҳажми 2755 сўмга ошган.

Демак, таннархни арзонлаштиришнинг асосий резервларидан бири бўлиб, меҳнат сарфини кескин камайтириш ҳисобланади.

Агар 1 ц пахтага бўлган меҳнат сарфи 2003 йилда 2001 йлдаги 28,9 киши-соат ҳажмида сақланиб қолганда эди, 2003 йилда меҳнат ҳақи учун сарф бўлган харажат 5711 сўм ўрнига 3132 сўм ни ташкил қилган бўлиб, у 2579 сўмга тежалган бўлар эди, натижада 1 ц. таннархи шу суммага камайган бўлар эди.

$$28,9 \cdot 108,36 = 3132 \text{ сўм}$$

$$5711 - 3132 = -2579 \text{ сўм}$$

Меҳнат ҳақи харажат билан бир қаторда таннарх таркибида, уруғ, ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллар харажати ҳам салмоқли ўринни эгаллаган харажатлардан ҳисобланади, уларнинг камайиши таннарх камайишига ижобий таъсир қилади. Ушбу харажатлар таҳлили ҳам меҳнат ҳақи харажатларининг таҳлилидан фарқ қилмайди. Ушбу харажатлар моддалари бўйича ўзгариши юқорида қайд қилинганидек икки омил ҳисобига содир бўлади:

Сарфланган харажатлар миқдорининг ўзгариши ҳисобига;

Ўртача сотиш баҳоси (ёки таннархининг) ўзгариши ҳисобига.

Ушбу харажатлар ўзгариши ва уларнинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усули орқали, қўйидаги формулалардан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

Ўғит харажати динамикаси таҳлили:

$$\ddot{M} \cdot \ddot{B} = \ddot{X}$$

Бунда, $\ddot{M}$ – 1 ц. маҳсулот учун сарф бўлган ўғит миқдори;

$\ddot{B}$ – 1 ц. ўғитнинг ўртача баҳоси;

$\ddot{X}$ – 1 ц. маҳсулот учун сарф бўлган ўғитнинг жами харажати.

1 ц. маҳсулот учун сарф бўлган ўғит харажатининг таҳлили қуйидаги формулалар орқали амалга оширилади:

Ўғит харажатининг умумий ўзгариши:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_1) - (\ddot{M}_0 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{M}, \ddot{B}}$$

Ўғит харажатининг ўзгаришига омилларнинг таъсири қуйидагича аниқланади:

сарфланган ўғит миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_0) - (\ddot{M}_0 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{M}}$$

сарф бўлган ўғит баҳосининг таъсири:

$$(\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_1) - (\ddot{M}_1 \cdot \ddot{B}_0) = \pm \Delta_{\ddot{B}}$$

Уруғ харажати динамикасининг таҳлили:

1 ц. таннарх таркибидаги «Уруғ харажати» харажати суммасининг ўзгариши:

$$(U_M \cdot U_B) - (U_{M_0} \cdot U_{B_0}) = \pm \Delta_{U_M, U_B}$$

Бунда, U_M , U_B – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1ц. пахта учун сарф бўлган уруғлик миқдори,

U_{M_0} , U_{B_0} – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1ц. пахта учун сарф бўлган уруғнинг нархи.

$(U_M \cdot U_B)$ – ҳисобот йилидаги 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ харажати,

$(U_{M_0} \cdot U_{B_0})$ – базис йилида 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ харажати.

Уруғ харажати суммасининг ўзгариши омилларнинг таъсири қўйидагича аниқланади:

1-омил, яъни сарф бўлган уруғ миқдори ўзгаришининг таъсири:

$$(U_M \cdot U_{B_0}) - (U_{M_0} \cdot U_{B_0}) = \pm \Delta_{U_M}$$

2-омил, яъни уруғнинг ўртача нархи ўзгаришининг таъсири:

$$(U_M \cdot U_B) - (U_M \cdot U_{B_0}) = \pm \Delta_{U_B}$$

Шу икки омил таъсирларининг йигиндиси уруғ харажати суммасининг ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{U_M} \pm \Delta_{U_B} = \Delta_{U_M, U_B}$$

Ёқилғи-мойлаш материаллари харажати динамикасининг таҳлили харажатининг умумий ўзгаришлари:

$$(\ddot{M}_M \cdot \ddot{M}_B) - (\ddot{M}_M \cdot \ddot{M}_{B_0}) = \pm \Delta_{\ddot{M}_M, \ddot{M}_B}$$

Харажатларни ўзгаришига омилларнинг таъсири:

ёқилғи-мойлаш материаллари миқдори ўзгаришини таъсири:

$$(\dot{E}MM_1 \cdot \dot{E}MB_0) - (\dot{E}MM_0 \cdot \dot{E}MB_0) = \pm \Delta_{\dot{E}MM}$$

ёқилғи-мойлаш материаллари баҳосининг таъсири:

$$(\dot{E}MM_1 \cdot \dot{E}MB_1) - (\dot{E}MM_1 \cdot \dot{E}MB_0) = \pm \Delta_{\dot{E}MB}$$

икки омил таъсирларининг йигиндисис «ёқилғи-мойлаш материаллари» харажатлар моддаси суммасининг ўзгиришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{\dot{E}MM} \pm \Delta_{\dot{E}MB} = \Delta_{\dot{E}MM, \dot{E}MB}$$

Бу ерда, $\dot{E}MM_1$, $\dot{E}MM_0$ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1 ц. пахта учун сарф булган ёқилғи-мойлаш материаллари миқдори.

$\dot{E}MB_1$, $\dot{E}MB_0$ - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида 1 ц. пахта учун сарф булган ёқилғи-мойлаш материалларининг ўртача нархи.

Энди, 1 ц. пахта учун сарф бўлган моддий харажатлар ҳажмини омилли таҳлили юқорида баён қилинган усул қоидалари асосида куриб чиқамиз:

27-жадвал

1 ц. пахта таннархи таркибидаги асосий моддий харажатлар динамикасининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	2001 йил	2003 йилда сарф бўлган материаллар миқдори ва 2001 йилда материаллар нархи бўйича	2003 йил	Узгариш и, (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
					Сараф бўлган материал миқдори ҳисобига	Материаллар нархи ҳисобига
<u>Ўғит сарфи бўйича:</u> 1 ц. пахтага сарф бўлган ўғит, кг	25,8	6,4	6,4	-19,4	X	X
Сарфланган 1 кг ўғитнинг нархи, сўм	32,18	32,18	229,65	+197,47	X	X
1 ц. пахтага сарф бўлган ўғит харажати, сўм	830	206	1460	+630	-624	+1254
<u>Ўруғ сарфи бўйича:</u> 1 ц. пахтага сарф бўлган уруғ, кг	1,97	3,02	3,02	+1,05	X	X
Сарф бўлган 1 кг уруғнинг нархи, сўм	113,07	113,07	281,77	+168,70	X	X
1 ц. пахтага сарф бўлган уруғ харажати, сўм	223	341	851	+628	+118	+310
<u>Ёқилғи –мойлаш метариаллари бўйича:</u> 1 ц. пахтага сарф бўлган $\dot{E}MM$, кг	3,2	7,9	7,9	+4,7	X	X
Сарф бўлган ёқилғи-мойлаш материалларининг нархи, сўм	169,48	169,48	165,14	-4,34	X	X

1 ц. пахтага сарф бўлган харажатлар суммаси, сўм	541	1339	1310	+769	+798	-29
--	-----	------	------	------	------	-----

27-жадвалдаги маълумотлардан маълумки, 1ц. пахта етиштириш учун сарф бўлган харажатнинг ошиб кетиши асосан ўғитни сотиб олиш нархининг кескин ошиб кетиши натижасида юзага келган. 1 кг ўғит нархи таҳлил қилинаётган даврда 7,1 мартадан зиётрок ошган ($229,65:32,18 = 7,1$ марта). Сарф бўлган ўғит миқдори 19,4 кг ёки 4 мартага камайган, натижада шу омил ҳисобига ўғит харажати ҳажми 624 сўмга камайган.

1ц. пахта учун сарф бўлган уруғ харажатига икки омил ҳам салбий таъсир қилган. 1 ц. пахта учун сарф бўлган уруғ миқдори 1,05 кг ошган, натижада шу омил ҳисобига уруғ харажати ошиб, таннарх 118 сўмга қимматлашган. Уруғни сотиб олиш нархи 168,7 сўмга ёки 2,5 марта ошган, натижада уруғ харажати ша омил ҳисобига 510 сўмга ошган, бу эса ўз навбатида пахта таннархини шу суммага ошишига олиб келган.

1 ц. пахтага сарф бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари харажатининг ошиб кетишининг асосий сабаби бўлиб, сарф бўлган миқдори асоссиз ошиб кетиш ҳисобланади. 2001 йилда 3,2 кг сарфланган бўлса, 2003 йилга келиб 7,9 кгга етган, яъни 4,7 кгга ёки 2,5 мартага ошган, натижада харажатлар ҳажми кескин ошиб, 1 ц. пахта таннархининг 798 сўмга ошишига сабаби бўлган.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, хўжаликда пахта таннархини пасайтириш имкониятлари мавжуд, аммо улардан етарли даражада фойдаланмаган. Шулар жумласига қўйидагилар киради:

Пахта маҳсулдорлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш зарур. Бунинг учун ўғит билан етарли даражада таъминлаш керак. Ўғитлаш даражаси 2003 йилда 4 марта камайган, натижада ҳосилдорлик пасайган.

Меҳнат сарфи ҳажмининг кескин камайиши зарур. Меҳнат сарфи (киши-соат) миқдори 2003 йилда 82,4 фоизга ошиб кетган, натижада таннарх 2755 сўмга қимматлашган.

Уруғ миқдори бўйича ортиқча харажатга йўл қўймаслик керак. 2003 йилда 1 ц. пахтага сарфланган уруғ миқдори 1,05 кг ёки 53 % га ошган, натижада 1 ц. пахта таннархи 118 сўмга қимматлашган.

Сарфланган ёқилғи-мойлаш материаллари миқдори ҳам кескин ошган 1ц. пахта учун сарф бўлган миқдори 3,2 кгдан 7,9 кгга етган, яъни 4,7 кгга ёки 2,5 марта ортиқча харажат бўлган. Натижада таннарх 798 сўмга қимматлашган.

Иш хизматлар ва бошқа харажатларни ҳам камайиши чоралари кўриш зарур.

Таянч иборалар.

таннарх,
ишлаб чиқариш харажати,
шартли ишлаб чиқариш харажати,
маҳсулот бирлиги таннархи,

махсулот бирлигининг шартли таннархи,
таннархга таъсир қилувчи омиллар,
таннархга таъсир қилувчи экстенсив омил,
таннархга таъсир қилувчи интенсив омил,
харажат моддалари.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Таннархни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва мақсади.

Таннархни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари ва манбалари.

Ишлаб чиқариш харажатларининг мазмуни ва омилли таҳлили.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўзгаришининг таъсирини аниқланг ва таърифланг.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига маҳсулот бирлигига қилинган харажатлар даражаси ўзгаришининг таъсирини аниқланг.

Маҳсулот таннархи деб нимага айтилади, таърифини беринг. таннарх турларини аниқлаб, мазмуниин тушунтиринг.

Ўсимликчилик маҳсулотлари таннархининг омили таҳлилини бажариш йўллари баён қилинг.

Ўсимликчилик маҳсулотлари бирилиги таннархининг ўзгаришига 1 гектарга қилинган харажатлар ҳажмини ўзгаришининг таъсирини аниқлаш усулини баён қилинг.

Маҳсулот бирлиги таннархининг ўзгаришига экинлар ҳосилдорлиги даражасининг ўзгаришининг таъсирини аниқланг.

Чорвачилик маҳсулотлари таннархини таҳлили.

Таннарх таркибидаги иш ҳақи ва уруғ харажатлари моддалари бўйича уларнинг ўзгаришига миқдорий ва сифатий омилларнинг таъсирини аниқлаш йўллари баён қилинг.

9-Мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи пул даромади ва фойдаси режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилиш.

Режа:

- 9.1. Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари.
- 9.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулотларни сотишдан олинган пул даромади режасининг бажарилишини ва динамикасини таҳлил қилиш.
- 9.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили.
- 9.4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг таҳлили.
- 9.5. Таянч иборалар.
- 9.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

9.1. Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи ҳозирги тараққиёт даврининг энг асосий муаммосидир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун нафақат ишлаб чиқариш жараёнини, шу билан бир каторда реализация жараёнини ҳам чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш зарур. Шундай қилинган тақдирда хўжаликнинг молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган имкониятлар аниқланади, биринчи навбатда унинг фойдасини кўпайтириш ва фойдалилик даражасини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, омиллар ойдинлашади, мавжуд имкониятлар аниқланиб, сафарбар этилади. Бу эса ўз навбатида янада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам реализация жараёни ва у билан боғлиқ бўлган молиявий натижалари аҳволини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Маҳсулотларнинг турлари бўйича сотиш жараёнини чуқур ўрганиш;
Сотилган маҳсулотлар ҳажми динамикасининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир доиралрини аниқлаш;
Маҳсулотларни сотишдан олинган молиявий натижаларни аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига омиллар таъсирини ўрганиш;
Маҳсулотлар сотиш бўйича рентабеллигининг ўзгаришини ва ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
Маҳсулотларни сотишдан олинган фойдани кўпайтириш ва рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш ва сафарбар этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Бухгалтерия ҳисобининг 9000 ва 9100 бош счётларининг маълумотлари;

Бухгалтерия ҳисоботи таркибидаги «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш» тўғрисидаги ҳисобот (7-АСК шакли) ва «Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари;
Статистик ҳисобот таркибидаги «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари;
Бизнес-режа маълумотлари.

9.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулотларни сотишдан олинган пул даромади режасининг бажарилишини ва динамикасини таҳлил қилиш.

Олинган ялпи пул даромадини таҳлили.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот четга чиқариладиган ва хўжаликнинг ўзида истеъмол қилинадиган маҳсулот турларига бўлинади. Ялпи маҳсулотнинг асосий қисми четга сотилади, бошқача айтганда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига истеъмол учун тушади. Демак, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ўзи ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотнинг асосий қисмини четга сотади, ундан тушадиган пул даромади унинг молиявий аҳволини белгилайди, бошқача айтганда унинг иқтисодиётининг тараққиёти маҳсулотларни сотишдан тушадиган жами пул даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Пул даромади ҳажмининг кўпайиши сотиладиган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши ва сифатининг ошиши таъсири остида юзага келади. Шунинг учун ҳам маҳсулотларни сотиш жараёнида мавжуд имкониятларни излаб топиш учун таҳлилни узлуксиз ташкил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу бўлимда маҳсулотларни сотишдан олинган жами пул даромади динамикасини таҳлил қилиш услублари баён қилинди.

Жами пул даромади (пул тушуми)нинг ҳажмини ўзгаришини таҳлил этиш учун солиштириш, кўрсаткичлар фарқи ва занжирли боғланиш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Пул тушумининг таҳлили таққослашдан бошланади, яъни ҳисобот йилида маҳсулотни сотишдан олинган пул тушуми ҳажмини базис йилидаги пул тушуми ҳажмига ёки режадаги пул тушуми ҳажмига солиштириб, унинг мутлақ ва нисбий ўзгариши аниқланади.

Мутлоқ ўзгаришни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$q_1 p_1 - q_0 p_0 = \pm \Delta_{qp}$$

Бунда: q_1 , q_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган маҳсулотлар миқдори (ёки q_0 – режадаги маҳсулот миқдори);

p_1 , p_0 – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида сотилган маҳсулотлар бирлиги (1 ц) нинг ўртача сотиш баҳоси (ёки p_0 – режадаги ўртача сотиш баҳоси).

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, пул тушумининг ҳажми (qp) миқдорий (q) ва сифатий (p) омилларнинг кўпайтмаси тариқасида аниқланган. Бу таҳлил нуқтаи назаридан самарали усулдир, чунки ҳар бир омил ўзгаришининг таъсири аниқлаш учун имконият яратилади.

Юқорида келтирилган формулдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни сотишдан олинган пул тушуми ҳажмининг ўзгариши бевосита қуйидаги икки омил ҳисобига содир бўлади:

сотилган маҳсулотлар физик миқдорларининг ўзгариши ҳисобига;
ўртача сотиш баҳоларининг ўзгариши ҳисобига.

Ушбу омилларнинг пул тушумининг ўзгаришига таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» усули орқали таҳлил қилиш тартиби ёритилди.

Пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига миқдорий омилнинг, яъни сотилган маҳсулотлар физик миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида сотилган маҳсулот миқдори (q_1) билан базис йилида сотилган (ёки режа бўйича сотилиши кўзда тутилган) маҳсулот миқдори (q_0) орасидаги фарқни ($q_1 - q_0$), базис йилидаги (ёки режадаги) 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси (p_0)га кўпайтириш керак:

$$(q_1 - q_0) * p_0 = \pm \Delta_q.$$

Бунда: $\pm \Delta_q$ – пул тушумининг маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳисобига ошган ёки камайганлигини билдирувчи миқдор.

Соф пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига сифатий омилнинг, яъни 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсири ҳисобот йилида сотилган маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси (p_1) билан базис йилида (ёки режа бўйича) сотилган маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси (p_0) орасидаги фарқни ($p_1 - p_0$) ҳисобот йилида сотилган маҳсулот миқдorigа (q_1) кўпайтириш орқали аниқланади:

$$(p_1 - p_0) * q_1 = \pm \Delta_p$$

Бунда: $\pm \Delta_p$ – ўртача баҳонинг ўзгариши ҳисобига пул тушумининг кўпайган ёки камайганлигини кўрсатувчи миқдор.

Ушбу икки омил таъсирларининг йиғиндиси пул тушумининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{qp} = \Delta_q \pm \Delta_p.$$

Энди, Қ. Ражабов номли ширкат хўжалиги маълумотларидан фойдалиниб, буғдойни сотишдан олинган пул тушуми ҳажми ўзгаришининг таҳлилин кўриб чиқамиз.

28-жадвал.

Пул даромадининг таҳлили учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	2001 йил	2003 йил	Ўзгариш (+, -)
1. Сотилган буғдой, ц	14008	17242	+3234
2. 1ц буғдойнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм.	5530	6727	+1197
3. Пул тушуми, минг сўм.	77460	115983	+38523

28-жадвал маълумотлари асосида ҳисобот йилида базис йилига нисбатан буғдойни сотишдан олинган пул тушумининг умумий ўзгариши аниқланади:

$$(q_1 p_1 - q_0 p_0) = (17242 * 6727) - (14008 * 5530) = 115983 - 77460 = +38523 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу ўзгариш икки омилнинг таъсири остида юзага келган. Шу жумладан, биринси навбатда, миқдорий омилнинг, яъни сотилган буғдой миқдори ўзгаришининг таъсири аниқланади:

$$(q_1 - q_0) \cdot p_0 = (17242 - 14008) \cdot 5530 = 3234 \cdot 5530 = +17884 \text{ минг сўм.}$$

Демак, сотилган буғдой миқдорининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 3234 ц.га кўпайиши туфайли буғдойни сотишдан олинган пул тушуми 17884 минг сўмга ошган. Энди, иккинчи омилнинг, ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг пул тушумига таъсирини аниқлаймиз:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = (6727 - 5530) \cdot 17242 = +1197 \cdot 17242 = +20639 \text{ минг сўм.}$$

Демак, 1 ц буғдойнинг ўртача сотиш баҳоси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 1197 сўмга ошган бўлиб, у пул тушумининг ҳажмига ижобий таъсир қилган, натижада 20639 минг сўмга уни ошишига олиб келган.

Хулоса: Пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига икки омил ҳам ижобий таъсир қилиб, уни 38523 минг сўмга ошишига олиб келган, агар сотилган маҳсулот миқдори ҳисобот йилида базис йилидаги миқдор даражасида ўзгармасдан қолганда, пул тушуми кескин кўпайган бўлар эди.

Демак, пул тушумининг кўпайишига олиб келувчи асосий имкониятлардан бўлиб сотиладиган маҳсулот миқдорининг кўпайиши ва сифатини ошиши ҳисобланади. Маҳсулот сифатининг ошиши ўртача сотиш баҳосининг ошишига сабабчи бўлади. Ўртача баҳо ошган сайин пул тушуми ҳажми кўпаяди.

Пул тушумини занжирли боғланиш усули бўйича таҳлил қилиш.

Пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаганга қадар «Шартли пул тушуми» кўрсаткичи аниқлаб олинади.

«Шартли пул тушуми»ни аниқлаш учун ҳисобот йилида сотилган маҳсулот миқдорини (q_1) базис йилидаги 1 ц маҳсулотнинг (маҳсулот бирлигининг) ўртача сотиш баҳосига (p_0) кўпайтирилади. Бу кўрсаткични маҳсулот турлари ва барча маҳсулотлар бўйича аниқлаш мумкин, яъни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича: $q_1 p_0$;

жами маҳсулотлар бўйича: $\sum q_1 p_0$.

«Шартли пул тушуми» аниқлангандан кейин базис ва ҳисобот йилларидаги «пул тушуми» кўрсаткичларини «шартли пул тушуми» кўрсаткичи билан солиштириш (биридан иккинчисини айириш) орқали омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усулининг қоидасига кўра аниқланади.

Пул тушумининг ўзгаришига, юқорида келтирилгандек, икки омил таъсир қилади.

Пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига сотилган маҳсулот физик миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун «Шартли пул тушуми» ҳажмидан ($q_1 p_0$) базис йилида маҳсулотни сотишдан олинган пул тушуми ҳажмини ($q_0 p_0$) чегириб ташлаш керак:

$$q_1 p_0 - q_0 p_0 = (17242 \cdot 5530) - (14008 \cdot 5530) = 95344 - 77460 = -17884 \text{ минг сўм.}$$

Демак, сотилган буғдой миқдорининг 3234 ц.га камайиши туфайли пул тушуми 17884 минг сўмга камайган.

Маҳсулотни сотишдан олинган пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги пул тушуми ҳажмидан шартли пул тушуми ҳажмини айириб ташлаш керак.

$$q_1p_1 - q_1p_0 = (17242 \cdot 6727) - (17242 \cdot 5530) = 115983 - 95344 = +20639 \text{ минг сўм.}$$

Демак, 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг 1197 сўмга ошиши натижасида буғдойни сотишдан олинган пул даромади базис йилига нисбатан 20639 минг сўмга кўпайган.

Юқоридаги таҳлил этиш йўллариини ўзлаштириб олган иқтисодчи таҳлилчи пул тушумининг таҳлилин «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида қуйидаги таҳлилий жадвал асосида бемалол таҳлил қилиб, хулосалар чиқариши мумкин (29-жадвалга қаранг).

29-жадвал.

Буғдойни сотишдан олинган пул тушуми динамикасининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	2001 йил	Ҳисобот йилидаги сотишган маҳсулот миқдори ва базис йилидаги 1 ц маҳсу- лот баҳо- си бўйича	2003 йил	Ўзгариш (+,-)	Ш.ж. ўзгариши	
					Маҳсулот миқдори ҳисобига	Баҳо ҳисобига
1. Сотишган буғдой, ц.	14008	17242	17242	+3234	X	X
2. 1ц.нинг ўртача сотиш баҳоси, сўм.	5530	5530	6727	1197	X	X
3. Соф пул тушуми, минг сўм.	77460	95344	115983	+38523	+17884	+20639

29-жадвалдан кўриниб турибдики, буғдойни сотишдан олинган пул тушуми таҳлил этилаётган даврда 38523 минг сўмга ошган. Шу жумладан сотилган буғдой миқдорининг 3234 ц.га ошиши тўғрисида пул тушуми ҳажми 17884 минг сўмга ошган. Ўртача сотиш баҳосининг 1197 сўмга ошиши натижасида 20639 минг сўмга ошган.

Хулоса: Икки омил ҳам пул тушуми ўзгаришига ижобий таъсир қилган, натижада буғдойни сотишдан олинган пул тушуми ҳажми 38523 минг сўмга кўпайган.

Демак, пул тушумини янада ошириш имкониятлари бўлиб, маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш ҳисобланади.

Биз пул тушумини таҳлилин буғдойни сотишдан олинган пул даромади мисолида кўриб чиқдик. Бошқа маҳсулотларни (пахта, сут ва х.к.) сотишдан олинган пул даромадининг таҳлили ҳам буғдойнинг таҳлилидан фарқ қилмайди. Шунинг учун бу ерда уларга тўхталмадик.

9.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили.

Фойда ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топади, аммо у товарлар сотилгандан кейин аниқ намоён бўлади, юзага келади.

Сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича ялпи фойдани аниқлаш учун сотишдан тушган соф тушумдан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириб ташлаш керак, яъни ялпи фойдани қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$\sum q_r p - \sum q_z z.$$

Бунда: q -сотилган маҳсулотнинг миқдори, $ц$ ҳисобида;

p -1 $ц$ маҳсулотнинг ўртача баҳоси, сўм ҳисобида;

z -1 $ц$ маҳсулотнинг таннархи, сўм ҳисобида;

$q_r p$ -маҳсулот сотишдан олинган соф пул тушуми, минг ёки сўм ҳисобида;

$q_z z$ -сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг ёки сўм ҳисобида.

Ҳисобот йилидаги ялпи фойда ҳажмини бизнес-режа бўйича кўзда тутилган фойда суммасига ёки базис йилидаги фойда суммасига солиштириб, унинг мутлоқ ва нисбий ўзгариши аниқланади. Бошқача айтганда ҳисобот йилидаги фойдадан базис йилидаги ёки режалаштирилган фойда суммасини айириб, унинг ўзгариши (кўпайганлиги ёки камайганлиги) аниқланади.

Ҳисобот йилида маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойданинг базис йилига ёки режага нисбатан ўзгаришини (кўпайишини ёки камайишини) қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta_{q p z}$$

Ҳисобот йилидаги фойда

Базис йилидаги фойда

Фойда ўзгариши

Ушбу формуладан кўриниб турибдики маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгариши бевосита қуйидаги уч омил таъсири остида юзага келади:

Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши;

1 $ц$ маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;

1 $ц$ маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши.

Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсири «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида аниқладик. Биз қуйида келтирилган ялпи фойданинг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида аниқланади.

Ҳисобот йилида маҳсулотни сотишдан олинган ҳақиқий ялпи фойданинг базис йилидаги ялпи фойдага нисбатан ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш тартиби (усули) ҳисобот йилидаги ҳақиқий ялпи фойданинг

режалаштирилган ялпи фойдага нисбатан ўзгаришига омилларнинг таъсирини аниқлаш тартиби (усули) дан фарқ қилмайди. Унисиди ҳам, бунисиди ҳам тавсия қилинган формулалардан фойдаланиб таҳлил қилинади.

Шунинг учун бу ерда ялпи фойда динамикасининг омилли таҳлили баён қилинди. Таҳлилди «Кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланилди.

Таҳлил Қ. Ражабов ширкат хужалиги мисолиди амалга оширилди.

Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили учун зарур бўлган маълумотлар қуйидаги 30-жадвалди келтирилди.

30-жадвал.

Буғдойни сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили учун зарур бўлган маълумотлар (Пахтачи тумани Қ. Ражабов номли ширкат хўжалиги ҳисобот маълумотлари).

Кўрсаткичлар	2001 йил	2003 йил	Ўзгариши (+,-)
1. Сотилган буғдой, ц.	14008	17242	+3234
2. 1 ц буғдой баҳоси, сўм	5530	6727	+1197
3. 1ц буғдой таннари, сўм	3930	6509	+2579
4. 1 ц.ни сотишдан олинган фойда, сўм	1600	218	-1382
5. Ялпи фойда, минг сўм	22413	3757	-18656

30-жадвалдан кўриниб турибдики, хўжалик буғдойни сотишдан ҳисобот йилиди 3757 минг сўм фойда олган, у ўтган базис йилиди эса 22413 минг сўм олган. Демак, ҳисобот йилидаги фойда 18656 минг сўмга камайган. Ушбу ўзгариш юқоридаги уч омил ҳисобига содир бўлган. Бу омиллар таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб аниқлаш керак.

Ялпи фойдани ўзгаришига сотилган маҳсулот миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, ҳисобот ва базис йилларида сотилган маҳсулотлар миқдорлари орасидаги фарқни базис йилиди 1 ц маҳсулотни сотишдан олинган фойда суммасига кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = \pm \Delta_q = (17242 - 14008) \cdot (5530 - 3930) = +3234 \cdot 1600 = +5174 \text{ минг сўм.}$$

Демак, ҳисобот йилиди базис йилига нисбатан сотилган дон миқдорининг 3234 ц.га кўпайиши натижасида буғдойни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси базис йилига нисбатан 5174 минг сўмга кўпайган. Сотилган буғдой миқдорининг ошиши фойда ўзгаришига ижобий таъсир қилади. Сотилган дон миқдори билан олинган фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Демак, сотилган маҳсулот миқдори ошса, олинган фойда ҳам ошади, камайса камади. Бизнинг мисолди сотилган буғдой миқдорининг ошиши фойда суммасини 5174 минг сўмга кўпайтирган.

Фойданинг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларидаги ўртача сотиш баҳолари орасидаги фарқни ҳисобот йилиди

сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорида кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_p$$

Бизнинг мисол бўйича: $(6727 - 5530) \cdot 17242 = +1197 \cdot 17242 = +20639$ минг сўм. Демак, ҳисобот йилидаги 1 ц доннинг ўртача сотиш баҳосининг базис йилига нисбатан 1197 сўмга ошиши ялпи фойда суммасини 20639 минг сумга кўпайтирган. Ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришиги ҳар доим ижобий таъсир қилади.

Демак, ўртача баҳо билан фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Баҳонинг ошиши ҳар доим фойданинг ошишига олиб келади, камайиши эса камайишига сабабчи бўлади.

Фойданинг ўзгаришига 1 ц маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, ҳисобот ва базис йилларидаги 1 ц маҳсулот таннархлари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдорида кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_z$$

Бизнинг мисолда: $(z_1 - z_0) \cdot q_1 = (6509 - 3930) \cdot 17242 = +2579 \cdot 17242 = -44469$ минг сўм.

Демак, 1 ц буғдой таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 2579 сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи фойдага салбий таъсир этиб, уни 44469 минг сўмга камайтирган.

Сотилган маҳсулот таннархи билан фойда ўртасида билвосита боғлиқлик мавжуд. Таннарх қимматлашса фойда камаяди, аксинча, таннарх арзонлашса фойда кўпаяди. Бизнинг мисолда 1 ц буғдой таннархининг қимматлашиши (ошиши) умумий харажатни ошириб, ялпи фойдани шу суммага камайишига сабабчи бўлади.

Келтирилган омиллар таъсирининг йиғиндиси ялпи фойданинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Буни қуйида келтирилган аналитик жадвалдан кўриш мумкин.

31-жадвал.

Буғдой сотишдан олинган ялпи фойда динамикаси ўзгаришининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)
1. Сотилган буғдой	14008	17242	+3234
2. 1 ц баҳоси, сўм	5530	6727	+1197
3. 1 ц таннархи, сўм	3930	6509	+2579
4. 1 ц фойдаси, сўм	1600	218	-1382
5. Сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	22413	3757	-18656
5.1. Сотилган буғдой миқдорининг ўзгариши ҳисобига $(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0)$	X	X	+5174
5.2. 1 ц сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига $(p_1 - p_0) \cdot q_1$	X	X	+20639

5.3. 1 ц таннархининг ўзгариши ҳисобига $(z_1 - z_0) \cdot q_1$	X	X	-44469
--	---	---	--------

Ушбу маълумотлардан маълумки, ялпи фойдани кўпайтириш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари излаб топиш зарур.

9.4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг таҳлили.

Қишлоқ хўжалик иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, рентабеллик ҳисобланади. Рентабеллик даражаси қанча юқори бўлса, харажатлардан ва ресурслардан фойдаланиш даражаси шунча юқори бўлади. Рентабеллик даражаси қанча юқори бўлса, хўжалик молиявий жиҳатдан шунча мустаҳкам бўлади.

Рентабеллик ҳозирги даврда бир неча турларга бўлиниб ҳисобга олинади ва ўрганилади. Рентабеллик турлари тўғрисидаги маълумотлар 5-мавзуда тўлиқ келтирилган, шунинг учун бу ерда фақат сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг таҳлилига тўхталдик. Ушбу рентабеллик кўрсаткичи қишлоқ хўжалик корхоналарида сарф бўлган харажатлар самарадорлигини ифодалайди, бошқача айтганда сотилган маҳсулотлар бўйича фойдалилик даражасини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг таҳлили таққослаш орқали даражаси бўйича ўзгаришини аниқлашдан бошланади.

Ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасини режадаги ёки ўтган йилдаги рентабеллик даражасига солиштириб ўзгариши аниқланади, сўнггра ўзгаришга омилларнинг таъсири аниқланади ва баҳо берилиб, хулоса қилинади.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини (P_m) аниқлаш учун сотишдан олинган ялпи фойда суммасини сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига (ТН) бўлиш керак:

$$P_m = \frac{ЯФ}{ТН}$$

Бу коэффициент 1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда суммасини ифодалайди.

Ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасини базис йилидаги ёки режадаги рентабеллик кўрсаткичига солиштириб, унинг ўзгариши аниқланади:

$$\frac{ЯФ_1}{ТН_1} - \frac{ЯФ_0}{ТН_0} = \pm \Delta_{ТН, ЯФ}$$

Рентабелликнинг ушбу ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши;

сотилган маҳсулотлар бўйича олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши.

Омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули орқали ҳисобланади. Омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «шартли рентабеллик коэффициенти»

аниқлаб олинади. Буни ҳисоблаш учун базис йилидаги ялпи фойда ($ЯФ_0$) суммасини ҳисобот йилидаги маҳсулот таннархига ($ТН_1$) бўлиш керак:

$$P_{ми} = \frac{ЯФ_0}{ТН_1}$$

Шундан сўнг рентабелликнинг ўзгаришига омиллар таъсири қуйидаги тартиб бўйича аниқланади.

1-омилнинг, яъни «ишлаб чиқариш таннархи» ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун «шартли рентабеллик коэффиценти»дан режадаги рентабеллик коэффиценти (ёки базис давридаги рентабеллик коэффиценти) чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ЯФ_0}{ТН_1} - \frac{ЯФ_0}{ТН_0} = \pm \Delta_{ТН}$$

2-омилнинг, яъни «Ялпи фойда суммаси ўзгариши»нинг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасидан шартли рентабеллик даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ЯФ_1}{ТН_1} - \frac{ЯФ_0}{ТН_1} = \pm \Delta_{ЯФ}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{ТН} \pm \Delta_{ЯФ} = \Delta_{ТН, ЯФ}$$

Шундан кейин рентабеллик ўзгаришига баҳо берилади ва хулоса қилинади.

Энди, хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари асосида, сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг таҳлилилни сотилган бўғдой мисолида кўриб чиқамиз.

Сотилган буғдой рентабеллигининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йи- лидаги тан- нарх ва ба- зис йилида- ги ялпи фой- да бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Ш.ж.ўзгариши	
					Таннарх ҳисобига	Фойда ҳисобига
1. Сотилган буғдойнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	55047	112226	112226	+57179	X	X
2. Сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	22413	22413	3757	-18656	X	X
3. Рентабеллик, %	40,7	20,0	3,3	-37,4	-20,7	-16,7

32-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сотилган буғдой бўйича рентабеллик даражаси ҳисобот йилида 3,3 % ни ташкил қилган бўлиб, базис йилидаги рентабеллик даражасига нисбатан у 37,4 %га камайган:

$$\frac{ЯФ_1}{ТН_1} - \frac{ЯФ_0}{ТН_0} = (3757 : 112226) - (22413 : 55047) = 0,033 - 0,407 = -0,374 \text{ ёки } -37,4 \%$$

Ушбу ўзгаришга икки омил ҳам салбий таъсир қилган.

Сотилган буғдойнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳажми ҳисобот йилида 112226 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, базис йилига нисбатан унинг суммаси 57179 минг сўмга ёки 103,9 % га ошган (бошқача айтганда 2 баробардан зиёдга ошган), натижада шу омил ҳисобига рентабеллик даражаси 20,7 % га пасайган:

$$\frac{ЯФ_0}{ТН_1} - \frac{ЯФ_0}{ТН_0} = (22413 : 112226) - (22413 : 55047) = 0,200 - 0,407 = -0,207 \text{ ёки } -20,7 \%$$

Буғдойни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси ҳисобот йилида 3757 минг сўмга тенг бўлган. Бу базис йилидаги фойда суммасига нисбатан 18656 минг сўмга камайган, яъни унинг ҳажми 6 мартага камайган, натижада шу омил ҳисобига буғдой рентабеллиги даражаси ҳисобот йилида 16,7 %га пасайган:

$$\frac{ЯФ_1}{ТН_1} - \frac{ЯФ_0}{ТН_1} = (3757 : 112226) - (22413 : 112226) = 0,033 - 0,200 = -0,167 \text{ ёки } -16,7 \%$$

Ушбу таҳлилий ҳисоблардан кўриниб турибдики, буғдой рентабеллигининг ўзгаришига икки омил ҳам салбий таъсир қилиб, рентабеллик даражаси 37,4 % га пасайишига сабабчи бўлган.

Демак, рентабелликни ошириш учун таннархни камайтириш ва ялпи фойдани ошириш имкониятларини аниқлаш зарур. Шу нуқтаи назардан маҳсулот баҳосининг таркиб топишини сифати билан боғлаб, ишлаб

чиқариш таннархини эса, унинг таркибидаги ҳар бир харажат моддасининг ўзгариши билан боғлаб таҳлилини амалга ошириш керак.

9.5. Таянч иборалар.

Сотилган маҳсулот ҳажми.

Соф пул тушуми.

Ишлаб чиқариш таннархи.

Молиявий натижалар.

Фойда.

Ялпи фойда.

Соф фойда.

Рентабеллик.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги.

Ялпи фойдага таъсир қилувчи омиллар.

Сотилган маҳсулот рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар.

9.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Маҳсулотларни сотишдан олинган соф пул тушуми қандай аниқланади ва ўзгариши қайси усуллар ёрдамида таҳлил қилинади.

Соф пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига сотилган маҳсулотлар миқдори ўзгаришининг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб аниқланг.

Соф пул тушуми ҳажмининг ўзгаришига сотилган маҳсулот бирлигининг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқланг, хулоса қилинг.

Молиявий натижалар деб қандай кўрсаткичлар тушунилади, уларнинг мазмунини тушунтиринг.

Фойда турлари ва уларни аниқлаш йўллари.

Ялп фойда деб нимага айтилади? Унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади ва уларнинг таъсир доираси ҳажми қандай аниқланади.

Рентабеллик деб нимага айтилади? Рентабеллик турлари, уларни аниқлаш усуллари ва мазмунини таърифланг.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигининг омилли таҳлилини «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида тушунтиринг.

Ялпи фойдани кўпайтириш ва рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини баён қилинг, таърифини беринг.

10-Мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили.

Режа:

10.1. Қишлоқ хўжалик корхонасида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.

10.2. Бухгалтерия баланси асосида молиявий барқарорлик коэффицентининг таҳлили.

10.3. Баланс ликвидлик кўрсаткичлари асосида тўловга қодирлик даражасининг таҳлили.

Дебиторлик қарзлари ўзгаришининг хўжалик молиявий аҳволига таъсирининг таҳлили.

Таянч тушунчалар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

10.1. Қишлоқ хўжалик корхонасида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили.

Корхонанинг молиявий ҳолати кенг қамровли кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Шундай кўрсаткичлар жумласига корхона мулки, капитали ва мажбуриятларининг умумий ҳолатини, корхонанинг молиявий барқарорлигини, тўловга қодирдлигини, маблағларнинг ликвидлигини, айланма маблағлар ва уларнинг айланувчанлигини, хусусий капитал, асосий капитал ва улардан фойдаланиш аҳволини ифодаловчи коэффицентларни киритиш мумкин. Молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни батафсил ўрганиш асосида уни янада яхшилаш учун мавжуд имкониятларни аниқлаш таҳлилнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Таҳлилнинг мақсади, вазифлари, манбалари, молиявий аҳволини умумий ҳолатининг таҳлили, молиявий коэффицентларнинг асосийларининг таҳлили кабилар 6-мавзуда етарлича ёритилган, шунинг учун бу ерда уларга тўхталмадик.

Молиявий ҳолатга баҳо беришда қўлланиладиган асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб, айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади.

Айланма маблағлар самарадорлиги деганда жорий активлардан фойдаланишдаги иқтисодий самара тушунилади. Иқтисодий самара кўрсаткичлари тизими айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади, таърифланади ва таҳлил қилинади:

Бир сўмлик айланма маблағлар ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ва соф фойда ҳажми;

Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти ва айланиш даври кўрсаткичлари.

1 сўмлик айланма маблағлар ҳисобига олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги тартибда аниқланади:

1 сўмлик айланма маблағ ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажми (K_{Φ}) соф фойда суммасини (C_{Φ}) айланма маблағларнинг ўртача қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$K_{\Phi} = \frac{C_{\Phi}}{AMQ}$$

2) 1 сўмлик айланма маблағлар ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот ҳажмини ($K_{\text{ям}}$) аниқлаш учун етиштирилган жами ялпи маҳсулот ҳажмини (ЯМ) айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш керак:

$$K_{\text{ям}} = \frac{ЯМ}{AMQ}$$

3) Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган соф пул тушумини (СТ) айланма маблағлар ўртача йиллик қийматига бўлиш керак:

$$K_A = \frac{СТ}{AMQ}$$

4) Айланма маблағларнинг айланиш даври (K_d) айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини (AMQ) сотишдан олинган соф тушум (СТ) га бўлиб, натижасини 360 кунга кўпайтириш орқали аниқланади:

$$K_d = \frac{AMQ}{СТ} \times 360$$

ёки 360 кунни айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти га бўлиш орқали аниқланади: $360 : K_a$.

Энди айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таққослама таҳлилини ҳисобот маълумотлари асосида кўриб чиқамиз:

33-жадвал.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларининг Қиёслама таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Фарқ (+,-)
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	166711	254854	+88143
Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, минг сўм	395598	659380	+263782
Маҳсулотларни сотишдан олинган соф	487364	833380	+346016

тушум, минг сўм			
Соф фойда, минг сўм	126203	74273	-51930
1 сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган:			
-ялпи маҳсулот (2:1), сўм	2,37	2,59	+0,22
-соф фойда (4:1), сўм	0,76	0,29	-0,47
Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти (3/1), марта	2,92	3,27	+0,35
Айланма маблағларнинг айланиш даври, кун ҳисобида (1/3·360)	123,1	110,1	-13,0

33-жадвалдан кўриниб турибдики, айланма маблағлардан фойдаланиш самараси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ошган.

1сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган ялпи маҳсулот суммаси 0,22 сўмга (ёки 9,3 % га), соф тушум суммаси 0,35 сўмга (ёки 12 % га), айланма маблағларнинг айланиши 13 кунга қисқариб, самараси 11,9 % га ошган, аммо 1 сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган фойда камайган. Шунга қарамасдан умумий ҳулоса, айланма маблағлардан фойдаланиш самараси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ошган.

Энди самарадорлик ўзгаришига омиллар таъсири ўзгаришининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

1сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 0,22 сўмга ошган.

$$\frac{ЯМ_1}{АМҚ_1} - \frac{ЯМ_0}{АМҚ_0} = (659380:254854) - (395598:166711) = 2,59 - 2,37 = +0,22 \text{ сўм.}$$

Бу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган. Омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули орқали қуйидагича аниқланади:

Айланма маблағлар ўртача қиймати ўзгаришининг самарадорлик даражасининг ўзгаришга таъсири:

$$\frac{ЯМ_0}{АМҚ_1} - \frac{ЯМ_0}{АМҚ_0} = (395598:254854) - (395598:166711) = 1,55 - 2,37 = - 0,82 \text{ сўм.}$$

Демак, айланма маблағларнинг ўртача йиллик ҳажми 88143 минг сўмга кўпайган, натижада 1 сўмлик айланма маблағ ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажми 0,82 сўмга ёки 34,6 % га камайган. Бошқача айтганда айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси 34,6 % га пасайган.

Ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришининг айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгаришига таъсири:

$$\frac{ЯМ_1}{АМҚ_1} - \frac{ЯМ_0}{АМҚ_1} = (659380:254854) - (395598:254854) = 2,59 - 1,55 = +1,04 \text{ сўм.}$$

Демак, ялпи маҳсулот ҳажмининг 263782 минг сўмга ошиши айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига ижобий таъсир қилган,

натижада 1 сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми 1,04 сўмга ёки 67 % га ошган.

Ушбу таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, айланма маблағлар самарадорлигини ошириш учун уларнинг ўртача қолдиғи ҳажмини камайишига эришиш чораларини кўриш керак.

Айланма маблағларнинг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, айланиш коэффиценти ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланиши базис йилига нисбатан 0,35 коэффицентга ошган:

$$\frac{СТ_1}{АМҚ_1} - \frac{СТ_0}{АМҚ_0} = (833380:254854) - (487364:166711) = 3,27 - 2,92 = +0,35.$$

Демак, айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти ўтган йилга нисбатан 0,35 миқдорга ошган. Бошқача айтганда 1 сўмлик айланма маблағ ҳисобига олинган соф тушум ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 0,35 сўмга ошган. Бу эса айланма маблағларнинг айланиш даврини 13 кунга қисқаришига сабабчи бўлган. Бошқача айтганда айланиш даври 13 кунга тезлашган. Айланма маблағларнинг айланиш коэффицентининг ўзгаришига икки омил таъсир қилган.

Ушбу омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули орқали аниқланади. Бунинг учун қуйидаги боғланиш кўрсаткичларидан фойдаланилади:

$\frac{СТ_0}{АМҚ_0}$ - базис давридаги айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти;

$\frac{СТ_0}{АМҚ_1}$ - айланма маблағларнинг шартли айланиш коэффиценти;

$\frac{СТ_1}{АМҚ_1}$ - ҳисобот давридаги айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти.

Шу кўрсаткичлар асосида айланма маблағларнинг айланиш коэффицентининг ўзгаришига омиллар таъсири аниқланади.

Айланиш коэффицентининг ўзгаришига айланма маблағлар ўртача йиллик ҳажмини ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$II-I = \frac{СТ_0}{АМҚ_1} - \frac{СТ_0}{АМҚ_0} = (487364:254854) - (487364:166711) = 1,91 - 2,92 = -1,01$$

ёки -34,6 %

Демак, айланма маблағларнинг ўртача қолдиғини ошириш ҳисобига айланиш коэффиценти 34,6 % га камайган.

Маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум ҳажми ўзгаришининг айланма маблағлар айланиш коэффицентининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш:

$$III-II = \frac{СТ_1}{АМҚ_1} - \frac{СТ_0}{АМҚ_1} = (833380:254854) - (487364:254854) = 3,27 - 1,91 = +1,36$$

ёки 136 %.

Демак, маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум ҳажми кескин ошиши натижасида айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти 1,36 миқдорга ошган.

Хуллас, айланма маблағларнинг айланиш коэффицентининг ўзгариши бир омилнинг ижобий ва бир омилнинг салбий таъсири остида юзага келган. Ушбу коэффицентни янада ошириш учун айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ошиб кетишига йўл қўймаслик керак.

10.2. Бухгалтерия баланси асосида молиявий барқарорлик коэффицентининг таҳлили.

Хўжаликнинг молиявий барқарорлиги мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланади ва улар орқали таҳлил этилади, хулосалар чиқарилади.

Корхонани қай вақтда молиявий барқарор хўжалик деб аташ мумкин?

Корхонанинг моддий оборот маблағларини ташкил қилувчи манбалари билан тўлиқ қопланган тақдирда, уни молиявий барқарор хўжалик деб аташ мумкин. Демак, молиявий барқарорлик деганда моддий оборот маблағларни ташкил қилувчи манбалари билан ишлаб чиқариш заҳира ва сарфлари ҳажмининг тўлиқ таъминланиши даражасини тушунмоқ керак.

Молиявий барқарорлик аҳволини ўрганиш ва таҳлил этишнинг асосий манбаи бухгалтерия баланси нетто ҳисобланади. Бухгалтерия баланси-неттонинг қуйидаги модели асосида молиявий барқарорликни аниқлаш ва таҳлил этиш йўллари кўриб чиқамиз:

$$У+З+П+Д=Ў+Қ+Б+К$$

Бунда: У – узоқ муддатли активлар;

З – заҳира ва сарфлар(моддий оборот маблағлар);

П – пул маблағлари ва қимматли қоғозлар;

Д - дебиторлик қарзлар;

Ў – ўз маблағларининг манбалари;

Қ – узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар;

Б – банкларнинг ва бошқа ташкилотларнинг қисқа муддатли кредитлари ва қарзлари;

К – кредиторлик қарзлар.

Ушбу моделдаги З+П+Д белгилари оборот активларни, Қ+Б+К белгилари мажбуриятларни билдиради.

Бухгалтерия баланси-нетто моделидан кўриниб турибдики, активлар (хўжалик маблағлари) икки манба ҳисобига, яъни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига ташкил бўлади. Қарз маблағлари ўз навбатида иккига бўлинади:

узоқ муддатли мажбуриятлар;

қисқа муддатли мажбуриятлар.

Узоқ муддатли мажбуриятлар асосий воситаларни ташкил этиш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қисқа муддатли мажбуриятлар оборот активларни ташкил қилиш манбаларидан биридир.

Демак, оборот активлар икки манба ҳисобига ташкил бўлади. Буни юқорида келтирилган бухгалтерия баланси-нетто моделидан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$З+П+Д=(\check{Y}+Қ-У)+Б+К$$

Ушбу формаладан хўжаликнинг оборот активлари икки манба ҳисобига, яъни ўз оборот активлари манбалари ($\check{Y}+Қ-У$) билан қисқа муддатли қарз маблағлари ($Б+К$) ҳисобига ташкил бўлишлиги кўриниб турибди.

Молиявий барқарорлик мезонига кўра моддий оборот маблағлари ҳажми ўз оборот маблағлари манбалари билан тўла қопланса, молиявий барқарор корхона бўлиб, у қисқа муддатли қарзларини тўлаш имкониятига эга бўлади, яъни тўлов қобилиятига эга бўлган корхона ҳисобланади. Бошқача айтганда корхонада молиявий барқарорлик мавжуд эканлигини ёки унда унинг мустаҳкам эканлигини кўрсатади.

Моддий оборот маблағлари ҳажми корхонанинг ўз оборот маблағларини ташкил қилиш манбалари билан тўла қопланса ёки ошса, корхона молиявий барқарор хўжалик бўлиб ҳисобланади, яъни у қисқа муддатли мажбуриятларни узиш имкониятига эга бўлади.

Бундай корхона тўлов қобилиятига эга бўлган корхона дейилади. Бу ҳолатни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$З \leq \check{Y}+Қ-У.$$

Агар ўз оборот маблағларини ташкил этувчи манбалар суммаси ишлаб чиқариш захиралар ва сарфлари суммасига тенг бўлса ($З=\check{Y}+Қ-У$), пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзларининг биргаликдаги жами суммаси ($П+Д$) қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар билан кредиторлик қарзларнинг жами суммасига ($Б+К$) тенг бўлади:

$$П+Д=Б+К$$

Агар ўз оборот маблағларини ташкил қилувчи манбалар суммаси ишлаб чиқариш захиралари ва сарфлари суммасидан ошса ($З<\check{Y}+Қ-У$), пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзларининг жами суммаси ($П+Д$) қисқа муддатли мажбуриятлар жами суммасидан ($Б+К$) катта бўлади:

$$П+Д>Б+К$$

$П+Д$ ҳажми $Б+К$ ҳажмидан катта ёки унга тенг бўлса, корхона қисқа муддатли мажбуриятларини узиш (тўлаш) қурбига етарли даражада эга бўлади. Шундай қилиб, моддий оборот маблағларнинг ташкил қилиш манбалари ҳажми билан ишлаб чиқариш захиралар ва сарфлари орасидаги ўзаро боғлиқлик нисбати коэффиценти молиявий барқарорлик даражаси аҳволини белгилайди.

Моддий оборот маблағларни ташкил этувчи манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади:

ўз оборот маблағларининг манбалари;

моддий оборот маблағларни ташкил қилувчи асосий манбалар.

Корхонанинг ўз оборот маблағларини аниқлаш учун ўз маблағларининг манбаларига ($\check{Y}$) узоқ муддатли қарзлар ва кредитларни ($Қ$) кўшиб, уларнинг жами суммасидан узоқ муддатли активлар суммасини ($У$) чегириб ташлаш керак:

$$З_у = \ddot{Y} + K - Y$$

Бунда: $З_у$ – ўз оборот маблағлари манбалари суммасини ($\ddot{Y} + K - Y$) билдиради.

Сўнгра ушбу кўрсаткични мавжуд ишлаб чиқариш заҳира ва сарфлари хажмига солиштириш орқали молиявий барқарорлик даражаси таҳлил этилади. Бунинг учун манбалар суммасидан мавжуд заҳира ва сарфлар суммасини чегириб, ўзгариши (кам ёки кўплиги) аниқланади, хулоса қилинади.

Корхонанинг моддий оборот маблағларининг (заҳира ва сарфларининг) ташкил бўлишида ўз оборот маблағлари билан бир қаторда қарз маблағлари, биринчи навбатда қисқа муддатли банк кредитлари иштирок этади. Шу манбалар йиғиндиси асосий манбалар деган тушунчани беради.

Буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$З_у + Б = (\ddot{Y} + K - Y) + Б$$

Бунда: Б-банклар ва бошқа ташкилотларнинг қисқа муддатли кредитлари ва қарзлари.

Асосий манбаларни жами суммасини мавжуд оборот маблағлари суммасига (З) солиштириб, ўзгариши (кўп ёки камлиги) аниқланади, натижада ушбу кўрсаткичлар орқали хўжаликнинг молиявий барқарорлиги аҳволига баҳо берилади. Таҳлил горизантал ва вертикал усуллар ёрдамида амалга оширилади. Таҳлил ҳам давр боши ва ҳам давр охиридаги кўрсаткичларни, ҳам давр охирини давр бошидаги кўрсаткичларга қиёслаш орқали амалга оширилади. Бошқача айтганда, оборот маблағларнинг ҳам давр бошида, ҳам давр охирида манбалар билан таъминланиш даражаси, ҳамда уларнинг давр охирида давр бошига нисбатан ўзгаришларининг аҳволи батафсил таҳлил этилиши керак.

Молиявий барқарорлик таҳлилини юқорида баён қилинган қоидаларга амал қилиб, 34-таҳлилий жадвал кўрсаткичлари асосида амалга ошириш мумкин.

34-жадвал.

Қ. Ражабов номли ширкат хўжалиги бўйича молиявий барқарорлик даражасини таҳлили.

Кўрсаткичлар	Йил боши, минг сўм	Йил охири, минг сўм	Ўзгариш, (+,-)
Ўз маблағларининг манбалари ($\ddot{Y}$)	125651	249274	+123623
Узоқ муддатли қарзлар ва банк кредитлари (К)	47817	37509	-10305
Узоқ муддатли активлар (У)	125173	233549	+108375
Ўз оборот маблағлари ($З_у = \ddot{Y} + K - Y$)	48292	53234	+4942
Қисқа муддатли банк кредитларива қарзлар (Б)	1509	5000	+3491
Заҳиралар ва сарфларни ташкил қилувчи асосий манбалар жами ($З_у + Б$)	49801	58234	+8433
Баланс бўйича мавжуд бўлган заҳиралар ва сарфларнинг жами суммаси (З)	74427	108364	+33937
Ўз оборот маблағлари манбаларининг	-26135	-55130	-28995

заҳира ва сарфларга нисбатан кўп(+), камлиги (-) ($З_у-З$)			
Асосий манбалар суммасининг заҳира ва сарфлар ҳажмига нисбатан кўп(+), камлиги (-) ($З_у+Б-З$)	-24626	-50130	-25504

34-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик молиявий жиҳатдан заиф бўлган, синиш ҳолига тушган корхонадир. Йил бошида ҳам, йил охирида ҳам мавжуд моддий айланма маблағлар тегишли манбалар билан қопланган, йил охирида янада қопланмаслик даражаси ошган.

Ўз айланма маблағлари манбаларининг моддий айланма маблағлар ҳажмига нисбатан етишмовчилиги йил бошида 26135 минг сўмни (35,1 % ни), йил охирида 55130 минг сўмни (50,8 % ни) ташкил қилган, йил охирига келиб етишмовчилик икки баробардан зиёдроқ ошган.

Бу қийин ҳолатдан чиқиш учун корхона ўз маблағлари манбаларини кенгайтириш йўллари излаб топиши зарур. Шулар билан бир қаторда хўжалик учун кераксиз бўлган асосий воситаларни сотиши керак. Бундан ташқари қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисобига айланма маблағларни қоплай олиш чораларини кўриши керак.

10.3. Баланс ликвидлик кўрсаткичлари асосида тўловга қодирлик даражасининг таҳлили.

Баланс асосида хўжалик активларини ҳолатини ўрганишда уларнинг пул шаклига айланиш тезлигига (ликвидлик даражасига) ва тўловга қодирлик даражасига баҳо бериш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Баланс ликвидлиги деганда нима тушунилади?

Баланс ликвидлиги деганда корхонани қисқа муддатли мажбуриятларининг айланма активлар билан қопланиш даражаси тушунилади. Бошқача айтганда баланс ликвидлиги қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш учун мавжуд бўлган қурбининг (қувватининг) даражасини ифодалайди.

Корхонанинг айланма активларини қисқа муддатли мажбуриятларига бўлиш орқали баланснинг ликвидлик даражаси аниқланади:

$$B_{\text{л}} = \frac{\text{Айланма активлар}}{\text{Қисқа муддатли}}$$

Активлар ликвидлиги деб нимага айтилади?

Активлар ликвидлиги деб, уларнинг вақт бўйича пулга айланишига (пул шаклига ўтишига) айтилади. Активларнинг пулга айланиши учун кетадиган вақт уларнинг тезлигини ифодалайди. Ушбу вақт қанча кам бўлса, активларнинг ликвидлиги шунча юқори бўлади.

Баланс активлари пулга айланиш тезлиги (ликвидлик даражаси) бўйича куйидаги 4 та гуруҳга бўлиб, таҳлил этилади:

A1 – энг юқори ликвидли активлар. Бу гуруҳга корхонанинг барча пул маблағлари ва қимматли қоғозлари киради.

A2 – тез сотилувчи активлар.

Ушбу гуруҳга барча дебиторлик қарзлари киритилади.

A3 – секинлик билан сотилувчи активлар.

Бугуруҳга ишлаб чиқариш захиралари ва сарфлари киритилади.

A4 – қийинчилик билан сотилувчи активлар.

Бу гуруҳга «Узоқ муддатли активлар» киритилади. Ушбу активларнинг пулга айланиши узоқ даврни ташкил этади. Ушбу активларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашга йўналтиришни фақат ортиқча асосий воситаларда кўриш мумкин.

Баланс пасивлари «Тўлов муддати» бўйича қуйидаги 4 та гуруҳга бўлиб таҳлил этилади:

П1 – энг юқори муддатли мажбуриятлар (муддати етиб келган тўлов мажбуриятлари).

Бу гуруҳга кредиторлик қарзлари, ҳамда ўз муддатида тўланмаган банк ссудлари киритилади.

П2 – қисқа муддатли пасивлар.

Ушбу гуруҳга тўлаш муддати ўтиб кетган банк ссудаларидан ташқари барча қисқа муддатли кредитлар ва қисқа муддатли қарзлар киради.

П3 – узоқ муддатли пасивлар.

Ушбу гуруҳга узоқ муддатли кредитлар ва узоқ муддатли қарзлар киради.

П4 – доимий пасивлар.

Бу гуруҳга ўз маблағларининг манбалари тўлиқ киритилади.

Баланс мутлақ ликвидли бўлиши мумкин, агар актив ва пасив гуруҳлари орасидаги боғлиқлик қуйидаги кўринишга эга бўлса:

$$A1 \geq П1, A2 \geq П2, A3 \geq П3, A4 \leq П4.$$

Балансининг ҳам активи, ҳам пасивини махсус гуруҳларга бўлгандан кейин ликвидлик кўрсаткичлари аниқланади ва таҳлил этилади.

Баланс бўйича корхонанинг тўловга қодирлиги даражасига баҳо бериш учун қуйидаги ликвидлик кўрсаткичларидан фойдаланилади:

1. Мутлақ ликвидлик кўрсаткичи;
2. Зудлик ликвидлик кўрсаткичи;
3. Жорий ликвидлик кўрсаткичи;

Мутлақ ликвидлик коэффицентини аниқлаш учун «энг юқори ликвидли активлар»ни (A1) «қисқа муддатли мажбуриятлар»нинг («энг юқори муддатли мажбуриятлар» (П1) билан «қисқа муддатли пасивлар» (П2) суммаларининг йиғиндиси)га бўлиш керак.

$$K_{мл} = \frac{A1}{П1 + П2}$$

Мутлоқ ликвидлик коэффиценти нимани билдиради?

Ушбу коэффицент яқин вақтлар ичида хўжалик ўзининг қисқа муддатли қарзларини қанча қисмини қайтара олиши (ёки тўлай олиши) мумкинлигини билдиради. Ушбу коэффицент 0,2 дан 0,5 гача бўлса, муътадил кўрсаткич бўлиши мумкин.

$$K_{мл}=0,2 - 0,5$$

Зудлик (тез) ликвидлик коэффициентини аниқлаш учун «энг юқори ликвидли активлар»га «тез сотилувчи активлар» суммасини қўшиб, йиғиндисини «қисқа муддатли мажбуриятлар» суммасига бўлиш керак:

$$K_{3л} = \frac{A1 + A2}{П1 + П2}$$

Агар ушбу коэффициент «1» га тенг ёки дан катта бўлса, муътадил кўрсаткич бўлиб ҳисобланади:

$$K_{3л} \geq 1.$$

Демак, ушбу коэффициент шундай бўлган тақдирда корхона мавжуд пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (қимматли қоғозлар) ва дебиторлик қарзларидаги маблағлари билан кредиторлик қарзлари, қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни қийналмасдан, бемалол тўлай олиш қурбига (қобилиятига) эга бўлади.

Жорий ликвидлик коэффициентини аниқлаш учун «энг юқори ликвидли активлар» билан «тез сотилувчи активлар» таркибига «секинлик билан сотилувчи активлар»ни қўшиб, уларнинг йиғиндисини «қисқа муддатли мажбуриятлар»га бўлинади:

$$K_{к} = \frac{A1 + A2 + A3}{П1 + П2}$$

Жорий ликвидлик коэффициенти нимани билдиради?

Бу коэффициент хўжалик дебиторлик қарзларини ўз вақтида ундиролса, тайёр ва товар маҳсулотларини муътадил ҳолатда сота олса, ҳамда бошқа айланма активларини айрим турларини зарурат туғилганда сота олган тақдирда корхона айланма активлари билан қисқа муддатли мажбуриятларини коплай (тўлай) олиш имкониятига эга бўлишлигини билдиради.

Жорий ликвидлик коэффициенти 2 ва ундан ортиқ бўлса, у муътадил кўрсаткич $\leq$ улиб ҳисобланади:

$$K_{к} \geq 2$$

Ликвидлик кўрсаткичларини таҳлил этишда иқтисодий таҳлилнинг солиштириш ва занжирли алмаштириш усулларида фойдаланилади.

Солиштириш усулидан фойдаланиб, ликвидлик кўрсаткичларининг ўзгариши аниқланади. Ҳисобот даврининг охиридаги ликвидлик коэффициентини давр бошидаги коэффициентига (ёки белгиланган меъёр коэффициентига) солиштириб, унинг ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади. Сўнгра ўзгаришнинг сабаблари аниқланиб таҳлил қилинади. Ўзгаришнинг сабабларини «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади.

Мутлақ ликвидлик коэффициентининг ўзгаришига юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибди, уч омил таъсир қилади:

Энг юқори муддатли мажбуриятлар ҳажмининг ўзгариши (П1).

Қисқа муддатли пасивлар суммасининг ўзгариши (П2).

Энг юқори ликвидли активлар суммасининг ўзгариши (А1).

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлашдан олдин қуйидаги 4 та занжирли боғланиш кўрсаткичлари аниқланиб олинади:

$$K_{ML_0} = \frac{A1_0}{\Pi1_0 + \Pi2_0};$$

$$2. K_{ML_{ш1}} = \frac{A1_0}{\Pi1_1 + \Pi2_0}$$

$$3. K_{ML_{ш2}} = \frac{A1_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1}$$

$$4. K_{ML_1} = \frac{A1_1}{\Pi1_1 + \Pi2_1}$$

Ушбу коэффициентлардан фойдаланиб, мутлақ ликвидлик коэффициентининг ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади.

Иккинчи боғланиш кўрсаткичидан (1-нчи шартли боғланиш коэффициентидан) давр бошидаги мутлоқ ликвидлик коэффициентини айириш орқали коэффициентнинг ўзгаришига энг юқори муддатли мажбуриятлар ҳажмининг ўзгаришининг таъсири аниқланади. Ушбу омилнинг ҳажми нисбатан ошса, коэффициентни камайишига олиб келади, агар камайса – ошишига олиб келади.

Коэффициентнинг ўзгаришига қисқа муддатли пасивлар суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун учинчи занжирли боғланиш кўрсаткичидан 2-нчи коэффициентни айириб ташлаш керак.

Энг юқори ликвидли активлар суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 4-боғланиш кўрсаткичидан (давр охиридаги ликвидлик коэффициентидан) 3-боғланиш кўрсаткичини айириб ташлаш керак.

Омилларнинг таъсирининг йиғиндиси мутлақ ликвидлик коэффициентининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

Омилларнинг ҳар бирининг таъсирига баҳо берилиб, имкониятлари кўрсатилиши керак.

Зудлик ликвидлик коэффициентининг ўзгаришига унинг формуласидан кўриниб турибдики, 4 та омил таъсир қилади:

Энг юқори муддатли мажбуриятлар ҳажмининг ўзгариши (Π1).

Қисқа муддатли пасивлар суммасининг ўзгариши (Π2).

Энг юқори ликвидли активлар суммасининг ўзгариши (A1).

Тез сотилувчи активлар суммасининг ўзгариши (A2).

Келтирилган формуладан фойдаланиб, «Занжирли боғланиш» усулини кўллаб, «Зудлик ликвидлик коэффициенти»нинг ўзгаришига юқоридаги омилларнинг таъсири аниқланади. Таҳлил этиш тартиби мутлоқ ликвидлик коэффициентининг ўзгаришини таҳлил этиш тартибига ўхшайди. Шунинг учун бу жойда унга тўхталмадик.

Жорий ликвидлик коэффициентининг ўзгаришига юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибдики, 5 та омил таъсир қилади, шулардан 4 таси «Зудлик ликвидлик коэффициенти»нинг таҳлили қисмида кўрсатилган. Бешинчи омил бўлиб, секинлик билан сотилувчи активлар (A3) ҳисобланади.

Ушбу омилларнинг таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади. Омиллар таъсирини аниқлаб олганга қадар қуйидаги «Занжирли боғланиш» кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур:

$$1. K_{K_0} = \frac{A1_0 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_0 + \Pi2_0} \quad 2. K_{K_{ш1}} = \frac{A1_0 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_0}$$

$$3. K_{K_{ш2}} = \frac{A1_0 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} \quad 4. K_{K_{ш3}} = \frac{A1_1 + A2_0 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1}$$

$$5. K_{K_{ш4}} = \frac{A1_1 + A2_1 + A3_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} \quad 6. K_{K_1} = \frac{A1_1 + A2_1 + A3_1}{\Pi1_1 + \Pi2_1}$$

Юқоридаги «Занжирли боғланиш» кўрсаткичлари асосида «жорий ликвидлик коэффиценти»нинг ўзгаришига омилларнинг таъсири аниқланади ва хулосалар чиқарилади. Бу кўрсаткичнинг таҳлили ҳам мутлақ ликвидлик коэффицентининг таҳлиliga ўхшайди. Шунинг учун омилларнинг таъсирини аниқлаш тартибига тўхталмадик.

Энди, ликвидлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил этиш тартибини пахтачи тумани Қ. Ражабов номли ширкат хўжалиги баланси маълумотлари асосида ёритамиз.

35-жадвал.

Ликвидлик кўрсаткичларининг ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири
Пул маблағлари	-	2
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	7963	4225
A1 жами	7963	4227
Харидорлар билан ҳисоблашувлар	40088	76820
Бўнак тўловлари	16314	5124
Бошқа дебиторлар	94	-
A2 жами	56496	81944
Ишлаб чиқариш заҳиралари	43288	61803
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	25267	45694
Тайёр маҳсулот	3667	867
Сотиш учун олинган товарлар	2205	-
A3 жами	74427	108364
Мол етказиб берувчилар	13353	67243
Бюджет бўйича қарзлар	7409	1688
Меҳнат ҳақи бўйича қарзлар	1628	14279
Бошқа қарзлар	5816	8238
П1 жами	28206	91448
Қисқа муддатли қарзлар	62389	-
Қисқа муддатли кредитлар	-	49883
П2 жами	62389	49883
Мутлақ ликвидлик коэффиценти, % ($\frac{A1}{\Pi1 + \Pi2}$)	0,09	0,03
Зудлик ликвидлик коэффиценти ($\frac{A1 + A2}{\Pi1 + \Pi2}$)	0,71	0,61
	1,53	1,38

Жорий ликвидлик коэффициенти ($\frac{A1 + A2 + A3}{\Pi1 + \Pi2}$)		
---	--	--

35-жадвал маълумотлари асосида мутлоқ ликвидлик коэффициенти ўзгаришининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз:

Коэффициентнинг умумий ўзгариши:

$$\frac{A1_1}{\Pi1_1 + \Pi2_1} - \frac{A1_0}{\Pi1_0 + \Pi2_0} = (4227 : (91448+49883)) - (7963 : (28206+62389)) = 0,03 - 0,088 = -0,058 \text{ ёки } -5,8 \%$$

Демак, мутлоқ ликвидлик коэффициенти йил охирида йил бошига нисбатан 5,8 фоизга пасайган, яъни қисқа муддатли мажбуриятларни энг юқори ликвидли активлар ҳисобига қоплаш (тўлаш) даражаси 3 мартага пасайган ($0,088 : 0,03 = 3$ марта).

Ушбу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир қилган:

1. Энг юқори муддатли мажбуриятлар ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$\text{II-I} = \frac{A1_0}{\Pi1_1 + \Pi2_0} - \frac{A1_0}{\Pi1_0 + \Pi2_0} = (7963 : (91448+62389)) - (7963 : (28206+62389)) = (7963 : 153837) - (7963 : 90595) = 0,052 - 0,088 = -0,036 \text{ ёки } -3,6 \%$$

Демак, энг юқори муддатли мажбуриятлар суммасининг 63242 минг сўмга ошиши коэффициент ўзгаришига салбий таъсир қилган, натижада шу омил ҳисобига коэффициент 3,6 % га пасайган.

2. Қисқа муддатли пасивлар суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$\text{III-II} = \frac{A1_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} - \frac{A1_0}{\Pi1_1 + \Pi2_0} = (7963 : (91448+49783)) - (7963 : (91448+62389)) = (7963 : 141331) - (7963 : 153837) = 0,056 - 0,052 = +0,004 \text{ ёки } 0,4 \%$$

Демак, қисқа муддатли пасивлар суммасининг 12506 минг сўмга камайиши коэффициент ўзгаришига ижобий таъсир қилган, натижада шу омил ҳисобига коэффициент 0,4 % га ошган.

3. Энг юқори ликвидли активлар суммаси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$\text{IV-III} = \frac{A1_1}{\Pi1_1 + \Pi2_1} - \frac{A1_0}{\Pi1_1 + \Pi2_1} = (4227 : (91448+49883)) - (7963 : (91448+49883)) = (4227 : 141331) - (7963 : 141331) = 0,030 - 0,056 = -0,026 \text{ ёки } -2,6 \%$$

Демак, энг юқори ликвидли активлар суммаси йил охирида йил бошига нисбатан 3736 минг сўмга камайган, натижада ушбу коэффициент шу омил ҳисобига 2,6 % га пасайган.

Хуллас, икки омилнинг салбий ва бир омилнинг ижобий таъсири остида корхонанинг тўлов лаёқати 5,8 %га пасайган, яъни пул маблағлари ва қиммаатли қоғозлар билан қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш даражаси 8,8 фоизга пасайган, яъни ушбу коэффициент шу гуруҳдаги тўлов

маблағлари тўлов мажбуриятларини қоплашга мутлоқ етарли эмаслигини билдиради.

Зудлик ва жорий ликвидлик коэффициентларининг омилли таҳлилини бажариш тартиби мутлақ ликвидлик коэффициентининг таҳлилининг тартибига ўхшайди, шунинг учун бу ерда уларни келтирмадик. Аммо юқорида баён қилинган усуллар ва келтирилган баланс маълумотлари асосида мустақил бажаришни ўқувчига тавсия этамиз.

10.4.Дебиторлик қарзлари ўзгаришининг ҳўжалик молиявий аҳволига таъсирининг таҳлили.

Дебиторлик қарзларнинг кўпайиши ёки камайиши айланма активларга йўналтирилган капиталнинг айланишига катта таъсир кўрсатади. Демак, ушбу қарзларнинг кўпайиши ёки камайиши корхонанинг молиявий ҳолатига маълум даражада таъсир қилади.

Дебитор қарзлари ва уларнинг айланма активлардаги хиссасининг кескин ошиб кетиши ўз айланма маблағларини етишмаслигига сабабчи бўлади, натижада кредиторлик қарзларининг ҳам ошиб кетишига олиб келади, пеня ва жарималарни кўпайитшига сабабчи бўлади, натижада молиявий аҳволга салбий таъсир қилиб, унинг ёмонлашувига олиб келади.

Дебиторлик қарзларининг ошишини ҳар доим салбий баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун дебиторлик қарзларини муътадил ва номуътадил қарзларга бўлиб ўрганиб, уларнинг ҳолатига баҳо бериш зарур.

Муътадил дебиторлик қарзлари корхонанинг муътадил фаолиятининг натижасидир. Булар харидорлар билан қонуний молиявий муносабатлар асосида пайдо бўлган қарзлардир. Шунинг учун улар муътадил дебиторлик қарзлари бўлиб ҳисобланади.

Бундай қарзларнинг ўсишини салбий ҳолат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Демак, молиявий ҳолатга салбий таъсир қилади деб ҳам қайд қилиш мумкин эмас. Бундай ҳулоса қилиш фақат номуътадил қарзларга тегишли бўлади.

Номуътадил дебиторлик қарзлари деганда нимани тушунилади?

Молиявий муносабатларнинг бузилиши натижасида юзага келган қарзларни номуътадил дебиторлик қарзлари деб тушунилади.

Номуътадил дебиторлик қарзларининг пайдо бўлиши молиявий қийинчиликларни келтириб чиқаради, яъни корхона ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш, иш ҳақини тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириш бўйича молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги юзага келади. Бундан ташқари маблағларнинг дебиторлик қарзларида узок муддатга ушланиб қолишига айланма капиталнинг айланувчанлигини секинлаштиради. Муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари ўз мажбуриятларини тўлай олмаслик ва фойдани камайитириш хавфини кўчайтиради.

Шунинг учун дебиторлик қарзларини, айниқса тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини чуқур таҳлил қилиш зарур.

Таҳлил жараёнида дебиторлик қарзларини қуйидаги тартибда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Дебиторлик қарзларини таркиби бўйича динамикасини ўрганиш;

Даврлар бўйича қарзларни пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш;

Қарзлар таркибидаги ўндириш учун реал бўлмаган қарзларнинг бор-йўқлигини аниқлаш;

Даъво қилиш муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини аниқлаш ва ўндириш чораларини ишлаб чиқиш.

Дебиторлик қарзларини таҳлил этиш учун бухгалтерия балансига илова «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома» (2 а-шакл) дан ҳамда бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ва аналитик ҳисоби счётлари маълумотларидан фойдаланилади.

Дебиторлик қарзларини тўлиқ таҳлили юқорида 6.6 параграфда келтирилган, шунинг учун бу ерда қарзларнинг пайдо бўлиш даври бўйича ҳажмининг таҳлили ёритилди.

Дебиторлик қарзларини пайдо бўлиш даври бўйича ҳажмнинг қиёслама таҳлилини 36-жадвал асосида амалга ошириш мумкин.

36-жадвал.

Дебиторлик қарзларининг пайдо бўлиш даври бўйича ҳажмининг таҳлили.

Дебиторлик қарзларининг турлари	Суммаси, минг сўм	Шу жумладан тўлаш даври бўйича			
		3 ойгача	3 ойдан 6 ойгача	6 ойдан 1 йилгача	1 йилдан ортиқ
Харидорлар билан ҳисоблашув	76820	70000	4000	2820	-
Бўнак тўлов-лари	5124	5124	-	-	-
Жами	81944	75124	4000	2820	-

36-жадвалдан кўриниб турибдики йил охирида мавжуд бўлган дебиторлик қарзлари 81944 минг сўмни ташкил қилган, шундан муътадил дебиторлик қарзлари 75124 мингни ёки 95,8 %ни, тўлов муддати ўтган (номуътадил) қарзлари 6820 минг сўмни ёки 4,2 %ни ташкил қилган. Муддати ўтган қарзлардан 3 ойдан 6 ойгача бўлган қарзлар 4000 минг сўмни, 6 ойдан 1 йилгача бўлган қарзлар 2820 минг сўмни ташкил қилган.

Муддати ўтган дебиторлик қарзларини ўндириб олиб, ишга солиш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун ўзаро далалатнома тузиб, мавжудлигини тасдиқлаб, ўндириш чорасини кўриш керак, агар тан олмаса, уларни ҳужжатлар асосида расмийлаштириб, хўжалик суди орқали ўндириб олиш чораларини кўриш зарур.

10.5.Таянч тушунчалар.

Бухгалтерия баланси

Баланс активи

Баланс пассиви

Айланма маблаглар
Айланма маблаглар самарадорлиги
Молиявий барқарорлик
Баланс ликвидлиги
Активлар ликвидлиги
Мутлақ ликвидлик
Жорий ликвидлик
Қисқа муддатли мажбуриятлар
Энг юқори ликвидли активлар
Тез сотилувчи активлар
Секинлик билан сотилувчи активлар
Энг юқори муддатли мажбуриятлар
Қисқа муддатли пассивлар
Дебиторлик қарзлари

10.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Молиявий таҳлил деб нимага айтилади?
Молиявий таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?
Бухгалтерия балансида нималар ҳисобга олинади?
Айланма маблаглардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини айтинг ва таърифланг?
Айланма маблагларнинг айланувчанлик коэффиценти қандай ҳисобланади ва у нимани билдиради?
Айланма маблагларнинг айланувчанлик коэффицентининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?
Молиявий барқарорлик деб нимага айтилади?
Молиявий барқарорлик коэффиценти қандай аниқланади?
Баланс ликвидлиги деб нимага айтилади?
Активлар ликвидлиги деганда нимани тушунилади?
Мутлақ ликвидлик коэффиценти қандай ҳисобланади?
Зудлик ликвидлик коэффиценти қандай аниқланади, унинг мазмунини тушунтиринг?
Жорий ликвидлик коэффиценти нимани билдиради?
Жорий ликвидлик коэффицентининг ўзгаришига неча омил таъсир қилади ва қайси усул билан уларнинг таъсири аниқланади?
Дебиторлик қарзлари нимани билдиради?
Дебиторлик қарзларининг мавжудлиги молиявий аҳволга қандай таъсир қилади?

11-Мавзу: Савдо корхоналарида товар обороти режасининг бажарилиши ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирининг таҳлили.

Режа:

- II.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 11.2. Савдо корхонасида товар обороти режасининг бажарилишини таҳлили.
- 11.3. Савдо корхонасининг товар заҳиралари билан таъминланиши ва товарлар айланишини таҳлил қилиш.
- 11.4. Товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таъсирининг таҳлили.
- 11.5. Таянч иборалар.
- 11.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

II.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига бўлган ораликдаги воситачилик ҳаракати савдо фаолиятини ифодалайди.

Савдо фаолияти таҳлилининг асосий мазмуни шундан иборатки, у товарлар айланишини, муомила харажатларини, молиявий натижаларини ва корхонанинг молиявий аҳволини, ҳамда уларнинг даражасини белгиловчи омилларнинг таъсирини ҳар томонлама ўрганиш ва чора-тадбирлар белгилашдир.

Таҳлилнинг асосий мақсади бўлиб, савдо фаолиятини ўрганиш асосида ушбу фаолиятнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини топиш ва жалб этиш йўллари кўрсатиш ҳисобланади.

Мақсадни амалга ошириш учун таҳлил қўйидаги асосий вазифаларини амалга ошириш керак:

- хўжалик ва ҳар бир тармоқ гуруҳлари бўйича товарлар обороти динамикаси ва режасининг бажарилишини ўрганиш;
- товар обороти ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш;
- товар обороти ҳажмини кўпайтириш имкониятларини топиш;
- аниқланган имкониятларни фаолиятга жалб қилиш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг асосий ахборот манбалари бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади:

- «Товар обороти ва товар заҳиралари тўғрисида статистик ҳисобот» (1-шакл),
- «Сотилган ва сотилмаган товар тўғрисида ҳисобот» (3-шакл),
- Бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари,
- Бизнес режа маълумотлари.

11.2. Савдо корхонасида товар обороти режасининг бажарилишини таҳлили.

Савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб, товар обороти ҳисобланади.

Товар обороти деганда нима тушунилади?

Товар обороти деганда ҳисобот даври давомида сотилган жами товарларнинг ҳажми (қиймати) тушунилади. Товар обороти жорий ва таққослама баҳоларда ҳисобланади, таърифланади. Бу кўрсаткич савдо корхонаси фаолиятининг ҳажми тўғрисида умумий тушунчани беради.

Савдо корхонаси фаолиятининг барча асосий кўрсаткичлари савдо обороти ҳажми билан бевосита боғлиқдир. Савдо оборотининг ҳажмига боғлиқ бўлган асосий кўрсаткичларга қўйидагилар киради: муомала харажатлари ҳажми ва даражаси, ялпи даромад ҳажми ва даражаси, фойда ҳажми, рентабеллик даражаси, ҳамда молия аҳволини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлар даражаси ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар.

Товар обороти сотиш турлари бўйича учга бўлинади: улгуржи савдо, майда улгуржи савдо ва чакана савдо. Биз чакана савдо фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлиliga тўхталдик. Ушбу бўлимда чакана товар обороти режасининг бажарилишини таҳлил қилиш йўллари келтирдик.

Таҳлил чакана товар оборотининг ҳақиқий ҳажмини режадаги ҳажмига қиёслаш орқали ўзгаришини аниқлашдан бошланади.

Ҳисобот давридаги товар оборотининг ҳақиқий ҳажмидан режа бўйича кўзда тутилган ҳажмини чегириш орқали унинг ўзгариши (кўпайган ёки камайганлиги) аниқланади. Товар обороти режаси бажарилишининг таҳлилини 37-жадвалдан кўриш мумкин.

37-жадвал

Чакана савдо товар обороти режаси бажарилишининг таққослама таҳлили.

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили		Режага нисбатан ўзгариши (+,-)	
	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Мутлоқ суммада	Ҳоизда
Жами товар обороти, минг сўм	253200	255400	+2200	+0,9
Шу жумладан: -нақд пулга сотилган	248450	250600	+2150	+0,9
-кредитга берилган товарлар	2750	3000	+250	+9,1
-майда улгуржи сотилган товарлар	2000	1800	-200	-10,0

37-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида товар оборотининг ҳақиқий ҳажми режадаги ҳажмига нисбатан 2200 минг сўмга ёки 0,9 фоизга ошган. Шу жумладан нақд пулга сотилган товарлар обороти ҳажми 2150 минг сўмга ёки 0,9 фоизга, кредитга берилган товарлар қиймати бўйича товар

обороти 250 минг сўмга ёки 9,1 фоизга ошган, фақат майда улгуржи савдо бўйича сотилган товарлар ҳажми 200 минг сумга ёки 10 фоизга камайган. Шундан кейин товар оборотининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқланиб, унга баҳо берилади.

Товар обороти ҳажмининг ўзгариши бир неча омиллар таъсири остида юзага келади. Шундай омиллар бўлиб товар баланси кўрсаткичлари ҳисобланади. Демак, товар баланси кўрсаткичларининг ўзгариши товар оборотига бевосита таъсир қилувчи омиллардир. Бу ерда товар баланси билан товар обороти боғлиқлигини таҳлилини кўриб чиқамиз.

Товар баланси шакли қўйидагича ифодаланади:

$$T1+TK=TO+TЧ+T2$$

Бу ерда, T1 – йил бошидаги захира товарлар қолдиғи;

T2 – йил охиридаги захира товарлар қолдиғи;

TK – товарлар кирими;

TO – сотилган товарлар (товар обороти);

TЧ – товарларнинг ҳар хил чиқими.

Бунда товар обороти тенг булади:

$$TC = T1 + TK - TЧ - T2$$

Демак, товар обороти ҳажмининг ўзгаришига 4та омил таъсир қилади:

1) йил бошидаги товар захиралари қолдиғининг ўзгариши ($T1_1 - T1_0$)

2) Товар киримининг ўзгариши ($TK_1 - TK_0$)

3) Хар хил товар чиқим ҳажмининг ўзгариши ($TЧ_1 - TЧ_0$)

4) йил охиридаги товар захиралари қолдиғининг ўзгариши ($T2_1 - T2_0$).

Бу ерда, 1-ҳақиқий кўрсаткич,

0-режадаги кўрсаткич.

Ушбу омилларнинг товар обороти ҳажмининг ўзгаришига таъсири солиштириш ёки занжирли боғланиш усули ёрдамида аниқланади.

Биринчи навбатда солиштириш усули орқали аниқладик. Бунинг учун ҳарбир омилнинг ҳақиқий кўрсаткичини режадаги кўрсаткичига солиштириб, таъсирини аниқладик.

Буни қуйидаги 38-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

38-жадвал

Товар обороти режасининг бажарилишини товар баланси асосида таҳлил қилиш.

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, (+,-)	Товар оборотига омилларнинг таъсири	
				Сўм ҳисобида	Фоиз ҳисобида
Йил бошидаги товар захиралари қолдиғи	45600	40100	-5500	-5500	-2,2
Ҳисобот давридаги товарлар кирими	255800	256600	+800	+800	+0,3
Ҳар хил товар чиқими	2000	2700	+700	-700	-0,3

Йил охиридаги товар захиралари қолдиғи	46200	38600	-7600	+7600	+3,0
Сотилган товарлар қиймати (обороти)	253200	255400	+2200	+2200	+0,8

Энди, 38-жадвал маълумотлари асосида товар оборотининг омилли таҳлилини «Занжирли боғланиш» усули орқали кўриб чиқамиз. Товар оборотининг режага нисбатан умумий ўзгариши:

$$(T_{11} + TK_1 - TЧ_1 - T_2) - (T_{10} + TK_0 - TЧ_0 - T_2) = (40100 + 256600 - 2700 - 38600) - (45600 + 255800 - 2000 - 46200) = 255400 - 253200 = +2200 \text{ минг сўм.}$$

Шу жумладан омиллар таъсири:

1-омил, йил бошидаги товар захиралари қолдиғининг режага нисбатан ўзгаришининг таъсири:

$$(T_{11} + TK_0 - TЧ_0 - T_2) - (T_{10} + TK_0 - TЧ_0 - T_2) = (40100 + 255800 - 2000 - 46200) - (45600 + 255800 - 2000 - 46200) = 247700 - 253200 = -5500 \text{ минг сўм.}$$

Демак, йил бошидаги товар захиралари ҳақиқий қолдиғи режага нисбатан 5500 минг сўмга кам бўлганлиги учун товар обороти суммасига салбий таъсир қилиб, унинг ҳажмини шу суммага (яъни 5500 минг сўмга) камайтирган.

2-омил товарлар кирими ҳажмининг режага нисбатан ўзгаришининг таъсири:

$$(T_{11} + TK_1 - TЧ_0 - T_2) - (T_{10} + TK_0 - TЧ_0 - T_2) = (40100 + 256600 - 2000 - 46200) - (40100 + 255800 - 2000 - 46200) = 248500 - 247700 = +800 \text{ минг сўм.}$$

Демак, товарларнинг кирими бўйича ҳажми режага нисбатан 800 минг сўмга ошганлиги товар обороти ҳажмига ижобий таъсир қилиб, унинг ҳажмини 800 минг сўмга ошишига олиб келган.

3-омил Хар хил товар чикимлари ҳажмининг ўзгаришининг таъсири:

$$(T_{11} + TK_1 - TЧ_1 - T_2) - (T_{10} + TK_1 - TЧ_0 - T_2) = (40100 + 256600 - 2700 - 46200) - (40100 + 255600 - 2000 - 46200) = 247800 - 248500 = -700 \text{ минг сўм.}$$

Демак, Хар хил товар чикимларини режага нисбатан 700 минг сўмга ошиши, товар оборотига салбий таъсир қилган, натижада шу омил ҳисобига товар обороти ҳажми 700 минг сўмга камайган.

4-омил. Йил охиридаги товар захиралари қолдиғининг ўзгаришини таъсири:

$$(T_{11} + TK_1 - TЧ_1 - T_2) - (T_{10} + TK_1 - TЧ_1 - T_2) = (40100 + 256600 - 2700 - 38600) - (40100 + 256600 - 2700 - 46200) = 255400 - 247800 = +7600 \text{ минг сўм.}$$

Демак, йил охиридаги товар захиралари қолдиғининг режага нисбатан 7600 минг сўмга камайиши товарларни ортиқча сотилганлигини билдиради. Шунинг учун унинг камайиши товар оборотига ижобий таъсир қилган, натижада шу омил ҳисобига унинг ҳажми 7600 минг сўмга ошган.

Хуллас, товар обороти режасининг бажарилишига икки омил ижобий, икки омил салбий таъсир қилган, натижада унинг ҳажми 2200 минг сўмга ёки 0,9 фоизга ошган.

11.3. Савдо корхонасининг товар захиралари билан таъминланиши ва товарлар айланишини таҳлил қилиш.

Товар обороти ҳажмининг ўзгаришини ўрганиш билан бир қатор корхонанинг товар захиралари билан таъминланишини ва товарлар айланиши аҳолини таҳлил қилиш зарур, чунки товар обороти ҳажми, муомала харажатлари, молиявий натижаларнинг ўзгариши кўп жиҳатдан шуларга ҳам боғлиқ бўлади.

Товар обороти режасининг мўътадил бажарилиши учун товар захиралари оптимал даражада бўлмоғи зарур. Захираларнинг етишмовчилиги ёки етарли даражада бўлмаслиги товар обороти ҳажмининг ўзгаришига салбий таъсир қилади, унинг ҳажмини камайишига сабабчи бўлади. Товар захираларининг ҳажми ҳар вақт меъёр атрофида (белгиланган режа даражасида) бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Товар захиралари аҳолига баҳо бериш учун хўжалик бўйича ҳам ва товар гуруҳлари бўйича ҳам захираларнинг ўртача йиллик ҳажми ҳисобланади ва таҳлил қилинади. Товар захираларнинг ўртача йиллик ҳақиқий ҳажмини режадаги (норматив)даги ҳажмига солиштириб ўзгариш аниқланади. Фарқи товарлар обороти ҳажми ва товарлар айланиш тезлигига боғлиқ бўлади.

Товар захираларининг ўртача йиллик ҳажмини статистик ўртача хронологик усул билан аниқлаш мумкин.

$$Z_y = \frac{Z_1 + Z_2 + Z_3 + \dots + Z_n}{n}$$

Бунда, $Z_1, Z_2, Z_3, \dots, Z_n$ - аниқ санага товар захиралари ҳажми
 n – саналар сони.

Товар захираларининг таҳлили билан бир қаторда товарлар кирими режасининг бажарилиши ҳам таҳлил қилинади. Товарларнинг савдо корхонасига мўътадил келиб тушуши савдо обороти ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилади.

Товарнинг кирими бўйича режанинг бажарилишини таҳлили жами, товар гуруҳлари ва ҳар бир тури бўйича амалга оширилиши керак.

Бунинг учун келиб тушган товарларнинг ҳақиқий ҳажмини режадагисига солиштирилиб, режанинг бажарилиш бўйича ўзгариш (мутлоқ ва нисбий миқдорларда) аниқланади ва баҳо берилади.

Товар захиралари билан таъминланиш даражаси товарлар кирими аҳолини ўрганиш билан бир вақтда товарлар айланиши даражаси ўзгаришини ҳам ўрганиш катта аҳамиятга эга, чунки товарлар обороти ҳажмининг ошиши ёки камайиши кўп жиҳатдан шу кўрсаткич ўзгаришига ҳам боғлиқ..

Товарлар айланиши уч кўрсаткич орқали ифодаланади:

товарларнинг айланувчанлик коэффициенти,
товарларнинг айланиш даври (давомлиги, кун ҳисобида);

товарлар оборотининг товар захиралари билан таъминланиш коэффиценти.

Товарларнинг айланувчанлик коэффиценти товар обороти ҳажмини (суммасини)(ТО) товар захираларининг ўртача қолдиғига (Зў) бўлиш орқали аниқланади:

$$K_{та} = \frac{ТО}{Зў}$$

Бу коэффицент товарларга йўналтирилган маблағларнинг бир йилда неча марта айланганлигини билдиради, яъни 1 сўмлик товар захирасига неча сўмлик сотилган товар суммаси тўғри келишлигини билдиради.

Товар айланиш даври (кун ҳисобида). Бу сотилган товарлар неча кунда бир марта айланганлигини билдиради. Бу кўрсаткични аниқлаш учун товар захираларининг ўртача қолдиқ суммасини даврдаги кунлар сонига кўпайтириб, натижани ҳисобот давридаги товар оборотининг ҳажмига бўлиш керак:

$$АДК = \frac{Зў \cdot 360}{ТО}$$

Товар оборотининг товар захиралари билан таъминланиш коэффиценти 1 сўмлик товар обороти суммаси ҳисобига неча сўмлик товар захираси тўғри келишлигини билдиради.

Ушбу коэффицент товар захираларининг ўртача қолдиқ суммасини (Зў) товар обороти суммасига (ТО) бўлиш орқали аниқланади:

$$K_{тз} = \frac{Зў}{ТО}$$

Товар айланиши билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар аниқлангандан кейин уларнинг ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган йилдаги ёки режадаги кўрсаткичига солиштириб ўзгариши аниқланади ва унга таъсир қилувчи омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули билан ҳисобланиб топилади.

Энди, савдо ташкилотининг ҳисобот материаллари асосида товарлар айланиш кўрсаткичларининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

39-жадвал

Товар айланиш кўрсаткичларининг таққослама таҳлили.

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Ўзгариши (+,-)
1. Товар обороти, минг сўм(ТО)	253200	255400	+2200
2. Товарлар захираларининг ўртача ҳажми (Зў), минг сўм	45900	39350	-6550
3. Товарларнинг айланувчанлик коэффиценти (1:2)	5,5	6,5	+1,0
4. Товарларнинг айланиш даври, кун ҳисобига (2:1)·360	65,4	55,4	-10,0
5. Товар захиралари билан таъминланиши даражаси (2:1):100	18,1	15,4	-2,7

39-жадвал маълумотларидан фойдаланиб товарларнинг айланувчанлик коэффицентининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

Товарларнинг айланувчанлик коэффиценти ҳисобот йилида режага нисбатан 1 коэффицентга юқори бўлган, яъни товар ҳолатидан пулга айланиш даври қисқарган, тезлашган. Бу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган:

товарлар захираси ўртача қолдиғи ўзгариши ҳисобига,
товарлар обороти ҳажмининг ўзгариши ҳисобига.

Товарлар айланувчанлик коэффицентининг ўзгаришига товарлар захираси ўртача қолдиғи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун товарларнинг шартли айланувчанлик коэффицентидан режадаги айланувчанлик коэффицентини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{TO_1}{Z\ddot{y}_1} - \frac{TO_0}{Z\ddot{y}_0} = \frac{253200}{39350} - \frac{253200}{45900} = 6,4 - 5,5 = +0,9$$

$$\frac{TO_1}{Z\ddot{y}_1} \quad \frac{TO_0}{Z\ddot{y}_0} \quad 39350 \quad 45900$$

Демак, товарлар захираси ўртача қолдиғининг режага нисбатан 6550 минг сўмга камайиши натижасида товарларнинг айланиши 0,9 марта тезлашган.

Товарлар айланувчанлик коэффицентининг ўзгаришига товар обороти ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ҳақиқий айланувчанлик коэффицентидан шартли айланувчанлик коэффиценти чегириб ташланади.

$$\frac{TO_1}{Z\ddot{y}_1} - \frac{TO_0}{Z\ddot{y}_1} = \frac{253400}{39350} - \frac{253200}{39350} = 6,5 - 6,4 = +0,1$$

$$\frac{TO_1}{Z\ddot{y}_1} \quad \frac{TO_0}{Z\ddot{y}_1} \quad 39350 \quad 39350$$

Демак, товарлар обороти ҳажмининг 2200 минг сўмга ошиши туфайли товарлар айланиши 0,1 мартага тезлашган.

Хуллас, икки омил ҳам товарлар оборотининг ўзгаришига ижобий таъсир қилган, натижада айланувчанлик коэффиценти 1 мартага тезлашган. Бошқача айтганда товарларнинг 1 мартага айланиш даври 10 кунга қисқарган. Бу эса ўз навбатида товар айланишининг ошишига ва муомала харажатларининг камайишига сабаби бўлувчи омилдир.

11.4. Товар оборот ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таъсирининг таҳлили.

Меҳнат ресурслари билан етарли даражада таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш товар оборот ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир қилади.

Товар оборот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи меҳнат омиллари бўлиб, қўйидагилар ҳисобланади:

савдо ходимларининг ўртача йиллик сонининг ўзгариши;
ўртача бир савдо ходими томонидан бир йилда ишлаган кунлари
сонининг ўзгариши;
ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши;

бир ходимнинг ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши(ходимнинг ўртача бир соатига тўғри келадиган товар обороти ҳажмининг ўзгариши).

Ушбу омилларнинг таъсири кўрсаткичлар фарқи ва занжирли боғланиш усуллари кўллаш орқали аниқланади. Биз «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб, таҳлилни амалган оширдик.

Юқоридаги омиллар кўпайтмаларининг йиғиндиси ҳар доим товар обороти ҳажмига тенг бўлиши керак:

$$TO = T \cdot K \cdot D \cdot M$$

Бу ерда, T - ходимларнинг ўртача йиллик сони;

K – ўртача 1 савдо ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари сони;

D – иш кунининг ўртача давомийлиги (соат ҳисобида);

M – ўртача 1 ходимнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги.

Товар оборотининг ўзгаришига омилларнинг таъсири ҳисоблашдан олдин қўйидаги боғланиш кўрсаткичларини аниқлаб олиш керак:

I $TO_0 = T_0 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0$ – базис йилидаги ёки режадаги товар обороти,

II $TO_{ш1} = T_1 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0$ – 1-нчи шартли товар обороти,

III $TO_{ш2} = T_1 \cdot K_1 \cdot D_0 \cdot M_0$ – 2-нчи шартли товар обороти,

IV $TO_{ш3} = T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_0$ – 3-шартли товар обороти,

V $TO_1 = T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_1$ – ҳисобот йилидаги ҳақиқий товар обороти,

Ушбу кўрсаткичларни узаро кетма-кетликда қиёслаш орқали товар обороти ўзгариши ва унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсир доираси аниқланади.

Товар обороти ҳажмининг ўзгариши:

$$V - I = T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_1 - T_0 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0 = \pm \Delta_{TKDM}$$

Товар обороти ўзгаришига омиллар таъсири аниқлаш:

1-омил «Ходимлар ўртача йиллик сони ўзгариши» нинг таъсири:

$$II - I = T_1 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0 - T_0 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0 = \pm \Delta_T$$

2-омил «ўртача бир ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари сони ўзгариши» нинг таъсири:

$$III - II = T_1 \cdot K_1 \cdot D_0 \cdot M_0 - T_1 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0 = \pm \Delta_K$$

3-омил «Ўртача иш куни давомийлигининг ўзгариши» нинг таъсири:

$$IV - III = T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_0 - T_1 \cdot K_1 \cdot D_0 \cdot M_0 = \pm \Delta_D$$

4-омил «Бир ходимнинг ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги даражаси» ўзгаришининг таъсири:

$$V - IV = T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_1 - T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_0 = \pm \Delta_M$$

Тўрт омил таъсирларининг йиғиндиси товар обороти ҳажмининг ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_T = \Delta_K \pm \Delta_D \pm \Delta_M = \Delta_{TKDM}$$

Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, товар оборотнинг ўзгаришига меҳнат омиллари таъсирининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

Товар оборотининг таҳлили учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Ўзгариши (+,-)
1. Товар обороти ҳажми, минг сўм	253200	255400	+2200
2. Савдо ходимларининг ўртача сони, киши	500	490	-10
3. Савдо ходимларининг ишлаган жами киши кунлари, минг к/к ҳисобида	160	151,9	-8,1
4. Ўртача бир ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари сони,	320	310	-10
5. Савдо ходимларининг ишлаган жами киши соатлари, минг к/с ҳисобида	1760	1822,8	+62,8
6. Ўртача иш кунининг давомийлиги, соат ҳисобида	11,0	12,0	+1,0
7. Бир ходимнинг ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги (сўм)	143,9	140,1	-3,8

Ҳисобот йилида товар оборот ҳажми режага нисбатан 2200 минг сўмга ошган, бу уч омилнинг салбий ва 1 омилнинг ижобий таъсири остида юзага келган.

Савдо ходимлари сони режага нисбатан 10 кишига камайган, натижада шу омил ҳисобига товар обороти 5002 минг сўмга камайган:

$$(T_1 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0) - (T_0 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0) = (490 \cdot 320 \cdot 11 \cdot 0,1439) - (500 \cdot 320 \cdot 11 \cdot 0,1439) = 248198 - 253200 = -5002 \text{ минг сўм.}$$

Бир ходимнинг бир йилда ишлаган кунлари сони режага нисбатан 10 кунга қисқарган, натижада шу омил ҳисобига товар обороти 7756 минг сўмга камайган.

$$(T_1 \cdot K_1 \cdot D_0 \cdot M_0) - (T_1 \cdot K_0 \cdot D_0 \cdot M_0) = (490 \cdot 310 \cdot 11 \cdot 0,1439) - (490 \cdot 320 \cdot 11 \cdot 0,1439) = 240442 - 248198 = -7756 \text{ минг сўм.}$$

Ўртача иш кунининг давомийлиги ҳисобот йилида режага нисбатан 1 соатга чўзилган (ошган), натижада шу омил ҳисобига товар обороти 21858 минг сўмга кўпайган.

$$(T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_0) - (T_1 \cdot K_1 \cdot D_0 \cdot M_0) = (490 \cdot 310 \cdot 12 \cdot 0,1439) - (490 \cdot 310 \cdot 11 \cdot 0,1439) = 262300 - 240442 = +21858 \text{ минг сўм.}$$

Бир ходимнинг ўртача соатлик меҳнат унумдорлиги даражаси (1 соатдаги савдо оборотининг ҳажми) ҳисобот йилида режага нисбатан пасайган, яъни бир соатда сотган товарлар ҳажми 3,8 сўмга камайган, натижада шу омил ҳисобига товар оборот ҳажми 6900 минг сўмга камайган.

$$(T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_1) - (T_1 \cdot K_1 \cdot D_1 \cdot M_0) = (490 \cdot 310 \cdot 12 \cdot 0,1401) - (490 \cdot 310 \cdot 11 \cdot 0,1439) = 255400 - 262300 = -6900 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, товар оборотининг ўзгаришига 3 омил салбий, бир омил ижобий таъсир қилган. Ижобий таъсир қилган омилнинг таъсир доираси ҳажми қолган уч омил таъсирларининг йиғиндисига нисбатан кўп бўлганлиги учун ҳам товар обороти режага нисбатан 2200 минг сўмга ошган.

Омиллар таъсирини кўйидаги умумлашган ҳолатдан кўриш мумкин:
савдо ходимлари сони ўзгаришининг таъсири (салбий)-5002 минг сўм
ишлаган кунлар сони ўзгаришининг таъсири (салбий) -7756
ўртача иш куни давомийлиги ўзгаришининг таъсири (ижобий)
+21854
соатлик меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсири (салбий)-6900
товар оборотининг ўзгариши +2200

Ушбу кўрсаткичлардан маълумки, товар оборот ҳажмини ошириш имкониятларидан корхона етарли фойдаланмаган. Товар оборот ҳажмини ошириш учун режалаштирилган иш кунлари сонининг камайиши ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига йўл қўймаслик чораларини кўриш зарур. Меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур.

11.5. Таянч иборалар.

товар обороти (товар айланмаси)
товар заҳиралари
товар айланиш коэффиценти
товар айланиш даври
товар баланси
товар оборотига таъсир қилувчи омиллар
заҳиралар билан таъминланиш коэффиценти
меҳнат омиллари

11.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

Товар оборот режасининг бажарилишини таҳлил қилишнинг мақсади нимадан иборат?
Товар обороти режасининг бажарилишини таҳлили деганда нимани тушунасиз?
Товар оборот ҳажмининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?
Товар баланси қайси кўрсаткичларни ўзида акс эттиради?
Товар баланси кўрсаткичлари товар оборот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланадими?
Товарлар айланиши қайси кўрсаткичлар орқали ифодаланади?
Товарлар айланиш коэффиценти қандай ҳисобланади ва у нимани билдиради?
Товарлар айланиш коэффицентининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?
Товар оборот ҳажмининг ўзгариши ва таъсир қилувчи меҳнат омилларини тушунтиринг.

12-мавзу. Савдо корхонасида муомала харажатларининг тақлили

Режа

- 12.1. Тақлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
 - 12.2. Муомала харажатларининг умумий қажми ва даражасининг ўзгаришини тақлил қилиш.
 - 12.3. Муомала харажатларини моддалар бўйича тақлил қилиш.
 - 12.4. Савдо ходимлари меънатига қанча тўлаш фондидан фойдаланиш ақволини тақлил қилиш.
- Таянч иборалар.
- Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

12.1. Тақлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Товарларни мақсулот ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача етказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар савдо корхонасининг муомала харажатлари бўлиб қисобланади. Муомала харажатлари товарларни ташиб келиш, сақлаш ва сотиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Муомала харажатлари мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар орқали ифодаланади. Муомала харажатларининг нисбий кўрсаткичи бўлиб, товарлар оборотиغا нисбатан қисобланадиган даражаси қисобланади.

Муомала харажатлари даражасини қуйидаги формула бўйича ифодалаш мумкин.

$$МХД = \frac{МХ}{ТО} * 100$$

Бу ерда МДХ – муомала харажатлари даражаси, % қисобида.

МХ – муомала харажатлари сўммаси.

ТО – товар айланмаси (товар обороти).

Муомала харажатлари даражаси товар харажатлари сиёимини тавсифлайди. Бу кўрсаткич сотилган товарлар қийматида (товар оборотидаги) муомала харажатларини улушини (қиссаси) билдиради. Муомала харажатлари даражаси савдо корхонасининг моддий ва меънат ресурсларидан фойдаланиш самарасини ифодалайди.

Муомала харажатлари корхонанинг молиявий натижасига салмоқли таъсир қилувчи омиллардан биридир. Шунинг учун қам муомала харажатларини тақлил қилиш катта ақамиятга эгадир.

Тақлилнинг мақсади нимадан иборат?

Тақлилнинг мақсади бўлиб муомала харажатларини чуқур ўрганиш асосида унинг даражасини пасайтириш имкониятларини

топиш ва савдо фаолиятига жалб этиш йўллари кўрсатиш кисобланади.

Муомала харажатларини тақлил қилишнинг асосий вазифалари бўлиб, қуйидагилар кисобланади:

- 1). Муомала харажатларининг қажми ва даражасини ўрганиш ва ўзгаришини аниқлаш;
- 2). Муомала харажатларининг умумий қажмига ва даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва таъсир даражасини тақлил қилиш;
- 3). Муомала харажатлари даражасини пасайтириш имкониятларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш;

Муомала харажатларини тақлил қилишнинг асосий манбалари бўлиб, бухгалтерия ва статистик кисоботларнинг маълумотлари, бухгалтерия кисобининг бош ва аналитик сўтлари маълумотлари, бизнес-режа маълумотлари кисобланади.

12.2. Муомала харажатларининг умумий қажми ва даражасининг ўзгаришини таҳлил қилиш.

Муомала харажатларининг тақлили кисобот давридаги қўйи кўрсаткичларини режадаги ёки базис давридаги кўрсаткичларига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Тақлилда аввало муомала харажатларининг умумий қажми ва даражасининг ўзгариши, сўнгра харажат моддалари бўйича ўзгариш ўрганилади.

Тақлил жараёнида кисобот йилидаги муомала харажатларининг қўйи қажмини (MX_1) режадаги қажмига ёки ўтган йилдаги қажмига (MX_0) солиштириб умумий ўзгариши аниқланади:

$$MX_1 - MX_0 = \pm \Delta (I)$$

Сўнгра ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири аниқланиб, баҳо берилади.

Муомала харажатлари сўммасининг ўзгаришига кўп омиллар таъсир қилади, лекин улар тақлил нуқтаи назаридан умумлаштириб қуйидаги икки омилда ифода этилади.

Товар обороти қажмининг ўзгариши;

Муомала харажатлари ўртача даражасининг ўзгариши;

Ушбу икки омил кўпайтмаларининг йиғиндиси муомала харажатлари қажмига тенг бўлади:

$$TO * MXD = MX (2)$$

Бунда, TO- товар обороти қажми;

MXD- муомала харажатлар даражаси

Муомала харажатлари даражаси (МХД) Ушбу формулада коэффицент тариқасида ифодаланди. Ушбу ёндашиш муомала харажатлари қажмини аниқлашда қам, унинг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлашда қам қулайлик туғдиради. Ўзгаришга баҳо беришда, хулоса қилишда фоиз орқали тавсифланади.

Омилларнинг муомала харажатлари қажмининг (сўммасининг) ўзгаришига таъсири «Кўрсаткичлар фарқи» усулидани фойдаланиб, аниқланади.

Ушбу формуладан (2) фойдаланиб, муомала харажатлари қажмининг ўзгаришини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу ерда унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар аниқ кўриниб туради. Биринчи формула $(MX_i - MX_0 = \pm \Delta)$ да омиллар кўринмайди.

Муомала харажатлари қажмининг ўзгариши қуйидагича аниқланади:

$$(TO_i * MX_{D_i}) - (TO_0 * MX_{D_0}) = \pm \Delta_{TO, MXD}$$

Муомала харажатлари қажмининг ўзгаришига омилларнинг таъсири қуйидаги тартибда аниқланади:

1-омил «Товар обороти қажми ўзгариши» нинг таъсирини аниқлаш учун қисобот йилидаги қайиқий товар обороти қажми

(TO_i) билан режадаги ёки ўтган йилдаги товар обороти қажми (TO_0) орасидаги фарқни $(TO_i - TO_0)$ режадаги (ёки ўтган йилдаги) муомала харажатларининг ўртача даражаси (MX_{D_0}) га кўпайтириш керак:

$$(TO_i - TO_0) * MX_{D_0} = \pm \Delta_{TO}$$

2 - омил «Муомала харажатлари ўртача даражаси» ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қисобот йилидаги қайиқий муомала харажатлари даражаси (MX_{D_i}) билан режадаги ёки ўтган йилдаги муомала харажатлари даражаси (MX_{D_0}) орасидаги фарқ $(MX_{D_i} - MX_{D_0})$ ни қисобот йилидаги қайиқий товар обороти сўммасига (TO_i) кўпайтириш керак:

$$(MX_{D_i} - MX_{D_0}) * TO_i = \pm \Delta_{MXD}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси муомала харажатлари сўммасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак.

$$\Delta_{TO} \pm \Delta_{MXD} = \Delta_{TO, MXD}$$

Энди, юқоридаги усул асосида муомала харажатлари қажмининг режага нисбатан ўзгаришининг тақлилини 41-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, амалга оширамиз.

Муомала харажатлари умумий қажми режасининг
бажарилишини тақлил.

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Ўзгариши (+, -)
1. Товар обороти, минг.сўм	253200	255400	+2200
2. Муомала харажатлари даражаси, коэффициент қисобида	0,185	0,189	+0,004
3. Муомала харажатлари сўммаси, млн.сўм. Шу жумладан ўзгаришга омилларни таъсири	46844	48271	+1427
товар обороти қажми ўзгаришини таъсири ($TO_1 - TO_0$) * MXD_0	x	x	+407
муомала харажатлари даражаси ўзгаришини таъсири ($MXD_1 - MXD_0$) * TO_1	x	x	+1020

41-жадвалдан маълумки, муомала харажатларининг қабилий сўммаси режалаштирилган сўммасига нисбатан 1427 минг сўмга ошган:

$$(TO_1 * MXD_1) - (TO_0 * MXD_0) = (255400 * 0,189) - (253200 / 0,185) = 48271 - 46844 = +1427 \text{ минг сўм}$$

Муомала харажатлари қажмининг ошишига икки омил қам сабабчи бўлган. Товар обороти қажмининг режага нисбатан 2200 минг сўмга ошиши муомала харажатлари сўммасининг 407 минг сўмга кўпайишига сабабчи бўлган:

$$(TO_1 - TO_0) * MXD_0 = (255400 - 253200) * 0,185 = +2200 / 0,185 = +407 \text{ минг сўм.}$$

Ҳақиқий муомала харажатларининг ўртача даражаси режага нисбатан 0,4 фоизга (ёки 0,004 коэффициентга) ошган, натижада муомала харажатлари қажмига салбий таъсир бўлиб, уларнинг қажмини 1020 минг сўмга ошишига сабабчи бўлган:

$$(MXD_1 - MXD_0) * TO_1 = (0,189 - 0,185) * 255400 = +0,004 * 255400 = +1020 \text{ минг сўм.}$$

Икки омил таъсирларининг йиғиндиси муомала харажатлари қажмининг ўзгаришига тенг келади:

1) Товар обороти қажмининг ўзгаришини таъсири +407 минг сўм.

2) Муомала харажатлари даражасининг ўзгаришини таъсири +1020 минг сўм

Муомала харажатлари қажмининг ўзгариши +1427 минг сўм

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, муомала харажатлари суммасини камайтиришнинг асосий резерви бўлиб уларнинг даражасини камайтириш кисобланади. Шунинг учун муомала харажатлари таркибини харажат моддалари бўйича тақлил қилиш зарур.

Муомала харажатлари даражасининг таҳлилини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофик бўлади.

Тақлил қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади.

Муомала харажатлари даражасининг ўзгаришини аниқлаш:

$$\frac{MX_1 * 100}{TO_1} - \frac{MX_0 * 100}{TO_0} = \pm \Delta_{\text{то, MX}}$$

Муомала харажатлари даражасининг ўзгаришига товарлар обороти қажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун «шартли муомала харажатлари даражасидан режадаги муомала харажатлари даражаси» ни чегириб ташлаш.

$$\frac{MX_0 * 100}{TO_1} - \frac{MX_0 * 100}{TO_0} = \pm \Delta_{\text{то}}$$

Муомала харажатлари даражасининг ўзгаришига муомала харажатлари қажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қатъий муомала харажатлари даражасидан шартли муомала харажатлари даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{MX_1 * 100}{TO_1} - \frac{MX_0 * 100}{TO_1} = \pm \Delta_{\text{MX}}$$

Икки омил таъсирларининг йиғиндиси муомала харажатлари даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{\text{то}} \pm \Delta_{\text{MX}} = \Delta_{\text{то, MX}}$$

Шундан кейин омиллар таъсирларига баҳо бериб, хулоса қилинади.

Муомала харажатларининг умумий қажми ва даражасининг тақлилидан кейин уларнинг харажат моддаларининг тақлилини амалга ошириш мақсадга мувофик бўлади.

12.3. Муомала харажатларини моддалари бўйича тақлил қилиш.

Савдо корхонаси муомала харажатлари ўзгариши (ошиши ёки камайиши) нинг сабабини аниқ билиш учун уларнинг таркибини харажат моддалари бўйича кам ўрганиш зарур.

Бевосита тақлил қилишга ўтишдан олдин қар модда бўйича харажатларнинг товар обороти қажмига боғлиқлигига қараб, уларни ўзгарувчан ва шартли-доимий (ўзгармас) харажатлар гуруҳларига бўлиб олиш керак. Шундан кейин харажат моддаларининг тақлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзгарувчан муомала харажатлари қажми бевосита товар обороти қажмига боғлиқ бўлади. Товар обороти қажми ошган сайин ўзгарувчан муомала харажатлари қажми кам ошиб боради, аммо даражаси ўзгармасдан қолади.

Ўзгарувчан муомала харажатлари таркибига қуйидаги харажат моддалар киради:

Транспорт харажатлари;

Савдода бевосита банд бўлган ходимларнинг иш қарғи;

Ижтимоий суғўрта харажатлари;

Товарларни сақлаш, қайта ишлаш, қайта саралаш ва жойлаш харажатлари;

Реклама харажатлари;

Идиш-таралар учун қилинган харажатлар;

Меъёр чегарасидаги нобудгарчиликлар;

Шартли-доимий харажатлар суммаси товар обороти қажмига боғлиқ бўлмайди, фақат уларнинг даражаси боғлиқ бўлади, яъни товар обороти қажми ошса, даражаси пасаяди, аммо сўммаси ўзгармасдан қолади. Шартли –доимий бу харажатларга қуйидагилар киритилади:

Иморат, иншоат ва жихозларни ижарага олиш харажатлари;

Асосий воситаларни амортизацияси;

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

Маъмурий-бошқарув ходимларини меқнат қарғи;

Махсус кийимлар, кам бақоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши;

Меқнатни муҳофаза қилиш харажатлари;

Савдони ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ва бошқалар;

Харажатларни ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатларга бўлиб ўрганишдан мақсад нима?

Тақлилнинг мақсади, иккала гуруҳ кўрсаткичлари бўйича мутлоқ ва нисбий ўзгаришларни аниқлаб, муомала харажатларини умумий қолатига объектив бақо бериш бўлиб қисобланади.

Муомала харажатлари бўйича мутлоқ ўзгариш қабилий муомала харажатлар суммасидан режадаги харажатлар суммасини чегириб ташлаш орқали аниқланиди.

Муомала харажатлари бўйича нисбий ўзгариши қандай аниқланади?

Қисобот йилидаги қабилий муомала харажатлари қажмидан қайта қисобланган “шартли муомала харажатлари” қажмини чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Нисбий ўзгаришни аниқлашдан олдин ўзгарувчан муомала харажатлари бўйича “шартли ўзгарувчан муомала харажатлари” суммасини қисоблаб олиш керак. Қисобот йилидаги қабилий товар обороти қажмини режадаги ўзгарувчан муомала харажатлари даражаси коэффициентига кўпайтириш орқали режа бўйича қайта қисоблаган. “Шартли ўзгарувчан муомала харажатлари” суммаси аниқланади. Сўнгра қисобот йилидаги қабилий ўзгарувчан муомала харажатлари суммасидан “шартли ўзгарувчан харажатлар” суммасини чегириб ташлаш орқали ўзгарувчан муомала харажатларининг нисбий ўзгариши аниқланади. Шундан сўнг муомала харажатларининг жами бўйича нисбий ўзгариши қуйидаги тартибда қисобланади. Биринчи навбатда режа бўйича қайта қисобланган “шартли муомала харажатлари” суммасини аниқланди. Буни аниқлаш учун “шартли доимий харажатлар” нинг режадаги суммасини қўшиб, “шартли муомала харажатларини жами суммаси” аниқланади. Шундан сўнг қабилий муомала харажатларининг жамидан “шартли муомала харажатлари” нинг жамини чегириш орқали нисбий ўзгариши аниқланди.

Натижа минус билан чиқса, у муомала харажатлари бўйича тежалган маблағлар қажмини билдиради, аксинча бўлса – ортиқча сарф –харажат қилинганлигини кўрсатади. Шундай булган таҳдирда савдо корхонасининг биринчи ҳолатда фойдаси ошади, иккинчи ҳолда фойдаси камаяди, оқибатда молиявий ҳолатга ё ижобий, ё салбий таъсир қилади.

Энди, муомала харажатларининг моддалар бўйича режаси бажарилишининг тақлилини кўриб чиқамиз.

42-жадвал.

Харажат моддалари бўйича режа бажарилишининг тақлил.

Кўрсаткичлар	Режа бўйича		Шартли харажат		Қапикатда		Ўзгариши (+,-)	Ш.ж.омиллар таъсири	
	Суммаси. Минг сўм.	Даражаси %	Суммаси минг, сўм	Даражаси %	Суммаси минг,сўм	Даражаси %		Товар обороти қисоби га	Харажат даражаси қисоби га
1. Товарларни ташиш харажатлари	3798	1,50	3831	1,50	3959	1,55	+161	+33	+126
2. меънат қапи харажати, иж.сугирта.	24054	9,50	24263	9,50	24774	9,70	+720	+209	+511
3. товарларни саклаш, кайта ишлаш ва жойлаштириш харажатлари	760	0,30	766	0,30	638	0,25	-122	+6	-128
4.Савдо рекламаси	633	0,25	639	0,25	715	0,28	+82	+6	+76
5. Товарларни та-шиш, саклаш ва сотиш пайтидаги йукотишлар.	127	0,05	128	0,05	179	0,07	+52	+1	+51
6. Идиш харажатлари	886	0,35	894	0,35	1021	0,40	+135	+8	+127
7. Бошқа харажатлар (50%)	253	0,10	255	0,10	230	0,09	-23	+2	-25
Ўзгарувчан харажатлар жами	30511	12,05	30776	12,05	31516	12,34	+1005	+265	+740
Шартли доимий харажатлар жами	16333	6,45	16333	6,39	16755	6,56	+422	-	+422
Муомала харажатларининг жами	46844	18,50	47109	18,44	48271	18,90	+1427	+265	+1162
Товар обороти қажмининг жами	253200	100	255400	100	255400	100	+2200	-	-

42-жадвалдан кўриниб турибдики, муомала харажатлари қисбот йилида режага нисбатан 1427 минг сўмга ошган, шу жумладан ўзгарувчан харажатлар сўммаси 1005 минг сўмга, шартли доимий харажатлар суммаси 422 минг сўмга ошган.

Муомала харажатларининг қажми товар обороти қажмининг ошиши қисобига 265 минг сўмга, харажатлар даражаси қисобига 1162 минг сўмга ошган. Ушбу маълумотлардан шу нарса маълумки, муомала харажатлари бўйича режага нисбатан ортиқча харажат содир бўлишига йўл бўйилган. Буни мутлоқ ва нисбий ўзгаришлар кўрсатиб турибди. Қисобот йилидаги мутлоқ ортиқча харажат қажми 1427 минг сўмни, нисбий ортиқча харажат қажми эса 1162 минг сўмни ташкил қилади. Демак, қисобот йилида режага нисбатан асоссиз ортиқча қилинган харажат – бу нисбий ортиқча харажат суммасидир. Ушбу ортиқча муомала харажатларининг 740 минг сўми ўзгарувчан харажатлар қисобига, 422 минг сўмни доимий харажатлар қисобига содир бўлган.

Демак, муомала харажатларини камайтириш имкониятларидан корхона фойдалана олган эмас.

12.4. Ўзгарувчан меънат қўли фондининг омилли тақлили.

Савдо корхонасида бевосита товарларни сотиш билан банд бўлган сотувчиларга тўланган меънат қўли суммаси ўзгарувчан муомала харажатларини асосий қисмини (50–60 фоизини) ташкил қилади. Шунинг учун қам “меънат қўли харажатлари” моддаси ўзгаришини омилли тақлил қилиш катта ақамиятга эга.

Қисобот йилида қисобланган қўли қажми иш қўли қажмини режалаштирилган иш қўли қажмига солиштириб, ўзгариши (тежалган ёки ортиқча харажат бўлганлиги) аниқланди. Сўнгра ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири аниқланиб, омилли тақлил қилинади.

Ўзгарувчан меънат қўли қажмининг ўзгаришига бевосита уч омил таъсир қилади.

- 1) Товар обороти қажмини ўзгартириш;
- 2) Савдо ходимларини меънат унумдорлиги даражасининг ўзгариши;
- 3) 1 сотувчининг ўртача иш қўли даражасининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсири «Занжирли боғлиқлиқ» усулидан фойдаланиб, қисобланади. Омиллар таъсири аниқланганга қадар қўлидаги боғлиқлиқ кўрсаткичлари қисоблаб олинади:

$\Phi_0 = TO_0 : MU_0 * \Pi K_0$ - базис йилидаги ёки режадаги сотувчи ходимларнинг иш қўли фонди;

$\Phi_{ш1} = TO_1 : MU_0 * \Pi K_0$ - 1- шартли иш қўли фонди

$\Phi_{ш2} = TO_1 : MU_1 * \Pi K_0$ - 2 – шартли иш қўли фонди.

$\Phi_1 = TO_1 : MU_1 * \Pi K_1$ - Қисобот йилидаги қўли қажми иш қўли фонди

Бу ерда , $\Pi\Phi$ - иш $\acute{\text{ка}}\Pi$ и фонди .

$МУ_1$, $МУ_0$ - Мос $\acute{\text{колда}}$ $\acute{\text{кисобот}}$ ва базис йилларидаги ме $\acute{\text{кнат}}$ унумдорлиги кўрсаткичлари;

$\check{УМХ}_1$, $\check{УМХ}_0$ - мос $\acute{\text{колда}}$ $\acute{\text{кисобот}}$ ва базис йилларидаги ёки режадаги ўртача ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и даражаси.

Ушбу боғланиш кўрсаткичлар ёрдамида ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и фондининг умумий ўзгариши тақлили Π уйидаги кетма – кетликда амалга оширилади. Меҳнат ҳақи фондининг умумий ўзгариши

$$(\text{ТО}_1 : МУ_1 * УМХ_1) - (\text{ТО}_0 : МУ_0 * УМХ_0) = \pm \Delta_{\text{ТО,МУ,УМХ}}$$

Ушбу ўзгаришга омиллар таъсири Π уйидагича аниқланади:

1-омил “Товар обороти $\acute{\text{ка}}\text{жми}$ ўзгариши” нинг ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и фонди (харажати)нинг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун II боғланиш кўрсаткичидан I боғланиш кўрсаткичи чегириб ташланади:

$$(\text{ТО}_1 : МУ_0 * \Pi\acute{\text{М}}_0) - (\text{ТО}_0 : МУ_0 * \Pi\acute{\text{М}}_0) = \pm \Delta_{\text{ТО}}$$

Товар обороти $\acute{\text{ка}}\text{жми}$ ошса, ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и суммаси $\acute{\text{кам}}$ мутаносиб равишда ошади.

2-омил “Ме $\acute{\text{кнат}}$ унумдорлик даражаси” ўзгаришининг ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и фондининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун III боғланиш кўрсаткичидан II – боғланиш кўрсаткичини чегириб ташлаш керак.

$$(\text{ТО}_1 : МУ_1 * \Pi\acute{\text{М}}_0) - (\text{ТО}_1 : МУ_0 * \Pi\acute{\text{М}}_0) = + \Delta_{\text{МУ}}$$

Ме $\acute{\text{кнат}}$ унумдорлиги даражаси ошса, ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и учун бўладиган харажат суммаси камаяди.

3-омил “Ўртача иш $\acute{\text{ка}}\Pi$ и даражаси” ўзгаришининг ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и суммасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун IV боғланиш кўрсаткичидан III боғланиш кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$(\text{ТО}_1 : МУ_1 * \Pi\acute{\text{М}}_0) - (\text{ТО}_1 : МУ_0 * \Pi\acute{\text{М}}_0) = \pm \Delta_{\check{УМХ}}$$

Ўртача иш $\acute{\text{ка}}\Pi$ и даражаси ошса, ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и суммаси $\acute{\text{кам}}$ ошади.

Ушбу уч омил таъсирларининг йиғиндиси “ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и харажатлари” моддаси бўйича бўлган харажат $\acute{\text{ка}}\text{жмининг}$ умумий ўзгаришига (сотувчилар ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и фондининг ўзгаришига) тенг келиши керак.

$$\Delta_{\text{ТО}} \pm \Delta_{\text{МУ}} \pm \Delta_{\text{УМХ}} = \Delta_{\text{ТО,МУ,УМХ.}}$$

Ўзгарган ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и фондининг (“ме $\acute{\text{кнат}}$ $\acute{\text{ка}}\Pi$ и харажатлари” моддаси бўйича харажатлар $\acute{\text{ка}}\text{жмининг}$) ўзгаришининг тақлилини Π уйидаги маълумотлардан фойдаланиб, кўриб чикамиз.

Ўзгарувчан меънат қаби фондининг омилли тақлили учун зарур бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Қабиқатда	Ўзгариши (+,-,+)
1. Товар обороти қажми, минг сўм	253200	255400	+2200
2. меънат унумдорлиги даражаси (1 сотувчи қисобига тўғри келадиган оборот суммаси), минг сўм.	1583	1576	-70
3. 1 сотувчининг ўртача йиллик меънат қаби, минг сўм.	144	145	+1,0
4. Ўзгарувчан меънат қаби фонди, минг сўм	23000	23500	+500

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сотувчи ходимларнинг меънат қаби фондининг қажми қисобот йилида базис йилига нисбатан 500 минг сўмга ошган.

$$(TO_1 : MU_1 * MK_0) - (TO_0 : MU_0 * MK_0) = (255400 : 1577 * 145) - (253200 : 1583 * 144) = 23500 - 23000 = + 500 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу ўзгаришга 1-омил – “товар обороти қажми” ўзгаришининг таъсирини аниқлаш:

$$(TO_1 : MU_0 * MK_0) - (TO_0 : MU_0 * MK_0) = (255400 : 1583 * 144) - (253200 : 1583 * 144) = 23233 - 23000 = +233 \text{ минг сўм.}$$

Демак, товар оборотининг қабиқий қажми режага нисбатан 2200 минг сўмга ёки 0,9 % га ошган, натижада шу омил қисобига меънат қаби фонди қажми 233 минг сўмга ошган.

2- омил “меънат унумдорлиги даражаси” ўзгаришининг таъсирини аниқлаш :

$$(TO_1 : MU_1 * MK_0) - (TO_1 : MU_0 * MK_0) = (255400 : 1576 * 144) - (255400 : 1583 * 144) = 23336 - 23233 = +103 \text{ минг сўм.}$$

Демак, меънат унумдорлиги даражаси режага нисбатан 70минг сўмга ёки 0,4 фоизга пасайган, натижада шу омил қисобига иш қаби учун бўлган харажат суммаси 103 минг сўмга ошган. Ушбу омил даражасини пасайиши иш қаби фондининг ўзгаришига салбий таъсир килган.

3 – омил “ Ўртача меънат қаби даражаси “ ўзгаришининг таъсирини аниқлаш :

$$(TO_1 : MU_1 * MK_0) - (TO_1 : MU_1 * MK_0) = (255400 : 1576 * 145) - (255400 : 1576 * 1583) = 23500 - 23336 = + 164 \text{ минг сўм .}$$

Демак , қисобот йилида режага нисбатан 1 ходимнинг ўртача йиллик меънат қўли даражаси режага нисбатан 1,0 минг сўмга ошган, натижада шу омил қисобига меънат қўли фондининг жами суммаси 164 минг сўмга кўпайган.

Ушбу уч омил таъсирларининг йиғиндиси меънат қўли фондининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак :

1) товар обороти қажми ўзгаришининг таъсири + 233 минг сўм.

2) меънат унумдорлиги даражаси ўзгаришининг таъсири+ 103 минг сўм

3) Ўртача иш қўли даражаси ўзгаришининг таъсири +164 минг сўм

Меънат қўли суммасининг жами ўзгариши + 500 минг сўм.

Ушбу тақлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, сотувчи савдо ходимларининг иш қўли бўйича муомала харажатларини камайиш имкониятлари бўлиб, савдо ходимларининг меънат унумдорлигини кескин ошириш қисобланади.

12.5. Таянч иборалар

муомала харажатлари

ўзгарувчан муомала харажатлари

шартли-доимий муомала харажатлари

харажат моддалари

мутлоқ ўзгариш

нисбий ўзгариш

меънат қўли фонди

шартли муомала харажатлари

харажатдарга таъсир қилувчи омиллар

харажатлар даражаси

харажатлар қажми

12.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Муомала харажатларини тақлил қилишдан мақсад нима?

2. Муомала харажатлари деганда нима тушунилади ?

3. Муомала харажатлари қажми ва даражаси нимани билдиради ва улар қандай қисобланади ?

4. Муомала харажатларининг қажмини ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади ?

5. Муомала харажатлари қажмининг ўзгаришига товар обороти қажми ўзгаришининг таъсири қандай аниқланади ?

6. Ўзгарувчан муомала харажатлари деб нимага айтилади ва Ҳайси харажат моддалари ушбу харажат таркибига киради.
7. Шартли- доимий харажатлар мазмунини тушунтиринг.
8. Қар бир модда суммасининг ўзгаришига таъсир Ҳилувчи омилларни биласизми? Улар қайсилар ?
9. Меънат қанча харажатиининг омилли тақлилиниг мазмунини тушунтиринг.

13-мавзу: Савдо корхонасининг молиявий ҳолатининг таҳлили.

Режа:

- 13.1 Янги савдо корхонаси даромади режасининг бажарилишини таҳлил Ҳилиш.
- 13.2 Савдо корхонаси фойдаси режасининг бажарилишини ва динамикасини таҳлил Ҳилиш .
- 13.3 Сотилган товарлар рентабеллигининг таҳлили.
- 13.4 Молиявий ҳолатни ифодаловчи нисбий кўрсаткичларнинг таҳлили.
- 13.5 Дебиторлик ва кредиторлик Ҳарзларининг таҳлили.
- 13.6 Таянч иборалар.
- 13.7 Ҳз -Ҳзини текшириш учун саволлар.

13.1. Савдо корхонаси ялпи даромади режасининг бажарилишини таҳлил Ўилиш

Товарларни сотиш натижасида олинган савдо чегирмаларининг йиғиндиси савдо корхонасининг ялпи даромади бўлиб ҳисобланади. Ялпи даромад мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Ялпи даромаднинг нисбий кўрсаткичи унинг даражасини коэффициентда ёки фоизда ифодалайди. Ялпи даромад товар оборотига нисбатан ҳисобланади.

Ялпи даромад ҳажмининг таҳлили унинг мутлоқ ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Ҳисобот йилидаги ялпи даромаднинг ҳақиқий суммасини (ЯД) режадаги (ёки Ўтган йилдаги) суммасига (ЯД) солиштириб мутлоқ ўзгариши (кўпайган ёки камайган суммаси аниқланади). Буни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$ЯД_1 - ЯД_0 = \pm \Delta(1) \frac{ТО_1 * ЯДД_1}{100} - \frac{ТО_0 * ЯДД_0}{100} = \pm \Delta_{ТО, ЯДД} (2)$$

Бу ерда, $ТО_1, ТО_0$ – мос ҳолда ҳисобот ва базис йилидаги (ёки ҳақиқий ва режадаги)товар обороти;

$ЯДД_1, ЯДД_0$ - мос ҳолда ҳисобот ва базис йилидаги (ёки ҳақиқий ва режадаги) ялпи даромад даражаси.

Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади Булар қуйидагилар:

1. Товар обороти ҳажмининг ўзгариши;
2. Ялпи даромад даражасининг ўзгариши;

Ушбу омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулини қўллаш орқали аниқлаш қулайроқ бўлади. Биз бу бўлимда ялпи даромад режасининг бажарилишини омилли таҳлиliga тўхтадик.

Омиллар таъсирини аниқлаганга қадар учта боғланишнинг кўрсаткичи аниқланади .

1. $ЯД_0 = \frac{ТО_0 * ЯДД_0}{100}$ - режадаги ялпи даромад суммаси
2. $ЯД_{ш} = \frac{ТО_1 * ЯДД_0}{100}$ - шартли ялпи даромад суммаси
3. $ЯД_1 = \frac{ТО_1 * ЯДД_1}{100}$ – ҳисобот йилидаги ялпи даромад суммаси

Шундан кейин омилларнинг ялпи даромад суммасини ўзгаришига таъсири аниқланади.

омил «Товар обороти ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун Шартли ялпи даромад суммаси»дан (2-боғланишдан) режадаги ялпи даромад суммасини (1-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$ЯДД_{ш} - ЯД_0 = \frac{ТО_1 * ЯДД_0}{100} - \frac{ТО_0 * ЯДД_0}{100} = \pm \Delta_{ТО}$$

Товар обороти ҳажми режага нисбатан ошса, ялпи даромад ҳажмига ижобий таъсир қилади, натижада унинг ҳажмини оширади.

2-омил «Ялпи даромад даражаси ўзгаришининг» таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги ялпи даромаднинг ҳақиқий ҳажмидан (3-боғланишдан) шартли ялпи даромад ҳажмини (2-боғланишни) чегириб ташлаш керак:

$$ЯД_1 - ЯД_{ш} = \frac{ТО_1 * ЯДД_1}{100} - \frac{ТО_1 * ЯДД_0}{100} = \pm \Delta \text{ ядд}$$

Ушбу икки омил таъсирларининг йиғиндиси ялпи даромад ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг келиши шарт: $\Delta_{ТО} \pm \Delta \text{ ядд} = \Delta_{ТО, \text{ ядд}}$

Энди, ялпи даромад ҳажми ўзгаришининг омилли таҳлилини юқоридаги «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб кўриб чиқамиз.

44- жадвал

Савдо корхонасининг ялпи даромади ҳажмининг қиёслама таҳлили

Кўрсаткичлар номи.	Режа бўйича	Ҳақиқий товар обороти ва режадаги ялпи даромад даражаси	Ҳақиқатда	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши.	
					Товар оборотининг ўзгариши ҳисобига	Ялпи даромад даражасининг ўзгариши ҳисобига
Товар обороти, минг сум.	253200	255400	255400	+2200	х	х
Ўртача ялпи даромад даражаси, %	22.0	22.0	23.5	+1,5	х	х
Ялпи даромад ҳажми, минг сум	55704	56188	60019	+4315	+484	+3831

44- жадвалдан кўриниб турибдики, ялпи даромад ҳажми режадаги ҳажмига нисбатан 4315 минг сўмга ёки 7,7 % га ошган :

$$\frac{ТО_1 * ЯДД_1}{100} - \frac{ТО_0 * ЯДД_0}{100} = \frac{255400 * 23,5}{100} - \frac{253200 * 22,0}{100} = 60019 - 55704 = +4315 \text{ минг сўм}$$

Демак товар обороти ҳажмининг ошиши ва ялпи даромад даражасининг юқори бўлиши натижасида ялпи даромад суммаси режага нисбатан 4315 минг кўпайган. Икки омил ҳам ушбу ўзгаришга ижобий таъсир қилган. Товар обороти ҳажми режага нисбатан 2200 минг сўмга ошган, натижада товарларни сотишдан олинган ялпи даромад суммаси шу омил ҳисобига 484 минг сўмга кўпайган

$$\frac{ТО_1 * ЯДД_0}{100} - \frac{ТО_0 * ЯДД_0}{100} = \frac{255400 * 22,0}{100} - \frac{253200 * 22,0}{100} = 56188 - 55704 = +484 \text{ минг}$$

сўм Ялпи даромад даражаси режага нисбатан 1,5 % юқори бўлган натижада шу омил ҳисобига ялпи даромад суммаси 3831 минг сўмга кўпайган:

$$\frac{ТО_1 * ЯДД_1}{100} - \frac{ТО_1 * ЯДД_0}{100} = \frac{255400 * 23,5}{100} - \frac{255400 * 22,0}{100} = 60019 - 56188 = +3831 \text{ минг}$$

сўм

Ушбу омиллар таъсирларнинг йигиндиси ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига тенг келиши керак:

Товар обороти ҳажми ўзгаришининг таъсири (ижобий) +484 минг сўм

Ялпи даромад ўртача даражаси ўзгаришининг таъсири (ижобий) 3831 минг сўм

Ялпи даромад ҳажмининг ошиши товарларни сотишдан олинган фойданинг кўпайишига сабабчи бўлувчи асосий омиллардан биридир. Демак ялпи даромад ҳажмининг ошиши хўжалик молиявий фаолиятининг мустаҳкамлашишда маълум даражада ижобий рол ўйнайди.

13.2. Савдо корхонаси фойдаси режасининг бажарилиши ва динамиқасини таҳлил қилиш

Савдо корхонасининг фойдаси ялпи даромад суммаси билан муомала харажатлари суммаси орасидаги фаркга тенг бўлади. Ялпи даромад суммасини (ЯД) аниқлаш учун товар обороти ҳажмини (ТО) ялпи даромадни нг ўртача даражасига (ЯДД) кўпайтириш керак : $ЯД = ТО * ЯДД$

Муомала харажатдан суммасини (МХ) аниқлаш учун товар оборот ҳажмини Муомала харажатдан суммасини (МХ) аниқлаш учун товар обороти ҳажмини (ТО) муомала харажатлари даражасига (МХД) кўпайтиримш керак.

$$МХ = ТО * МХД$$

Савдо фаолияти фойдаси ҳажми тенг бўлади,

$$Ф = ЯД - МХ \quad (1) ; Ф = (ТО * ЯДД) - (ТО * МХД) \quad (2);$$

$$Ф = ТО * (ЯДД - МХД) \quad (3).$$

Таҳлил нўқтаи назардан 3-чи формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир чунки бу ерда фойдага таъсир қилувчи омиллар аниқ кўриниб тўради

Демак фойдага қуйидаги ўч омил таъсир қилади

товар оборот ҳажмининг ўзгариши

ялпи даромад ўртача даражасининг ўзгариши

муомала харажатдан ўртача даражасининг ўзгариши

Фойда суммасининг ўзгаришига омиллар таъсири «кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиш орқали ҳисобланади.

Ҳақиқий фойда суммасининг режадаги суммасига нисбатан ўзгариши куйидагича аниқланади:

$$\frac{TO_1 * (ЯДД_1 - МХД_1)}{100} - \frac{TO_0 (ЯДД_0 - МХД_0)}{100} = \pm \Delta TO, ЯДД, МХД$$

Бу ерда, TO_1 , TO_0 - мос ҳолда ҳақиқий ва режадаги товар обороти ҳажми.

$ЯДД_1, ЯДД_0$ - мос ҳолда ҳақиқий ва режадаги ялпи даромад, фоизда $МХД_1, МХД_0$ - мос ҳолда ҳақиқий ва режадаги муомала харажатлари даражаси, фоизда

Шундан сўнг муомала харажатлари ўзгаришига омиллар таъсири аниқланади.

Товар обороти ҳажми ўзгаришининг фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш учун ҳақиқий товар обороти билан режадаги (ўтган йилдаги товар обороти (TO_0) орасидаги фарқни ($TO_1 - TO_0$) режадаги фойда (рентабиллик) даражасига кўпайтириб, 100 фоизи бўлиши керак:

$$\frac{(TO_1 - TO_0) * (ЯДД_0 - МХД_0)}{100} = \pm \Delta TO$$

товар обороти ҳажми ошса, фойда суммаси ҳам ошади қамайса фойда ҳам қамаяди.

Ялпи даромад ўртача даражаси ($ЯДД$) ўзгаришининг фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ялпи даромадни ҳақиқий ўртача даражаси ($ЯДД_1$) билан режадаги ўртача даражаси ($ЯДД_0$) орасидаги фарқни ($ЯДД_1 - ЯДД_0$) ҳисобот йилидаги ҳақиқий товар обороти ҳажмига (TO_1) кўпайтириб, 100 фоизга бўлиш керак:

$$\frac{(ЯДД_1 - ЯДД_0) * TO_1}{100} = \pm \Delta ЯДД.$$

Ялпи даромаднинг ҳақиқий даражаси режадаги даражасига нисбатан ошса, фойда ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилади натижада уни кўпайишига сабабчи бўлади. Муомала харажатлари ўртача даражаси ($МХД$) ўзгаришининг фойда ҳажми ўзгаришига таъсирини ҳисоблаш учун ҳисобот йилидаги ҳақиқий муомала харажатларининг ўртача даражаси ($МХД_1$) билан режадаги ўртача даражаси ($МХД_0$) орасидаги фарқни ($МХД_1 - МХД_0$) ҳисобот йилидаги товар оборотининг ҳақиқий ҳажмига (TO_1) кўпайтириб 100%га бўлиш керак -

$$\frac{(МХД_1 - МХД_0) * TO_1}{100} = \pm \Delta МХД$$

Муомала харажатлари даражаси режага нисбатан юқори бўлса фойда суммасининг ўзгаришига салбий таъсир қилади натижада ўни қамайишига сабабчи бўлади аксинча бўлса фойда суммаси ошиб хўжалик молиявий жихатдан мустаҳкамланади ушбу омиллар таъсирининг йиғиндиси савдо фаолияти фойдасининг умумий ўзгаришига тенг қилиши шарт :

$$\Delta TO \pm \Delta ЯДД \pm \Delta МХД = \Delta TO, ЯДД, МХД$$

Энди юқорида қайд қилинган қоидалар асосида савдо фойдаси режасининг бажарилишини таҳлилини қуйидаги 45жадвал маълумотларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин.

45-жадвал

Фойда ва ўнга таъсир қилувчи омилларнинг қиёслама таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи(-,+)	Режанинг бажарилиши %
1	Товар обороти ҳажми минг сўм.	253200	255400	+2200	100,9
2	Ялпи даромад минг сўм.	55704	60019	+4315	107,7
3	Муомала харажатлари минг сўм	46844	48271	+1427	103,0
4	Фойда минг сўм	8860	11748	+2888	132,6
5	Ўртача ялпи даромад даражаси%,	22,0	23,5	+1,5	106,8
6	Ўртача муомала харажатлари даражаси %га	18,5	18,9	+0,4	102,2
7	Ўртача фойда даражаси %га	3,5	4,6	+1,1	131,4

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики товарларни сотишдан олинган фойда режада кўзда тўтилган фойдага нисбатан 2888 минг сўмга ёки 32,6%га кўпайган:

$$\frac{ТО_1(ЯДД_1 - МХД_1)}{100} - \frac{ТО_0(ЯДД_0 - МХД_0)}{100} = \frac{255400 * (23,5 - 18,9)}{100} - \frac{253200 * (22,0 - 18,5)}{100} = \frac{255400 * 4,6}{100} - \frac{253200 * 3,5}{100} = 11748 - 8860 = +2888 \text{ минг сўм}$$

Бу ўзгариш икки омилнинг ижобий, бир омилнинг салбий таъсиридан остида юзага қелган. Товар обороти ҳажми режага нисбатан 2200 минг сўмга ошган, натижада шу омил ҳисобига фойда суммаси 77-минг сўмга камайган.

$$\frac{(TO_1 - TO_0) * (ЯДД_0 - МХД_0)}{100} = \frac{(255400 - 253200) * (22,0 - 18,5)}{100} = \frac{+ 2200 * 3,5}{100} = +77$$

минг сўм.

Ялпи даромадни ўртача даражаси режага нисбатан 1,5%га ошган .Бў эса ўз навбатида фойда ҳажмининг ўзгаришига ижобий таъсир қилган, натижада фойда суммаси 3831 минг сўмга кўпайган:

$$\frac{(ЯДД_1 - ЯДД_0) * TO_1}{100} = \frac{(23,5 - 22,0) * 255400}{100} = \frac{+1,5 * 255400}{100} = \frac{383100}{100} = +3831 \text{ минг сўм}$$

Муомала харажатларининг ўртача даражаси режага нисбатан 0,4%га ошган Бў эса фойда ҳажмининг ўзгаришига салбий таъсир қилган, натижада фойда суммаси шу омил ҳисобига 1020 минг сўмга қамайган

$$\frac{(МХД_1 - МХД_0) * TO_1}{100} = \frac{(18,9 - 18,5) * 255400}{100} = \frac{+ 0,4 * 255400}{100} = -1020,0 \text{ минг сўм}$$

Демак, харажатлар 1020,0 минг сўмга ошган, натижада шу суммага фойда ҳажми қамайган, шунинг учун натижа минўс аломати билан ифодаланган Ушбу омиллар таъсирининг йигиндиси фойданинг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

- 1) Товар обороти ҳажми ўзгаришининг таъсири (ижобий) +77 минг сўм
- 2) Ялпи даромад даражаси ўзгаришини таъсири +3831 минг сўм
- 3) Муомала харажатлар даражаси ўзгаришининг таъсири –1020 минг сўм

Фойда суммасининг ўзгариши 2888 минг сўм.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики савдо фаолияти фойдасини ошириш учун муомала харажатлар даражасини қисқин пасайтириш ва товар обороти ҳажмини ошириш имкониятларидан фойдаланиш чораларини кўриш зарўр.

Сотилган товар рентабеллигини таҳлил қилиш.

Рентабеллик –савдо корхонаси фаолиятининг самарадорлигини ифодоловчи асосий кўрсаткичдир Рентабеллик ресурслардан фойдаланиш даражасини ифодоловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади .

Рентабеллик даражаси қанча юқори бўлса, корхона молиявий жиҳатдан шунча мустаҳкам бўлади, ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошади, оқибатда хўжалик фаолияти мустаҳкамланади. Шунинг учун рентабеллик аҳволини ўрганиш ва ўни ошириш имкониятларини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги даражаси қандай аниқланди?

Товарларни сотишдан олинган фойдани (Φ)100%га кўпайтириб, натижасини товар обороти ҳажмига бўлиш орқали рентабеллик даражаси аниқланди:

$$Kp = \frac{\Phi * 100}{TO}$$

Ушбу кўрсаткич 1 сўмлик товар обороти ҳажмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. Бунинг ошиши фойданинг ошганлигини кўрсатади.

Рентабеллик даражасининг таҳлили ҳисобот йилидаги ҳақиқий рентабеллик даражасини режадаги рентабеллик даражасига ёки ўтган йилдаги рентабеллик даражасига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади

$$Kp_1 - Kp_0 = \frac{\Phi_1 * 100}{TO_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{TO_0} = \pm \Delta_{TO_1}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилди :

1) Товар обороти ҳажмининг (сотилган товар қийматининг) ўзгариши;

2) Товарни сотишдан олинган фойда суммасининг ўзгариши

Ушбу омиллар таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиш орқали аниқланади ва таҳлил қилинади. Омиллар таъсирини ҳисоблашдан олдин «шартли рентабеллик даражаси» ҳисоблаб олинади. Буни ҳисоблаш учун базис давридаги (ёки режадаги) фойда суммаси юз фоизга кўпайтириб натижасини ҳисобот давридаги товар оборотининг ҳақиқий ҳажмига бўлинади :

$$Kp = \frac{\Phi_0 * 100}{TO_1}$$

Шундан кейин рентабеллик даражасининг ўзгаришига омиллар таъсири куйидагича ҳисобланади:

1-омил «Товар обороти ҳажми» ўзгаришининг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «Шартли рентабеллик даражасидан» режадаги (ёки базис давридаги) рентабеллик даражасини чегириб ташланади

$$Kp_{ш} - Kp_0 = \frac{\Phi_0 * 100}{TO_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{TO_0} = \pm \Delta_{TO}$$

Товар обороти ҳажми ошса, рентабеллик даражасининг пасайишига сабабчи бўлади

2-омил Товарни сотишдан олинган фойда суммаси ўзгаришининг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги ҳақиқий рентабеллик даражасидан режадаги (ёки ўтган йилдаги) рентабеллик даражаси чиқариб ташланади.

$$Kp_1 - Kp_{ш} = \frac{\Phi_1 * 100}{TO_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{TO_1} = \pm \Delta_{\Phi}$$

Ушбу икки омил таъсирининг йиғиндиси рентабеллик даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак

$$\Delta_{TO} \pm \Delta_{\Phi} = \Delta_{TO, \Phi}$$

Энди, юқорида қайд қилинган «Занжирли боғланиш» усулига амал қилиб, савдо корхонаси маълумотлари асосида рентабелликнинг амалий таҳлилини кўриб чиқамиз. Бўнинг учун 46-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

46-жадвал

Сотилган товарлар рентабеллигининг таҳлили:

№	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқий товар обороти ва режадаги фойда суммаси бўйича	Ҳақиқатда	ўзгариши (-,+)	Ўзгариши	
						Товар оборотини ўзгариши ҳисоби га	Фойда нинг ўзгариши ҳисоби га
1	Товар оборотини ҳажми, м.сўм.	253200	255400	255400	+2200	×	×
2	Товарни сотишдан олинган фойда, м.сўм.	8860	8860	11748	+2888	×	×
3	Рентабеллик даражаси %да	3,50	3,47	4,60	+1,10	-0,03	+1,13

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот йилидаги ҳақиқий рентабеллик даражаси режадагисига нисбатан 1,1% ошган

$$\frac{\Phi_1 * 100}{TO_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{TO_0} = \frac{11748 * 100}{255400} - \frac{8860 * 100}{253200} = 4,60 - 3,50 = +1,1\%$$

Ушбу ўзгариш икки омил таъсири остида юзага келган, шу жўмладан товар обороти ҳажми ўзгариши салбий, фойда ҳажмининг ўзгариши ижобий таъсир қилган.

Товар обороти ҳажмининг 2200минг сўмга ёки 0,9 %га ошиши ҳисобига рентабеллик даражаси 0,03%га пасайган

$$\frac{\Phi_1 * 100}{TO_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{TO_0} = \frac{8860 * 100}{255400} - \frac{8860 * 100}{253200} = 3,47 - 3,50 = -0,03\%$$

Сотишдан олинган фойда ҳажми 2288 минг сўмга ёки 25,8%га ошиши рентабеллик даражасининг 1,13%га ошишга сабабчи бўлган

$$\frac{\Phi_0 * 100}{TO_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{TO_0} = \frac{11748 * 100}{255400} - \frac{8860 * 100}{253200} = 4,60 - 3,47 = +1,13\%$$

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки рентабеллик даражасини ошишига асосий сабаб бў, -ялпи даромад даражасининг муомала харажатлари даражасига нисбатан юқори бўлишлигидир .

Демак, рентабелликни ошириш учун товарлар учун бериладиган чегиртма даражасини ошириш ва муомала харажатлари даражасини камайтириш ҳисобланади.

Рентабеллик даражаси ўзгаришининг таҳлилини муомала харажатларига нисбатан ҳам ҳисоблаб амалга ошириш мумкин. Бў муомала харажатлар рентабеллиги бўлиб ҳисобланади. Бўни аниқлаш учун товарларни сотишдан олинган фойдани (Ф)юз фоизга кўпайтириб, натижасини муомала харажатлари ҳажмига (мх) бўлиш керак:

$$K_p = \frac{\Phi * 100}{MX}$$

Таҳлилни «Занжирли боғланиш » усулидан фойдаланиб , қуйидаги қетма-қетликда амалга ошириш зарўр :

Муомала харажатлари рентабеллигининг умумий ўзгариши :

$$\frac{\Phi_1 * 100}{MX_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{MX_0} = \pm \Delta m\chi, \phi$$

Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига содир бўлади:

1)Муомала харажатларининг ҳажмини ўзгариши

2)Фойда ҳажмининг ўзгариши

Муомала харажатлари ўзгаришининг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш: $\frac{\Phi_0 * 100}{MX_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{MX_0} = \pm \Delta m\chi$

Муомала харажатларнинг ҳажми нисбатан ошса, рентабеллик даражасининг ўзгаришига салбий таъсир қилади, аксинча харажатлар ҳажми пасайса, ижобий таъсир қилади.

Фойда ҳажмининг ўзгаришининг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш:

$$\frac{\Phi_1 * 100}{MX_1} - \frac{\Phi_0 * 100}{MX_1} = \pm \Delta \phi$$

Фойда ҳажмининг ошиши рентабеллик даражасининг ўзгаришига ижобий таъсир қилади.

Шу икки омил таъсирининг йиғиндиси муомала харажатлари рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак :

$$\Delta m\chi \pm \Delta \phi = \Delta m\chi \phi$$

Шундан кейин омиллар таъсирига баҳо берилиб рентабеллик бўйича умумий хулоса қилиниши керак.

13.4 Молиявий ҳолатни ифодоловчи нисбий кўрсаткичларнинг таҳлили

Молиявий аҳволнинг барқорорлиги мўтлоқ миқдорлар билан бир қаторда молиявий нисбий кўрсаткичлар билан ҳам тавсифланади. Молиявий кўрсаткичлар молиявий коэффицентлар деб юритилади. Бўлар бўхгалтерия

баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлар асосида аниқланади ва таҳлил қилинади .

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятларни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир . Шунинг учун молиявий ҳолатни тавсифловчи ва ўнга баҳо берувчи молиявий коэффициентларни аниқлаш ва таҳлил қилиш зарур .

Корхонанинг молиявий ҳолати қуйидаги молиявий коэффициентлар орқали тавсифланади ва ўлар асосида ўнинг аҳволига баҳо берилади:

Тўловга қодирлиқ коэффициенти;

Молиявий мустақил коэффициент ;

Молиявий қарамлик (тобелик) коэффициенти ;

Корхонанинг қарз ва ўз маблағларининг ёки ўз ва қарз маблағларининг ўзаро нисбати коэффициенти;

Ўз айланма маблағлар билан таъминланиш коэффициенти ;

Ишчанлик фаолият коэффициентлари ;

Рентабеллик коэффициентлари ;

Тўловга қодирлик коэффициенти савдо корхонасининг қисқа муддатли мажбуриятларини қоплай олиш қобилиятини билдиради.

Бў коэффициент жорий ликведлик коэффициенти деб ҳам айтилади.

Ушбу коэффициентни аниқлаш учун айланма активлар суммасини қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига бўлиш керак :

$$K_{TK} = \frac{A_2}{П2 - УКК - МУК}$$

Бў ерда, A_2 -айланма активлар жами

$П2$ -мажбуриятлар жами

$УКК$ -узоқ муддатли қарз ва кредитлар

$МУК$ -хўқўматнинг қарори билан тўлаш муддати ўзайтирилган қарзлар.

Молиявий мустақиллик коэффициенти савдо корхонасининг ўз маблағлари балансдаги жами маблағларга нисбатан неча фоизни ташкил қилишини ифодалайди. Бу коэффициентни аниқлаш учун корхонанинг ўз маблағлари манбаларининг жамини баланснинг жамига бўлиш керак:

$$K_{MM} = \frac{П1}{БЖ}$$

Бунда, $П1$ -ўз маблағлари манбаларининг жами

$БЖ$ - баланснинг жами

Бу коэффициентнинг минимал қиймати 0,5 микдордан кам бўлмаслиги керак

Молиявий тобелик коэффиценти

Бу коэффицент қарз капиталининг (П2) балансинг жамига (Бж) нисбатан эгалланган ҳисасини билдиради. Бў коэффицент қарз капиталини жамини (П2) балансинг жами сўмасига (Бж) бўлиш орқали аниқланади: $K_{мм} = \frac{П2}{Бж}$

Корхонанинг қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффиценти (молиявий таваккалчилик коэффиценти). Бу коэффицент қарз маблағларининг жами сўмасини ўз маблағлари манбаларининг жами суммасига бўлиш орқали аниқланади. Бў коэффицентнинг қиймати 0,5 коэффицентгача бўлса, мўътадил ҳисобланади. Агар ушбу коэффицент ўз маблағларининг жамини қарз маблағларининг жамига нисбати тариқасида аниқланса, унинг муътадил қиймати 0,5 ва ўндан юқори бўлиши керак. Буларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{кў} = \frac{П2}{П1}; \quad K_{ўк} = \frac{П1}{П2};$$

Ўз айланма маблағлари билан таминланиш коэффиценти.

Ушбу коэффицент ўз айланма маблағлари манбаининг жами айланма маблағлар ҳажмига бўлиш орқали аниқланади .

$$K_{ўа} = \frac{П1 + УКК - А1}{А2} = \frac{\text{Ўз айланма маблағлари манбаи}}{\text{Айланма маблағлар жами}}$$

Бў ерда, А1-узоқ муддатли активлар жами

Бў коэффицент корхонанинг ўз айланма маблағлари жами айланма маблағларга нисбатан тўтган ўрнини, улушини билдиради, бошқача айтганда корхонадаги мавжўд айланма маблағлар қанчаси (неча фоизи) ўз айланма маблағлари ҳисобига ташкил бўлганлигини билдиради.

Бў коэффицентни минимал қиймати 0,1 дан қам бўлмаслиги керак.

Тўловга қодирлиқ, молиявий мустақиллик, ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффицентларини таҳлил қилиш усуллари ва амалий бажариш йўллари 6.3, 6.4 ва 6.5 параграфларда тўлиқ ёритилган, шунинг учун бў бўлимда ўларнинг таҳлиliga тўхталмадиқ. Бу ерда молиявий қарамлик (тобелик) коэффицентининг таҳлиliga тўхталдик.

Молиявий қарамлик коэффицентининг таҳлили. Ҳисобот даврининг охиридаги коэффицентни йил бошидаги коэффицентига солиштириш орқали ўзгариши аниқланади:

$$\frac{УКК_1 + КМК_1}{БЖ_1} - \frac{УКК_0 + КМК_0}{БЖ_0} = \pm \Delta_{бж, укк, кмк}$$

Ушбу коэффицентнинг ўзгаришига ўчта омил таъсир қилади . Омиллар таъсири «Занжирли боғланиш усулини қўлаш орқали» қуйидаги тартибда ҳисобланади .

1-омил «баланс жами ўзгариши»нинг молиявий қарамлик коэффицентининг ўзгаришига таъсири:

$$\frac{УКК_0 + КМК_0}{Бж_1} - \frac{УКК_0 + КМК_0}{Бж_0} = \pm \Delta_{бж}$$

балансинг жами давр охирида давр бошига нисбатан ошса коэффициент пасаяди, демак, ушбу омил ўнинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган бўлиб ҳисобланади

$$\frac{УКК_1 + КМК_0}{Бж_1} - \frac{УКК_0 + КМК_0}{Бж_1} = \pm \Delta_{укок}$$

узоқ муддатли қарзлар суммаси ошган сайин ушбу коэффициент ҳам ошади, демак қарамлик даражаси ошади.

3-омил «Қисқа муддатликредит ва қарзлар» ҳажми ўзгаришининг қарамлик коэффициентининг ўзгаришига таъсири:

$$\frac{УКК_1 + КМК_1}{Бж_1} - \frac{УКК_1 + КМК_0}{Бж_1} = \pm \Delta_{кмк}$$

Қисқа муддатли қарз ва кредитлар ҳажмининг ошиши ушбу коэффициент ўзгаришига салбий таъсир қилади. Омиллар таъсирларининг йигиндиси молиявий қарамлик коэффициентининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Шундан кейин ҳар бир омил таъсирига баҳо берилиб хулоса қилиниши зарўр.

Юқорида қайд қилинган коэффициентлар орасида корхонанинг молиявий аҳволининг барқарорлигини баҳолашда асосий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1)Молиявий мустақиллик коэффициенти

2)Молиявий қарамлик коэффициенти

3)Молиявий таваккалчилик коэффициенти (корхонанинг қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти)

Биринчи коэффициентининг қиёслама даражаси юқори бўлса, иккинчи ва учунчи кўрсаткичларники паст бўлса, корхонанинг молиявий аҳволининг мустаҳкамлмгидан молиявий таваккалчилик даражасини пастлигидан далолат беради. Агар аксича бўлса –молиявий ҳолатнинг заифлашганлигини ва молиявий таваккалчилик даражаси (ҳавфи)нинг ошганлини кўрсатади.

Ушбу коэффициентлар асосида молиявий аҳвол даражасига баҳо бериш учўн қуйидаги қиёслама таҳлил бажарилди :

47-жадвал

Хўжалик молиявий аҳволи ҳолатини қиёслама таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Ўзгариши (+,-)
1	Ўз маблағлари манбаларининг жами, минг сўм.	170738	209398	+38660
2	Қарз маблағлари, минг сўм	46088	70279	+24191
2.1	Узоқ муддатли пассивлар, минг	3095	9638	+6543

	сўм			
2.2	Қисқа муддатли пассивлар (кредит ва қарзлар) минг сўм	1200	1400	+200
2.3	Кредиторлик қарзлари минг сўм	41793	59241	+17448
3	Балансинг жами минг сўм	216826	279677	+62851
4	Молиявий мустақиллик коэффиценти, % (п1:бж)	78.7	74.9	-3.8
5	Молиявий тобиллик коэффиценти,% (п2:бж)	21.3	25.1	+3.8
6	Молиявий таваккалчилик коэффиценти ,% (п2:п1)	27.0	33.6	+6.6

47-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжалик молиявий аҳволида заифлашиш ҳолати содир бўлган аммо шуни қайд қилиш кераки хўжалик молия аҳволи ҳали мустаҳкамдир чунки ўнинг баланси жамига нисбатан улуши 74,9 %ни ташкил қилади

47-жадвалдан кўриниб турибдики молиявий мустақиллик коэффиценти 3,8 пунктга пасайган, молиявий тобиллик шу пунктга ошган, таваккалчилик коэффиценти 6,6 пунктга юқори бўлган. Ушбу маълумотлар хўжалик молиявий аҳволининг озроқ заифлашидан далолат беради.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили

Савдо корхонасининг молиявий ҳолатини даражаси дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг даражасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Шунинг учун дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини чуқур ўрганиш зарур. Дебитор ва кредитор қарзларини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Қарзларнинг миқдорини аниқлаш

Қарзларнинг пайдо бўлиш сабабларини кўрсатиш

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича чоралар белгилаш.

Шу йўналиш бўйича қарзларни мўътадил ва мўътадил бўлмаган турларга бўлиб ўрганиш зарур.

Ушбу қарзларни таҳлил қилиш тартиби 6,6 ва 10,4 параграфларда ёритилган. Шунинг учун бу бўлимда уларга тухталмадик. Ушбу бўлимда дебиторлик,кредиторлик қарзларининг айланувчанлик курсатгичлари таҳлил қилинди.

Дебиторлик, кредиторлик қарзларининг айланиш тезлиги даражасининг ўзгариши молиявий ҳолат аҳволига маълум даражада ижобий ёки салбий таъсир қилади.

Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик тезлиги қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланади ва таҳлил қилиниб баҳоланади:

дебиторлик қарзларининг айланувчанлик (ҚДҚа). Бу коэффициентни аниқлаш учун товар обороти суммасини (ТО) дебиторлик қарзларининг (Дқ) жамига бўлиш керак: $ҚДҚа = \frac{ТО}{ДК}$

дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичи.

Бў кўрсаткич икки усул билан аниқлаш мумкин :

Биринчи усул: товар обороти суммаси (ТО) дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициентига (ҚДҚа) бўлиш орқали ўларнинг айланиши даври (кун ҳисобида) аниқланади: $Адқ = \frac{ТО}{ҚДҚа}$

Иккинчи усул: дебиторлик қарзлари жамини (дқ) товар обороти суммасига (то) бўлиб, натижасини даврдаги (йилдаги) алиндар кунлар сонига (360) кўпайтириш орқали айланиш даври (кун ҳисобида) аниқланади: $Адқ = \frac{ДК}{ТО} * 360$

дебиторлик қарзларининг айланма активлардаги салмоғи $ҚДҚс = \frac{ДК}{А2} * 100$

муддати ўтган дебиторлик қарзларининг улуши. Бў кўрсаткич муддати ўтган дебиторлик қарзлари суммасини (дмў) дебитор қарзларининг жами суммасига (ДК) орқали аниқланади: $Қдмў = \frac{ДМУ}{ДК} * 100$

Кўйида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, дебиторлик қарзларининг айланувчанлик кўрсаткичини таҳлилни кўриб чиқамиз:

48- жадвал

№	Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши
1	Дебитор қарзларининг жами, минг сўм	24720	24004	-716
2	Товар айланмаси, минг сўм	248000	255400	+7400
3	Айланма активлар, минг сўм	41200	39350	-1850
4	Муддати ўтган дебиторлик қарзлари, минг сўм	8620	8200	-420
5	Дебитор қарзларининг айланиш коэффициенти	10,0	10,6	+0,6
6	Дебитор қарзларининг айланиш даври (кун ҳисобида)	35,9	33,8	-2,1
7	Айланма активлар таркибидаги дебитор қарзларининг ҳиссаси, % да	60,0	61,0	+1,0
8	Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами, дебиторлик қарзларининг ҳиссаси, %да	34,9	34,2	-0,7

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, дебиторлик қарзларининг айланиши тезлашган, яъни уларнинг айланиш сони 10 дан 10,6 мартага кўтарилган. Бу товар обороти суммасининг ва дебитор қарзлари ҳажмининг ўзгариш ҳисобига юзага келган. Ушбу ўзгаришга омиллар таъсири «Занжирли боғланиш» усули ёрдамида аниқланади. Бўнинг учун биринчи навбатда «Дебитор қарзларининг шартли айланиш коэффиценти»ни ҳисоблаш зарур, ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ҳисобот йилидаги товар оборот ҳажмини (ТО1) базис йилидаги дебиторлик қарзининг жамига бўлиш керак:

$$КДҚа = \frac{ТО_1}{ДК_0}$$

Шундан кейин дебиторлик қарзининг айланиш коэффицентининг ўзгаришига омиллар таъсирини бемалол аниқлаш мумкин. Дебиторлик қарзини айланиш коэффицентининг умумий ўзгариши :

$$\frac{ТО_1}{ДК_1} - \frac{ТО_0}{ДК_0} = \frac{255400}{24001} - \frac{248000}{24720} = 10,6 - 10,0 = +0,6$$

Демак дебиторлик қарзларини айланиши ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 0,6 мартага ошган: яъни дебиторлик қарзларини ўндўрилиши тезлашган. Бў қуйидаги 2 омил ҳисобига содир бўлган:

1-омил. Товар обороти суммасининг ўзгариши. Бў омилнинг дебиторлик қарзларининг айланиш коэффицентининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун дебиторлик қарзларини шартли айланиш коэффицентидан базис йилидаги коэффицентни чегириб ташлаш керак.

$$\frac{ТО_1}{ДК_0} - \frac{ТО_0}{ДК_0} = \frac{255400}{24720} - \frac{248000}{24720} = 10,3 - 10,0 = +0,3 \text{ марта}$$

Демак, товар обороти ҳажмининг 7400 минг сўмга (255400-248000=+7400 минг сўм) ошиши натижасида дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти 0,3 мартага тезлашган.

2-омил. Дебиторлик қарзлари ҳам ҳажмининг ўзгариши. Бў омилнинг айланиш коэффицентининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги айланиш коэффицентидан шартли айланиш коэффицентини чегириб ташлаш керак: $\frac{ТО_1}{ДК_1} - \frac{ТО_1}{ДК_0} = \frac{255400}{24004} - \frac{255400}{24720} = 10,6 - 10,3 = +0,3 \text{ марта}$

Демак, таҳлил қилинаётган даврда дебиторлик қарзлари суммасининг 716 минг сўмга қамайиши натижасида дебиторлик қарзларининг айланиш коэффиценти ҳам 0,3 марта ошган, яъни дебиторлик қарзларининг ўндириб олиш даражаси тезлашган.

Хуллас, дебиторлик қарзларининг айланиш коэффицентига икки омил ҳам ижобий таъсир қилган, натижада дебиторлик қарзларини ўндириб олиш даражаси 0,6 мартага тезлашган. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври ҳисобот даврида ўтган даврга нисбатан 2,1 кунга қисқарган:

$$\frac{ДК_1 * 360}{ТО_1} - \frac{ДК_0 * 360}{ТО_0} = \frac{24004 * 360}{255400} - \frac{24720 * 360}{248000} = 33,8 - 35,9 = -2,1$$

Ушбу ўзгаришга икки омил ҳам ижобий таъсир қилган

1-омил. Товар обороти ҳажмининг ўзгариши. Бў омилнинг дебиторлик қарзларининг айланиш даврининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун «шартли айланиш даври» кўрсаткичидан базис давридаги дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичини чигириб ташлаш керак:

$$\frac{ДК_0 * 360}{ТО_1} - \frac{ДК_0 * 360}{ТО_0} = \frac{24720 * 360}{255400} - \frac{24720 * 360}{248000} = 34,8 - 35,9 = -1,1 \text{ кун}$$

Ҳисобот йилидаги товар обороти ҳажми базис йилига нисбатан 7400 минг сўмга ошиши дебитор қарзининг айланиш даврини 1,1 кунга қисқаришига олиб келди. У дебиторлик қарзининг айланишини тезлашганидан далолат беради, яъни қарзларни ўндириш тезлашганини кўрсатади.

2-омил. Дебиторлик қарзлари ҳажмининг ўзгариши. Дебиторлик қарзлари ҳажми ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 716 минг сўмга қамайган. Бў эса ўз навбатида дебиторлик қарзларининг айланиш даврини қисқаришига сабабчи бўлган. Ушбу омилнинг дебиторлик қарзларининг айланиш даврининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги айланиш даври кўрсаткичидан шартли айланиш даври кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{ДК_1 * 360}{ТО_1} - \frac{ДК_0 * 360}{ТО_1} = \frac{24004 * 360}{255400} - \frac{24720 * 360}{255400} = 33,8 - 34,8 = -1,0 \text{ кун}$$

Демак, дебиторлик қарзлари ҳажмининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 716 минг сўмга қамаيши дебиторлик қарзларининг айланиш даври 1 кунга қисқаришига сабабчи бўлган

Хуллас, икки омилнинг ҳам ижобий таъсири остида дебиторлик қарзларини ўндириб олиш муддати 2,1 кунга тезлашган. Бў эса молиявий аҳволнинг мустаҳкамланишига сабабчи бўлади, яъни харажатларнинг қамаишига, фойданинг ошишига товар оборотининг ўсишига сабабчи бўлади.

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик кўрсаткичларини ҳам молиявий аҳвол нўқтаи назардан ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффицентини (Ккка) аниқлаш учун товар обороти суммасини кредиторлик қарзларининг жами суммасига бўлиш керак: $Ккка = \frac{ТО}{КК}$ $Ккка_a = \frac{ТО}{КК}$ Қарзларининг

бўлиш керак: $Ккка = \frac{ТО}{КК}$ $Ккка_a = \frac{ТО}{КК}$ Қарзларининг

Ҳисобот йилидаги кредиторлик коэффицентининг айланиш коэффицентидан ўтган йилги айланиш коэффицентини айтириш орқали

коэффицентнинг умумий ўзгариши аниқланади: $\frac{ТО_1}{КК_1} - \frac{ТО_0}{КК_0} = \pm \Delta_{то,кк}$

Бунга икки омил таъсир қилади. Омиллар таъсири қуйидагича ҳисобланади:

1) Товар обороти ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\frac{TO_1}{KK_0} - \frac{TO_0}{KK_0} = \pm \Delta \text{ то}$$

Тоавар обороти ҳажми нисбатан ошса, айланувчанлик коэффиценти ҳам ошади. Демак, ушбу омил коэффицент ўзгаришига бевосита таъсир қилади.

2)Кредиторлик қарзлари ҳажми ўзгаришининг таъсири: $\frac{TO_1}{KK_1} - \frac{TO_1}{KK_0} = \pm \Delta_{КК}$

Кредиторлик қарзлари ҳажми ошса, коэффицент ўзгаришига салбий таъсир қилади.

Кредиторлик қарзларининг айланиш даврини (кун ҳисобида) умумий ўзгаришини аниқлаш: $\frac{KK_1}{TO_1} * 360 - \frac{KK_0}{TO_0} * 360 = \pm \Delta_{ТО,КК}$

Бў ўзгариш ҳам юқоридаги икки омил ҳисобига юзага келади. Омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1-омил. Товар обороти ҳажми ўзгаришининг таъсири $\frac{KK_0}{TO_1} * 360 - \frac{KK_0}{TO_0} = \pm \Delta \text{ то}$

2-омил. Кредиторлик қарзлари суммаси ўзгаришининг таъсири: $\frac{KK_1}{TO_1} * 360 - \frac{KK_0}{TO_1} = \pm \Delta_{КК}$

Таҳлил пайтида кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти ва кредиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичи билан бир қаторда яна қуйидаги икки коэффицент аниқланади ва таҳлил қилинади:

1)Мажбуриятлар тарқибидаги кредиторлик қарзларининг улуши. Бў кўрсаткични аниқлаш учун кредиторлик қарзларининг жами суммасини (Кқ) 100 %га кўпайтириб, натижасини мажбуриятларнинг жами суммасига бўлиш керак: $КҚс = \frac{КК * 100}{П2}$

2)Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг (КҚмў)жами кредиторлик қарзлари (КҚ) тарқибидаги улуши. Бу кўрсаткични аниқлаш учун муддати ўтган кредиторлик қарзлари суммасини 100%га кўпайтириб, натижасини кредиторлик қарзлари жами суммасига бўлиш керак: $КҚМЎс = \frac{КҚМУ}{КК}$

Ушбу икки кўрсаткич ўзгаришлари ҳам «Занжирли боғланиш» усули ёрдами таҳлил қилинади.

13.6. Таянч иборалар

Ялпи даромад
Ялпи фойда
Рентабеллик
Дебиторлик қарзлари
Кредиторлик қарзлари
Товар обороти
Муомала харажатлари
Баланс
Баланс активи

Баланс пассиви
Узоқ муддатли активлар
Айланма активлар
Мажмӯриятлар
Узоқ муддатли мажбуриятлар
Қисқа муддатли мажбуриятлар
Ўз маблағлари манбалари
Ўз айланма маблағлари

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

Ялпи даромад деб нимага айтилади ва ў қандай ҳисобланади?
Ялпи даромад режасининг бажарилишини таҳлилини тушинтиринг
Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади ?
Савдо фаолияти фойдаси қандай аниқланади, фойда мазмунини тушинтиринг?
Фойда ҳажмининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади ?
Сотилган товарлар рентабеллик даражаси қандай ҳисобланади?
Рентабеллик мазмуни ва аҳамиятини тўшгинтиринг.
Рентабеллик даражасининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади?
Молиявий ҳолатни ифодоловчи нисбий кўрсаткичлар дегенда қайси кўрсаткичларни тўшинасиз?
Молиявий коэффицентлар дегенда қандай кўрсаткичлар тўшинилади?
Дебиторлик қарзларининг мазмунини тушунтиринг ва таҳлил қилиш йўллари баён қилинг
Кредиторлик қарзларини тушинтиринг. Бу ерда қайси усуллардан фойдаланиб, таҳлилни амалга ошириш мумкин?
Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти қандай ҳисобланади? Ушбу коэффицентнинг мазмунини тушинтиринг
Кредиторлик қарзлари бўйича айланувчанлик коэффиценти қандай ҳисобланилади? Унинг мазмунини тушинтиринг
Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланма маблағлар ва мажбуриятлардаги ҳиссасини аниқланг ва мазмунини баён қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996
2. Каримов И.А. – Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи – Т.: «Ўзбекистон»; 1998
3. Каримов И.А. – Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. Т.10 – Т.: Ўзбекистон, 2002
4. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. 1996

5. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни (1996 йил 30 август тасдиқномаси)
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонун, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 1998
7. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. ЎзРВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарори билан тасдиқланган.
8. Абдуллаев Ё – Макроиктисодий статистика: 100 савол ва жавоб. Т.: «Мехнат», 1998
9. Абдуллаев Ё, Иброҳимов А, Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб – Т.: «Мехнат», 2001
10. Абдукаримов И.Т. – Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. Тошкент – 1998
11. Абрютин М.С., Грачев А.В. – Анализ финансов – экономической деятельности предприятия – М.: - 2002
12. Баканов М.И., Шермет А.Д. – Экономический анализ. М.: «Фиканел и статистика», 1999
13. Дехонов С., Асроров И – Иқтисодий таҳлил назарияси. Маъруза матнлари. Тошкент – 2000
14. Ергешев Е. – Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик – Т.: «Молия нашриёти», 2000
15. Иброҳимов А.Т. – Молиявий таҳлил. – Т.: «Мехнат», 1995
16. Корхонанинг молиявий таҳлиliga доир услубий тавияномалар. – Солиқлар ва божхона хабарлари, 1997
17. Макроиктисодий статика. С.Ғуломов таҳрири остида- Т.: - 2000
18. Пардаев М.К. – Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик – Самарқанд, 2001
19. Раҳмонов К – Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш. Тошкент, 1996
20. Савицков Г.В. – анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. Учебник – Минск 000 «Новое знание», 2001
21. Тулахўжаева М – Молиявий ҳисоботни ва молиявий коэффицентларни таҳлил қилиш. – Т.: 1996
22. Шоалимов А.Х – Саноат корхоналари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш. – Т.: 1992
23. Қудратов Т.К. – Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиги статистик таҳлили. Самарқанд 1990
24. Қудратов Т.К., Дузматов С.М. – Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили фанидан амалий машғулотлар учун услубий кўрсатмалар ва топшириқлар тўплами. Самарқанд – 1996
25. Қудратов Т.К. – Корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили фанидан бажариладиган амалий машғулотлар тўплами ва улар ечими бўйича услубий кўрсатмалар қўлланмаси. Самарқанд – 2000.
26. Қудратов Т.К. – Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. Маърузалар курси. Самарқанд – 2002.

27. Қудратов Т.К. – Иқтисодий таҳлил назарияси муаммоли лекциялар курси. Самарқанд – 2004.
28. Қудратов Т.К., Деҳқонов С.Д. – Қишлоқ хўжалик статистикаси ўқув қўлланма. – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент – 2004.

Мундарижа

КИРИШ.

1-мавзу. Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни ва аҳамияти.

Иқтисодий таҳлилнинг иқтисодий фанлар тизимида тутган ўрни.

Иқтисодий таҳлил тўғрисида тушунча ва унинг аҳамияти.

Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва унинг усуллари.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги иқтисодий таҳлилнинг вазифалари.

Таянч иборалар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

2-мавзу. Корхоналарнинг йиллик ҳисоботларини тўғри тузилганлигини қайта текшириш.

Ҳисоботларнинг таркиби, мазмуни ва аҳамияти.

бухгалтерия баланси кўрсаткичларининг ўзаро мослигини ва тўғри тузилганлигини текшириш.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш.

Маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ўзаро мослиги ва тўғрилигини текшириш.

Таянч иборалар.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

3-мавзу. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш режаси ва динамикасининг таҳлили.

3.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

3.2. Маҳсулотларнинг турлари ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш аҳволининг таққослама таҳлили.

3.3. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасининг омилли таҳлили.

3.4. Саноат ялпи маҳсулоти ҳажмининг омилли таҳлили.

3.5. Саноат товар маҳсулотларини сотиш режасини бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.

3.6. Маҳсулот сифатининг таҳлили.

3.7. Таянч иборалар.

3.8. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

4-мавзу. Саноат маҳсулоти таннархининг таҳлили.

4.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

4.2. Маҳсулот таннархи умумий ҳажмининг таҳлили.

4.3. Бир сўмлик товар маҳсулоти харажатининг омилли таҳлили.

4.4. Маҳсулот таннархи таркиби ва таркибий тузилишининг таҳлили.

4.5. Таянч иборалар.

4.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

5-мавзу. Саноат корхоналарида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили.

5.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

5.2. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.

5.3. Саноат маҳсулотини сотишдан олинган ялпи фойда ҳажмининг омилли таҳлили.

- 5.4. Сотилган саноат маҳсулоти рентабеллигининг омилли таҳлили.
- 5.5. Таянч иборалар.
- 5.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

6-мавзу. Саноат корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили.

- 6.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 6.2. Бухгалтерия баланси асосида корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари бўйича умумий молиявий аҳволини таҳлил қилиш.
- 6.3. Молиявий мустақиллик коэффициенти таҳлили.
- 6.4. Корхонанинг тўловга қодирлик кўрсаткичининг таҳлили.
- 6.5. Корхонанинг ўз айланма маблағлари билан таъминланиш даражасининг таҳлили.
- 6.6. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили.
- 6.7. Таянч иборалар.
- 6.8. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

7-мавзу. Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш режасининг бажарилиши ва динамикасининг омилли таҳлили.

- 7.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 7.2. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили.
- 7.3. Ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили.
- 7.4. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.
- 7.5. Ялпи маҳсулотнинг ўзгаришига асосий воситалар ва улардан фойдаланиш даражаси ўзгаришининг таъсирини таҳлил қилиш.
- 7.6. Таянч иборалар.
- 7.7. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

8-мавзу. Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг омилли таҳлили.

- 8.1. Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари.
- 8.2. Ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмининг таҳлили.
- 8.3. Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархининг таҳлили.
- 8.4. Таннарх таркибидаги харажат моддалари ўзгаришининг омилли таҳлили.
- 8.5. Таянч иборалар.
- 8.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

9-мавзу. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ялпи пул даромади ва фойдаси режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилиш.

- 9.1. Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва манбалари.
- 9.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулотларни сотишдан олинган пул даромади режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилиш.

- 9.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойдасининг омилли таҳлили.
- 9.4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рентабеллигининг таҳлили.
- 9.5. Таянч иборалар.
- 9.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

10-мавзу. Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили.

- 10.1. Қишлоқ хўжалик корхонасида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили.
- 10.2. Бухгалтерия баланси асосида молиявий барқарорлик коэффицентининг таҳлили.
- 10.3. Баланс ликвидлиги кўрсаткичлари асосида тўловга кодирлик даражасининг таҳлили.
- 10.4. Дебиторлик қарзлари ўзгаришининг хўжалик молиявий аҳволига таъсирининг таҳлили.
- 10.5. Таянч иборалар.
- 10.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

11-мавзу. Савдо корхоналарида товар оборот режасининг бажарилиши ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирининг таҳлили.

- 11.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 11.2. Савдо корхоналарида товар обороти режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.
- 11.3. Савдо корхонасининг товар захиралари билан таъминланиши ва товарларнинг айланишини таҳлил қилиш.
- 11.4. Товар айланиш ҳажмининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи меҳнат омиллари таъсирининг таҳлили.
- 11.5. Таянч иборалар.
- 11.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

12-мавзу. Савдо корхонасида муомила харажатларининг таҳлили.

- 12.1. Таҳлилнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.
- 12.2. Муомила харажатларининг умумий ҳажми ва даражасининг ўзгаришини таҳлил қилиш.
- 12.3. Муомила харажатларини моддалар бўйича таҳлил қилиш.
- 12.4. Ўзгарувчан меҳнат ҳақи фондининг омилли таҳлили.
- 12.5. Таянч иборалар.
- 12.6. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

13-мавзу. Савдо корхонасининг молиявий ҳолатининг таҳлили.

- 13.1. Савдо корхонаси ялпи даромади режасининг бажарилишини таҳлил қилиш.
- 13.2. Савдо корхонаси фойдаси режасининг бажарилишини ва динамикасини таҳлил қилиш.

- 13.3. Сотилган товарлар рентабелллигининг таҳлили.
- 13.4. Молиявий ҳолатни ифодаловчи нисбий кўрсаткичларнинг таҳлили.
- 13.5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили.
- 13.6. Таянч иборалар.
- 13.7. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.